

TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI

ILMIY AXBOROTLARI

ILMIY-NAZARIY JURNALI № 1 (18) 2019.

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК**
ТАШКЕНТСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО
ПЕДАГОГИЧЕСКОГО
УНИВЕРСИТЕТА

**SCIENTIFIC
BULLETIN**
OF THE TASHKENT
STATE PEDAGOGICAL
UNIVERSITY

Jurnal Toshkent shahar Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2014-yil 30-iyulda ro'yxatga olingan. Guvohnoma №02-00175. Har ikki oyda bir marta nashr etiladi.

Jurnalning chiqish ma'lumotlarini GOST 7.4-95 "Nashrlar. Chiqish ma'lumotlari" hamda GOST 7.56-2002 "Xalqaro standart turkum raqami" davlatlararo standartlar talablari asosida bo'lishini to'liq ta'minlash maqsadida, Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi tomonidan **2181-9580 ISSN raqami** berilgan.

Manzil: 10100, Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Bunyodkor ko'chasi 27-uy. Tel.: 276-75-26 e-mail: tdpulm@gmail.com

Buyurtma № 118. Adadi 30 nusxa. Hajmi 16,25 b/t. Bichimi 60x84 1/8 Nizomiy nomidagi TDPU "Tahrir va nashr" bo'limida chop etildi. Toshkent, Yusuf Xos Hojib -103.

BOSH MUHARRIR

Sharipov Sh.S. – pedagogika fanlari doktori, professor

BOSH MUHARRIR O`RINBOSARI

Muslimov N. – pedagogika fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY'ATI

- Abdullayeva B.** – pedagogika fanlari doktori, professor
Asqarov A. – tarix fanlari doktori, akademik
Djurayev R. – *pedagogika fanlari doktori, akademik*
Beginqulov U. – pedagogika fanlari doktori, professor
Djoraev M. – pedagogika fanlari doktori, professor
Saparov Q. – biologiya fanlari doktori, professor
Shaxmurova G. – biologiya fanlari doktori, professor
Mamatqulov D. – biologiya fanlari nomzodi, professor
Avazov SH. – *pedagogika fanlari nomzodi, professor*
Nasriddinov K. – *Fizika-matematika fanlari doktori, professor*
Mo'minova L. – pedagogika fanlari doktori, professor
Yuzlikayev F. – *pedagogika fanlari doktori, professor*
Yunusova D. – *pedagogika fanlari doktori, professor*
Yumi LI – falsafa doktori, Seul pedagogika universitet professori
Isyanov R. – pedagogika fanlari nomzodi, dotsent
Urazova M.. – pedagogika fanlari doktori
Tuxliyev B. – filologiya fanlari doktori, professor
Mamadazimov M. – pedagogika fanlari doktori, professor
Abduqodirov A. – pedagogika fanlari doktori, professor
Kozlov V. – psixologiya fanlari doktori, Yaroslavl davlat universiteti professori
Mazilov V. – psixologiya fanlari doktori, Yaroslavl davlat universiteti professori
Nishonova Z. – psixologiya fanlari doktori, professor
Xalilova SH. – psixologiya fanlari doktori
Qahramonov Q. – filologiya fanlari doktori, professor
Mamadaliyev A. – pedagogika fanlari nomzodi, dotsent
Azimov I. – filologiya fanlari nomzodi, dotsent
Matenova Yu. – pedagogika fanlari nomzodi, dotsent
Nuriddinov E. – tarix fanlari doktori, professor
Ishquvatov V. – tarix fanlari nomzodi, dotsent
Tulenova K. – falsafa fanlari doktori, professor
Toyloqov N. – pedagogika fanlari doktori, professor
Ergashev P. – psixologiya fanlari doktori
Panjiyev Q. – san'atshunoslik fanlari nomzodi, dotsent
Shodiyev X. – XXR Shaansi universiteti professori
Nurullayev M. – Falsafa doktori, PhD
Verenich S.B. – Belorusiya davlat pedagogika instituti
Chudakova V.P. – Falsafa doktori, Ukraina pedagogika instituti

УДК: 371.3

**БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИДА
АХБОРОТ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**Абдуллаева Б.С. – Тошкент давлат педагогика университети, педагогика фанлари доктори,
профессор**

Аннотация. Шахснинг ахборот компетентлиги жамиятни ахборотлаштириш жараёни билан бевосита боғлиқдир. Ахборотнинг экспоненциал ўсиши жамиятга таъсир кўрсатиб, уни ахборотлашувига олиб келади. Ушбу мақолада бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларининг ахборот компетентлиги унинг касбий компетентлигининг зарурый ташкил этувчиси сифатида ўрганилган.

Калит сўзлар: бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари, ахборот компетентлиги, ахборот, ахборотлаштириш, касбий компетентлик, касбий фаолият.

**РАЗВИТИЕ ИНФОРМАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ НАЧАЛЬНЫХ
КЛАССОВ В ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

**Абдуллаева Б.С. - Ташкентский государственный педагогический университет, доктор
педагогических наук, профессор**

Аннотация. Информационная компетентность человека напрямую связана с процессом информатизации общества. Экспоненциальный рост информации влияет на общество и приводит к его информатизации. В данной статье информационная компетентность будущих учителей начальной школы рассматривается как необходимый компонент ее профессиональной компетентности.

Ключевые слова: будущие учителя начальной школы, информационная компетентность, информация, информация, профессиональная компетентность, профессиональная деятельность.

**DEVELOPMENT OF INFORMATION COMPETENCE OF FUTURE TEACHER OF INITIAL CLASSES IN
VOCATIONAL AND EDUCATIONAL ACTIVITIES**

Abdullaeva B.S. - Tashkent State Pedagogical University, doctor of pedagogical sciences, professor

Annotation. Information competence of a person is directly related to the process of informatization of society. The exponential growth of information affects society and leads to its informatization. This article considers the information competence of future elementary school teachers as a necessary component of their professional competence.

Key words: future teachers of primary school, information competence, information, professional competence, professional activity.

Фан ва техника ривожланиши юқори автоматлаштирилган ахборот муҳитини яратишни таъминлайди. Шунга кўра, ўқитиши инсонларда уларга ҳаёт кечиришнинг янги ахборот муҳитида, жумладан ўқитишининг замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш шароитларида таълим олиш учун ҳамда янги яхлит оламни тушуниш ва ахборот дунёқарashi учун зарур бўладиган янги компетентликларни шакллантиришни таъминлаши керак.

Америкалик педагог Ф.С. Шлехтининг таъкидлашича, «мактаб дастурининг таянч курсини муваффақиятли ўзлаштирган ўқувчилар ўз билимларини таниш вазиятларда қўллашга ўрганадилар, аммо ахборот билан мустақил ишлаш кўнимкамларини эгалламайдилар, ахборот жамиятида муваффақиятга эриша олмайдилар» [1; 6.6]. Шунинг учун замонавий умумий таълим мақсадларидағи асосий устунликлардан бири сифатида ахборот компетентлиги ҳисобланади. Н.А.Морозова ўзининг ишида [2] шахс ривожланишининг турли ёш давларидан ҳар хил асосий компетентликларни шакллантириш зарурлигини таъкидлайди (масалан, мактабгача даврда – биринчи навбатда шахсий ва коммуникатив; мактаб даврида – умуммаданий, ўқув-билиш, ахборот, коммуникатив; касбий тайёргарлик даврида – қадриятли-мазмунли, умуммаданий, ижтимоий-меҳнат, ахборот, коммуникатив, сиёсий ва ижтимоий, кўп маданиятли жамиятда яшаш компетентликлари, бутун умр давомида таълим олиш қобилияти ва истагини амалга оширувчи компетентликлар). Аммо инсоннинг

бутун ҳаёти давомида шакллантириши зарур бўлган қатор компетентликлар ҳам мавжуддир. Бундай компетентликларга ахборот компетентлиги ҳам киради.

Ахборот компетентлиги мустақил билиш фаолияти соҳасидаги компетентликлар - «турли ахборот манбаларидан, жумладан мактабдан ташқари манбалардан билимларни эгаллаш усувларини ўзлаштириш таркибида қузатилади» [3; 6.13].

Ахборот компетентлиги тушунчаси ҳақида бугунги кунда аниқ белгиланган таъриф келтирилмаган. Муаллифлар мазкур тушунчанинг талқинини турлича қўядилар. Ҳозирги вақтда «ахборот маданияти» атамаси қўлланиладиган қатор ишлар мавжуд бўлиб, бунда, бизнинг фикримизча, ахборот компетентлиги тўғрисида гап боради, айrim тадқиқотларда муаллифлар «ахборот компетентлиги» ва «ахборот маданияти» атамаларини синонимлар сифатида қўллайдилар.

Адабиётларда «ахборот маданияти» тушунчасини таърифлашга кўпгина ёндашувлар мавжуд. Адабиётлар таҳлили мазкур тушунчанинг кўп қирралилиги тўғрисида хulosага келиш имконини беради. Маданий ёндашув нуқтаи назаридан маданият инсоннинг умумий маданиятининг ташкил этувчиси сифатида, инсоннинг ахборот жамиятида ҳаёт фаолияти усули сифатида, инсоннинг ижтимоий аҳамиятли ахборотнинг бутун ҳажмини ўзлаштириши давомидаги унинг ички оламининг ўйғунашуви жараёни сифатида қаралади.

Н.И. Гендинанинг таъкидлашича, ахборот маданиятининг барча компонентларини «бирлаштирувчи» муҳим бўғин ахборот дунёқарashi ҳисобланиб, у «ахборотга умумлашган қарашларни, ахборот ресурслари, ахборот тизимлари, ахборот технологиялари, ахборотлаштиришни, ахборот жамияти ва унда инсоннинг ўрнини, инсонларнинг атрофдаги ахборот муҳитига муносабатлари ҳамда мазкур қарашлар билан боғлиқ уларнинг қарашлари, идеаллари, билиш ва фаолият принциплари» тизимини ифодалайди [4].

Тор маънода ахборот маданияти ахборот билан мақсадга мувофиқ ишлаш кўникмаси ва уни олиш, қайта ишлаш ва етказиш учун янги ахборот технологияларидан фойдаланиш, яъни ахборот эҳтиёжларини қондириш учун йўналтирилган ахборот фаолиятини амалга ошириш сифатида қаралади. Мазкур ҳолатда, бизнинг фикримизча, ахборот компетентлиги тўғрисида айтиш ўринлидир.

«Ахборот компетентлиги» тушунчасининг мазмунига турли муаллифлар нималарни киритишларини кўриб чиқамиз. О.Н. Крилова ва Т.Г. Галактионовалар ахборот компетентлигига шахснинг ахборотни мустақил излаш, танлаш, таҳлил қилиш, ташкил этиш, ифодалаш ва етказиш қобилияти сифатида қараш мумкинлигини таъкидлайдилар [5].

О.Г. Смолянинова, шунингдек, ахборот компетентлигини «ахборотни излаш, қабул қилиш, қайта ишлаш, ифодалаш ва етказишнинг, ахборотни умумлаштириш, тизимлаштириш ва билимга айлантиришнинг универсал усули» сифатида талқин этади [6; 6.161].

Л.Г. Осипова ахборот компетентлиги остида «кенг, жадал янгиланувчи ва ўсиб борувчи ахборот майдонида мўлжал олишни билиш, зарур маълумотни тез топиш ва уни ўз фаолияти тизимига киритиш, амалий ва тадқиқотчилик вазифаларини ҳал этиш учун қўллаш»ни тушунади [7; 6.25].

В.И. Назаров ва Л.В. Куклина ахборот компетентлигига замонавий мультимедиа воситалари ёрдамида ахборотнинг катта ҳажмини олиш ва қайта ишлаш қобилияти сифатида қарайдилар [8]. О.И. Кочурова ахборот компетентлиги остида «муайян касбда зарур бўлган касбий алоқадор бўлган маълумотни олиш, қайта ишлаш, етказиш, сақлаш ва ифодалаш даражасини таъминловчи компьютер билимлари ва кўникмалари» тизимини тушунади [9; 6.4].

А.В. Хуторской ахборот компетентлигига зарур ахборотни мустақил излаш, таҳлил қилиш ва танлаш, уни ҳақиқий обьектлар (телефизор, магнитофон, телефон, факс, компьютер, принтер, модем, нусха кўчириш ускунаси) ва ахборот технологиялари (аудио- ва видеоёзиш, электрон почта, ОАВ, Интернет) ёрдамида ташкил этиш, қайта ташкил қилиш, сақлаш ва етказиш кўникмаларини киритади. Мазкур компетентлик «ўқувчининг ўқув фанларидағи ва таълим соҳаларидағи ҳамда атрофдаги оламда мавжуд ахборот билан фаолияти малакаларини таъминлайди» [10; 6.4].

С.Д. Каракозов ахборот компетентлигини: «ахборот жамияти фуқаросининг ўзи учун сир ҳисобланмаган ахборотдан эркин фойдаланишни таъминлаш имконияти билан ифодаланади деб ҳисоблайди. [11; 6. 50].

В.Г. Билинкина ахборот компетентлиги «ахборотга ишлов беришнинг аналитик методларини билиш; телефондан то шахсий компьютер ва компьютер тармоқларигача турли техник қурилмалардан

фойдаланиш бўйича аниқ малакаларда; турли манбалар ахборотларидан фойдаланиш ва олиш, тушунарли кўринишда ифодалаш ва унинг турли кўринишлари билан ўзининг психолого-физиологик маълумотларида мос равища самарали ишлашда; ахборотнинг янги манбаларини яратиб, ўз ишида АКТдан ҳар томонлама фойдаланиш қобилиятида» да намоён бўлишини таъкидлайди [12].

Самара области Администрациясининг Шимоли-Шарқий бошқармасининг таълим ва фан департamenti мутахассислари ахборот компетентлиги остида «битирувчининг у ҳал этаётган вазифа нуқтаи назаридан олинган ахборотни тушуниш, тизимлаштириш, танқидий баҳолаш ва таҳлил қилиш, асосли хуносалар чиқариш, олинган ахборотдан муайян вазиятда ўз фаолиятини режалаштириш ва амалга оширища фойдаланиш, мавжуд ахборотни тизимлаштириш, уни ахборот истеъмолчisinинг сўровларига мос равища турли шаклларда ва турли ташувчиларда тақдим этиш қобилиятини» ни тушунадилар [13].

Н.Х. Насирова [14], А.А. Деркачлар ҳам касбий ахборот компетентлигини ўрганиб, қатор фикрларни билдирганлар [15; 6.532-533].

Ахборот фаолиятидаги компетентлик, шунингдек, ахборот технологияларининг салбий оқибатларини бартараф этиш қобилиятида ифодаланади (масалан, ҳақиқатдан йироқлашиш, компютердан қўрқиш, мулоқотнинг пасайиши, мулоқот бўйича шеригининг шахсини ҳисобга олмаслик ва уни хабарлар тўпламига тенглаштириш ҳисобига меҳнатни ноинсонпарварлаштириш ва бошқалар) [16; 6.533].

Адабиётлар таҳлили «ахборот компетентлиги» тушунчасининг кўп қирралилиги тўғрисидаги хуносага келиш имконини беради. Аҳамиятли белgilар қаторига ахборот дунёқарashi, информатика соҳасидаги назарий билиmlар, ахборотни излаш, таҳлил қилиш ва фойдаланиш бўйича билиmlар, кўникмалар ва малакалар мажмуи, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг амалий кўникма ва малакалари, фаол ижтимоий қарашларнинг ва таълим мухити субъектлари мотивациясининг ифодаланганилиги киритилади.

«Ахборот компетентлиги» тушунчаси тадқиқотчилар томонидан тор ва кенг маънода ўрганилади. Тор маънода ахборот компетентлиги ахборотни излаш, қабул қилиш, қайта ишлаш, тақдим этиш, узатиш учун янги ахборот технологиялари, замонавий техник воситалар ва методлардан фойдаланиш кўникмаси билан боғланади. Бизнинг фикримизча, ахборот компетентлиги нафақат ахборот билан ишлаш учун янги ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаси билан, балки ахборотни таҳлилий-синтетик қайта ишлашни амалга ошириш, ахборот-излаш тизими сифатида кутубхонадан фойдаланиб ахборот-излаш вазифаларини ҳал қилиш, яъни анъанавий технологиялардан фойдаланиш орқали ахборот фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ.

Аввал таъкидланганидек, сўнгги йилларда битирувчининг касбий фаолиятга тайёргарлиги бўлажак мутахассиснинг умумкасбий компетентлиги тушунчаси билан боғланади. Таълимни модернизациялаш мазмунида бўлажак ўқитувчини тайёрлаш сифатининг интеграл кўрсаткичи сифатида касбий компетентликни тушуниш керак бўлиб, у муайян билиmlар ва кўникмалар мажмуи орқали белгиланмайди, балки инсоннинг аниқ бир вазиятда эгалланган билиmlар ва тажрибаларини амалга ошириш кўникмаларини ифодалайди. Ўқитувчининг касбий маҳорати ўз ичига турли компетентликларни, жумладан ахборот компетентлигини киритади.

Замонавий шароитларда ўқитувчининг ахборот компетентлиги унинг умуман касбий педагогик компетентлигини белгилаши маълумдир. Ўқитувчи ҳужжатларнинг асосий турларини ва таълим соҳасидаги нашр кўринишларини, илмий-педагогик ахборотни олишнинг каналлари ва манбаларини билиши, ҳужжатларга аналитик-синтетик ишлов бериш методлари, ахборот-излаш тиллари, кутубхоналар ва маълумотлар базаларида ҳужжатларни излаш ўсуллари тўғрисида тасаввурларга эга бўлиши керак. У библиографик каталоглардан, кўрсаткичлар ва картотекалардан фойдаланишни билиши, китоблар ва луғатлар тузилишини тушуниши, муайян мавзу бўйича библиография тоза олиши, компьютер ёрдамида ўрганилаётган муаммо бўйича фактографик ёки библиографик базани ярати олиши керак [17; б. 141].

Бундан ташқари таълимни ахборотлаштириш шароитларида ўқитувчи ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш учун унда янги ахборот ва коммуникацион технологиялардан фойдаланишни билиши керак.

Е.В. Иванова ўқитувчининг ахборот компетентлигини касбий-педагогик фаолиятда самарали қарорлар қабул қилишга имкон берувчи маҳсус фанга оид билимларни ташкил этишнинг алоҳида тури сифатида, касбий фаолиятнинг ташкил этувчиларини киритувчи ўқитувчининг касбий компетентлигининг ташкилий қисми сифатида қарайди. [18].

Шу тариқа, музаллиф ўқитувчининг ахборот компетентлигини фақат компьютер саводхонлиги ва ўқув жараёнида янги ахборот ҳамда коммуникацион технологияларидан фойдаланиш кўникмаси билан боғлади.

О.Г. Смолянирова ўқитувчи касбий компетентлиги структурасида очиқ таълим шароитларида мустақил ишга тайёрлик даражасини белгиловчи компетентликларни ажратади.

С.Р. Удалов педагогнинг ахборот компетентлигига «педагогик ахборот билан мақсадга мувофиқ ишлаш ва уни олиш, қайта ишлаш ва узатиш учун ахборотлаштириш воситалари ва ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаси» сифатида қарайди [20; 6.105].

В.А. Сластенин, И.Ф. Исаев, А.И. Мишенко ва Е.Н. Шиянов ўқитувчининг касбий компетентлиги структурасида ахборот кўникмаларини ажратиб, бу нафақат ўқув ахборотини баён этиш кўникмалари, балки шунингдек «манбалар билан ишлаш кўникма ва малакалари, бошқа манбалардан ахборот олиш ва дидактик қайта ўзгартириш кўникмаси, яъни ахборотни интерпретациялаш ҳамда таълим ва тарбия вазифаларига мослаштириш кўникмалари» эканлигини таъкидлайдилар [21; 6.48].

Музаллифлар таъкидлашларига кўра, таълим олувчилар билан мулоқот босқичида ўқитувчининг ахборотга оид кўникмалари қўйидаги қобилияtlарда намоён бўлади.

И.В. Шукинанинг тадқиқот иши филология факультетлари талабаларининг ахборот маданиятларини шакллантиришга бағишиланган. Музаллиф «ахборот маданияти» атамасидан фойдалансада, моҳиятига кўра гап бўлажак филологларнинг ахборот компетентликларини шакллантириш тўғрисида боради, тадқиқотчи ахборот компетентлигини талабаларнинг «замонавий ахборот-коммуникацион технологияларнинг потенциал имкониятларини билишлари, мазкур имкониятлардан кундалик ҳаётда, уларнинг тайёргарликлари жараёнида бўлажак касбий фаолиятларида, қарор қабул қилиш жараёнида касбий вазифаларни ечиш учун ахборотлаштириш воситаларидан фойдаланиш, ўрганилаётган жараёnlар ва ҳодисаларнинг ахборот моделларини қуриш ва автоматлаштирилган ахборот тизимлари ёрдамида ахборот моделларининг таҳлилини ўтказиш кўникмаси, таълимни ахборотлаштиришнинг психологик-педагогик асосларини билиш, Интернетнинг таълимий ресурслари ва тармоқ технологияларидан таълим жараёнида ва таълимни бошқаришда қўллаш кўникмаси» сифатида таърифлайди [23; 6.10].

Е.И. Трофимова, ўқитувчининг касбий компетентлигини ўрганиб, педагогика мутахассислигидаги битирувчига талаблар рўйхатини қўйидаги ташкил этувчиларни киритувчи ахборот кўникмалари билан тўлдириш зарур деб ҳисоблади.

Шу тариқа, ўқитувчининг ахборот компетентлиги унинг касбий компетентлигининг зарурий ташкил этувчиси сифатида қарадади. Турли музаллифлар ўқитувчининг ахборот компетентлигига информатика асослари соҳасидаги билимлар ва кўникмалар; таълим соҳасидаги ҳужжатларнинг асосий турлари ва нашр кўринишларини билиш; ахборотни аналитик-синтетик қайта ишлашнинг формал методларини эгаллаганлик; касбий ахборот эҳтиёжларига мос равишда ахборот излаш ўсулларини эгаллаганлик; ахборотни интерпретациялаш ҳамда таълим ва тарбия вазифаларига мослаштириш кўникмалари; ўқув ахборотини баён этиш кўникмалари; янги ахборот технологиялари ва Интернет тармоғидан фойдаланиб ахборотни тўплаш, қайта ишлаш, излаш, сақлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ кўникмалар; ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш учун унда янги ахборот ва коммуникацион технологиялардан фойдаланиш кўникмалари каби ташкил этувчиларни киритадилар.

Компетентликнинг табиати шундайки, у фақатгина инсоннинг қадриятлари билан уйғун бирлиқда, яъни мазкур фаолият туридан чуқур шахсий манбаатдорлик шароитида намоён бўлиши мумкин. Шунинг учун ахборот компетентлигининг когнитив (билимлар) ва операционал-технologik (кўникмалар, тажриба) компонентларидан ташқари индивидда ахборот фаолиятини сифатли амалга оширишга ички мотивациянинг мавжудлигини, мазкур фаолиятга қадрият сифатидаги муносабатнинг мавжудлигини кўзда тутади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Акмеология: Учебник/ Под общ. ред. А.А. Деркача.- М.: РАГС, 2002.- 650 с.
2. Былинкина В.Г. Медиаобразование в лицее [Электронный ресурс]/ В.Г. Былинкина.- Электрон. ст.- Режим доступа к ст.: http://er.perm.ru/sections/doc_view.php?did=223.
3. Гендина Н.И. Концепция формирования информационной культуры личности [Электронный ресурс]/ Н.И. Гендина.- Электрон. ст.- Режим доступа к ст.: <http://nii.art.kemerovonet.ru/index.php?trg=unesco/1>.
4. Гершунский Б.С. Философия образования для ХХI в. (в поисках практико-ориентированных образовательных концепций)/ Б.С. Гершунский.- М.: Интер-Диалект, 1997.- 697 с.
5. Иванова Е.В. Информационная компетентность учителя в современной школе/ Е.В. Иванова// Развитие научного педагогического знания: проблемы, подходы, результаты: Сб. научн. ст. аспирантов/ Под ред. А.П. Тряпицыной [и др.].- СПб.: НИИХ СпбГУ, 2003 – Вып. 1.
6. Каракозов С.Д. Информационная культура в контексте общей теории культуры личности/ С.Д. Каракозов// Педагогическая информатика.- 2000.- № 2.- С. 41-55.
7. Кизик О.А. Становление информационной компетентности учащихся в образовательном процессе профессионального лицея: Дис. ... канд. пед. наук/ О.А. Кизик.- Петрозаводск, 2004.- 159 с.
8. Ключевые компетентности как результат образования [Электронный ресурс]: Приложение 1 к письму Департамента образования и науки Администрации Самарской области «О введении метода проектов в практику образовательных учреждений»/ Лаборатория модернизации образовательных ресурсов.- Электрон. ст.- Самара, 2003.- Режим доступа к ст: - pril_1 <http://medianet.yartel.ru/medianet/do/metod/pril1.shtml>.
9. Kochurova O.I. Система обучения взрослых использованию компьютерных технологий в профессиональной деятельности: Автореф. дис. ... канд. пед. наук/ O.I. Kochurova.- СПб., 1996.- 20 с.
10. Krylova O.N. Развитие информационной компетентности студентов и преподавателей педагогического вуза посредством создания и использования тематических мультимедийных подборок по темам педагогического цикла дисциплин [Электронный ресурс]/ O.N. Krylova, T.G. Galaktionova// «Конгресс конференций Информационные технологии в образовании»: ИТО-2003.- Электрон. ст.- Режим доступа к ст.: <http://ito.edu.ru/2003/II/3-II-3-3286.html>.
11. Morozova N.A. Дополнительное образование как одна из наиболее значимых основ обеспечения формирования ключевых компетенций человека/ N.A. Morozova// Проблемы качества образования. Книга 2. Компетентность человека – новое качество результата образования: Мат. XIII Всерос. совещания.- М.: Уфа: Исслед. центр проблем кач-ва подг-ки спец-в, 2003.- С. 60-67.
12. Nazarov V.I. Возможности новых информационных технологий в социальной работе с разными группами молодежи [Электронный ресурс]/ V.I. Nazarov, L.V. Kuklina// Первая научно-практическая международная конференция «Новые социальные технологии в сфере работы с молодёжью и пожилыми людьми».- Электрон. ст.- Иваново, 2003.- Режим доступа к ст.: <http://ivanovo.ac.ru/win1251/struct/odo/Doc/15.htm>.
13. Nasirova N.X. Проектирование подготовки студентов гуманитарных факультетов классического университета по информатике: Автореф. дис. ... канд. пед. наук/ N.X. Nasirova.- Казань, 2000.- 17 с.
14. Osipova L.G. Деятельность педагогического коллектива по достижению современного качества образования/ L.G. Osipova// Совершенствование структуры школьного образования на основе возрастного подхода: Материалы по итогам конференции 9-10 января 2003 года/ Составитель Гончар М.В.- Калининград, 2003.- С. 22-25.
15. Педагогика: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений/ В.А. Сластенин, И.Ф. Исаев, Е.Н. Шиянов; Под ред. В.А. Сластенина.- М.: Академия, 2002.- 576 с.
16. Polonskiy V.M. Словарь понятий и терминов по образованию и педагогике/ V.M. Polonskiy.- M., 2000.- 367 с.
17. Российская педагогическая энциклопедия: В 2 тт./ Гл. ред. В.В. Давыдов.- М.: Большая Российская энциклопедия, 1993.- Т.1.- 608 с.
18. Smolyaninova O.G. Развитие информационной и коммуникативной компетентности будущих учителей на основе использования мультимедиа-технологий/ O.G. Smolyaninova// Педагогика

развития: ключевые компетентности и их становление: Мат. 9-ой научно-пр. конф./ Краснояр. гос. ун-т.- Красноярск, 2003- С. 158-169.

19. Стратегия модернизации содержания общего образования: Материалы для разработки документов по обновлению общего образования.- М., 2001.- 100 с.

20. Трофимова Е.И. О некоторых аспектах подготовки учителя к профессиональной деятельности в условиях информационного общества/ Е.И. Трофимова// Педагогическая информатика.- 2004.- № 3.- С. 58-61.

21. Удалов С.Р. Подготовка будущего учителя к использованию средств информатизации и информационных технологий в педагогической деятельности/ С.Р. Удалов// Информатика и образование.- 2002.- № 12.- С. 105-107.

УДК: 371.12

THE CONCEPT OF FORMATION INCLUSIVE PREPAREDNESS OF PEDAGOGUES

**Muminova L. R. - Tashkent State Pedagogical University, doctor of pedagogical sciences, professor
Maksudova N. A. - Namangan State University, doctoral student**

Annotation. The article describes the introduction of inclusive education in educational institutions and technologies for preparing future teachers for inclusive education. The essence, objectives, principles of inclusive education for children with special needs, and exits that have inclusive education; the role of international organizations in the implementation of this form of education; the legal basis of inclusive education, resource teachers and their functions are highlighted. The focus was on the issues of "development of physically healthy, spiritually and intellectually developed, self-centered, and decisive life-oriented, upbringing loyalty to the Motherland", reflected in the Movement for Further Development of the Republic of Uzbekistan. The subject of the proposed concept, the pedagogical effectiveness of the higher education (inclusive education) and the results of the education are aimed at providing teachers with the opportunity to provide quality teachers with general education teachers with general secondary education, and to present the current issue of training competent teachers. There given ideas about inclusive education in higher education.

Key words: Inclusive education, integration, inclusiveness, innovation, IEP, disability, concept, children with special needs.

КОНЦЕПЦИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ИНКЛЮЗИВНОЙ ПОДГОТОВКИ ПЕДАГОГОВ

Муминова Л. Р. - Ташкентский государственный педагогический университет, доктор педагогических наук, профессор

Максудова Н.А. - Наманганская государственная университет, докторант

Аннотация. В статье рассказывается о внедрении инклюзивного образования в образовательные учреждения и технологиях подготовки будущих учителей к инклюзивному образованию. Рассматриваются цели, принципы инклюзивного образования для детей с особыми потребностями, роль международных организаций в реализации этой формы образования; правовые основы инклюзивного образования, ресурс учителей и их функции.

Ключевые слова: инклюзивное образование, интеграция, инклюзивность, инновации, IEP, инвалидность, концепция, дети из неблагополучных семей.

ЎҚИТУВЧИНИ ИНКЛЮЗИВ ТАЙЁРЛАШНИ ШАКЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

Муминова Л. Р. - Тошкент давлат педагогикауниверситети, педагогика фанлари доктори, профессор

Максудова Н.А. - Наманган давлат университети, докторант

Аннотация. Мақолада инклюзив таълимни таълим мұассасаларыГа жорий этиш ва бўлажак педагогларни инклюзив таълимга тайёрлаш технологиялари ёритилган. Махсус эҳтиёжли болалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълимнинг мазмун-моҳияти, мақсади, тамоиллари, ушбу таълим шаклини

амалга оширишда халқаро ташкилотларнинг вазифалари; инклузив таълимнинг хуқуқий асослари, педагог ресурси ва унинг вазифалари кайди этилган.

Калит сўзлар:Инклузив таълим, интеграциялашув, инклузия, инновация, ИЭП, ногиронлик, концепция, носоғлом оила болалари.

In Uzbekistan, involvement of children with special needs into general educational institutions began after our independence. Our country participates in a number of important agreements, such as the Convention on the Rights of the Child (ratified in 1992), Dakar "Area of secular movements in the field of education", and the Convention on the Rights of Persons with Disabilities.

At the moment, the EU Project "Inclusive Education for children with special needs in Uzbekistan" is being implemented, the overall objective of the project is to improve the quality of education for children aged 2 to 10 years and to involve them in kindergartens and primary schools in general education. The project works in three areas: the second component of the project is training and retraining of teachers and other specialists for inclusive education.

Inclusive education efficiency (ensuring equal access to education for all learners, taking into account their specific educational needs and individual capacities) is determined by the readiness of the teacher to mutually beneficial cooperation with all subjects in the field of inclusive education.

Inclusive training of the pedagogue is a very complex personality of the person, reflects professional pedagogical skills and is realized in diverse forms of pedagogical competence and serves as an important determinant of creating conditions for the education of children with special needs in general school.

It gives a new meaning to the concept of the proposed subject, the effectiveness of high education (inclusive education) and learning outcomes (a complex of competence that determines the content of inclusive education). The effectiveness of education and its outcomes are reflected in the qualitative requirements of the consumers (individuals, society, and the state). The content of the learning outcomes reflects the complex of competencies that determine the success of the professional activity, and the effectiveness of the learning encompasses the pedagogical preparation and application of practical skills in pedagogical activities.

In the concept of inclusive education of teachers, the following creative methods are used: scientific and methodological, pedagogical-psychological literature, higher education standards (first stage), syllabuses and curriculum. Literature analysis shows that the preparation of the teacher is on the one hand, subject to the content of the subject, and on the other, methodological enrichment of this process.

L.V. Anropova, T.K. Boleev, O.A. Larionova, M. Lukyanova, P.V. Seredenko, A.B. Serikh, N.A. Tarasyuk, V.V. Hitryuk have studied professional the axiological, akmeologic, personal, and behavioral approach to the formation of pedagogical training.

In the first stage of higher education in the Republic of Uzbekistan, according to the State educational standards, the training of specialists is defined by three groups of competencies: academic (the ability to master the methodology and terminology of a particular field of knowledge, the understanding of mutual connections in it, and their ability to apply practical tasks), professional (to the requirements of the real pedagogical situation ability to act appropriately and to act accordingly), socio-personal (as a person's personality, other people, group Other joint activities with the community and expressed competence set).

This will allow you to consider the problem of forming inclusive training from a competency-based perspective. Ideas in the concept of inclusive education of future teachers serve as the basis for understanding the essence of the phenomenon of inclusive training of a teacher. Training of future teachers in inclusive education settings should meet the following requirements:

- effective training of future teachers;
- reflect psychological and pedagogical aspects;
- taking into account the learning outcomes (the competence of the specialist) and the possibility of their implementation in the professional and pedagogical activity;
- Compliance with socio-cultural and humanitarian principles;
- paying attention to the socialization of all children, including children with special needs (EIA);
- Identifying effective ways of interaction, interact with and interact with all participants in the inclusive education process of the teacher;

- recognition and acceptance of inclusive education values, tolerance towards all participants in the learning environment;
- Ensuring professional competence of future teachers.

On the basis of the concept of inclusive education of future teachers on the basis of higher education institutions, there are specific, ideological and theoretical, as the general pedagogic principles:

- The principle of humanism, which defines the life of the child as the primary;
- The principle of respect for each child in the educational and social environment, the right to work together, the recognition of his or her rights and the particular peculiarities of his or her personality;
- the principle of recognizing democratic ideas within the area of education (the right to free choice of educational institution).
- The principle of scientific bases of formation of inclusive preparedness of future teachers;
- The principle of systematics, which determines the process of formation of inclusive preparedness of future teachers (psychological and pedagogical aspects of this process and development of cognitive, emotional, motivated, communicative, reflexive structures);
- The principle of integrity reflecting the formation of knowledge, skills and competence through theoretical and practical content of the subjects;
- The principle of the interconnectedness of the subjects, which involves the integration of the subject matter;

Specific principles of inclusive training:

- The principle of acceptance of the social model of disability, so that the difference of the child from other people is considered as individuality;
- The principle of adaptation of future teachers to new conditions of professional and pedagogical activity;
- The principle of reciprocity and social support;
- the principle of diagnosis and prevention of occupational and pedagogical difficulties (identifying and replacing complexity of inclusive training of future teachers);
- the principle of jointly working out of professional and pedagogical tasks (teaching of children with special needs, correction of inferiority and reduction of existing difficulties with teacher-defectologist, pedagogue-psychologist, exchange of opinions with socio-pedagogues).

In conclusion, it should be noted that this concept provides a strategic solution to the problem of inclusive preparedness of pedagogues on the basis of higher education institutions.

It is important to support the family as a safe environment for the survival of the younger generation. In this regard, it is necessary to raise the level of well-being of families, to establish a healthy psychological environment, to create a spirit of harmony among family members, to protect children's rights, non-governmental and public organizations.

THE LIST OF USED LITERATURE:

1. Tashkent State Pedagogical University named after Nizami Hakimova Muhabbat Fayzievna Pedagogical bases of preparation of students of special needs to the profession (in the example of mentally retarded learners) 13.00.00 Special pedagogics. Synopsis of the dissertation for the doctor of pedagogical sciences 2010.
2. The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan" // The Law documents of the Republic of Uzbekistan. -T., 2017.-p 39. Shomakhmudova R.Sh. "Inclusive education" (international and in Uzbekistan experiments) Tashkent-2011.
3. The decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On Measures to Improve the System of State Support of disabled Persons" // CEDAW: 06/17/5270/0348 04.12.2017.
4. Shomakhmudova R.Sh., A. Berdieva, "Methods of teaching inclusive education for children with disabilities", methodical recommendation "Trust Center Service" 2008.
5. Muminova L. R., Shomakhmudova R.Sh. Methodological basis of the program "Individual correction / development of children with disabilities" methodical recommendation Razzoqov O. J. "HT Matrix 2007

6. R.A. Suleimenova "Methodical approaches to the implementation of inclusive education in the Republic of Kazakhstan." Special education in Kazakhstan, Almaty.
7. A.T. Baymuratova "International experience as evidence of the real possibility of introducing inclusive education in Kazakhstan." City Almaty
8. Ayupova M.Yu., Nurkeldieva D.A. "Actual problems of teacher training in education of children with special needs" p.79 "Implementation of the UN Convention on the Rights of Persons with Disabilities: Foreign and national experience" materials of the Republican Conference, Tashkent 2010.
9. V.V. Khitryuk "Forming the inclusive readiness of future teachers: The effectiveness of the didactic model" Bulletin of the Baltic Federal University named after I. Kant. 2015. Vol. 5. pp. 112-120.

УДК: 681.142.37

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА «ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» ФАНИНИНГ УЗВИЙЛИГИ ВА УЗЛУКСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

Марасулова З.А. - Қўқон давлат педагогика институти, катта ўқитувчи

Аннотация. Мақолада узлуксиз таълим тизимида «Информатика ва ахборот технологиялари» фанини ўқитишинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш муаммолари ёритилган.

Калит сўзлар: Ахборот технологиялари, ўқув фанлари, узвийлик, узлуксизлик, информатика.

ПРОБЛЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ НЕПРЕРЫВНОСТИ И ПРЕЕМСТВЕННОСТИ ПРЕДМЕТА “ИНФОРМАТИКА И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ” В СИСТЕМЕ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Марасулова З.А. - Кокандский педагогический институт, старший преподаватель

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы обеспечения непрерывности и преемственности в преподавании предмета «Информатика и информационные технологии» в непрерывном образовании.

Ключевые слова: Информационные технологии, учебные предметы, преемственность, непрерывность, информатика.

PROBLEMS OF ENSURING CONTINUITY OF THE SUBJECT "INFORMATICS AND INFORMATION TECHNOLOGIES" IN THE SYSTEM OF CONTINUOUS EDUCATION

Marasulova Z.A. - Kokand State Pedagogical institute, senior teacher

Annotation. The article discusses the issues of ensuring continuity in the teaching of the subject "Informatics and Information Technologies" in continuous education.

Key words: information technology, academic subjects, continuity, computer science.

Мамлакатимизда чуқур, кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилар экан, узлуксиз таълим тизимини шакллантиришга биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Бинобарин, келажаги буюк давлатни қуриш тафаккури, дунёқараши такомиллашган, янгича фикрлайдиган кадрларга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ўқув фанлари таълим олувчиларнинг ҳиссиётларини уйғотишга, уларнинг индивидуал хусусиятларини очишга, уларда изланиш хислатларини шакллантиришга йўналтирилса, кутилган натижаларга эришилади. Ўқувчида инсоний фазилатларни ҳосил қилиш учун унинг ўзини ҳаракатга келтирадиган жиҳатларни топишга эътибор қаратилиши лозим бўлади.

Узвийлик мұайян кетма-кетлик асосида таълим-тарбия жараёнининг ташкил этилишини ифодаловчи муҳим сифат бўлиб, аввалги босқич ўқув фаолияти мазмунини ташкил этувчи билим, кўнімка ва малакаларнинг мустаҳкамланиши, кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилишини ифода этади.

Психологияда узвийлик мураккаб психологик ривожланиш қонуниятлари, ёш билан боғли қўзгаришлар ва кризисларни ўрганиш, билимларни босқичма-босқич ўзлаштириш, фаолиятнинг етакчи турлари ўзгариши доирасида кўриб чиқилади.

Педагогик жиҳатдан узвийлик қўйидагича изоҳланади:

- Дидактик тамойил, яъни ўқув жараёнининг мазмуни, ташкилий шакл ва усулларини белгилаб берувчи асосий қоида сифатида;
- шароит, яъни таълим жараёнини самарали ташкил этишга кўмаклашувчи ҳолатлар сифатида;
- ҳаракатга келтирувчи куч, яъни таълим жараёнини амалга оширишга ёрдам берувчи омил;
- таълим, ривожланиш ва тарбия жараёнида мажбурий бажарилиши керак бўлган талаб сифатида.

Таълимда узвийлик икки хил турда қўлланилади. Биринчидан, таълим турлари орасидаги узвийлик. Бунда таълимнинг охирги тури мазмуни аввалгисини қисман такрорлаб, мазмун жиҳатидан узвий боғланган ҳолда унинг охирги таълим турларида давом этади. Иккинчидан, ўқув фанлари орасидаги узвийлик. Бу одатда фанлараро ёки предметлараро боғланиш орқали амалга оширилади [1;4].

Узвийлик тушунчаси узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир турида ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабларни характерлайди.

Узвийлик таълим муассасаларининг ўқув режаларига хос бўлиб, ҳар бир таълим турида ўқувчиларнинг муайян даражада билим олишлари ва таълимнинг давомийлигини таъминлайди.

Педагогика соҳасига оид адабиётларда узвийлик тушунчасига турлича таърифлар берилган (1-жадвал).

1-жадвал. Узвийлик тушунчаси олимлар назарида

№	Ким томонидан берилган	Узвийлик тушунчасига берилган таърифлар
1	Б.Г.Ананьев	Таълимдаги узвийлик ўқувчилар фан асосларини эгаллаш жараёнида олган билимлар тизимининг вақт нуқтаи назаридан ривожланишидир.
2	Ш.И.Ганелин	...узвийлик – бу ўқувчилар томонидан ўрганилаётган ўқув материали учун таянч бўлувчи мавжуд билим, кўникма ва малакаларнинг амалда шундай қўлланилиши ва истиқболда ривожланишидирки, улар асосида билимлар ўртасида турли алоқалар юзага келади, курснинг асосий ғоялари очилади, эски ва янги билимларнинг ўзаро алоқадорлиги таъминланади, натижада ўқувчиларда пухта ва чуқур билимлар тизими шаклланади.
3	С.М. Годникузвийлик жараёни – бу таълимнинг турли босқичлари орасидаги кетма-кетлик тузилишларини тўлдирувчи педагогик намойишларнинг тартиби.
4	С.Л.Рубинштейн	узвийликнинг моҳияти шундаки, ўқитиш жараёнининг ҳар бир босқичи аввалгисининг негизида юзага келганлиги, унинг ички шароитини ташкил этганлиги сабабли барча босқичлар ўртасида ўзаро алоқа мавжуд.
5	К.И.Нешков	узвийлик нафақат шакл, балки мазмун жиҳатидан амалга оширилиши учун янги мавзуда такрорланишларнинг бўлмаслиги, мазмунан бир хил машқларнинг механик такрорланишларига йўл қўймаслик, аксинча, мавзунинг ривожланиб боришига эришишдир.

Келтирилган ёндашувларда таълимдаги узвийликка берилган таъриф «Информатика ва ахборот технологиялари» таълим министри ташкил этишда узвийликнинг универсаллиги ва кўпқирралилигига наён беради, лекин умумий ўрта таълимда «Информатика ва ахборот технологиялари» фани бўйича синфлар, қолаверса, дарсликлардаги боблар ва мавзулар орасидаги узвийликни тадқиқ этиш муаммоси ҳануздагача ўзининг тугал ечимини топмаган.

Таълимнинг узвийлигини таъминлашда таълим мазмунини танлаш ҳам мұхим аҳамият касб этади. Шу маънода таъкидлаш мүмкинки, таълим мазмунини танлаш таълим мазмунининг замонавий фан, ишлаб чиқариш даражасига ҳамда ривожланаётган демократик жамиятнинг асосий талабларига мос бўлиши, таълимнинг мазмунли ва жараёнли жиҳатларининг бирлигини ҳисобга олиниши, ўқувчининг шахсий ривожланишини ҳисобга оладиган бир бутун таркибий тузилмадаги таълим мазмунини барча даражаларда шакллантириш тамойилларида ўз аксини топиши лозим.

Таълим мазмунини шакллантиришда инсонпарварлик, илмийлик, кетма-кетлик, тарихийлик, тизимлилик, ҳаёт билан боғлиқлик, ёш хусусиятларга мослилар, тушунарли бўлиш ҳам аҳамиятга молик [2].

Умумий ўрта, касб-хунар таълими ва олий таълим узвийлиги ҳақида тўхтадиган бўлсак, турли даражадаги таълим дастурларини яратишда юқори ва қўйи бўғин таълим муассасалари ўқув дастурларининг узвийлигини назарда тутиш зарур, бинобарин, олий ўқув юртининг биринчи курс талабасининг мактаб ёки касб-хунар таълими дастурини такрорлаши охирги оладиган билимлари учун замин яратади, тасаввурлар узвийлигини таъминлайди, иккинчи томондан ўқув жараёнига мослаша олмаслик омили, яъни мактаб ўқув жараёни ва олий таълим муассасаси ўқитиш усуллари, технологияларининг бир-бирига мос келмаслиги талабада ўқишга бўлган қизиқишнинг сусайишига олиб келади.

Узвийлик жараёнини шартли равишда З турга бўлишни таклиф этамиз:

- фанлараро жараёнлар, масалан, педагогика ва психология, социология, этика, эстетика ва бошқа фанлараро алоқанинг кучайиши;
- илмлараро жараёнлар, хусусан, фанлар методикаси хulosаларининг дидактикада қўшилуви;
- фан мазмунидаги жараёнлар, яъни бир фан доирасида бажарилган турли йўналишдаги тадқиқотлар натижаларини умумлаштирувчи умумий назария.

Ахборот технологиялари фани узвийлигини таъминлашда ушбу фаннинг бошқа умумтаълим фанлари билан алоқадорлигини таъминлаш ҳам самарали натижаларни кафолатлади. «Информатика» фанининг бошқа умумтаълим фанлари билан алоқадорлигини таъминлаш муаммосига тўхтадиган бўлсак, фан мазмуни ва ўқитиш методикасининг касбий фанлар билан алоқадорлигини ўрнатишда мослаштириш ва бошқаришнинг методик томонлари сифатида алоқадорликнинг тизимли-мантиқий, тушунчавий-лингвистик, политехник ва касбга йўналтирувчи жиҳатлари ётади.

«Информатика ва ахборот технологиялари»нинг фанлараро функциясини табиий фанлар циклида ўрганадиган бўлсак, фан ўқитувчилари учун фанлараро маҳсус курс ва маҳсус семинар учун алоҳида ўқув дастури, режаси ва методик ишланмаларни ишлаб чиқилиши зарур.

«Информатика ва ахборот технологиялари» дарсларида фанлараро узвийликни таъминлаш муаммосини ҳал этишда «Информатика ва ахборот технологиялари»ни муайян фанда қўллаш учун маҳсус курслар ўқитилиши ҳам мумкин деган фикрдамиз.

Хулоса шуки, узлуксиз таълимда узвийлик ва уни таъминлаш муаммосининг ҳар хил ечимлари бўлса-да, бу муаммо таълим тизими ёки таълим мазмуни ўзгариши билан, жамият талабининг ахборот таълимига бўлган эҳтиёжи ортиши ёки камайиши билан янгиланиб боради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Арипов М.М., Юлдашев З.Х., Юлдашев У.Ю. Информатика фанини узлуксиз ўқитиш муаммолари ҳақида// Таълимда ахборот технологиялари респ. илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: ТДПУ, 2000.– Б. 19–20.
2. Аҳлидинов Р.Ш., Ибрагимов Х.И. Умумий ўрта таълим тизимида узвийликни таъминлашнинг илмий-педагогик асослари // «Узлуксиз таълим жараёнини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т., 2004. – Б. 9 – 12.
3. Кустов Ю.А. Место о роль принципа преемственности в педагогике высшей школы //Современная высшая школа. – Москва, 1998. - № 1 (61). – С. 63-76.
4. Кыверялг А.А. Сущность преемственности и ее реализация в обучении //Преемственность в обучении учащихся предметам естественно-математического цикла в школе и среднем профтехучилище: Методические рекомендации. /Под ред. А.А.Кыверялга, А.В.Батаршева. - М.: Изд. АПН СССР, 1984. - С. 6-20.
5. Тайлаков Н.И. ва бошқ. Информатика ва ахборот технологиялари. 10 синф учун дарслик. Extremum Press нашриёти. Тошкент 2017.

УДК: 371.126

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИНинг “КОММУНИКАТИВ НУТҚ МАДАНИЯТИ” ТУШУНЧАСИНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ МОДЕЛИ

Содиқов X. - Жиззах давлат педагогика университети, ўқитувчи

Аннотация. Бўлажак педагогларда коммуникатив-нутқ маданиятини шакллантириш уларнинг педагогик фаолиятини олиб боришида муҳим саналади. Ушбу мақолада бўлажак педагогнинг “коммуникатив нутқ маданияти”, тушунчасининг моҳияти ва унинг назарий модели баён этилган.

Калит сўзлар: бўлажак педагоглар, коммуникатив-нутқ маданияти, педагогик фаолият, модель, кросスマданий, инсонпарварлик.

СУЩНОСТЬ ПОНЯТИЯ “КОММУНИКАТИВНО-РЕЧЕВАЯ КУЛЬТУРА” БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ И ЕГО ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ МОДЕЛЬ

Содиқов X. - Джиззакский государственный педагогический институт, преподаватель

Аннотация. Формирование коммуникативно-речевой культуры у будущих педагогов является важным в их педагогической деятельности. В этой статье описывается сущность понятия “коммуникативно-речевая культура” будущего педагога и его теоретическая модель.

Ключевые слова: будущие педагоги, коммуникативно-речевая культура, педагогическая деятельность, модель, кросс-культура, гуманизм.

THE ESSENCE OF THE CONCEPT “COMMUNICATIVE-SPEECH CULTURE” OF THE FUTURE TEACHER AND HIS THEORETICAL MODEL

Sodikov Kh. – Jizzakh State Pedagogical Institute, teacher

Annotation. Formation of communicative and speech culture of future teachers is important in their teaching activities. This article describes the essence of the concept of “communicative speech culture” of the future teacher and his theoretical model.

Key words: future teachers, communicative speech culture, pedagogical activity, model, cross-cultural, humanism.

Олий таълим тизимидағи ислоҳотлар нафақат ижтимоий йўналишлар, қадриятлар, илмий, маданий, ижтимоий ривожланишдаги ўзгаришлар, балки глобаллашув, кросスマданий коммуникациялар жараёни контексида ҳам содир бўлмоқда. Ислоҳотлар таълим соҳасининг шаклий (анъанавий, масофавийтаълим) ҳамда мазмунли (намунавий дастурлар, фанцикллари, соатлармиқдори, умумтаълим, махсус курслар мазмуни, тақдим этиладиган ахборот, таълим хизматлари сифати) жиҳатларини ҳам қамраб олмоқда.

Бундай устуворликлар бугунги кунда бутун дунёда юз берадиган глобаллашув жараёнлари билан асосланади. Билимларнинг роли шунчалик ўсдики, ҳатто улар алоҳида ҳудудлар ҳамда бутун давлат ривожланишининг асосий конструктив омилларидан бирига айланди. Иқтисодиёт, сиёsat, маданиятдаги ўзгаришлар, замонавий жамиятнинг ахборотга бойлиги таълим соҳасидаги унинг ўрни, ташкил этилиши ва мазмунига ёндашувлардаги туб ўзгаришлар учун асосга айланди.

Гуманистик тафаккур коммуникатив маданият мазмунида тилни эгаллаган шахснинг шаклланиши муаммосига бевосита алоқадордир. Янги минг йиллик бошланиши билан педагогика фанининг долзарб вазифасини нафақат таълим олувчининг юқори профессионаллиги, балки талаба – бўлажак мутахассиснинг шахсий шаклланиши ва ривожланишини таъминловчи олий мактаб таълим тизимининг янги парадигмасини асослаш ташкил этади.

Нутқ маданияти маданиятнинг бошқа компонентлари билан бевосита ўзаро алоқадордир. Бизнинг тадқиқотимиз учун мазкур ўзаро алоқадорлик муҳим аҳамиятга эга, чунки коммуникатив маданиятни шакллантириш жараёнида замонавий жамиятнинг ёшларнинг нутқий маданиятларига, касбий ўзига хосликка таъсирини ва таълим олувчининг нутқ маданиятнинг ҳақиқий даражасини инобатга олиш зарур.

Коммуникатив механизм шахс сифатлари тизимини, жумладан нутқ маданиятини ифодалайди. Коммуникатив маданият, шахснинг умуммаданий ва касбий шаклланишида етакчи ўрин эгаллаб, таълимнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланиб, педагогик тизимларнинг структуравий ва функционал компонентларининг бирлигига моделлаштиришнинг маҳсус обьекти сифатида қаралади ва гуманитар таълимнинг муҳим ташкил этувчиси сифатида намоён бўлади.

Мақолада биз педагогик жараёнда талабаларнинг коммуникатив нутқ маданиятларини шакллантиришнинг аҳамиятини ва унинг бўлажак педагогларнинг компетентликлари ва профессионалликлари билан ўзаро алоқадорлигини, шунингдек тадқиқ этилаётган маданиятнинг касбий тайёргарликка киритилишининг заруратини ўргандик.

Коммуникатив-нутқ маданияти муаммоси бўйича психологик-педагогик адабиётлар таҳлили, бўлажак педагогни «ўқитувчи-ўқувчи» тизимида мақсадга мувофиқ равишда тайёрлаш етарлича тадқиқ этилмаганлигини кўрсатди. Замонавий таълим тизимида юқори малакали, ижодий ва коммуникатив, педагогик жараён самарадорлигини ошириш ва ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг фаолиятларини яхшилаш учун ўзларининг барча имкониятларини максимал қўллай оладиган педагоглар зарур. Мактаб учун «янги ўқитувчи» керак эмас, балки аввалгидек билим ва малакаларга эга бўлган, «ўқитувчи-ўқувчи» тизимида самарали ўзаро муносабатларни амалга оширишга имкон берувчи, ўқувчилар билан ўзаро муносабатларнинг имкониятларини малакали ва рационал қўллаш билан тўлдирилган билим, кўникма ва малакаларга эга ўқитувчи керак. Шунга кўра, педагогика олий таълим муассасаси педагогик жараёнида бўлажак педагогнинг коммуникатив нутқ маданиятини шакллантиришни касбий тайёргарликнинг аспекти сифатида қараш лозим.

Кейинги тадқиқот учун бўлажак педагогнинг «коммуникатив нутқ маданияти» тушунчасининг моҳиятини аниқлаш зарур.

Бўлажак педагогнинг коммуникативнутқ маданиятини шакллантириш касбий тайёргарликнинг ажралмас қисми ва аспекти ҳисобланади. Шунинг учун, бўлажак педагогнинг коммуникативнутқ маданиятини шакллантириш касбий тайёргарлик билан бир вақтда бориши лозим.

Коммуникатив-нутқ маданияти структурасини ҳисобга олиб, биз унга қўйидаги таърифни беришимиз мумкин:

Бўлажак педагогнин гкоммуникатив нутқ маданияти мураккаб интегратив ҳосила бўлиб, педагог шахсидаги ўзгаришларни акс эттиради, фаолият обьектини такомиллаштириш мақсадида «ўқитувчи-ўқувчи» тизимида самарали коммуникацияни таъминловчи билим, кўникма ва малакалар мажмуудан ташкил топади, касбий шаклланиш жараёнида педагогни касбий тайёрлашнинг аспекти ва натижаси ҳисобланади.

Педагог-шахс учта аспектни эгаллаган бўлиши лозим:

- билиш;
- малакага эга бўлиш;
- шахсий –фаолиятга мотивацион-қадриятли муносабатда бўлиш[1].

Шу билан бирга бугунги кунда нафақат «билиш ва малакага эга бўлиш» муҳим, балки бажарилаётган фаолиятга фаол ижобий муносабат ва бунда ижодий ёндашувни намоён этиш ҳам муҳимдир. Бунда фаолиятнинг операцион мезонларидан кўра касбий компетентликни қамраб олувчи шахсий мезонлар (мотивлар) тушунилиши лозим [2].

Бўлажак педагогнинг коммуникатив-нутқ маданияти структурасини аниқлашда қўйидагиларга таянамиз:

- бўлажак педагогнинг «коммуникативнутқ маданияти» тушунчасининг моҳиятига;
- ҳолати бўлажак педагогнинг касбий ва коммуникатив компетентлигига боғлиқ бўлган яхлит педагогик жараён назариясига;
- амалга ошириш учун зарур бўлган, педагогнинг ўқувчилар билан самарали ўзаро муносабатини таъминловчи назарий билимлар, кўникма, малакалар, фаолият усусларига.

Ишлаб чиқилган бўлажак педагогнинг коммуникатив-нутқ маданияти модели қўйидаги компонентларда ифодаланади:

- фаолият мотивлари, эҳтиёжлар, шахснинг фаолиятга муносабатида, шахснинг касбий қизиқишилари, шахс фаолликларида ифодаланувчи мотивацион компонент;

• фаолият объектини (педагогик жараён) ўзгартериш ва самарадорлигини ошириш бўлажак педагогни тайёрлашнинг мақсади ҳисобланувчи, унинг моҳияти тўғрисидаги назарий билимлар, шунингдек педагогик жараённи ўзгартериш усуллари, методлари тўғрисидаги билимлар тизимининг мавжудлиги билан тавсифланувчи мазмунли компонент;

• «ўқитувчи-ўқувчи» тизимида самарали ўзаро муносабат таъминланишига ёрдам берувчи кўникма, малака, фаолият усуллари ва методлари мажмудидан ташкил топган процессуал компонент.

Коммуникатив-нутқ маданиятининг юқорида санаб ўтилган компонентлари унинг мезонлари ва кўрсаткичларини ажратиш имконини беради.

Педагогни тайёрлаш жараёни талабаларнинг билим, кўникмалар, шахсий сифатлар, педагогнинг тўғри хусусиятларини эгаллаш бўйича фаолиятларини акс эттиради. Мазкур фаолиятнинг муваффақиятлилиги мотивацияга боғлиқ, агар мотивация ижобий бўлса, натижалар юқори бўлади. Фаолиятнинг муваффақиятлилиги ёки муваффақиятсизлиги унга бўлган муносабатга боғлиқ. Агар шахс ўз меҳнатининг обрўсини юқори баҳоласа, касби унинг учун катта аҳамиятга эга бўлса, унда бўлажак педагог касбий билимлар ва кўникмаларни эгаллаш учун катта фидойилик, фаоллик билан ишлайди.

Бўлажак педагогнинг коммуникатив нутқ маданиятифаолият обьекти моҳияти тўғрисидаги билимларга таяниши керак. Касбий фаолият тўғрисидаги билимларни эгалламай туриб касбий фаолиятни амалга ошириб бўлмайди. Бўлажак педагог учун яхлит педагогик жараён назарияси билимларини эгаллаш зарур [3].

Яхлит педагогик жараён назариясини, уни бошқаришнинг хусусиятларини билиш, кўрсаткичлари қўйидагилар ҳисобланади:

- педагогик жараён моҳиятини тушуниш;
- педагогик жараён компонентлари, қонуниятлари, ҳаракатлантирувчи кучлари, тарбиявий механизмларини билиш;
- педагогик жараённи бошқариш хусусиятларини билиш;
- педагогик жараённи такомиллаштириш усулларини билиш.

Бўлажак педагогнинг коммуникатив нутқ маданияти албатта коммуникатив компетентликни назарда тутади. Педагогик жараённи такомиллаштириш мақсадида «ўқитувчи-ўқувчи» тизимида рационал ва самарали ўзаро муносабатни амалга ошириша имкон берувчи билимлар, кўникма ва малакаларни эгаллашкоммуникатив нутқ маданиятининг зарурый таркибий қисмлари ҳисобланади.

Коммуникатив компетентликнинг кўрсаткичлари қўйидагилар:

- «ўқитувчи-ўқувчи» тизимида самарали ўзаро муносабатларни таъминловчи малакаларга эгалик;
- «ўқитувчи-ўқувчи» тизимидаги ўзаро муносабатлар услуби.

Ўзаро муносабатларнинг авторитар (иродавий, бошқарувчилик), демократик (конструктив, инсонпарварлик), либерал (барқарор бўлмаган, анархик) каби ҳар бир услуби уларнинг шаклий ва мазмунли жиҳатлари бўйича гуруҳланадиган мъълум сифатлар қатори билан тавсифланади. Ўзаро муносабатлар услугбининг шаклий жиҳати ўқувчиларнинг мурожаат, муносабат шаклини, мазмунли жиҳати эса – унинг алоҳида ҳаракатларининг мазмунини қамраб олади ва бу педагогик фаолиятларнинг асосини ташкил этади.

Педагог барчага бирдек муносабатда бўлишга, “севимлилар”ни ажратмаслиги, ўқувчиларнинг имкониятлари ва хатти-ҳаракатларини обьектив баҳолашга, ижобий баҳонинг рафбатлантирувчи ролини унутмасликка, алоҳида хатти-ҳаракатлар баҳосини умуман шахс баҳоси билан тенглаштирмасликка мажбур. Ихтиёрий вазиятларда ўзини тута олиши, шахсий намуна ҳар қандай маслаҳатлар, кўрсатмалар ва ҳоказолардан кўра кўпроқ таъсир кўрсатишини унутмаслиги, ўзининг кайфияти ва меҳри билан ўқувчиларни хурсанд қилишни билиши, уларга доимо янада яхши ўқиш истагини туғдириши лозим. Ҳар бир педагог ўқувчилар билан нафақат дарс ёки маҳсус ташкил этилган тадбирлар ва машғулотлар вақтида, балки дарсдан ташқари вақтда, аммо муносабатлар чегарасини сақлаган ҳолда мулоқот қилишга интилиши лозим. Ўқитувчи педагогика, психология, педагогик жараённи бошқариш соҳасида ўзининг билимларини доимий такомиллаштиришга ҳамда педагогика фани ва амалиётининг сўнгги ютуқларидан ўз ишида фойдаланишга мажбур.

Ўқитишини билиш түғма сифат ҳисобланмайди, у педагогик фаолиятнинг назарий ва методик асосларини билишҳамда ижодга асосланган амалий педагогик фаолият тажрибаси асосидаги

педагогик фаолиятда ривожланади. Айниқса, ўз ишини танқидий баҳолаш, муваффақият ва муваффақиятсизлик сабабларини англаш, ўз фаолиятини энг яхши намуналар билан таққослаш натижасида эгалланган тажриба қимматлидир. Ижодий педагог амалиётдан ижобий тажрибани эгаллади, унинг давомида педагогик жараённи ташкил этишнинг янги, янада самарали йўлларини излайди. Педагог касбий тайёргарлик билан бир қаторда яхши психологик тайёргарликка ҳам эга бўлиши керак, улар биргаликда ўқув-тарбиявий жараённинг самарадорлигини оширишга ва уни ижодий ташкил этишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, педагог ўқувчиларга ўз қобилиятларини амалга оширишга имкон бериси, шунингдек уларнинг ривожланишини таъминлаши лозим. Бу билан у, бир томондан, ўқувчилар олдида турган ўқув вазифаларини ҳал этиш учун уларга имкониятларидан тўғри фойдаланишга ва бошқа томондан, уларнинг шахсий ривожланишларига кўмаклашади.

Ўз ўқувчиларини ўқишга интилишларини ошириш учун педагог улар ўқиша ютуқларга эришганларида уларни мақташи, улар муваффақиятсизликка учраганларида эса унинг учун жавобгарликни ўз зиммасига олиши керак. Одатда бу мантиқан тўғри эмасдек туюлади, аммо у педагогик жараённи ташкил этишда муҳим ва фойдалидир. Педагог ўз ўқувчиларининг иқтидорлари ва қобилиятларини очишни билиши керак.

Хулоса ўрнида қўйидаги жадвалда бўлажак ўқитувчининг коммуникатив нутқ маданияти тушунчасининг моҳияти ва унинг назарий моделининг кўрсаткичларини тақдим этамиз.

Бўлажак педагогнинг коммуникатив нутқ маданияти	
Мезонлар	Кўрсаткичлар
1. Мотивацион мезон	<ul style="list-style-type: none"> педагог касбига ижобий муносабат; педагогик фаолиятни амалга оширишга қизиқишингмавжудлиги; педагогик жараённинг сифати ва самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган кўнилмаларни эгаллашдаги фаоллик.
2. Яхлит педагогик жараён назарияси ва уни бошқариш хусусиятларини билиш	<ul style="list-style-type: none"> педагогик жараён моҳиятини тушуниш; педагогик жараён компонентлари, ҳаракатлантирувчи кучлари, тарбиявий механизmlарини билиш; педагогик жараённи бошқариш хусусиятларини билиш; педагогик жараённи такомиллаштириш усулларини билиш.
3. Коммуникатив компетентлик	<ul style="list-style-type: none"> «ўқитувчи-ўқувчи» тизимида самарали ўзаро муносабатларни таъминловчи малакаларга эгалик; «ўқитувчи-ўқувчи» тизимида ўзаро муносабатлар услуби.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони.
2. Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х., Ҳайдаров М., Ҳасанбоева О. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Т., «Фан ва технология», 2008, 480 бет.
3. Денисова А.И. Теория и методика профессиональной подготовки студентов на основе информационных технологий. автореф.д-ра.пед.наук. - М., 1994. -С.32.
4. Дьяченко В. К. Сотрудничество в обучении. М., 1991.-С.35. Единство предметно-практической деятельности в профессиональной подготовке будущего учителя. /Под ред. Н.Д.Хмель, Алма-Ата. 1992. - С.86. Пидкастый П.И. Психолого-дидактический справочник преподавателя высшей школы. - М., 1999.-С.120.
5. Якунин В.А. Современные методы обучения в высшей школе. - Л., 1991.-С.125.
6. Scheleirmacher F. Hermeneutic. Heidelberg, 1990. p. 80.
7. СавельеваГ.Н. L'Histoire de la France. I-ère partie. La Prehistoire. L'Antiquité. Le Moyen Age.I999.p.90.

УДК: 371.126

ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИННИГ КАСБИЙ РЕФЛЕКСИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Зармасов Ш. – Жиззах давлат педагогика институти, ўқитувчи

Аннотация. Илмий-тадқиқот ишларини ўрганиш педагогик маҳоратни ошириш муаммоси ечимини топишда касбий рефлексияни ривожлантириш муҳимлигини кўрсатади. Мақолада рефлексия тушунчасининг моҳияти, олимларнинг рефлексия тушунчасига муносабати, педагогик фаолиятда бўлажак ўқитувчининг касбий рефлексиясини ривожлантириш тўғрисидаги фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: рефлексия, педагогик рефлексия, касбий рефлексия, касбий педагогик рефлексия, рефлексив қобилият.

РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ РЕФЛЕКСИИ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ В ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Зармасов Ш. – Джиззакский государственный педагогический институт, преподаватель

Аннотация. Изучение научно-исследовательской работы показывает важность развития профессиональной рефлексии в поиске решения проблемы повышения педагогического мастерства. В статье изложена суть понятия рефлексии, отношение ученых к понятию рефлексии, развитие профессиональной рефлексии будущего учителя в педагогической деятельности.

Ключевые слова: рефлексия, педагогическая рефлексия, профессиональная рефлексия, профессионально педагогическая рефлексия, рефлексивные способности.

THE DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL REFLECTION OF FUTURE TEACHERS IN PEDAGOGICAL ACTIVITY

Zarmasov Sh. - Jizzakh State Pedagogical Institute, teacher

Abstract. The study of research work shows the importance of the development of professional reflection in the search for solutions to the problem of improving pedagogical skills. The article describes the essence of the concept of reflection, the attitude of scientists to the concept of reflection, the development of professional reflection of the future teacher in teaching.

Key words: reflection, pedagogical reflection, professional reflection, professional pedagogical reflexion, reflexive abilities.

Олимлар педагогик маҳоратни ошириш муаммоси ечимининг турли йўлларини кўриб чиқиб, касбий рефлексияни ривожлантирадиган ўқитувчи педагогик тафаккурининг таҳлилий хусусиятларини ривожлантишнинг муҳимлигини таъкидлайдилар.

Рефлексия тушунчаликни фалсафада қадимги Грецияда юзага келган ва инсоннинг ўз онгига содир бўлаётганлар тўғрисида фикрлаш, ўз фикрларининг мазмунига эътибор қаратишими англашган (Декарт); рефлексия ўз-ўзини билишга қобилиятилик сифатида (Сократ, Платон, Плотин, Локк ва бошқалар); билишга оид қобилиятларнинг ривожланиши асоси сифатида (Кант, Гегель, Фихте, Шеллинг) қаралган.

Бугунги кунда фалсафада назарий ва амалий рефлексияни фарқлаш қабул қилинган бўлиб, назарий рефлексия тушунчанинг ривожланиш вақти сифатида, бир тушунча доирасида бир таърифдан бошқасига ўтишга имкон берувчи метод сифатида; амалий рефлексия - индивидуал хатти-ҳаракатнинг ва ниятнинг боғлиқлиги, бунда мазкур боғлиқлик меъёрининг назорати амалга ошириладиган жараёни сифатида тавсифланади[17].

Фалсафий тоифа сифатида юзага келиб, рефлексия ҳозирги вақтда психология, социология, синергетика, мантиқ, андрогогика, эвристика, кибернетика ва бошқа кўпгина фанларнинг тадқиқот обьекти ҳисобланади.

Психологияда рефлексия “субъектнинг ички психик актлар ва ҳолатларининг тушунилиши” сифатида талқин этилади[8]. Ўқитувчининг педагогик фаолиятида рефлексиянинг ролини ўрганишда ижтимоий психология нуқтаи назаридан мазкур тушунчанинг таърифи эътиборга лойик бўлиб, унда

рефлексия инсоннинг бошқа инсонлар томонидан ҳақиқатда қандай қабул қилинишини англаш шакли сифатида қаралади.

С.Л. Рубинштейн шахснинг психик ривожланишини бошқариш имкониятини ўрганиб, рефлексиянинг юзага келиши билан инсонмавжудлигининг алоҳида усулини унинг оламга муносабати билан боғлади:

“Рефлексия ҳаётнинг мазкур узлуксиз жараёнини худди тұхтатаётгандек, узаётгандек инсонни мазкур вақтнинг чегарасидан хаёлан чиқаради, инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати ҳаёт тұғрисидаги фалсафий мулоҳаза юритиш хусусиятига ега бўлади” [16,б.351].

И.С.Ладенко интеллектуал тизимларнинг ўз-ўзини ташкил этишида рефлексиянинг ролини интеллектуал фаолиятдаги кўникма ва малакаларни такомиллаштириш эҳтиёжи ва нутқ, хотира, тасаввурнинг ички ва ташқи шакллари тұғрисидаги психологик тасаввурларни ишлаб чиқиш зарурати билан боғлаган. У “фикрлаш фаолияти жараёнида ички ҳолатдан ташқига ва аксинча ўтишдаги рефлексия бундай жараёнларнинг интериоризацияси ва экстериоризацияси тұғрисидаги тасаввурларнинг шаклланишининг асоси бўлиб хизмат қиласи”, - деб ҳисоблади. [13,б. 13].

Замонавий тадқиқотларда кўпгина муаллифлар томонидан таклиф этилган рефлексия бир қанча таснифига таянади.

Касбий педагогик фаолиятда рефлексия жараёнини ўрганиб, кўпгина олимлар унинг коммуникатив ва ҳамкорликдаги турларини афзал кўради.

Рефлексив қобилиятларни ўқитувчи касбий фаолиятининг зарурий компонентлари деб ҳисоблаган муаллифлар (А.А.Бизяева, В.В.Ветрова, Е.Н.Пехота, И.А.Стеценко, И.Г.Татур, А.В.Христева ва бошқалар) уларни талабаларнинг олий таълим муассасаларида таълим олишлари давриданоқ шакллантириш ва ривожлантириш зарурати тұғрисида айтадилар.

А.В.Христева рефлексив ҳолатнинг моҳиятини ижодий касбий фаолиятнинг тизим ҳосил қилувчи компоненти сифатида очиб беради, бўлажак ўқитувчининг рефлексив ҳолатининг шаклланиши ва ривожланишини шахсий такомиллашиш учун ўқитувчи ижодий имкониятининг зарурий қисми сифатида тушунади [19,б.8-10].

Е.Н.Пехотанинг тадқиқотлари кўрсатишича, талабада касбий рефлексияни ривожлантириш олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини индивидуаллаштириш асосида амалга оширилиши мумкин[15,б.49,50].

В.А.Кривошеев коммуникатив ва шахсий рефлексияни ўрганиб, фаолиятни ўзлаштириш давомида ўқитувчи у тұғрисида ҳамкаслари ва ўқувчилар нима деб ўйлашларини яхшироқ аниқлай олиши ва бу билимларни ўз-ўзини баҳолашга кирита бошлашини таъкидлайди. У “коммуникатив рефлексия шахсий рефлексиянинг мазмуну, тузилиши ва адекватлигини детерминациялайди”, - деб ҳисоблади [10, б.23].

А.А.Бизяева,интеллектуал рефлексияни ўқитувчининг касбий рефлексив сифатлари ривожланадиган асос сифатида ўрганишга имкон беришини таъкидлайди [5,б.12].

Рефлексив қобилият педагог учун билимларни етказиш жараёнида зарурдир. Ю.Н. Кулюткин, бу ҳолатда “шахсий амалий ечимларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнини” рефлексия предметига айлантириш зарур деб ҳисоблади. “Бунинг учун эса унда мазкур жараёнларни таҳлил этишининг тегишли фикрлаш усуллари шаклланган бўлиши керак” [12, б.28].

Ю.Н.Кулюткин, Г.С.Сухобская ва бошқалар, ривожланган педагогик рефлексиясиз, доимий таҳлил ва ўз-ўзини таҳлил қилишсиз ўқитувчи амалий фаолиятида юзага келувчи муаммоларни чукӯр англамасдан уларни ечиш йўлларини тўғри танлаш мумкин эмаслигини билдиради [12,б.74].

Г.М.Коджаспирова педагогик рефлексияни нафақат “ўзига ва ўз хулқига мос баҳо бериш, балки ўзини бошқа инсонлар, аввало ўқитувчи педагогик мулоқот жараёнида ўзаро алоқага киришадиганлар қандай қабул қилишларини тушуниши” сифатида қарайди [9,б.30].

Ҳозирги вақтга қадар педагогик рефлексия тушунчасининг аниқ таърифи йўқлигини таъкидлаш керак. Эҳтимол бу ҳодисани ўрганиш психология, педагогика, педагогик психология, таълим фалсафаси ва бошқа фанлар кесишувида юз бериши билан боғлиқдир.

Кўчириш принципини – рефлексия – бу ўзини англаш..., касбий рефлексия – ўзини касбида англаш, касбий педагогик рефлексия – бу ўзини педагог касбида англаш (Б.З. Вульфов, В.Н. Харькин ва бошқалар)дир.

Биз Г.М. Коджаспированинг нуқтаи назарига қўшила олмаймиз, унинг фикрига кўра, агар рефлексия предмети ўқитувчи педагогик фаолиятининг барча томонларида хизмат қилса, унда бу педагогик рефлексия. Шунга кўра, биз педагогик фаолиятда ўқитувчининг касбий рефлексияси тўғрисида фикрлаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Б.З.Вульфовнинг касбий рефлексия жараёнида ўзини, ўзининг имкониятларини танланган педагогик касб у тўғридаги тасаввурлар, ўзининг педагогик тажрибаси тўғрисидаги мавжуд талаблар билан боғлаш, яъни “кўнгилли актлар занжири” содир бўлиши тўғрисидаги фикри, ташқи сабабларнинг ички шароитлар орқали амал қилиши тўғрисидаги машҳур қоидани тасдиқлади (С.Л. Рубинштейн бўйича) ва бизнинг мақоламиз мавзусини очиб бериш учун жуда муҳим ҳисобланади.

Педагогик маҳоратнинг асосий ҳусусиятларидан бири - рефлексия жараёнида касбий сифатларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигининг тасдиқланиши эмас, балки уларнинг ривожланишини, бойитилишини, кучайтирилишини рағбатлантиришдир.

Г.А. Голициннинг ва Г.П. Шедровицкийнинг ишларида рефлексияга фаолиятнинг ривожланишининг омили ва табиий механизми сифатида катта аҳамият берилади. Г.П. Шедровицкий рефлексияни “фаолиятларнинг бирлашуви (кооперацияси)” нуқтаи назаридан кўриб чиқишни таклиф этган. У бирор-бир фаолият амалга оширила олмаса, унда мазкур ғоя асосида мазкур фаолият доирасидан “рефлексив чиқиш” схемаси қурилади деб ҳисоблайди. Бунда инсон янги фаолият ҳолатига ўтади, “мазмунни қуриш” воситаларига эга бўлади, улардан келиб чиқиб дастлабки фаолиятни тушунади ва ифодалайди ҳамда бунда иккинчи фаолият рефлексив равишда биринчисини “материал” сифатида сингдириб олади [20,6.22-23].

А.А.Халиковнинг ишларида олий таълим муассасалари талabalарининг педагогик маҳоратини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи мезонларнинг (ижтимоий, маънавий, педагогик-психологик) ўзаро боғлиқлик даражасини белгиловчи касбий педагогик рефлексия кўрсатгичлари такомиллаштирилган, бунда олий таълим муассасалари талabalарининг педагогик маҳоратини ривожлантиришда педагогик техника, нотиқлик санъати, интуиция, креативлик, интеллектуаллик, педагогик рефлексия компонентларини қамраб олган педагогик қобилияtlар профессиограммаси такомиллаштирилган[18].

Хулоса шуки, юқорида қайд этилган олимларнинг бундай хулосалари ўқитувчи шахсининг ўз-ўзини ривожлантиришига (бу унинг ўз меҳнати натижаларидан кучли қониқмаслик билан боғлиқ) йўналтирилган бўлиб, бу педагогнинг касбий ўз-ўзини такомиллаштиришининг муҳим сифатларидан биридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ”Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент. –Ўзбекистон.–2017.–488 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент. –Ўзбекистон.–2018.–89 б.
5. Бизяева А. А. Рефлексивные процессы в сознании и деятельности учителя: Дис. канд.психол.наук.-С.-Пб.-1993.-190 с.
6. Вульфов Б.З. Профессиональная рефлексия в непрерывном образовании // Гуманизация образования.- Бийск.-1994.-№ 2,- С.43-50.
7. Философская энциклопедия. - М.: Советская энциклопедия, 1967. - Т.4. -с.499
8. Краткий психологический словарь /Ред. -сост. Л.А. Карпенко, 1998. - с.318
9. Коджаспирова Г.М. Теория и практика профессионального педагогического самообразования.-М.: МГОПИ, Альфа, 1993.- 120с.
- 10.Кривошеев В.А.Рефлексия в деятельности начинающих учителей: Автореф. дис.канд. психол. наук.-Минск, 1991. - 25 с.
- 11.Кузьмина Н.В. Способности, одаренность, талант учителя. Л.: Знание,1985.-32 с.

- 12.Кулюткин Ю.Н.Творческое мышление в профессиональной деятельности учителя/Вопросы психологии,1986.- №2.-с.21-30.
- 13.Ладенко И.С. О роли рефлексии в самоорганизации интеллектуальных систем// Рефлексия в науке и обучении: Сб. науч. трудов/Отв. ред.И.С.Ладенко, О.Л.Донских, Г.А.Антипов.-Новосибирск, 1989- С.7.
- 14.Мышление учителя: личностные механизмы и понятийный аппарат. /Подред. Ю.Н.Кулюткина, Г.С.Сухобской.: Педагогика, 1990.-104 с.
- 15.Пехота Е.Н. Индивидуализация профессионально-педагогической подготовки учителя//Духовность рефлексивность в становлении профессионала: Материалы междунауч.-практ.семинара: Москва, 17-20 июня 1997г./ Под ред. Н.А.Коваль, И.Н.Семёнова.- М.- Тамбов: ТГУ, 1997.- с.49-50.
- 16.Рубинштейн С.Л.Бытие и сознание.- М.: 1957-328 с.
- 17.Современная философия: Словарь и хрестоматия. - Ростов-на-Дону: Феникс, 1996. - с.67.
- 18.Халиков А.А. Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ривожлантириш.Педагогика фанлари бўйича докторлик (dsc) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация.- Тошкент. 2018 й.- 220 б
- 19.Христева А.В. формирование умений анализа профессионально-педагогической деятельности: Метод.реком. для студентов педвузов и учителей- Магнитогорск: МГПИ, 1997, 43 с.
- 20.Щедровицкий Г.П. Коммуникация, деятельность, рефлексия/Исследование рече-мышслительной деятельности.-Алма-Ата,1974.-с.12-28.

УДК: 51:371

MASALALAR USTIDA IJODIY ISHLASH

G'ofurova M.S. - Farg'ona davlat universiteti, o`qituvchi

Annotasiya. Boshlang'ich sinflarda matematika fanini o`qitishda masala yechish muhim o`rin tutadi. Ushbu maqolada matn masalalarini tahlil qilish, ularni yechish yo'llari, shuningdek masala yechishda ma'lum va noma'lum ongli idrok qilish usullari yoritildi. Maqolada, shuningdek, masalani sharti bo'yicha tizimli ishlash, masalani yechishda solishtirib taqqoslashdan foydalanildi.

Kalit so`zlar: matnli matematik masalalar, muammoli vazifa, muammoni hal etish, ma'lum va noma'lum o`rtasida bog'lanishlar, tahlil.

ТВОРЧЕСКАЯ РАБОТА НАД ЗАДАЧАМИ

Гофурова М. - Ферганский государственный университет, преподаватель

Аннотация. Важное место в преподавании математики в начальных классах занимает решение задач. В данной статье освещены способы анализа текстовых задач, их решения, а также способы их осознанного восприятия, известные и неизвестные при решении задач. В статье также раскрывается методика системной работы над условием задач, использование сравнений, сопоставлений в решении задач.

Ключевые слова: текстовые математические проблемы, проблемные задачи, решение проблемы, связь между известным и неизвестным, анализ.

CREATIVE WORK ON THE TASKS

Gofurova M.S. - Fergana State University, teacher

Annotation. Problem solving takes an important place in the teaching of mathematics in primary school. In this article, the methods of analysis of text problems, their solutions, as well as ways of their conscious perception, known and unknown in solving problems were covered. The article also reveals the method of systematic work on the condition of problems, the use of comparisons in solving problems.

Key words: text-based mathematical problems, tasks, problem solving, communication between the known and the unknown, in the final analysis.

Sodda va murakkab masalalar o`quvchilarning fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirishning vositasi bo`lib, u o`z ichiga “yashirin ma'lumot” ni oladi. Bu ma'lumotni qidirish masala echuvchidan analiz va sintezga mustaqil murojaat qilish, faktlarni taqqoslash, umumlashtirishlarni talab qiladi. Bilishning bu usullarini o`rgatish matematika o`qitishning muhim maqsadlaridan biridir.

O`qituvchi o`zidagi bilim va tajribaga tayanib masala shartiga nisbatan muayyan mantiqiy mushohada yuritadi. Unda masalani yechish yo`li haqida mulohaza vujudga keladi. U masalani yechish rejasini tuzadi. O`quvchilarning shu mulohazalariga asosan ketma-ket aniq amallar bajariladi. Hisoblash natijalariga asoslanib yakun va xulosalar chiqariladi. Shu olingen bilimlar asosida masalalarni mustaqil yechishda foydalanadilar. O`quvchilarning bunday izlanish faoliyati ularning bilish faolligini rag'batlantiruvchi ehtiyojga aylansagina kutilgan natijalarini berishi mumkin. Ko`pgina masalalarda o`quvchilarni mustaqil izlanishga da'vat etadigan “savol tuzing”, “teskari masala tuzing”, “taqqoslang”, “xulosa yasang” kabi ko`rsatmalar berilgan. Biroq tajribadan ma'lumki, bunday ko`rsatmalar ilmiy xarakterda bo`lgani sababli bolalar mustaqilligini va dars samaradorligini oshirish uchun etarli emas. Shuning uchun matematik masalalar yechishda o`quvchilar fikrlashini yo`naltirib, ularga yo`l-yo`riq ko`rsatib, masala va misollarni yechish yo`llariga etaklab boruvchi usullardan foydalanish maqsadga muvofiq bo`ladi. [1.221]

Masalalar yechish jarayonida o`quvchilarga notanish masala topshirilsa, ba'zan ularda tushunmovchilik yuzaga keladi.

O`quvchilar u yoki bu masalaning nima maqsadda echilganlini, undagi ma'lum va noma'lumlar orasida qanday bog'lanish mavjudligini ongli ravishda tushunib olishlari kerak. Shuni e'tiborga olib, o`quvchilar o`xhash bo`lmagan masalalar yechish malakalarini shakllantirishga qaratilgan masalalarni ko`ramiz.

I. Sharti ortiqcha masalalar

1. Magazinga 2 kg li va 4kg li paketlarda kartoshka keltirildi. Kichik paketlardagi kartoshkalar soni ko`proq. To`rt kg li paketlardagi kartoshkalar bilan ikkki kg li paketlardagi kartoshkalarning massalari bir xil. Har ikkala paketlar soni qanday?

2. Mashina turar joyida 40 ta engil mashinalar va mototsikllar turibti. G'ildiraklari soni 100 ta, rullari soni esa 40 ta. Neshta engil mashina va neshta mototsikl bor?

3. A shahardan B shaharga qarab 46 km/soat tezlik bilan poyezd jo`nadi. Oradan 2 soat o`tgandan keyin uning ketidan 54 km/soat tezlik bilan ikkinchi poyezd jo`nadi. Agar shaharlar orasidagi masofa 1200 km bo`lib, birinchi poyezddagi vagonlar ikkinchi poyezddagidan ikki marta ko`p bo`lsa, ikkinchi poyezd jo`nash punkitidan qanday masofada birinchi poyezdni quvib etadi?

II.Savoli ifodalanmagan masalalar

Ayrim turdag'i masalalarda nimani topish kerakligi bevosita yoki bilvosita yol bilan ifoda etilmaydi, masala shartida savoli to`liq ifodalanmagan bo`ladi. Bu topshiriq matnda berilgan matematik munosabatlardan mantiqiy ravishda kelib chiqadi. Masalan:

1. 285 m uzunlikda 5 va 8 m li 25 ta truba yotqizilgan (har bir turbadan nechta yotqizilgan?)

2. Ikkita kitob javionida 130 ta kitob bor. Agar birinchi javondan 25 ta kitob olib, uni ikkinchisiga qoyilsa u holda ikkala javondagi kitoblar soni teng boladi (har bir javonda nechtadan kitob bo`lgan?).

3. Sutkaning oxirigacha uning 5/8 qismi (hozir soat necha?).

4. Velosipedchi A dan B gacha bolgan masofani 18 km/soat, qaytishdagi masofani esa 12 km/soat tezlik bilan bosib otdi. (velosipedchining butun yo`ldagi ortacha tezligi qanchaga teng?).

5. Avtomobil 900 km yo`lni soatiga x km tezlik bilan otdi (u bu yolga qacha vaqt sarf qilgan?).

III. Mazmuni o`zgaruvchi masalalar.

Bir masala va uning ikkinchi varianti beriladi. Ikkinchi variantda birinchiga nisbatan berilganlardan biri o`zgaradi, lekin tashqi ko`rinishdan bu o`zgarish uncha muhim bo`lmagandek tuyuladi. Natijada uning echilish amallari ancha o`zgaradi. Masalan:

1.Ikki shahar orasidagi masofa 225km. Bu shaharlardan bir vaqtida bir-biriga qarab yo`lovchi (50 km/soat tezlik bilan) va yuk (40km/soat tezlik bilan) poyezdlari jo`nadi. Ular qancha vaqt dan keyin uchrashadilar?

Ikkinchi usul: Bir –biriga qarab so`zları o`rniga bir yo`nalishda deyish mumkin.

2.Yengil avtomashina uchun 100 km masofaga yoqilg`i yoz vaqtida 10 litr, qish vaqtida esa 11 litr sarflanishi ma'lum bo`lsa, qishda yozdagidan necha foiz ortiq sarflangan?

Ikkinchi usulda yozda necha foiz kam sarflangan?

3.Ot belgilangan vaqtning yarmida soatiga 12 km tezlik bilan yurdi. Qolgan vaqtda esa soatiga 4 km tezlik bilan yurdi. Otning o`rtacha tezligini toping.

Ikkinci usulda yo`Ining yarmini soatiga 12 km tezlik bilan, qolgan qismini esa soatiga 4 km yurdi.

IV. Ma'lumotlari etishmaydigan masala-topshiriqlar ustida ishlash.

Dastlab son ma'lumotlar qo`yilishi talab qilinadigan matnli masalar bilan tanishtirish yo'llarini keltiramiz. Bunday masalalarda masala matni to`iq beriladi. Faqat son ma'lumotlarni o`quvchi tanlab qo`yadi. O`quvchilar shunday masalalar bilan tanishtirar ekan, avvalo, masala matni oxirida berilgan son ma'lumotlar keltirilgan holda masala shartida son ma'lumotlardan ba'zilari keltirilmagan masala-topshiriqlarni o`quvchilarga havola qilish yaxshi samara beradi. Bunday toshiriqlar o`quvchilar tomonidan masalalar tuzish va uni o`zgartirish bilan bog'lanadi. Chunki o`quvchida masala tuzish ko`nikmasi shakllana borgan sari o`quvchi keyinchalik masala matnida berilganlar, izlanadiganlarni farqlaydi. Shu paytda son ma'lumotlari yashiringan masalalar tavsiya etiladi. Yig'indini topishga doir sodda masalalar bilan tanishtirishni mustahkamlash darslarida kiritishi mumkin. [1.251]

Quyidagi masala-topshiriq namunalarini keltiramiz.

1-topshiriq: Bo'sh katakcha o`rniga masala matni oxirida yozilgan son ma'lumotlar qo`yib, masala eching.

"Behzodda ...ta ko`k va ...ta qizil shar bor. Behzodda hammasi bo`lib nechta shar bor?(4 va 3) "O`quvchilar bu son ma'lumotlarini bo'sh katakchaga qo`yib, ikki xil mazmundagi yig'indini topishga doir masala tuzib echadilar.

Keyinchalik masala matni oxirida son ma'lumot qo`yilishini talab qilinadigan masala-topshiriqlarni yechish o`rgatiladi. Ushbu topshiriqlarda dastlab shart qo`yiladi. "Bo'sh katakchalar o`rniga tegishli sonlarni qo`yib masalani eching!" yoki masala uchun son ma'lumotlarni to`g'ri tanlab qo`yib masalani eching!" kabi toshiriqlar qo`yib, masala matni kiritiladi. [5.104]

"Rustam ...ta, Doston esa ...ta ko`chat o`tqazdi. Rustam va Doston birga nechta ko`chat o`tqazdilar?" Bunday masalada o`quvchi mustaqil son ma'lumotni qo`yishi kerak. Albatta, tanlangan son haqiqatga to`g'ri kelishi, real voqeilikni ifodalashini o`quvchi sezishi kerak.

Son ma'lumotlar qo`yilishi talab qilinadigan masalalar ustida ishlashni davom ettirib, o`qituvchi qoldiqni (ayirmani) topishga doir masalalr uchun tatbiq qiladi. Masalan: "Nodirada ...ta daftar bor. Singlisiga ...ta daftar berdi. Nodirada nechta daftar qoldi?".

Bunday ko`rinishdagi, ya`ni son ma'lumotlar qo`yilishi talab qilinadigan masalalar keyinchalik ikki amallli masalalar uchun ham qo`llaniladi.

Bu usuldagи masalalarda 3ta son ma'lumotdan dastlab bittasi, 2tasi, bora-bora 3tasi yashiringan darcha shaklida matnli masalalarni o`quvchilarga o`rgatib borish yaxshi samara beradi. [2.282]

1- sinfda o`quvchilar yangi mazmundagi sodda masala "Ikkita turlicha predmetlar soni yig'indisini ifodalovchi 3-predmetdagi son ma'lumotni topishga doir masala" bilan tanishadilar.

O`qituvchi o`quvchilar shu kabi masalalarga tayyorlab borishi kerak. O`qituvchi yuqorida keltirilgan masalani o`quvchilar bilan muhokama qilib bajargach, ularning diqqatini huddi shunday mazmundagi ammo son ma'lumoti etishmaydigan masalaga jalb qilishi kerak.

O`quvchilar ikki amallli masalalar bilan tanishganlaridan so`ng, ularda ikki amallli masalani yechish malakasi shakllangach, o`qituvchi shartida son ma'lumoti etishmaydigan murakkab masala-topshiriqlarni o`quvchilar muhokamasiga havola etishi mungkin. Bu yo`nalish bo`yicha tayyorgarlik ishlari 1-sinfning oxirgi choragida o`tkazilib, 2-sinfdan boshlab bunday topshiriqlar bilan tanishtirish maqsadga muvofiqdir. Boshlang'ich sinf metodik adabiyotlarida ko`satilishicha, sodda masalalardan ikki amallli masalaga o`tishni o`rgatishning bir necha yo'llari mavjud: masala savolini o`zgartirmay, shartini o`zgartirish; ikkita sodda masalaning biridan shartni o`zgartirib, ikkita sodda masalani biridan shartini, ikkinchisidan savolini olib, ikki amallli masala tuzish kabilar shular jumlasidandir. O`quvchilar bunday usullar bilan tanishgach, shartida son ma'lumotlar etishmaydigan masala-topshiriqlarning quyidagi ko`rinishlari bilan tanishishlari mumkin:

"Bir tokchada 12 ta kitob bor. 2- tokchada esa undan ...ta kam kitob bor. Ikkala tokchada nechta kitob bor?"

"Agar zalda hozir bo`lganlarning 1 %i 7 kishi bo`lsa, zalda necha kishi bor?"

Ma'lumotlari etishmaydigan va ma'lumotlari ortiqcha bo'lgan masala-topshiriqlar bilan mutazam tanishtirib borilishi natijasida o'quvchilarning ijodiy faoliyatлari osishiga, mustaqil fikr yuritish ko'nikmasining tarkib topishiga, mantiqiy tafakkurning o'sishiga katta ta'sir etadi.

Albatta, bunday masalalar o'quvchi fikrini charxlaydi, mantiqiy mulohaza yuritish ko'nikmasini tarkib toptiradi, masala matni to'liq bo`lishi uchun etishmovchi ma'lumot yoki ortiqcha ma'lumotni aniqlay olishiga imkon beradi, o'quvchida taqqoslash, solishtirish, xulosa chiqarish kabi aqliy faoliyat usullarini o'stiradi. [3.289]

Murakkab masalalarni tahlil qilishda bolalarni miqdorlar orasidagi bog'lanishlarni aniqlash imkonini beradigan usullardan foydalanishga o'rgatish muhimdir. O'quvchilarga quyidagi masalalarni yechishga tavsiya qilish mumkin:

1. Sayohatchilar har birida 40 kishidan ikki avtobusda va birida 5 kishidan to`rtta engil mashinada yo`lga chiqdilar. Avtobusda engil mashinaga qaraganda necha marta ko`p sayohatchi yo`lga chiqdi?

Masalaning savolini shunday o`zgartiringki, u $40 \cdot 2 + 5 \cdot 4$ ifoda bilan echilsin

2. Sayyoh 220 km yo`l bosishi kerak edi. Birinchi kuni 33 km yurdi. Sayyoh birinchi kuni yo`lning necha foizini yurib o'tgan?"

Bu masalani ham ikki usul bilan echamiz.

1-usul. Yo`lning bir foizi 2.2 km bo`ladi:

$$220:100=2.2$$

33 km esa yo`lning 15 % ini tashkil qiladi:

$$33:2.2=15$$

2-usul. Sayyoh birinchi kuni yo`lning x foizini bosgan bo`lsin. Yo`lning bir foizi 2.2 km bo`ladi, yo`lning x foizi esa 2.2 x km bo`ladi, bu esa masalaning shartiga ko`ra 33kmga teng:

$$2.2x=33; \quad x=33:2.2; \quad x=15 \quad \text{Javobi: } 15\%$$

3. Bir shahardan ikkinchi shaharga borayotgan poyezd dastlabki 180 km masofani 60 km/soat tezlik bilan o'tdi. Qolgan yo`lga shunday tezlik bilan o'tilganiga qaraganda 4 soat ortiq vaqt sarflandi. Poyezd hammasi bo`lib necha kilometr yo`l yurgan?

Masalani turli usullar bilan yechish mumkin. Yechimini oxiriga etkazing va har bir amalga izoh yozing:

1-usul

$$1. \quad 180:60=3 \text{ (soat)}$$

$$2. \quad 4+3=7 \text{ (soat)}$$

3.

4.

2-usul

$$5. \quad 60*4=240 \text{ (km)}$$

$$6. \quad 180+240=420 \text{ (km)}$$

7.

3-usul

$$8. \quad 180:60=3 \text{ (soat)}$$

9.

$$10. \quad 7+3=10 \text{ (soat)}$$

11.

Boshlang'ich sinf o'qituvchisining asosiy vazifalaridan biri o'quvchilarni masala ustida mantiqan to'g'ri fikr yuritib, uning mumkin bo'lgan barcha yechimlarini izlashga o'rgatishdir. Albatta, masala yechimini izlashda amal xossalariini inobatga olib, uni turli usullarda yechish yo'llarini aniqlash mumkin Masalan, sonni yig'indiga ko`paytirish, sonni ayirmaga ko`paytirish, yig'indini songa bo`lish kabi xossalalar shular umlasidandir. [4.169]

Ijodiy xususiyatga, yondoshishga ega bo'lgan masalalarni berish amaliyotda yaxshi samara beradi. Matematik masalalarni yechish yo'llarini o'rgatishda bu metodlardan shundaylarini qo'llash kerakki, u o'quvchilarning fikrlashini faollashtirish va bu fiklarni rivojlantirishga yordam berishi lozim.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

- 1.Jumayev M.E, Tadjiyeva Z.G` . Boshlang'i ch sinflarda matematika o'qitish metodikasi.(O O'Y uchun darslik.)Toshkent.“Fan va texnologiya” 2005.
2. 1.N.U.Bikbayeva, R.I.Sidelnikova, G.A.Adambekova. Boshlang'i ch sinflarda matematika o'qitish metodikasi.(metodik qo'llanma) Toshkent “O'qituvchi” 1996.
3. Jumayev M.E, Boshlang'i ch sinflarda matematika o'qitish metodikasidan praktikum. (O O'Y uchun o'quv qo'llanma)Toshkent.“O'qituvchi” 2004.
4. N.Bikbayeva. “To'rtinchi sınıf matematika”. Toshkent:“O'qituvchi”-2017.
5. S.Burxonov va boshq.Uchinchi sınıf matematika darsligi. Toshkent.“Sharq”2015.
6. Tadjiyeva Z.G'. Boshlang'ich sınıf matematika darslarida tarixiy materiallardan foydalanish.-T.: “Uzkomsentr”, 2003, 24- bet.
7. Tadjiyeva Z.G'. Boshlang'ich sinflarda fakultativ darslarni tashkil etish.-T.: 2005, 68- bet.
8. Tadjiyeva Z.G'. va boshqalar „Boshlang'ich sınıf matematika, ta'lif samaradorligini oshirishda tarixiy materiallardan foydalanish“-Toshkent.: Jahon Print, 2007, 100 bet.
9. Tolipov O'.Q., Usmonboeva M. Pedagogik texnologiyalarning tatbiqiy asoslari. Toshkent: O'zbekiston Respublikasi Fanlar aqademiyasi “Fan” nashriyoti. 2006. -261 b.

УДК: 371.03

MILLIY TA'LIM TIZIMIDA EKOLOGIK MA'NAVIYATLI SHAXSNI TARBIYALASH

Abdunazarov L.M. – Qo`qon davlat pedagogika instituti, o'qituvchi

Annotatsiya. Ushbu maqolada milliy ta'lif tizimida ekologik ma'naviyatli shaxsnini tarbiyalashga doir ilmiy mulohazalar, takliflar, xususan ekologik bilimlar bilan yaxshi qurollangan ma'naviyatli shaxslarni tarbiyalash yo'llari ko`rsatib o'tilgan. Yoshlarning ekologik tarbiyasida assosiy e'tibor, atrof-muhit muhofazasi, tabiatdan oqilona va tejamkorlik bilan foydalanish, atrof-muhitni yaxshilashga qaratilgan texnologiyalarni qo'llashga doir fikrlar berilgan.

Kalit so`zlar: ekologik ta'lif, ekologik tarbiya, milliy g'urur, ekologik ong, ta'lif, mакtabgacha va o'rta ta'lif.

ВОСПИТАНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИ ДУХОВНОЙ ЛИЧНОСТИ В НАЦИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ

Абдуназаров Л.М. – Кокандский государственный педагогический институт, преподаватель

Аннотация. В данной статье раскрыты научные размышления, выдвинуты предложения относительно воспитания экологически духовной личности в сфере национального образования. Также высказаны мнения по поводу использования технологий по совершенствованию экологического воспитания молодёжи, защите окружающей среды, рациональному и бережливому использованию природных ресурсов, улучшению окружающей среды.

Ключевые слова: экологическое образование, экологическое воспитание, национальная гордость, экологическое сознание, образование, дошкольное и школьное образование.

EDUCATION IN THE NATIONAL SYSTEM OF EDUCATION WITH ENVIRONMENTAL EDUCATION

Abdunazarov L.M. - Kokand State Pedagogical Institute, teacher

Annotation. This article describes scientific thinking, suggestions for parenting in public education ecologically spiritual person, also the ways of education armed with knowledge of an environmental nature, of spirit personalities. Also, opinions about the use of technologies of perfection environmental behavior of young people, environmental protection, rational and economical use of natural resources, improvement of the environment were expressed.

Key words: ecological education, ecological nurture, national pride, ecological consciousness, education, preschool and school education.

O'zbekiston mustaqillikka erishgach, davlat tiliga va tarixiga hurmat, vataniga muhabbat bilan yashash imkoniyati yaratildi. Milliy g'oyaning asosini tashkil qiluvchi ushbu uch talab ekologiya fani bilan bevosita

bog'liqdir. Chunki ekologiya ekotizimlarda turgan barcha obyektlarning, biosferada tabait-jamiyat munosabtalarining uyg'unlashtirishga olib keladi. Davlatning tabiiy sharoiti, boyliklari va tabiiy resurslari, ekologik holati va uni muhofaza qilish yo'llari hamda unga oid ta'lif va tarbiya kabilalar ekologiyaning predmeti bo'lib xizmat qiladi.

Har bir xalqning milliy g'oyasi uning maqsad va muddaolarini ifodalaydigan, o'tmishi va kelajagini uzviy bog'laydigan, asriy orzu-istiklarini amalga oshirishga xizmat qiladigan ma'nnaviy omildir. Milliy g'oya har bir vatandoshimizni o'z oilasi, jamiyat, el-yurt oldidagi burch va mas'uliyatini qay darajada ado etayotganini belgilaydigan ma'nnaviy mezondir.[2]

Burch va mas'uliyatni his qilish kishida milliy g'urur shakllanganidan dalolat beradi.

Milliy g'urur - har bir millatning o'z-o'zini anglashi natijasida sodir bo'ladigan ichki ruhiy kayfiyati. Bu tuyg'u ona zamin, avlod-u ajodolarimizning moddiy va ma'nnaviy merosi, millatimizning jahon sivilizatsiyasiga qo'shgan hissasidan, o`zga millat va elatlар oldidagi qadr-qimmati, obro`-e'tiboridan faxrlanish hissiyoti.[2]

Milliy g'ururni shakllantiruvchi omillarga, odatda: moddiy va ma'nnaviy merosi ardoqlash, urf odatlar va an'analarga sodiq qolish, qadriyatlar va tarixini bilish, ona tiliga bo'lgan e'zoz, o'z xalqiga bo'lgan mehr-muhabbat, vatanparvarlik hissi, o'z yurti bilan faxrlanish, iqtisodiy salohiyati, ijtimoiy va sotsial holati ijobiy tomonlarini ko'ra bilish kabi insoniy tuyg'u va xislatlar kiritiladi.

Xususan, ekologik bilimlar bilan puxta qurollangan shaxs g'oyaviy tahdidlarga yoki istiqlolimizning kelajagiga shubha tug'diruvchi har qanday ikkilanishlarga yuqori darajada qarshi tura olish mumkin. Chunki, istiqlolimizning ahamiyatini yoshlari ongiga singdirishda, bu borada ishonchli dalillarga suyangan holda ularda Vatanimiz tabiatini haqida samimiy faxrlanish, g'ururlanish, shu bilan birga, qayg'urish kabi tuyg'ularni shakllantirish ekologik fanlarning bosh vazifasi sanalmog'i lozim. [3]

Shundan kelib chiqqan holda, ekologik fanlarining zamonamizning dolzarb muammolarini tadqiq qiluvchi fan sohasi hamda yosh avlodda zamonaviy konsepsiyanı shakllantiruvchi ta'lif tarmog'i kabi kasbiy mahorat bilan birga mamlakatimiz tinchligi, mustaqilligi va xalqimiz farovonligini ta'minlashdagi o'rnnini belgilab beruvchi qirralarini ham ko'rsatib berish maqsadga muvofiq.

Ekologik fanlarga oid darslarda yuksak ma'nnaviyatlari shaxs tarbiyasimazkur fanlarning ijtimoiy nufuzini oshirishda, ularda "ijtimoiy-siyosiy bo'shliq"ni yuzaga keltirmaslikda so'zsiz xizmat qiladi. Chunki milliy ma'nnaviyat o'zbek xalqining maqsad-muddaolarini ifodalaydigan, o'tmishi va kelajagini uzviy bog'laydigan, asriy orzu-istiklarini amalga oshirishga xizmat qiladigan insoniy fazilatidir. "Ma'nnaviyat, - deb ta'kidlagan edi Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov, - insonni ruhan poklanish, qalban ulg'ayishga chorlaydigan, odamning ichki dunyosi, irodasini baquvvat, iymon-e'tiqodini butun qiladigan, vijdonini uyg'otadigan beqiyos kuch, uning barcha qarashlarining mezonidir...".[1]

Ma'nnaviyat o'z-o'zidan yuzaga keladigan yoinki bir o'qish yoki o'qitish bilan shakllanib qoladigan kishilarining ruhiy holati emas. Ma'nnaviy barkamollik inson hayotining butun umri davomida yuzaga keladi, shakllanadi va rivojlanib boradi. U beshikdan to qabrgacha, uyqudan turgandan to uyquga ketgunga qadar davom etadigan juda murakkab, izchil tarbiya va ta'lif jarayonidir. Shuning uchun ham yuksak ma'nnaviyatga erishmoq uchun shaxs – jamiyat – davlat faoliyatining barcha jabhalarida chuqr o'ylangan, ilmiy tasdiqlangan va amaliy tajribalardan o'tgan aqidalarini targ'ib qilishimiz lozim. Nafaqat targ'ib, balki o'zini madaniyatli va ma'rifatli degan har bir kishi shaxsiy namuna orqali ham namoyon qilishni talab etadi. Bu o'rinda ekologik ta'larning ham o'rni bor, albatta.

Behzod Mamadievning "Hindiston yoshlari: kecha va bugun yoxud avlodlar o'rtasidagi ziddiyat" maqolasi¹da 1 mlrd. 200 mln. kishidan ortiq aholisi bo'lgan, biz o'zbek yoshlari XX asrning 60-70 yillari orzu qiladigan "ertaklar yurti"da turli yoshdagi kishilar o'rtasidagi ma'nnaviy "devor" yuzaga kelganligi haqida juda o'rinni misollar keltirilgan. Keyingi 10-15 yil davomida iqtisodiyotni erkinlashtirish siyosati orqali jadal suratda kirib kelgan moddiy boylik o'zi bilan G'arb madaniyatini ham olib keldi. Besh-o'n yil avval Hindiston ko'chalarida sigareta chekayotgan ayolni umuman topib bo'lmasa, hozirda ularning guruhlari har qadamda uchramoqda. Natijada, mamlakatda g'arbona yashashni xohlaydigan yoshlari va qadimiy an'analarga sodiq qolgan yoshi kattalar qatlami yuzaga keldi. Oliy o'quv yurtini bitiruvchi talabalar orasida o'tkazilgan sotsiologik so'rovnomada ularning 80 foizidan ortig'i kelgusida chet elda ishlashni davom ettirish va G'arbda yashashni ma'qul deb bilishgan. Milliy an'analarga sodiqlik eskilik sarqti ekanligini aytishgan. Bu esa go'zal va

¹"Ma'rifat" gazetasi. 2008-yil 31-may 43-son.

qadimiy Hindiston uchun katta xavfdir. Shuning uchun ham Hindistonning “Ta’lim to`g’risidagi siyosat loyihasida” milliy qadriyatlar oyoq ostida qolib ketayotgani haqida alohida ta’kidlanib o`tilgan.

Ikkinci jahon urushidan mag’lubiyat bilan chiqqan Yaponiyaning 1947-yildagi “Ta’lim to`g’risida asosiy qonun”ida milliy o’zlikni va ma’naviy mezonlarni saqlagan holda o`quv jarayoniga G’arbning ilg’or tajribalarini tatbiq etish maqsadi qo`yilgan edi. Hozirda iqtisodiy salohiyat nuqtai nazaridan AQSh va Xitoydan so`ng uchinchi o`rinda borayotgan mazkur mamlakatda ma’naviyat masalalari mutaxassislar tayyorlashda eng birlamchi omil sifatida qaralib kelinayotir. Shuning uchun ham Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov “Yuksak ma’naviyat – engilmas kuch” kitobida Abdulla Avloniying «Tarbiya biz uchun yo hayot – yo mamot, yo najot – yo halokat, yo saodat – yo falokat masalasidir» degan falsafiy fikrlarini eslab o’tganlar.[1] Buyuk ma’rifatparvar muallim bobomizning bu so`zlari XX asr boshida millatimiz uchun qanchalar muhim ahamiyat kasb etgan bo`lsa, hozirda ham ubshu umuminsoniy qadriyatlar o`z dolzarbligini yo`qotgani yo`q.

Jamiyat moddiy madaniyatining katta qismi bo`lgan – fan, avvalambor, tabiiy fanlar yutuqlari negizida yaratilgan. Dunyoning ilmiy manzarasi hamisha inson konsepsiyasining eng muhim tarkibiy qismi bo`lgan. Tabiatni ilmiy tushunish, ayniqsa hozirgi davrda, insonning ichki ma’naviy dunyosining mazmunini: o`zini namoyon qilishi, tuyg’ulari, tashvishlari, uning ehtiyojlari va qiziqishlarini mohiyatan belgilaydi deb hisoblaymiz. Shunday ekan, jamiyat uchun sog’lom g’oya, sog’lom mafkurani shakllantirishda ilm, fan va madaniyatning barcha sohalari yutuqlaridan oqilona foydalanishimiz zarur. [4]

Ekologik fanlarning o’z oldiga qo`ygan predmeti bilan teng ravishda mafkuraviy g’oyalar, fan va ta’limdagi yangicha yondashuvlar ham bevosa izlanish va o`qitish predmeti bo`la oladi.

Fan-texnika jadal rivojlanayotganligi tufayli inson va tabiat o`rtasidagi tabiiy muvozanat buzildi, natijada atrof-muhitga katta ziyon etkazilmoqda. Ona tabiatga ehtiyojkorona munosabatda bo`lish, farzandlarimizga uni go`zal va tabiiyligicha qoldirish – barchamizning burchimizdir. Insonlarda ekologik madaniyat qanchalik rivojlansa, mamlakat ham shu darajada rivojlanadi.

Ekologik tarbiya insonning ma’naviy va ruhiy dunyosini boyitishga va shakllantirishga imkon beruvchi yo`nalishlardan biridir. Tabiat, o’simliklar, hayvonlar va odamga bo`lgan mehr-muhabbat o`quvchi va yoshlar qalbida shaxsga, insonga xos bo`lgan ezgulik va mehribonlik tuyg’ularini yanada rivojlantiradi.

Yer, suv, havo, o’simlik va hayvonlarni, hayot manbalarini va yashash vositalarini ehtiyojkorona saqlash, e’zozlash ma’naviyat mezoni hisoblanadi. Tabiat qonunlarini yaxshi bilish, amalda tatbiq etish, yoshlarni ekologik madaniyat ruhida tarbiyalash atrof-muhit tozaligini, sog’lik-salomatlilikning mustahkamligini, turmush farovonligini ta’minlaydi.

Maktabgacha ta’lim muassasalarida ekologik tarbiyani shakllantirishda asosiy urg’u bola shaxsini o`ziga va atrofdagilarga – tengdoshlari, tarbiyachilar, ota-onasiga bo`lgan munosabatlarni shakllantirishga beriladi. Bunda, bolada ozodalik, atrof-muhitdagi voqeа-hodisalarni idrok etish, qiyoslash kabi dastlabki fazilatlar shakllanadi.

Boshlang’ich ta’limda o`quvchi yoshlar jonli va jonsiz tabiat to`g’risida dastlabki bilimlarga ega bo`lish bilan bir qatorda ularni vatanga muhabbat ruhida tarbiyalashga, shaxs va tabiat mustaqil qadriyat ekanligiga, insonning tabiatdagi ahamiyati va o`rnini ularning ongiga singdirishga, suv, tuproq va havoni toza saqlash, atrof-muhitning go`zalligini anglashga qaratilgan boshlang’ich fazilatlar shakllantiriladi.

Umumiy o`rta ta’lim bosqichida bilim oluvchi o`quvchilarga o’simlik va hayvonlarning xilma-xilligi, ularning tabiatdagi o`rni, tabiatning bir bo`lagi ekanligi, ular o`zaro hamda atrof-muhit bilan bog’liqligi haqidagi ma’lumotlar bilan tanishtiriladi. O`quvchilarda tabiatga muhabbatni shakllantirishga keng imkoniyatlar yaratiladi. Inson sog’-salomatligini saqlash maqsadida atrof-muhit tozaligini muhofaza qilish, sog’lomlantirish tadbirleri bilan tanishtirish, o’zbek xalqining ekologik qadriyatлari bilan bog’liq bayramlar, sayllar va hasharlarda ishtirok etish orqali ekologik fazilatlar shakllantiriladi. Bu fazilatlar asosan, axloqiy-ekologik ongiliik, ekologik qadriyatлarni ardoqlash va mehnatsevarlik kabilardan iborat.

Oliy ta’lim bosqichlarida talaba va yoshlarning ekologik tarbiyasida asosiy e’tibor atrof-muhit muhofazasi, tabiatdan oqilona va tejamkorlik bilan foydalanish, atrof-muhitni yaxshilashga qaratilgan texnologiyalarni qo’llash bilan bog’liq bo`lgan global malakalariga katta ahamiyat beriladi. Shuningdek, barqaror rivojlanish, global va hududiy-ekologik muammolarni bilish bilan bog’liq bo`lgan masalalarga e’tibor qaratiladi. Shu bilan birga o’zbek xalqining ma’naviy qadriyatлari, tabiatni, atrof-muhitni va madaniy meroslarini asrab-avaylash , himoya qilish, saqlash, ularni ko`paytirish va kelajak avlodlarga etkazish kabi mas’uliyat shakllantiriladi.

Barcha ta'lim va tarbiya bosqichlarida atrof-muhit muhofazasi va ekologiyaga bag'ishlangan kunlarni oila, do'stlar, guruhdoshlari va mahalla davrasida nishonlash ham ekologik ma'naviyatli shaxsn ni tarbiyalashda muhim qadam bo`lib hisoblanadi.

Taklif etilayotgan fazilatlarning asosiy maqsadi XXI asr sivilizatsiyasi darajasiga va tabiatga xavf tug'diruvchi kuchli antropogen ta'sirlarga mos keladigan yangicha odob va axloqqa asoslangan ekologik dunyoqarashni tarbiyalashdan iboratdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Karimov I. Yuksak ma'naviyat –yengilmas kuch.-T.: «Ma'naviyat», 2010.
2. Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar.-T.; 2001
3. Nigmatov A. Ekologiya huquqi. - T.: "Noshir", 2012.
4. Ismailov A, Ahadov R. Ekologik ta'lim-tarbiya.-T., 1997.
5. Ishmuhamedov R.J. Innovatsion texnologiyalar yordamida ta'lim samaradorligini oshirish yo'llari.-T.: Nizomiy nomidagi TDPU, 2004, 2008 (qayta nashr). - 44 b.
6. Ishmuhamedov R. Innovatsion texnologiyalar yordamida ta'lim samaradorligini oshirish yo'llari (2 kitob).—T.: Nizomiy nomidagi TDPU, 2009. – 108 b.
7. Ishmuhammedov, M.Yuldashev "Ta'lim va tarbiyada innovatsion pedagogik texnologiyalar" Toshkent 2013 y.
8. Tolipova J.O. Pedagogik texnologiyalar - do'stona muhit yaratish omili. -T.: YuNISEF, 2005 y.
9. Xoliqov A "Pedagogik mahorat" – Toshkent.: Iqtisod – moliya, 2010 – yil, 350 b.

УДК: 378:371.3

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ СРЕДСТВ В ПРОЦЕССЕ РАЗВИТИЯ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ УМЕНИЙ УЧАЩИХСЯ ПРИ ОБУЧЕНИИ МАТЕМАТИКЕ

Ботирова Н.Ж. - Ферганский государственный университет, преподаватель

Аннотация. В статье рассмотрены виды интерактивного взаимодействия участников педагогического процесса в информационно-образовательной среде. Анализируются возможности интерактивного взаимодействия при развитии исследовательских умений учащихся в обучении математике. Приводятся методические приемы использования интерактивных средств обучения на уроках математики при организации учебной деятельности учащихся исследовательского характера.

Ключевые слова: исследовательские умения, методические приемы, интерактивные средства обучения, интерактивность.

MATEMATIKA FANINI O`QITISH JARAYONIDA O`QUVCHILARNING TADQIQOTCHILIK KO`NIKMALARINI RIVOJLANTIRISHDA INTERAKTIV VOSITALARDAN FOYDALANISH

Botirova N.J. - Farg'ona davlat universiteti, o'qituvchi

Annotatsiya. Maqolada pedagogik jarayon ishtirokchilarining axborot - tarbiya muhitida interaktiv o`zaro ta'siri ko`rib chiqiladi. Matematika o`qitishda o`quvchilarning tadqiqotchilik ko`nikmalarini rivojlanirishda interaktiv o`zaro ta'sir o`tkazish imkoniyatlari tahlil qilinadi.

Kalit so`zlar: tadqiqotchilik ko`nikmalari, metodik usullar, interaktiv o`quv vositalari, interaktivlik.

THE USE OF INTERACTIVE TOOLS IN THE PROCESS OF DEVELOPMENT OF RESEARCH SKILLS OF STUDENTS IN LEARNING MATHEMATICS

Botirova N.Dj. – Fergana State University, teacher

Annotation. The article deals with the types of interactive interaction of participants of the pedagogical process in the information and educational environment. The possibilities of interactive interaction in the development of research skills of students in teaching mathematics are analyzed. Methodical receptions of using of interactive means of training at lessons of mathematics at the organization of educational activity of pupils of research character are given.

Key words: research skills, methodological techniques, interactive learning tools, interactivity.

Современный подход к обучению должен ориентировать на внесение в процесс обучения новизны, обусловленной особенностями динамики развития жизни и деятельности, спецификой различных технологий обучения и потребностями личности, общества и государства в выработке у обучаемых социально полезных знаний, убеждений, черт и качеств характера, отношений и опыта поведения. В практике обучения существуют и другие подходы к определению методов обучения, которые основаны на степени осознанности восприятия учебного материала: пассивные, активные, интерактивные, эвристические и прочие. Эти определения требуют дальнейшего уточнения, т. к. процесс обучения не может быть пассивным и не всегда является открытием (эврикой) для учащихся.

Интерактивный метод. Интерактивный («Inter» – это взаимный, «act» – действовать) – означает взаимодействовать, находиться в режиме беседы, диалога с кем-либо. Другими словами, в отличие от активных методов, интерактивные ориентированы на более широкое взаимодействие учеников не только с учителем, но и друг с другом и на доминирование активности учащихся в процессе обучения. Место учителя в интерактивных уроках сводится к направлению деятельности учащихся на достижение целей урока. Учитель также разрабатывает план урока (обычно, это интерактивные упражнения и задания, в ходе выполнения которых ученик изучает материал).[2]

Проблеме развития исследовательских умений учащихся посвящены многие психолого-педагогические исследования. В работах В.И. Андреева, А.И. Савенкова, М.В. Степановой, А.В. Усовой раскрыты теоретические и методические основы формирования исследовательских умений учащихся, определены роль и место учебно-познавательной деятельности в развитии этих умений. Формирование творческих способностей личности в процессе исследовательской деятельности, решении экспериментальных и изобретательских задач рассматривались в исследованиях В.Е Алексеева, Г.С. Альтшуллера, С.А. Новоселова. Методика развития исследовательских умений учащихся разрабатывалась В.Н. Векленко, У.Ю. Кукар, А.В. Макаровым, А.Б. Мухамбетовой, Н.А. Семеновой.

Математика считается важнейшим средством формирования исследовательских умений. Именно предмет «Математика» среди других учебных предметов занимает ведущее место по возможностям организации исследовательской деятельности и развитию исследовательских умений учащихся.

Учеными отмечается, что для формирования исследовательских умений необходимо создавать условия для интерактивного взаимодействия. Кроме того, формирование исследовательских умений в процессе обучения математике не может происходить без применения прикладным задачами позволяющего осуществлять интерактивное взаимодействие субъектов информационно-образовательной среды. Но при этом указывается прикладным задачами значительный потенциал для формирования исследовательских умений имеют компьютерные и мультимедийные средства, при использовании которых также возможно осуществление интерактивного взаимодействия [3].

Применение интерактивных средств обучения (ИСО) в образовательном процессе позволяет организовать интерактивный диалог с учащимся, активизировать их мыслительную и познавательную деятельность. Отмечается, что применение этих средств позволяет интенсифицировать учебный процесс, использовать разнообразные способы предъявления учебной информации, создать атмосферу заинтересованности.

Современный подход к обучению должен ориентировать на внесение в процесс обучения новизны, обусловленной особенностями динамики развития жизни и деятельности, спецификой различных технологий обучения и потребностями личности, общества и государства в выработке у обучаемых социально полезных знаний, убеждений, черт и качеств характера, отношений и опыта поведения.

Совместная деятельность учеников в процессе познания, освоения учебного материала означает, что каждый вносит свой особый индивидуальный вклад, идет обмен знаниями, идеями, способами деятельности. Причем, происходит это в атмосфере доброжелательности и взаимной поддержки, что позволяет не только получать новое знание, но и развивает саму познавательную деятельность, переводит ее на более высокие формы сотрудничества.

Сущностная особенность интерактивного обучения - это высокий уровень взаимно направленной активности субъектов взаимодействия, эмоциональное, духовное единение участников.

При использовании методов и приемов интерактивного обучения ученик становится полноправным участником процесса восприятия, его опыт служит основным источником учебного познания. Учитель не даёт готовых знаний, но побуждает обучаемых к самостоятельному поиску. По сравнению с традиционными формами ведения занятий, в интерактивном обучении меняется взаимодействие учителя и ученика: активность педагога уступает место активности обучаемых, задачей педагога становится создание условий для их инициативы.

Мнение ученых расходится в трактовке данного термина. К примеру, Б.Ц. Бадмаева считает, что интерактивным, является «обучение, которое основано на психологии человеческих взаимоотношений и взаимодействий». Д.А. Махотина под интерактивной деятельностью предполагает организацию и развитие диалогового общения, которое ведёт к взаимопониманию, взаимодействию, совместному решению общих, но значимых для каждого участника задач. Е.В. Коротаева же считает, что интерактивное обучение необходимо рассматривать как многомерное явление, поскольку оно решает одновременно три задачи:

- учебно-познавательную (предельно конкретную);
- коммуникативно-развивающую (связанную с общим, эмоционально-интеллектуальным фоном);
- социально-ориентированную (результаты которой проявляются уже за пределами учебного времени и пространства).

Автор при этом, отмечает что, интерактивное обучение - это «процесс познания, где знание добывается в совместной деятельности через диалог, полилог учащихся между собой и учителем».[2]

Суть интерактивного обучения состоит в том, что учебный процесс организован таким образом, что практически все учащиеся оказываются вовлеченными в процесс познания, они имеют возможность понимать и рефлексировать по поводу того, что они знают и думают. Совместная деятельность учащихся в процессе познания, освоения учебного материала означает, что каждый вносит свой особый индивидуальный вклад, идет обмен знаниями, идеями, способами деятельности.

После изучения определенного теоретического материала каждый обучающийся получает индивидуальное задание. Первая часть задания (задание 1) у учащийся общая с отличающимися числовыми данными для каждого варианта:

Задание 1. Найти производную функции $y=20t^3+3t^2+2t+5$

При решении данной задачи необходима дополнительная самостоятельная проработка теоретического материала, изучение примеров решения конкретных задач, применение полученных навыков в своей работе. Приветствуются консультации с преподавателем. Консультации могут носить как индивидуальный, так и групповой характер. Но при этом обсуждается не решение конкретной задачи, а общие подходы. Это способствует принятию самостоятельных решений при решении своего варианта каждым учащихся. Также при построении уравнения используется пакет Maple, что способствует освоению учащихся применения прикладных программ.

Второе задание носит творческий характер.

Задание 2: Материальная точка движется прямолинейно по закону $s(t)=t^2+5t+3$

В какой момент времени (в секундах) ее скорость будет равна 3 м/с?

Как показала практика, данное задание вызывает большую активность обучающихся, поскольку направлено на исследование реальной ситуации и демонстрацию прикладного аспекта курса. Наибольший интерес представляет ситуация, при которой учащихся использует данные собственного исследования. Такая работа объединяет в себе следующие интерактивные методы: исследовательские и проектировочные игры, мозговой штурм, групповое решение творческих задач. Это позволяет сформировать у учащих не только навыки поиска решения задачи, но и защиты предлагаемых методов, отстаивания своей точки зрения, что очень важно в будущей профессиональной деятельности.

Мы привели два примера применения интерактивных методов обучения на практике, которые показывают, как можно активизировать и методически обеспечить самостоятельную работу учащихся.

Таким образом организованное обучение обеспечивает максимальную активность учащихся, что и требует современный образовательный процесс.

Итак, интерактивное обучение позволяет решать одновременно несколько задач, главной их которых является развитие коммуникативных умений и навыков, помогает установлению эмоциональных контактов между учащимися, обеспечивает воспитательную задачу, поскольку приучает работать в команде, прислушиваться к мнению своих товарищей. Использование интерактивных приемов в процессе обучения, как показывает практика, снимает нервную нагрузку обучающихся, дает возможность менять формы их деятельности, переключать внимание на узловые вопросы темы занятий. Основное отличие интерактивных методов заключается в том, что они направлены не только и не столько на закрепление уже изученного материала, сколько на изучение нового.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Давыдов, В.В. Теория развивающего обучения / В.В. Давыдов. – М.: ИНТОР, 1996. .
- 2.Двуличанская Н. Н. Интерактивные методы обучения как средство формирования ключевых компетенций // <http://technomag.edu.ru>
3. Макарова Е.Л. Использование интерактивных форм обучения для повышения эффективности образовательного процесса // <http://www.smtueco.ru/en/items/interactive-forms-of-learning>
4. Артебякина О.В. Формирование математической культуры у студентов педагогических вузов: дис. канд. пед. наук. - Челябинск, 1999. - 162 с.
5. Горелова Г.В., Кацко И.А. Теория вероятностей и математическая статистика в примерах и задачах с применением Excel.-М.: Высшее образование, 2014.-400 с.
6. Колмогоров А.Н. Введение в теорию вероятностей и комбинаторику // Математика в школе.- Москва, 2000. - № 8. - С. 2-9.
7. Кудратов Ж. Теория вероятностей и математическая статистика в курсе математики средней школы: Дис. ... канд. пед. наук. –Ташкент: ТГПИ, 1991. - 204 с.
8. Общая и профессиональная педагогика: Учебное пособие для студентов педагогических вузов / Под ред. В.Д. Симоненко. - М.: Вентана-Граф, 2005. - 368 с.
9. Панасюк В.П. Педагогическая система внутришкольного управления качеством образовательного процесса: Дис. ... д-ра пед. наук. - СПб.: СПГПУ, 1998. -426 с.
- 10.Педагогика: Учеб. пособие для студ. пед. учеб. заведений / В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шиянов. - М.: Школа-Пресс, 1998. - 512 с.

УДК: 371.90:371.3

МАХСУС МАКТАБЛАРДАГИ МЕҲНАТ ДАРСЛАРИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Акрамова Х. – Жиззах давлат педагогика институти, ўқитувчи

Аннотация. Ушбу мақолада махсус мактаблардаги меҳнат дарсларида ахборот технологияларининг ўқув-тарбия жараёнига интеграциясини тўлиқ бошқаришни йўлга қўйиш, меҳнат дарсларини компьютер дастурлариасосида босқичма-босқич амалга ошириш тўғрисида сўз юритилади.

Калит сўзлар: тузатиш, интеграция, максимал моделлаштириш, алгоритмли, тафаккур, дифференциация, компетенция.

ПУТИ РАЗВИТИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА УРОКАХ ТРУДА В СПЕЦИАЛЬНЫХ ШКОЛАХ

Акрамова Х.- Джиззакский государственный педагогический институт, преподаватель

Аннотация. В данной статье рассматривается возможность полноценного управления процесса интеграции информационных технологий в учебно –воспитательный процесс на уроках труда в специальных школах.

Ключевые слова: коррекция, интеграция, максимальная интенсивность, алгоритмическое, мышление, дифференциация, элективность, мотивация, компетенция.

OF DEVELOPMENT OF INFORMATION TECHNOLOGIES IN THE TEACHING OF LESSONS IN SPECIAL SCHOOLSX

Akramova H. - Jizzakh State Pedagogical Institute, teacher

Annotation. Establishment of full management of integration of information technologies in the educational process in the classroom work in special schools. Employment classes include step-by-step elements of the computer program model.

Key words: correction, integration, maximum intensification, algorithmic, mentality, difference, optional, motivation, competent.

Мустақиллик йилларида республикамизда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болаларнинг мактабгача, умумий ўрта, маҳсус таълим тизимларидағи ўзгаришларнинг тадрижий ҳусусияти охирги ўн йилликларда ақлий ривожланишида нуқсонли шахсларнинг меҳнат ва касбий таълими муаммолариға қизиқиши кучайтируди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ногирон, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш»[1; 70-71-б.] каби вазифалар белгилаб қўйилган.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган ёндашув ғояси қандай қилиб бўлса ҳам болаларни янги компьютер технологиялариға ўргатиш вазифасини қўйиб, уларни мазкур техникага одатлантириш эмас, балки алоҳида ёрдамга муҳтоҷ болаларнинг нуқсонларини коррекция қилиш ва умумий ривожлантириш мақсадида компьютер технологияларининг тубдан янги имкониятларидан фойдаланишга уринишдан иборат. «Компьютердан болага» ғоясига биз «боладан компьютерга» ғоясини қарама-қарши қўямиз.

Ўқув-тарбия жараёнинг ўқитишнинг ахборот технологияларининг интеграцияси умумий меҳнат кўнилмаларини ўргатишни ташкил этиш ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич содир бўлади.

1. Биринчи босқичда ўқув-тарбия жараёнида ўқитишнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш зарурати ва буни тажрибада амалга ошириш учун имкониятнинг мавжудги аниқланади. Бунга электрон кўринишда тақдим этиш мумкин бўлган таркибий ўқув-услубий материаллар мавжудлиги асос бўлиб хизмат қиласди.

2. Иккинчи босқич умумий меҳнат кўнилмаларини шакллантиришда ахборот технологияларидан фойдаланишни аниқлаштириш билан боғлиқ. Мазкур босқич бир неча босқичларга бўлиниши мумкин.

Биринчи босқичда, бош мақсаддан келиб чиқсан ҳолда, ўқув режада белгиланган талабларга риоя этиб, ахборот технологияларидан фойдаланишнинг асосий мақсадлари ва вазифалари белгиланади. Ахборот технологияларини ўқув жараёнига интеграциялаб қўйидагиларни таъминлаш мумкин:

- компьютер билан мулоқот ва маҳсус ўқитиш дастурлари билан ишлаш ҳусусиятларига асосан конструктив, алгоритмик тафаккурни ривожлантириш;
- интеллектуал ўқитиш тизимлари муҳитида репродуктив фаолият мазмунини ўзгартириш, тадқиқотчилик ҳусусиятидаги эвристик топшириқларни бажариш;
- ҳамкорликдаги лойиҳаларни бажариш асосида коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш;
- оптимал қарорлар қабул қилиш ва мараккаб вазиятларга (тренажёр-дастурлар билан ишлашда) мослашиш кўнилмасини шакллантириш.

Кейинги босқичда ўқув-тарбия жараёнининг бошқа жиҳатларини – батафсил дастур, ўқув машғулотлари шакли, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари ҳусусиятлари, қўлланиладиган билимларни баҳолаш мезонлари ва методларини ва бошқаларни таҳлил қилишга ўтиш зарур.

Ўқувчиларнинг тавсифномаларининг таҳлили ва баҳоси ҳам мухим ҳисобланади. Қатор вазиятлар – ўқувчиларнинг мазкур ёш даврлари, уларнинг ихтисослашувлари йўналиши, ахборот технологиялари соҳасидаги дастлабки тайёргарлик, уларнинг ўқув ишларининг турли шакллари билан танишишлари, қобилиятлари ва мустақил ишлаш малакалари аниқдир. Таълим олувчилар учун муайян

ўқитиши методларининг афзаллиги, уларнинг ўрганилаётган фанга умумий муносабатларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур босқичда ижобий ва салбий жиҳатларни аниқлаш ўқувтарбиявий жараённи коррекциялаш ва ахборот технологияларини қўллаш асосларини шакллантириш учун муҳимдир.

Аввалги босқичларнинг ўзига хослиги ахборот технологияларининг интеграцияси кўпроқ умумлаштирилган ҳолда ўрганилганилигидан иборат. Аммо мазкур босқичда ахборот технологияларининг интеграцияси ва бутун ўқув-тарбия жараёнини мувофиқлаштиришни батафсил лойиҳалаштириш талаб этилади. Бунда ҳар бир дарс ишланмалари, таълим олувчиларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиб, мустақил ишлашлари учун маҳсус вазифалар, дарс режалари ва бошқалар назарда тутилмоқда.

Анъанавий ўқув-услубий ҳужжатларни қайта ишлашдан ташқари таълим олувчилар учун тавсияларни тайёрлаш ва тақдим этиш лозим. Таълим олувчилар тажриба-синов маълумотларни қайта ишлаш учун улар маҳсус дастурий мажмуудан фойдаланишлари, асосий тушунчаларни улар дастурнинг маълум бўлими ёрдамида мустаҳкамлашлари мумкинлигини аввалдан билишлари керак.

Ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш учун улар ва анъанавий ўқув-услубий материаллар ўртасида бевосита алоқа зарур. Ниҳоят, таълим сифатининг назорати ва баҳоланиши стратегияси ахборот технологиялари ёрдамида тақдим этилган материалларни ўзлаштиришни баҳолашни кафолатлаши керак.

1. Тайёрланган лойиҳани амалда жорий этиш учун маълум тайёргарлик ишларини бажариш талаб этилади. Унга, биринчи навбатда, ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиши учун талаб этиладиган бутун ўқув-услубий ҳужжатларни ва бошқа материалларни янгилаш тааллуқли (агар мустақил ишни ташкил этиш учун электрон дасрлиқдан фойдаланиш қўшимча таклиф этилса, унда бу мос билимларни танлашда ўз ифодасини топиши керак).

2. Ўқув-тарбиявий жараённинг амалдаги ҳақиқий бориши таклиф этилганидан фарқланиши мумкин. Ўқув-тарбиявий жараённинг боришини бошқариш таълим олувчилар уларга таклиф этилган ва ўқув курсига интеграциялашган ахборот технологияларидан қандай фойдаланаётганликларини ўзлуксиз ўрганиш ва уларнинг ҳаракатларини керакли томонга йўналтиришдан иборат бўлиши керак. Бу юзага келадиган муаммолар аниқланиши ва таълим олувчилар учун ахборот технологиялари очадиган қўшимча имкониятларни йўқотишсиз, ўз вақтида ечилиши учун ҳақиқий вақтда содир бўлиши керак. Гап ўз-ўзидан ўқитишининг кескин ўзгаришлари ҳақида бормайди, аммо аниқланган жиддий камчиликлар, шубҳасиз, келгуси фойдаланиш учун ўқув-тарбиявий жараёнга ахборот технологияларини интеграциялаш тамойилларининг қўшимча таҳлил ва қайта ишланишини талаб этади.

3. Якуний босқичда ҳақиқий ютуқларни ўрганиш ва ахборот технологиялардан фойдаланиш қанчалик самарали бўлғанлиги тўғрисида саволга жавоб бериш зарур.

4. Натижалар таҳлили бизнинг босқичма-босқич моделимизни якунлайди ва унинг бошига қайтиб ёпди, чунки айнан шу ердан ахборот технологияларини қўллашда мавжуд муаммоларни қайта кўриб чиқишига қайтиш, такомиллаштириш учун имкониятларни топиш мумкин.

5. Баён этилган ўқув-тарбия жараёнига ахборот технологияларини интеграциялашнинг концептуал тузилмаси модел кўринишида ифодаланиши мумкин.

Ахборот технологияларининг ўқув-тарбия жараёнига интеграцияси тўлиқ бошқариладиган бўлиши кераклиги табиийдир. Бунда маъмурӣ бошқарув эмас, балки моделнинг ўзида барча босқичларда таъсир кўрсатадиган бошқарув элементлари мавжудлиги назарда тутилмоқда. Сифатни таъминлаш деганда, биз нафақат билимлиликнинг маълум даражасига эришишни, балки интеграциянинг барча босқичларидаги ҳаракатлар қўйилган мақсадга эришишга олиб келишни тушунамиз. Педагог ахборот технологиялари қўлланиладиган мавзуларни белгилаши, таълим шаклини ёки аниқ бир дастурий воситани танлашида ҳар сафар қўйилган мақсадга кўпроқ яқинлаштирувчи қарорда тўхталиши керак: жараённи бошқариш айнан шундан иборат бўлиб ҳисобланади.

Таълим олувчилар таълим жараёнининг фаол субъектлари ҳисобланишлари сабабли таълим олувчиларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш мотивацияларини моделнинг бошқарув элементлари тоифасига киритиш табиий ҳисобланади. Таълим олувчилар мотивацияларининг

потенциал имкониятлари барча босқичларнинг боришига таъсир кўрсатиши мумкин. Кўриб чиқилган интеграция жараёни ҳеч қачон бир йўналиши деб таҳмин қилинмайди. Баён этилган амаллар кетма-кетлиги оқибатда мураккаброқ бўлиб чиқиши мумкин бўлган, тажрибада амалга ошириладиган схемага маълум асос бўлади. Жараённинг кўпгина босқичларида олдинги қарорларни бекор қилиш ёки қайта кўриб чиқиш талаб этиладиган вазият юзага келиши мумкин. Бундай рекурсияни (лотинчадан recursio - қайтиш) маълум муаммо сифатида қабул қиласлик лозим, бу кўриб чиқилаётган тузилманинг шунчаки табиий, ҳатто ижобий хусусиятидир.

Бизнинг моделнинг мазкур хусусияти ўқув-тарбия жараёнига ахборот технологияларини интеграциялаш жараёнининг таркибий қисмини ва унинг ночизиқли табиатини акс этириб, рекурсиялар ўқув жараёнини ташкил этишнинг умумий тамойиллари доирасида бошқарилишида унинг бузилмаслигини таъминлайди. Ривожланишида оғишишлари бўлган бола – бу алоҳида таълимий эҳтиёжларига эга бўлган боладир. Ахборот технологияларининг афзалликларига асосланган янги ўқитиш воситалари болаларнинг алоҳида таълимий эҳтиёжларини қондириш, коррекцион вазифаларни янада самарали ҳал қилиш учун қўлланилиши мумкин ва зарур.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, маҳсус таълимда ахборот технологияларига асосланган воситалардан фойдаланиш, анъанавий ўқитиш воситалари ёрдамида ҳал қилиш жуда қийин бўлган янги дидактик вазифаларни қўйиш имкониятини очади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – Б.70-71.
2. Юсупова Н., Садикова Г. “Меҳнатга ўргатиш маҳсус методикаси” Т.: “Нисим”, 2008.
3. Пўлатова П.М., “Маҳсус педагогика (Олигофренопедагогика)” Т., F.Ғулом, 2005.
4. Компьютерный тренажер для обучения и контроля знаний учащихся: Практическое руководство/Г.В.Васенков, В.Г. Патракеев, А.М. Щербакова. М., 1995.
5. Информатика. Под ред. Н.В. Макаровой. — М., 1997.

УДК: 372.72

BOSHLANG'ICH SINFLARDA MASALA YECHISHDA INNOVATSION TEKNOLOGIYALARNI TATBIQ ETISHNING METODIK ASOSLARI

Saidova M.J. - Buxoro shahar kar va zaif eshituvchi bolalar uchun ixtisoslashtirilgan maktab, o`qituvchi

Annotatsiya. Matematikani o`qitish umumiyligi tizimida masalalar yechish samarali mashq qilish turlaridan biridir. Ushbu maqolada boshlang`ich sinflarda masala yechishda innovatsion texnologiyalarni tatbiq etish metodlari to`g`risida so`z yuritiladi.

Kalit so`zlar: boshlang`ich sinf, masala yechishga o`rgatish, matematika o`qitish, o`quvchi, innovatsiya, texnologiya.

МЕТОДИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В РЕШЕНИЕ ЗАДАЧ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ

Сайдова М. – Бухарская специализированная школа-интернат №123 для детей с задержкой психического развития, и глухих детей, преподаватель

Аннотация. Решение задач в общей системе обучения математике является одним из видов эффективных упражнений. В этой статье обсуждается, вопрос внедрение инновационных технологий в решении задач в начальных классах.

Ключевые слова: начальный класс, обучение решению задач, обучение математике, ученик, инновация, технология.

METHODICAL BASES OF INTRODUCTION OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE SOLUTION OF TASKS IN INITIAL CLASSES

Saidova M. - Bukhara specialized boarding school №123 for children with mental retardation and deaf children, teacher

Annotation. Solving problems in the General system of teaching mathematics is one of the types of effective exercises. This article discusses how to teach basic questions in primary school, its General questions and some weaknesses continued.

Key words: elementary class, learn to solve problems, teach mathematics, student.

Masalalar yechish, bolalarda mukammal matematik tushunchalarni shakllantirish, ularning dasturda belgilab berilgan nazariy bilimlarni o'zlashtirishlarida muhim ahamiyatga ega. "Masala" atamasiga turli manbalarda turlicha ta'rif beriladi:

Masala yechish bolalarda tafakkurni o'stiradi. "Tafakkur esa- inson ongida obyektiv olamning aktiv aks etishi demakdir" [1].

1-4 sinf matematika darsliklardagi masalalar quydagি sonlarda taqsimlangan:

Sinf	Masalaning umumiy soni	Rasm asosidagi masala
1-sinf	151 ta	51 ta
2-sinf	352 ta	48 ta
3-sinf	371 ta	38 ta
4- sinf	373 ta	7 ta

1-sinf matematika darsligida jami 151 ta masala berilgan bo'lib, shulardan 34 %i, 2-sinf matematika darsligida 352 masala keltirilgan bo'lib shundan 14% i, 3-sinfda jami 371 ta masala bo'lib 10% i, 4-sinf darsligida esa jami 373 ta masala bo'lib, 0,02 %ini rasm asosidagi masalalar tashkil etadi.

Istalgan masala uch komponentdan iborat bo'лади:

a) masalaning matni, b) masaladagi sonli faktlar, v) masalaning savoli.

Bu uch komponent oldida ma'lum talablar ham yotadi.

A) Masalaning matni: qisqa, ravon va tushunarli bo'lishi kerak.

B) Sonli faktlari: hayotiy, taraqqiyot dinamikamizni ochib beruvchi mantiqan to'g'ri tanlangan, imkoniyat chegarasidan chiqmagan bo'lishi kerak.

D) Matn oxirida so'roq gap tariqasida yozilgan aniq savol bo'lishi kerak.

Yechilishi uchun bir-biri bilan bog'liq bo'lgan bir nechta (ular bir xil yoki har xil amal bo'lishlaridan qat'i nazar) amalni bajarish zarur bo'lgan masala murakkab masala deyiladi.

Sodda masalalarni qanday amal yordamida echilishiga qarab (qo'shish, ayirish, ko'paytirish, bo'lish bilan yechiladigan sodda masalalar) yoki ularning echilishi davomida shakllantiriladigan tushunchalarga bog'liq ravishda turlarga ajratish mumkin. Murakkab masalalar uchun ularni ishga foydasi tegadigan qilib bunday ma'lum guruhlarga klassifikatsiyalashning yagona asosi yo'q. Biroq metodik mulohazalar bo'yicha turli-tuman murakkab masalalar majmuasidan ba'zi gruppalarni yo matematik strukturasiga qarab (masalan, yig'indini songa bo'lish lozim bo'lgan masalalar) yoki yechish usuliga qarab (masalan, o'zgarmas miqdorning qiymatini topish usuli bilan yechiladigan masalalar), yoki konkret mazmuniga qarab (masalan, harakat bilan bog'liq bo'lgan masalalar) ajratib ko'rsatish maqsadga muvofiqdir. Matematikaning boshlang'ich kursida sodda masalalar va asosan 2-4 amalli murakkab masalalar o'rgatiladi. Zero, murakkab masalalar o'quvchilarning ijodiy qobiliyatini rivojlantiradi [3, 224-228-b.]

O'quvchilarda masalalar yechish usullarini umumlashtirish va ularni yechishga ijodiy yondashish ko'nikmasini shakllantirishda masalalar tuzish va ularning ko'rinishini almashtirishga doir mashqlar muhum ahamiyatga ega. Bunday mashqlarning ba'zi turlari quyqidagilardan iborat bo'lishi mumkin:

O'quvchilarning har bir guruhi 8 tupdan olcha ko'chatni tagini yumshatdi, jami 32 tup olma ko'chatining tagi yumshatildi. Bu ishni o'quvchilarning nechta guruhi bajargan?

Boshlang'ich sinf matematika kitoblarini tahlil qilib chiqqanimizda darsliklardagi masalalar mavzularini quydagilarga ajratdik:

1.Maktab, sinf, oila hayotiga oid masalalar.

2.O'quvchilar mehnati va o'yinlariga oid masalalar.

3.Sinf jamoasining hayotiga oid masalalar.

4.O'quvchining o'z uyi, yashab turgan ko'chasi hayotiga oid masalalar.

5. O'quvchining ota-onasi mehnat qilayotgan jamoa, ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy-ma'rifiy hayotiga oid masalalar (qishloq maktablari uchun).

6. O'quvchining jonajon shahri, ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy- ma'rifiy hayoti bilan bog'liq bo'lgan masalalar (shahar maktablari uchun):

7. O'quvchi yashab turgan yaqin – qo'shni jamoaning ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy-ma'rifiy hayoti bilan bog'liq bo'lgan masalalar (qishloq maktablari uchun).

8. O'quvchi yashab turgan tuman (shahar) ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy-ma'rifiy hayoti bilan bog'liq bo'lgan masalalar.

9. Qo'shni tuman (shahar) ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy-ma'rifiy hayoti bilan bog'liq bo'lgan masalalar.

10. O'quvchining yashab turgan, viloyatning ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy-ma'rifiy hayoti bilan bog'liq bo'lgan masalalar.

Amaliy tajribalarimizdan olingen xulosalarga tayanib shu holatning guvohi bo'ldikki, yuqorida e'tirof etilgan masalalarning har biri o'qituvchi o'quvchilarga o'rgatish jarayonida quydagilarni hisobga olishi va bilishi kerak:

1. Boshlang'ich sinflarda matematika bo'yicha masalalarni yechishga o'rgatishgaoid dastur izohining asosiy qoidalarini;

2. Boshlang'ich sinflarda matematika kursida o'tiladigan oddiy va murakkab masalalarni;

3. Boshlang'ich sinflarning matematika kursida matnli masalalar funksiyasini,

4. Masalalarni yechishga o'rgatishgaoid turli xil usullarni (yuzma - yuz suhbat, ko'rgazmali vositalardan foydalanish);

5. Har qanday masalani o'quvchilar bilan yuzma - yuz tahlil etishi;

6. O'quvchilarga masalani turli yo'llar bilan yechish mumkinligini tushuntiraolishi;

7. Mashg'ulotning turli bosqichlarida masala yechishning turli yozma shakllaridan maqsadli foydalanaolishi;

8. Masala yechimini tekshirishning turli yo'llaridan foydalanaolishi;

9. Masalalar yechishni o'rgatish mashg'ulotini ishlab chiqaoishi;

10. Boshlang'ich sinflar uchun matematika kursi bo'yicha har qanday masalani yechoalshi kerak.

Bizga ma'lumki, masala sharti murakkab bo'lган holda berilganlar orasidagi munosabatlarni tushunib olish qiyin bo'lган hollarda, shuningdek, yangi xil masalalarni yechishda qisqa yozishdan foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Shuni nazarda tutish kerakki, barcha hollarda ham qisqa yozuvni bajarish bilan bir vaqtida masala shartining analizi ham amalga oshiriladi. Aslini aytganda, qisqa yozuvning vazifasi shundan iborat. Haqiqatan ham masala shartining qisqa yozuvi o'quvchilar xotirasiga tayanch bo'lib, son ma'lumotlarni tushunish va ajratish imkonini beradi, shu bilan birga ularning ratsional yozilishi masalada nima berilgan va nimani izlash kerakligini aniq tushuntirish imkonini yaratadi.

Tajribalardan ma'lumki, masalaning qisqacha shartini tuzish jaryonida ba'zi pedagoglar xato va kamchiliklarga yo'l qo'yadilar. Bunday kamchiliklarga yo'l qo'yilishining asosiy sabablaridan biri o'qituvchilar tomonidan matnli masalalar ustida ishslash metodiga rivoja qilinmaslidir. Masala matni bilan dastlabki tanishtirishda, masalaning qisqacha shartini ifodalashda, masala muhokamasida, masala echilishini yozishda, echilgan masala ustida ishslash kabi bosqichlarida ayrim xatoliklarni kuzatish mumkin. Ularning asosiy kamchiligi masalaning qisqacha shartini tuzishda ko'proq ko'zga tashlanadi.

Buni ayrim o'qituvchilar tajribasidan ham ko'rishimiz mumkin. Agar bugungi faoliyat natijasi shunday bo'lsa, ertangi kun yoshlaridan, ularning mustaqil fikridan nimani kutishimiz mumkin? Axir bu bilan o'quvchilarni teran fikrlashiga oz bo'lsada to'sqinlik qilib qo'yayapmizmi? Xo'sh, nega o'qituvchi kamchilikka yo'l qo'yadi? O'qituvchining asosiy xatosi shundaki, u masala ustida ishslash rejasini to'liq bilmaydi.

Masalaga doir qisqa shart tuzishda quyidagi qoidalarga amal qilish kerak:

1. Qisqa shart masala mazmuni bilan tanishilgandan keyin tuziladi va yechish yo'llarini izlashning muhim vositasi bo'lib xizmat qiladi, o'quvchilar qisqa yozuvga asoslanib, o'qituvchi boshchiligidagi masalani tahlil qilishadi.

2. Qisqa shart ixcham, aniq bo'lishi va miqdorlar orasidagi bog'lanishlarni aynan aks ettirishi kerak. U har xil shaklda, ya'ni jadval tarzida, chizma, rasm, sxema, qisqa yozuv, diagramma ko'rinishida va hokazo tasvirlanishi mumkin.

3. Qisqa shartning har bir yangi ko'rinishini o'quvchilar o'qituvchi boshchiligidagi bajaradi.

4. Darsning maqsadlari va masalaning qiyinlik darajasiga qarab qisqa shartni o'qituvchi yoki o'qituvchi boshchiligidagi o'quvchi doskada bajarishi mumkin. Istalgan masalada qisqacha shart masala shartidan kelib chiqqan ko'rgazma quroldir.

Masala ustida ishslashning rejasi quydagicha:

No	Masala ustida ishslash rejasi
1.	Masalani o'qib chiqing, masalada nima haqida gap borayotganini tasavvur qiling.
2.	Masalada nima ma'lum va nimani topish kerakligini aniqlab oling. Agar masala matnini tushunib olish qiyin bo'lsa, uni qisqa yozing (yoki masalagaoid chizma tayyorlang).
3.	Qisqa yozuv bo'yicha har bir son nimani ko'rsatishini tushuntiring va masala savolini takrorlang.
4.	O'ylab ko'ring, masala savoliga birdaniga javob berish mumkinmi, agar mumkin bo'limasa, nega? Oldin nimani, keyin nimani bilish mumkin? Masalani yechish rejasini tuzing.
5.	Yechishni bajaring va javobini yozing.
6.	O'z yechimining to'g'riliгини tekshirib ko'ring.
7.	O'zingizga qiziqarli savollar bering va ularga javob bering.

Masala yechish jarayonida yo'l qo'yiladigan ayrim metodik xatolar turkumiga quydagilarni kiritish mumkin:

1. Masala mazmuni bilan tanishtirishga yo'naltiruvchi savollarning noto'g'ri qo'yilishi hamda savollar tizimida nomutanosiblikning bo'lishi.

Bu holatda masala matni o'quvchilarga yaxshi tushunarli bo'lmay qoladi. Natijada o'quvchi masala yechimini tushunmay, masala matnidagi sonlar ustida ongsiz holda amallarni bajarishadi. Amaliyotda shunday holatni kuzatish mumkin. Masala o'qilgach, "Masala savoliga qanday javob beramiz?" degan noo'rin savolga bolalar masala matnidagi sonlarni qo'shib, ayirib, ko'paytirib, bo'lib noto'g'ri natijalarni aytishadi.

2. Masala qisqa shartini tuzishda masala matnini o'zida mujassam eta olmagan shartlargina tuzilishi: masala qisqa shartida matnda berilganlarining ayrimlarini kiritmaslik, ortiqcha berilgan ma'lumotlarni kiritmaslik, yozuvda xatolarga yo'l qo'ymaslik, qisqartma so'zlar yoki so'zlarning bosh harflarini qo'yishda "nuqta"ning qo'yimasligi, izohlovchi tinish belgilari: "tire (-)", (,), "so'roq belgisi (?)" larning qo'yimasligi, ularni o'z o'rnila ishlatmaslik. Masala qisqa shartini tuzish talablariga rioya qilmaslik, masala turi, xususiyatlariga qarab qisqa shartning optimal variantidan foydalanmaslik kabi xatolar amaliyotda ko'p uchraydi.

3. Ko'p hollarda masala qisqa sharti, masala yechimidan so'ng, masala javobi topilgandan so'ng beriladi. Vaholanki, masalaning qisqa sharti masalani muhokama qilish, berilganlar bilan izlanadigan miqdorlar orasidagi bog'lanishlarni oydinlashtirish uchun kerak. "Masala qisqa sharti nima uchun kerak?" degan savol har bir o'quvchining diqqat markazida bo'lishi zarur.

4. Masala muhokamasini o'tkazishda ham kamchiliklarga yo'l qo'yilishini tajriba ko'rsatmoqda. Masala muhokamasida beriladigan savollarning o'rinsizligi, izchil emasligi, masala yechimini izlashda o'quvchilarning xato qilishlariga sabab bo'ladi. Ayniqsa, masala muhokamasi oxirida masala yechish rejasini tuzishda "Masala necha usulda echiladi?" degan savol o'quvchini masala necha ish bilan echilishini aniqlashga imkon bermaydi.

5. Masala yechimini yozishda ayrim tipik xatolar jumlasiga quydagilarni kiritish mumkin: a) masala yechimini yozish shakliga, yechish usuliga e'tibor bermaslik; b) masala yechimini yozishda ismli sonlar albatta har bir amal natijasi oxirida qavsda yozilgan bo'lishi kerak; s) masala yechimini yozish jarayonida o'quvchilar amal tanlashda xatoga yo'l qo'yish hollari tez-tez uchrab turadi.

6. Masala javobini yozishda ham o'quvchilar xato qilishadi. Agar masala yechimlari izohlansa, masala javobi qisqa, masala yechimlari izohlanmasa masala javobi to'liq yozilishi kerak.

Masala yechish jarayonida o'qituvchi albatta qaysidir innovatsion usullardan, metodlardan foydalanadi.

Boshlang'ich sinf matematika dars jarayonida eng ko'p qo'llaniladigan va samarali usullardan biri multimediyali proyektrlar orqali turli tasvirlarni namoyish etishdir.

Slayd-proyektorlari. Slayd-proyektorlaridan fotoplenkadagi tasvirni proyeksiyalashda foydalilanadi.

Markerli doskalar. Bular oq magnitli doskalar bo'lib, maxsus markerlar yordamida yoziladigan va engilgina maxsus quruq gubka yordamida o'chirib tashlash imkoniyatiga ega moslama.

N.B. Istomina, O.P.Gorina va boshqalar "Metodicheskiy rekomendasi k uchebniky dlya 4-klassa" kitobida Proyektorni 4 guruhga ajratadi [2].

Nusxa ko'chiruvchi doskalar. Nusxa ko'chiruvchi doskalar ma'ruza, seminar, kengash vaqtida doskadagi barcha yozuvlar va suratlarni xotirasida saqlab qolish imkoniyatiga ega.

Hujjat-kameralari. Hujjat-kameralari – uncha katta bo'lmagan predmet, vizual tasvirni yoritib beruvchi fotosurat, slaydlar, hujjatlarning asl nusxasi elektron tasvirini tez fursat ichida namoyon qilib beruvchi oddiy qurilma.

Hujjatli videokameralar. Stol tizimidagi videokonferens-alloqaning dasturiy ta'minotga asoslangan birgalikda ishslash vositasi.

Sanoqli daqiqalar ichida turli xonalardagi abonent nuqtalarini videokonferensiya o'tkazish uchun mos qurilmalar bilan jihozlab beruvchi ixcham tizimlar. Asosan bunday qurilmalar televizion monitor tepasiga o'rnatiladi. Shuning uchun uni televizion pristavka deb yuritiladi" [5, 15-19 b.].

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, masala yechish jarayonida o'qituvchi nafaqat uning mohiyatini to'laqonli anglab uni o'quvchilarga yetkaza olishi, qolaversa, metod, usul va vosita tanlashdan oldin darsning o'quv-tarbiyaviy maqsadlarini aniqlab olish, o'quv materiali mazmunini konkretlashtirib olish, undaasosiyalarini ajratish, uni mantiqan tugallangan elementlargaajratish kerakligini bilib, dars jarayonida natijaviy o'qitishni yo'lga qo'ya olishi zarur.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Kulanov I.B. Multimediali o'qitish tizimlarini yaratish texnologiyasiga bo'lgan talablar. "Fizika, matematika va informatika" jurnali. 2009. №2.
2. Multimedia tizimlarini o'rganish va qo'llash uchun uslubiy ko'rsatma. Namangan, 2006.
3. Qosimov F. Masala yechishda yo'l qo'yiladigan ayrim xatolar va ularni bartaraf etish choralar // I Международная научно- практическая интернет- конференция. –Преяслав- Хмельницкий, 2015.– Б. 224-228.
4. Rayxonov Sh. Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish uslubiyoti. -B.: "Durdona" nashriyoti, 2004. 164- 253 b.
5. Umarov L.M. Innovatsion texnologiyalaridan foydalanib o'qitish samaradorligini oshirish. Mag.disser.-Q.: 2012.-15-19 b.
6. Xalillayev A., Xudoynazarov E. Boshlang'ich sinflarda masala yechishga o'rgatish metodikasi -U.: 2010.-6 b.
7. Курманила Ш. Методика преподавания математики в начальных классах. Астана 2011. 92-с
8. Чекина А.Л, Федотовой О.Н, Рагозиной Т.М. Математика, окружающий мир, технология 3-класс. Волгоград -2014. -70 с

УДК: 370.139

ACTIVITIES TO PROMOTE SPEAKING SKILLS IN ESP LEARNERS

Xudoyberganova M. – Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers, teacher
Xudoyberganov G . – Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers, teacher

Annotation. This article deals with the issue of teaching speaking in ESP and activities based on developing students' speaking skills. As the teachers' of future specialists we should work on our students' problem and help them to overcome that barrier which stands on their future success and we ought to encourage this process with different kinds of meaningful activities.

Key words: speaking; speech activity; non-philological institutions; specialist; oral communication; expressing idea; a means of communication; motivation; communicative competence; language skills.

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ПО ПОВЫШЕНИЮ РЕЧЕВЫХ НАВЫКОВ ESP LEANERS

Худойберганова М. – Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, преподаватель

Худойберганов Г. - Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, преподаватель

Аннотация. В данной статье рассматривается проблема обучения говорению в ESP и проведения занятий, основанных на развитии навыков речи у студентов.

Ключевые слова: говорение; речевая деятельность; нефилологические учреждения; специалист; устное общение; выражать идею; средство общения; мотивация; коммуникативная компетентность; языковые навыки.

ESP LEANER DASTURI ASOSIDA NUTQIY KO`NIKMALARINI OSHIRISH FAOLIYATI

Худойберганова М. – Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti, o`qituvchi

Худойберганов Г.- Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari institute, o`qituvchi

Annotatsiya. Ushbu maqolada talabalarning nutq ko`nikmalarini rivojlantirish bilan bog'liq masalalar haqida so`z yuritiladi.

Kalit so`zlar: nutq, nutq faoliyati, filologik bo`limgan tashkilotlar, mutaxassis, og'zaki muloqot, g'oyani ifodalash, aloqa vositasi, motivatsiya, kommunikativ kompetentlik, til malakalari.

Speaking is one of the most basic functions of communication. Also, in the English language it has been considered the most challenging of the four skills given the fact that it involves a complex process of constructing meaning. This process requires speakers to make decisions about why, how and when to communicate depending on the cultural and social context in which the speaking act occurs. Additionally, it involves a dynamic interrelation between speakers and hearers that results in their simultaneous interaction of producing and processing spoken discourse under time constraints. Given all these defining aspects of the complex and intricate nature of spoken discourse, increasing research conducted over the last few decades have recognized speaking as an interactive, social and contextualized communicative event. Therefore, the key role of the speaking skill in developing learners' communicative competence has also become evident, since this skill requires learners to be in possession of knowledge about how to produce not only linguistically correct but also pragmatically appropriate utterances. Also, it presents the importance of integrating this skill within a communicative competence framework so that learners can acquire their English language communicative competence through speaking.

Practical using of English in forthcoming professional activity is the main purpose of teaching English in non-linguistic faculties. The lack of motivation is one of the main difficulties in speaking in such classes. Moreover, students are also too shy to speak with the friends. Good oral communication is essential to every aspect of life and work. Many surveys have identified it as one of the skills most highly valued by employers.

Students with good communication skills:

- can relate well to colleagues and customers
- are able to get information they need from organizations and individuals
- can explain things clearly and contribute to meetings and discussions
- are more successful in their careers
- have more positive and productive relationships with others.

That's why, their interest, teaching material and techniques also determine the success or failure of skill development.

According to their profession, students should participate in scientific conferences and they should read and understand the professional text, they should get information in FL about their specialty. In professional oriented process:

1. The first of all, there should be integration between FL and subjects of specialty;
2. Secondly, before FL teacher stays such task by integrating subjects teacher should form in the student professional knowledge, skills and professional habits;

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. –Т.: Ўзбекистон, 1998. -486.
2. Ўзбекистоннинг янги тарихи / Тузувчилар: Н.Жураев, Т.Файзулаев/-Т.: Шарқ, 2000, -5606.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997. 20-296.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. -806.
5. Алеуов У. Қарақалпақстанда тәлим-тәрбиялик ойлардың қәлипле-сиёзи ҳэм раўажланыўы. – Нөкис: Билим, 1993.– 503 б.
6. Алеуов Ў. Қорақалпоғистонда педагогик фикрларнинг шаклланиши ва ривожланиши. – Нукус: Билим, 1993. – 36 б.
7. Алеуова Р.Ш. Амир Темурнинг маънавий-тарбиявий қарашлари: -пед.ф.номз....дисс. –Т.: 2006. -1436.
8. Алеуова Р.Ш. Амир Темурнинг маърифий-тарбиявий қарашлари: Пед.фан.ном. дис.... Автореф. – Ташкент: ЎзПФТИ, 2006. – 23 б.
9. Аликулов Х. Этически воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасана (XIV-XV вв.). под ред. Академика А.Н.Руз М.М.Хайруллаева. –Т.: 1992. -98с.

10.Алметов Н. Педагогика. Саволлар ва жавоблар. Олий ўқув юртларининг педагогик ихтиососликлари учун ўқув қўлланма. –Алмата, Нури бейне, -2016.

УДК: 372.22

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Элмуратова Д. – Тошкент давлат педагогика университети, докторант

Аннотация. Педагогларнинг инновацион фаолиятга тайёргарлиги бугунги кун талаблари асосида касбий фолиятни олиб боришнинг асоси ҳисобланади. Мақолада бошлангич синф ўқитувчисининг инновацион фаолиятга касбий тайёргарлигининг асосий кўрсаткичлари баён қилинган.

Калит сўзлар: педагог, инновацион фаолият, бошлангич синф ўқитувчи, касбий тайёргарлик, ташаббускорлик, когнитив билим.

ОСНОВНЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ УЧИТЕЛЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ К ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Эльмуратова Д. – Ташкентский государственный педагогический университет, докторант

Аннотация. Готовность педагогов к инновационной деятельности является основой ведения профессиональной деятельности в соответствии с современными требованиями. В статье описаны основные показатели профессиональной подготовки учителя начальных классов к инновационной деятельности.

Ключевые слова: педагог, инновационная деятельность, учитель начальных классов, профессиональная подготовка, инициативность, когнитивное знание.

THE MAIN INDICATORS OF PROFESSIONAL TRAINING OF PRIMARY SCHOOL TEACHERS TO INNOVATIVE ACTIVITY

Elmuratova D. – Tashkent State Pedagogical University, doctoral student

Annotation. Preparation of teachers for innovative activities is the basis of professional folklore on the basis of the requirements of today. The article describes the main indicators of professional training of primary school teachers for innovation.

Key words: teacher, innovative activity, primary school teacher, professional training, initiative, cognitive.

Педагогнинг инновацион фаолиятга тайёрлигини аниқлаш “фаолиятга тайёрлик” сингари шахсий ҳосиланинг моҳиятини аниқлашга боғлиқ. Субъектдаги ўзгаришлар унинг фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Айнан инсон фаолияти унинг онги, руҳий жараёнлари ва хусусиятларига боғлиқ бўлиб, улар инсон фаолиятини тартибга солади, унинг самарали ва тўғри бажарилишининг шарти сифатида хизмат қиласди.

Инновацион педагогик фаолиятга тайёргарлик инсоннинг педагогик фаолиятга тайёрлигининг умумий хусусиятларига эга бўлади. Унга маълум хусусиятлар хос бўлиб, уни касбий тайёргарликнинг ўзига хос кўриниши сифатида қарашга асос бўлади. Маълумки, “янгиликларга тайёрлик” ҳодисасини фаолиятнинг ижодий услубининг намоён бўлиши сифатида қарайдилар. Кўпчилик педагог олимлар педагогик фаолиятга тайёрлик тушунчасига деярли ўхшаш мазмунни киритадилар.

В.А. Сластенин педагогик фаолиятга касбий тайёргарликни кўриб чиқиша функционал равишда қўйидагиларни ажратади:

1) психологияк тайёргарлик, яъни педагогик фаолиятга шаклланган (турли даражада) йўналганлик, мактабда ишлашга установка;

2) илмий-назарий тайёргарлик, яъни компетент педагогик фаолият учун талаб этиладиган ижтимоий-сиёсий, психологик, педагогик ва ижтимоий билимларнинг зарур ҳажмининг мавжудлиги;

3) амалийта йёргарлик, яъни талаб этилган даражада шаклланган касбий кўникма ва малакаларнинг мавжудлиги;

4) психологияк-физиологик тайёргарлик, яъни педагогик фаолият ва маълум мутахассисликни эгаллаш учун мосшарт-шароитларнинг мавжудлиги, касбий аҳамиятли шахсий сифатларнинг шаклланганлиги;

5) жисмоний тайёргарлик, яъни саломатлик ҳолати ва жисмоний ривожланишнинг педагогик фаолият ва касбий ишлаш қобилияти талабларига мослиги [4].

Ўқитувчининг инновацион фаолиятга тайёргарлиги – бу мустақил, мақсадга йўналтирилган, босқичма-босқич равишда эҳтиёжли-мотивацион соҳа асосида ўзининг педагогик вазиятини ўзгартиришнинг барқарорлиги ва зарурлигига кўра турли усуслар билан лойиҳали образга эришиш бўйича педагогик шахсий фаолиятни амалга ошириш ва унга тузатишлар киритишни амалга оширишдир.

Фаолиятли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчининг инновацион фаолиятга тайёргарлигининг мазкур таърифидан келиб чиқиб, биз унинг қўйидаги структуравий компонентларини ажратишимииз мумкин:

- юзага келадиган тажриба натижасининг ноаниқлиги, яъни талабанинг мақсадга йўналтирилган фаолияти бўлажак ўқитувчининг мавжуд ва қуриладиган педагогик вазиятининг компоненти каби янгиликка интилишнинг барқарорлиги асосида қурилади;

- бўлажак педагогнинг тажрибаси ва фаолият хусусиятининг ўзгаришига кўра ўзгариши мумкин бўлган предметда мазкур имкониятни амалга ошириш зарурати билан боғлиқ мазкур тайёргарликнинг вариативлиги;

- бўлажак ўқитувчининг фаолиятга амалга оширишга тайёргарлигининг ўз тайёргарлигини шакллантиришнинг бошига қайтаришувчанлиги ва барқарорлиги, бунга кўра ўқитувчи, айниқса бўлажак ўқитувчининг ўз-ўзини ривожлантиришнинг ўз-ўзини ўзгартиришга интилишининг ажралмас шарти сифатида;

- мазкур фаолият турини амалга оширишга тайёргарликнинг самарадорлиги: педагогик вазиятнинг ўзгартиришга ва нафақат ўзини, балки бошқаларни ўзгартиришга тайёргарлик, яъни боланинг ривожланиши учун шароитлар яратиш;

- мазкур инновация билан ўзаро алоқага киришишга шахсий қобилиятнинг маълум, ҳақиқий, фаолиятга ўтиши монияти.

Мазкур кўрсаткичларнинг намоён бўлиши натижаси бўлиб мазкур фаолият турининг мазмунли жиҳати ҳисобланиб, у педагогик фаолиятнинг ихтиёрий бошқа турига кўра ўзгачага айланади, чунки мазкур ўтишнинг юзага келиши мажбурулар асосида содир бўлади (ноаниқ эҳтимолий фаолият натижаси шароитларида имкониятнинг ҳақиқий ишларга ўтишини мос равишда танлаш асосида) – ўтиш натижаси сифатида – “ўз-ўзига хатти-ҳаракатларнинг аввалдан ноаниқ якунни учун жавобгарликни ўз зиммасига мустақил қабул қилиш”[3].

Ўқитувчининг инновацион фаолиятга тайёргарлигини шакллантириш қўйидагиларни кўзда тутади:

- мотивлар ва қарорлар асосида касбий фаолиятнинг онгли таҳлили;
- педагогик воқеиликнинг муаммолаштирилиши ва низолаштирилиши – унда бевосита қабул қилинмайдиган коллизиялар ва номувофиқларни кўра олиш;
- педагогик меъёрларга танқидий муносабат;
- рефлексияни ва мазмунлар тизимини қуриш (мазмун ҳосил қилиш);
- муҳитга ва касбий янгиликларга очиқлик;
- оламга ижодий қайта ўзгартирувчи муносабат, меъёрий вазифалардан ташқарига чиқиш;
- ўз-ўзини амалга оширишга, ўз ниятлари ва ҳаёт тарзини касбий фаолиятда амалга оширишга интилиш;
- мазмун элементларини шахсий-маъноли мазмунга субъективлаштириш, яъни шахсий маъно билан кучайтириш [6].

Ўқитувчининг инновацион фаолиятга тайёргарлигининг асосий омили инновацион фаолият хусусиятлари ва унинг кечиши шароитлари ҳисобланади.

Айрим муаллифлар инновацион педагогик фаолиятга ўзига хос хусусиятларини, педагогик фаолиятни такомиллаштиришга тайёргарликда ва ички, мазкур тайёргарликни таъминловчи воситалар, методларнинг мавжудлигида ифодаланувчи педагогнинг ижтимоий-маданий ва ижодий тавсифларининг умумийлиги сифатида белгиланадиган “ўқитувчининг инновацион имконияти” тавсифлари билан тенглаштирадилар.

М.В. Кларин инновацион педагогик фаолиятда мослашувчанлик, болага ҳақиқий қизиқиш, қарашларнинг кенглиги, бағрикенглик, конструктивлик, меҳрибонлик каби сифатларнинг аҳамиятини таъкидлайди [1].

Ўқитувчи фаолиятининг кўп қирралилиги педагогик қизиқишнинг таркибига боғлиқ қаралади. Бунда ҳажм турли интенсивликдаги қизиқишлар йўналишларининг кўплиги сифатида марказий қизиқиши ажратиш ҳисобланади.

Марказий қизиқиш педагогик фаолиятга ёрқин ифодаланган қизиқишнинг ўйғун бирлигини назарда тутадиган икки томонлама йўналганликка эга – педагог-тарбиячи фаолиятига ва педагог-ўқитувчи фаолиятига худди шундай фаол қизиқиш.

Маълумки, ихтиёрий касбий қизиқиш маълум касбни билишга эҳтиёжларни қондириш билан тавсифланади. Ўқитувчилик фаолиятига қизиқиш бир вақтнинг ўзида билишга оид қизиқиш ҳисобланади.

Бундан ташқари педагогнинг маълум аниқ педагогик масалаларни ечишга мурожаат этиши илмий билимларнинг етишмаслиги ва уларни кенгайтиришнинг заруратини тушунишга олиб келади, назарияларни шахсий тажрибада амалга ошириш эса ўқитувчи-тарбиячининг ижодий ва онгли муносабатини шахсий тажрибада мустаҳкамлайди. Касбий-педагогик қизиқиша обьектив ва субъектив бўлгандар диалектик равишда биргаликда мавжуд бўлади. Қизиқишнинг обьектив жиҳати шахснинг ижтимоий алоқалари ва эҳтиёжлари билан ҳолати, субъектив жиҳати эса – идеал ундовчи кучлар: истаклар, интилишлар, фаолият мотивлари ҳисобланаб, улар обьектга ёки фаолият турига ижобий-эмоционал муносабатни белгилайди.

Бўлажак ўқитувчининг инновацион фаолиятга тайёргарлигини шакллантириш жараёнини ўрганишнинг назарий ва методик асосларини ўрганиш инновацион хусусиятга эга бўлган ижодий фаолият тузилишини ўрганиш билан боғлиқ [6].

Бошланғич синф ўқитувчисининг инновацион фаолиятга тайёргарлигининг аҳамияти кўрсаткичи бўлиб бўлажак ўқитувчининг ҳатто унинг фаолияти натижаларининг ноаниқлиги ва унинг эҳтимоллиги шароитларида ҳам инновацион фаолиятга эҳтиёжи ҳисобланади. Мазкур муаммони ечишнинг варианти талабанинг инновацион фаолиятга тайёргарлигининг дифференциал чегараларини аниқлаш ва бир вақтда мазкур жараённинг интегратив тавсифларини ечиш ҳисобланади.

Бошланғич синф ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлаш бўлажак ўқитувчидан унинг ОТМда тегишли билим, кўникма ва малакаларни эгаллашини талаб этади, унинг педагогик фаолиятининг “якуний маҳсулотида” эса шунингдек билим, кўникма, малакалар ва қобилиятлар шаклланган бўлиши керак. Психологик-педагогик адабиётларда психик жараёнлар сифатида кўникма ва малакалар кўпинча турлича таърифланади. Кўпгина муаллифлар малака деб инсоннинг мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракатларини бажаришининг автоматлашганлиги ва бошқарилишига айтадилар ёки уни хатти-ҳаракатларни бажаришнинг мустаҳкамланган усули сифатида таърифлайдилар, яъни малакалар асосида онгли хатти-ҳаракат ётади деб ҳисоблайдилар. Айрим тадқиқотчилар малакаларда машқлар бажариш натижасида шаклланадиган ва ўзида онгли фаолиятнинг автоматлаштирилган компонентларини ифодалайдиган хатти-ҳаракатларни бажариш усулларини кўрадилар.

Ўқувчининг педагогик хатти-ҳаракати аввал мавжуд билимларга таянган ҳолда билишга оид масала шаклида хизмат қиласи, у ўз ҳаракатларининг воситалари, предмети ва кутиладиган маҳсулотини назарий жиҳатдан боғлайди. Бу билишга оид масала психологик жиҳатдан ечилиб, сўнгра амалий-қайта ўзгартирилган аспект шаклига ўтади. Педагогик таълимнинг воситалари ва обьектлари ўртасидаги мавжуд маълум номувофиқлик ўқитувчи хатти-ҳаракатларининг натижаларига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳаракат амалий акт шаклидан яна шартлари янада тўлиқча айланадиган билишга оид масала шаклига ўтади [5].

Кўникмалар эса ўз навбатида – бу турли шароитларда мураккаб хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун мавжуд билим ва кўникмаларни онгли қўллашдир, яъни тегишли масалаларни ҳал этиш учун ёки ҳар бир мураккаб хатти-ҳаракатни бажариш масалани ҳал этиш сифатида хизмат қиласди. Кўникма ва малакалар ўртасидаги фарқларни кўпинча уларнинг келиб чиқиши билан боғладилар. Агар малакалар машқ қилишлар натижаси сифатида қаралса, кўникмаларнинг юзага келишини эса албатта машқлар билан боғлаш шарт эмас, чунки мавжуд билим ва малакалар асосида уларнинг ҳосил бўлиши ҳам мумкинди.

«Кўникма деб қўйилган мақсадга мос равишда ҳаракат усуулларини танлаш ва амалга ошириш учун мавжуд билим ва малакалардан фойдаланишга айтилади» [2].

Кўникмаларнинг характеристига талабларнинг ўзгариши илмий ахборотнинг ўсиши, эски билимларни янгилари билан тезкор алмаштиришга жавоб ҳисобланади. Табиийки, инсоннинг “ҳаракатни бажариш нафақат техникаси (малака), кўпроқ методикасини” эгаллаши катта аҳамиятга эга. Ўқитувчини тайёрлашда бундай ёндашув катта таъсирли роль ўйнайди. Чунки педагог узлуксиз равишида ўз билимларини янгилаши, янги кўникмаларни эгаллашига тўғри келади [5].

Аммо таъкидлаш керакки, “малака ва кўникмалар” тушунчалари ягона жараённинг икки томонини кўрсатиб бир-бирини тўлдиради ҳам. Ўқиши ва машқ қилиш натижасида муайян малакалар шаклланади. Шунинг учун кўникмалар тўғрисида муайян фаолиятни амалга ошириш қобилияти сифатида гапирилганида кўпроқ тегишли малакаларнинг мавжудлиги назарда тутилади. Кўникмаларда хатти-ҳаракатни ўзлаштириш малакалари шахс сифатларига ва қобилияtlарига ҳамда унинг янги шароитлардаги хатти-ҳаракатларига айланади. Кўникмалар фаол фикрлаш жараёнлари, шахснинг мазкур фаолият туридаги ижодий фаоллиги ва маҳорати билан узвий боғлиқ. Касбий аҳамиятли кўникмаларнинг ҳосил бўлиши шахснинг муайян фаолият турларини ва маҳоратнинг шаклланишининг мұхим шартларини эгаллашининг зарурый компоненти ҳисобланади [2, 12-13 б].

Психологик-педагогик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида бошланғич синф ўқитувчисининг инновацион фаолиятга тайёргарлигининг асосий кўрсаткичларини ажратиш мумкин:

1. Педагогик ОТМ битиравчиси – ўқитувчининг шахсий сифатларининг ижтимоий-психологик тавсифлари. Бошланғич синф ўқитувчиси сифатларининг бундай тавсифлари унинг ахлоқий-сиёсий, умуммаданий ва психологик-педагогик тайёргарлиги билан белгиланади. Мазкур умумийлик асосида – ўқитувчининг ижтимоий ҳаётга, маданиятга, ўзининг касбига ва ўз-ўзига фуқаролик муносабати ётади.

2. Кичик мактаб ўқувчиларини ўқитиш ва тарбиялашни муваффақиятли амалга оширишни таъминловчи касбий-педагогик билимлар, кўникмалар ва малакалар.

Бошланғич синф ўқитувчиси таълим-тарбия фаолиятининг асосий бўлимларига мос равишида касбий-педагогик билимлар, кўникмалар ва малакалар унинг ўқув ишига, педагогик жамоадаги тарбиявий ишига маҳсус тайёргарлигининг мазмунини ташкил этади.

А. Ўқув ишига маҳсус тайёргарлик:

1) бошланғич синфларда фанларни ўқитиш методикаларини билиш; ҳар бир ўқув фанининг ривожлантирувчи имкониятларини билиш; мазкур билимларни амалиётда қўллаш кўникмаси;

2) ўқув материалининг хусусиятлари ва қийинчиликларини болаларнинг хусусиятлари билан боғлаш, алоҳида ўқувчиларнинг мазкур материални эгаллаш даражаларини, барқарор хатоликларнинг хусусияти ва сабабларини ўрганиш кўникмалари;

3) ўқув фанларидан ҳар бирини ўқитишида психологик ва умумпедагогик, айниқса дидактик билимларга таяниш, ҳар бир ўқув фанининг ўзига хослиги шароитларида тарбия вазифалари ва дидактик принципларни амалга ошириш, ўқув ишининг асосий методлари ва шаклларини аниқ-методик жорий этишда фойдаланиш кўникмалари;

4) фанлараро алоқаларни ва мазкур фанининг ҳаёт билан, ҳаётий амалий фаолият билан, тарбиявий иш билан алоқаларини ўрнатиш ва чуқурлаштириш;

5) ҳар бир ўқув фани бўйича синфдан ташқари ишларнинг хусусиятларини билиш, унинг асосий шаклларини ўтказиш кўникмаси.

Б. Тарбиявий ишга маҳсус тайёргарлик:

1) кичик ўқувчиларнинг жамоада тарбиялаш вазифалари, мазмуни ва методикасини билиш; мазкур билимларни амалиётда қўллаш кўникмаси;

2) ўқувчиларнинг ижтимоий ҳаётда тарбиялаш аниқ методикасини билиш; мазкур билимларни амалиётда қўллаш кўникмаси: бир-бири тўғрисида. Синф тўғрисида, атрофдаги ҳаёт тўғрисида кундалик ижодий ғамхўрликнинг турли-туман кўринишларини ташкил этиш, турли-туман ижодий иш кўринишлари – билишга оид, меҳнат, спорт, ташкилий, турли-туман ижодий байрамлар; тарбияни ҳаётий-амалий фаолиятда тарбиявий тадбирларнинг турли шакллари билан мустаҳкамлаш (тўғараклар, экспурсиялар билимлари билан ва ҳ.к.);

3) бошланғич синflарда тарбиявий ишни режалаштириш хусусиятларини билиш ва мазкур билимларни амалиётда қўллаш кўникмаси;

4) ўқувчиларнинг ота-оналари ва бошқа қариндошлари билан, жамоатчилик вакиллари билан ишлаш самарали йўллари ва шаклларини билиш; мазкур билимларни амалиётда қўллаш.

В. Педагогик жамоада ишлашга маҳсус тайёргарлик:

1) мактаб педагогик жамоасининг хусусиятларини билиш;

2) ўз тажрибасини жамоа бўйича шерикларига очиқ етказиш кўникмаси ва тайёргарлиги (маърузалар, нутқлар), тажриба алмашишда (муҳокамалар), жамоа, мактаб раҳбарияти топшириқларини бажаришда, педагогик жамоа олдига қўйилган ёки унинг ҳаётида юзага келадиган (педагогларнинг жамоавий ташкилий фаолиятлари) масалаларни ҳамкорликда ҳал этишда иштирок этиш кўникмаси ва тайёргарлиги;

3) кундалик дўйстона, ишбилармонлик ва эркин мулоқотда иштирок этиш кўникмаси, таассуротлар, кузатишлар, фикрлар, таклифлар, кечинмалар билан алмашиш; педагогик жамоа бўйича шериклар билан, унинг раҳбарлари билан мулоқотда педагогик ахлоққа риоя этиш;

4) тарбиявий жамоанинг ижтимоий ҳаётида педагогларнинг мустақил фаолиятларининг турли кўринишларини билиш (маданий оммавий ва спорт-оммавий ишлар, кечалар, байрамлар ва ҳ.к.) ва уларда иштирок этиш кўникмаси.

Мактаб олдида турган вазифаларни амалга оширишда ўқитувчига ҳал қилувчи роль тегишлидир. Мазкур ролни амалга ошириш учун ўқитувчининг ўзи шахс бўлиши керак: маданият чўққиларини эгаллаши, ижтимоий ҳаётда фаол бўлиши, ўз-ўзини тарбиялаш ва мустақил таълим методларини эгаллаши, санъат соҳасида ҳамда ўзининг касбий соҳасида ижодий ҳаёт билан яшаш. К.Д.Ушинский сўзларига кўра “Тарбияда ҳаммаси тарбиячи шахсига асосланиши керак... Фақатгина шахс бошқа шахсни ривожланиши ва аниқланишига таъсир кўрсатиши мумкин, фақатгина характер билан характер ҳосил қилиш мумкин” [7168, 63-64 б]. Ўқитувчининг муваффақияти унинг дунёқарашининг етуклиги, ахлоқий сифатлари билан аниқланиши мумкин. Фуқаролик, ижтимоий масъулият, байнанмилаллик, ростгўйлик, ҳаққонийлик, меҳнатсеварлик, меҳр-шавқат, болаларга меҳрибонлик, сўзларда ва хатти-ҳаракатлардаги тўғрилик – ўқитувчининг ажралмас сифатларидир. Иштиёқ, ўзини қизиқувчанлиги ва бошқаларни қизиқтириши ўқитувчини баҳтли инсонга айлантиради.

Ўқитувчи изланувчан, андозалар билан қониқмайдиган шахс сифатида тавсифланади. Барча ҳолатлар учун мажбурий бўлган таълим ва тарбиянинг ягона методикаси мавжуд эмасдир: ҳар бир ўқитувчи новатор бўлиши, унинг шахсий сифатларига жавоб берадиган ўз ёндашувларини топиши мумкин. Касбий маҳоратни эгаллаш фақатгина инсон тўғрисидаги, бола тўғрисидаги билимлар бойлигини чуқур, ҳар томонлама эгаллаш асосида ҳосил бўлиши мумкин – психология, фалсафа, педагогика, социология, турли ўқув фанларини ўқитиш методикаси. Юқори педагогик маданият ўқитувчига таълим ва тарбиянинг самарали шакллари, методлари, воситаларини компетентли танлаш имконини беради ва бу ўқув-тарбия жараёнини оптималлаштириш асосида ётади.

Демак, бошланғич синfl ўқитувчисининг инновацион фаолияти ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни амалий ишда инобатга олиш бир томондан мажбурий ҳисобланади ва бошқа томондан – уларни билиш ўқитувчига инновацион йўналишлар ва технологиялар кўринишларини тушуниши; ўзи учун шахсий индивидуал иш үслубини излаш ва аниқ ижодий педагогик фаолият майдонини аниқлаш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Кларин Н.В. Инновационные модели обучения в зарубежных педагогических поисках. - М.: Новая школа, 1994. - 222с.

2. Колбасов К. Формирование педагогических умений. - В кн.: Педагогическая практика и динамика формирования профессионально-значимых качеств личности будущего учителя. - Караганда, 1975. - С. 12-17.
3. Петровский А.В. Личность. Феномен субъективности. - Ростов-на-Дону, 1993, 4.1.
4. Сластенин В.А. Формирование личности учителя советской школы в процессе профессиональной подготовки. - М.: Просвещение, 1976. - 160с.
5. Сластенин В.А. Формирование социально активной личности в условиях развитого социализма. - М.: «Просвещение», 1983.
6. Сластенин. - М.: Издательский Дом МАГИСТР-ПРЕСС, 2000. - 488 с.
7. Ушинский К.Д. Собр. соч. в 2-х тт. - М., 1948. Т.2. -С.63-64.
8. Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х., Ҳайдаров М., Ҳасанбоева О. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Т., «Фан ва технология», 2008 й, 480 бет.

УДК:370.153

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА МАНТИҚИЙ ТАФАККУР УСУЛЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК АСОСЛАРИ

Тўхтасинов Д. Ф. – Тошкент давлат педагогика университети, таянч докторант

Аннотация. Мақолада математика фанини ўқитиш орқали мактаб ўқувчиларида мантиқий тафаккурни ривожлантириш имкониятлари кенг эканлиги кўрсатилган ҳамда бу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар ва уларнинг хulosалари келтирилган.

Калит сўзлар: мантиқий тафаккур, тадқиқот, операциялар, анализ-синтез, психологик шартлар, амалиёт, кузатув, тажриба-синнов, табиий жараён.

ДИДАКТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ ПРИЕМОВ ЛОГИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У ШКОЛЬНИКОВ

Тухтасинов Д. Ф - Ташкентский государственный педагогический университет, докторант

Аннотация. В статье показано, что возможности по развитию логического мышления школьников посредством преподавания математики а также изложены результаты исследования, проведенные в этом направлении, и их выводы.

Ключевые слова: логическое мышление, исследование, операции, анализ-синтез, психологические условия, практика, наблюдение, эксперимент, естественный процесс.

DIDACTIC BASES OF DEVELOPMENT OF LOGICAL THINKING IN SCHOOLCHILDREN

Tuhtasinov D.F. – Tashkent State Pedagogical University, base doctoral student

Annotation. The article shows that the possibilities of developing logical thinking of students by the means of teaching mathematics, and also presents the research conducted in this direction, and their conclusions.

Key words: logical thinking, research, operations, analysis-synthesis, psychological conditions, practice, observation, experiment, natural process.

“Давлат таълим стандартлари”да таълим мақсадларидан бири математика фанини бошланғич синфларданоқ болаларда фикрлаш фаолиятини шакллантириш усуллари билан ўқитишдан иборат эканлиги белгилаб берилган.

Мустақил тафаккурга эга бўлмай, бола интеллектуал ривожлана олмайди. Айнан шу сабабли ўқувчилар мантиқий тафаккурининг ривожланиш муаммоси бугунги кунда алоҳида долзарб бўлиб ҳисобланади.

Мантиқий тафаккур операцияларининг шаклланиши ҳақидаги ғоялар психологлар А.Н. Леонтьев [15], Л. Рубинштейнлар [22] раҳбарлигига ишлаб чиқилган. Улар томонидан таълим ва тафаккур ривожи жараёнлари ўзаро боғлиқлиги, анализ-синтез фаолияти ва унинг таркиби сифатидаги ўзгаришлар, шунингдек, ўқувчиларда мантиқий операцияларни мақсадга мувофиқ шакллантиришнинг зарурлиги ҳақида хulosалар чиқарилган.

Н.А. Менчинская [17], А.В.Усова [25], Г.И.Шукина [30], Е.Н. Кабанова-Меллерларнинг [9] тадқиқотларида таъкидланишича мантиқий операциялар универсал бўлиб, фаолиятнинг бир туридан бошқасига кенг қамровда ўта олиш хусусиятига эга. Олим Н.А. Подгорецкаянинг [20] тадқиқоти мантиқнинг маълум усуслари билан ўқитилмаган катта ёшли одамларда мантиқий ҳаракатлар ўз-ўзича пайдо бўлиб, турли камчиликлар билан амал қилишини кўрсатиб берди.

Н.П. Балдина [2] ўз диссертациясини тафаккурнинг мантиқий усуllibарини ўзлаштириш мавзусига бағишилаган, унинг тадқиқотида мазкур усуслар ҳақида билимларга эга бўлишни ўрганиш жараёнида мантиқий усулар шаклланишининг афзаллиги ҳақида хulosса чиқарилган. Т.С. Кудрина [12] диссертацияси шаклланиш ва мантиқий тафаккур ривожланишига бағишиланган, унда диалог орқали мураккаб мантиқий операцияларнинг шаклланиши ва ривожланиши, тушунтирилиши, исботланиши, рад этилиши психологик шартлари аниқланган.

Олим турли ёш босқичларида мантиқий операциялар турли мураккаблик кўринишида намоён бўлишини исботлаган. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари бу – тушунтириш, ўсмирилик ёшида – исбот, ёшлиқда – рад этишни англатади. Ҳар бир навбатдаги босқич олдингисини ўз ичига олади. Н.Ф. Тализина томонидан тафаккур усуllibарининг шаклланиш тартиби ҳақидаги масала ҳар томонлама тадқиқ этилган [23].

Психология ва педагогикада тўғридан-тўғри ва билвосита мақсадга мувофиқ йўналтирилган мантиқий операцияларнинг шаклланишини фарқлаб кўрсатгандар. Тўғридан-тўғри йўналтирилганлик – бу амалга оширилган усул моҳиятининг тушунтирилиши, унинг алгоритми ва функциялари билан танишишини англатади.

Билвосита мақсадга мувофиқ йўналтирилганлик эса ўзида, энг аввало, аниқ бир фанга оид билимларни ўзлаштириш бўйича фаолиятни ва аниқ бир қоидаларни ўзлаштириш малакаларини намоён этади. Бунда малакалар мантиқий тафаккур, мантиқий операциялар усуllibарининг аниқ бир таълим вазиятига мослашишдан иборат.

Тадқиқотчи Б.Ф. Курбело [13] диссертация ишида фаолиятнинг маҳсус усуllibари билан мантиқий тафаккур усуllibарини биргалиқда шакллантириш алоҳида шакллантирилишига нисбатан самарали бўлиши ҳақида хulosалар ишлаб чиқкан. Б.Ф. Курбело мантиқий усуларни амалга ошириш икки босқични: мазмунли таркибий ва мантиқий алоқаларни танлашни талаб этишини таъкидлайди.

Кўплаб тадқиқотчи бўлган педагоглар ҳам, психологлар ҳам, асосий тафаккур операцияларининг таҳлили ва синтезига мувофиқ нуқтаи назарни қўллаб-қувватлайдилар (С.Л. Рубинштейн, А.Н. Леонтьев, В.В. Давидов, А.А. Люблинская, Д.Н. Богоявленский, Н.А. Менчинская ва бошқалар). Уларсиз тафаккурнинг бирорта ҳам шакли ҳосил бўлмайди. "...Таҳлил ва синтезнинг етарли эмаслиги бевосита янада мураккаб ақлий операцияларни бажаришда акс этади" [17]. Поспелов Н.Н. ва Поспелов И.Н. таҳлил ва синтез каби мантиқий операцияларнингқўйидаги асосий хусусиятларини ажратиб кўрсатадилар.

"Таҳлил – ўрганилаётган обьектнинг ўзига хос таркибий элеменларини амалий ёки фикрий жиҳатдан парчалаб, унинг алоҳида томонларини ажратиб, ҳар бир элементи ёки обьектнинг алоҳида томонларини яхлитнинг қисмларини алоҳида ўрганиш каби ўрганишдан иборат. Синтез – обьектнинг элеменлар (қисмлар)ни ёки хусусиятлар (томонлар)ни амалий ёки фикран бирлаштиришдир" [21]. А.А. Люблинская таҳлил ва синтез каби мантиқий операцияларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганганд. Таҳлил(анализ) яхлитни қисмларга бўлиш, унинг асосий томонларини аниқлаш, бундан ташқари, тадқиқ этилаётган обьектнинг мазкур қисмларининг ўзаро алоқалари, муносабатларини очилишидир.

Муаллиф тафаккур жараёнини учта ўзаро алоқадор мантиқий операциялар: синтез - анализ - синтез сифатида таърифланади. У ёки бу масалани барча учта қисм бир-бирига мувофиқлашганида ҳал қилиш мумкин. Акс ҳолда, фикрлаш жараёнида камчилик юзага келади, олдинга қўйилган вазифа нотўғри ҳал қилинади. Анализ ва синтез кўргазмали тасаввур, ақлий абстракция ва ҳодиса ҳамда предмет, воқеиликлардан фойдаланиш билан ўтади [16].

Н.Н. Поспелов ва И.Н. Поспелов геометрик масалаларни ҳал қилиш жараёнида ўқувчилар анализ-синтез фикрлаш фаолиятининг ривожланишини тадқиқ қилиш:

- 1) Шароитларнинг таҳлили – энг аввало, масала ва олдинга қўйилган саволлар маълумотларини тушунишни назарда тутади;

- 2) Геометрик шакл (фигура)лар таҳлили – биринчى пунктта олинган, ақлий фаолият натижалари асосида түғри чизмаларни бажариш, геометрик шакл (фигура)лар асосий хусусиятларидан ажратиб күрсатылган;
- 3) Маълумотлар ва мақсадли катталиклар таҳлили – бунда "маълум ва номаълум катталаиклар ўзаро боғлиқлигини аниқлаш амалга оширилади";
- 4) Масалани ҳал қилиш режасини таҳлил қилиш – тузиладиган ҳал қилиш режасининг түғрилигини ва яхшиланишини текширишдан иборат, бунда масала шартларидағы қарама-қарши фикрлар аниқланади;
- 5) Ҳал этишни таҳлил қилиш – масалани ҳал этилишини текшириш масала шартлари ва масала мақсади шартлари алоҳида қисмлари билан солишириш ёрдамида уни асослашдан иборат;
- 6) Натижалар таҳлили – масала ва чизмалар шартлари билан натижаларни текширишни назарда тутади [21].

Шунингдек, айрим муаллифлар анализ ва синтез каби мантиқий операцияларнинг ривожланиши учун конспект, режа, тезис тузиш, схема, график, диаграмма қуриш каби амалий ҳаракатларни самарали деб ҳисоблашларини таъкидлайдилар [21, 7]. Айрим дидактлар фақат бир хил предмет, ҳодиса, воқеаларни солишириш мүмкін деб ҳисоблайдилар [18]. Башқалар ҳар қандай ҳақиқиيеттік ва илмий түшүнчалар (икки ёки бир неча) обьектларини солишириш мүмкін деган фикрни құллаб-құвватлайдилар В.В. Давидов [5], Н.М. Зверева [6], Л.А. Иванова [8], Н.Н. Поспелов, Н.И. Поспелов [21]. Солишириш операциялари үхшаш ва фарқли белгилар бүйича амалга оширилади (түлиқ солишириш), шунингдек, уларнинг бир белгиси бүйича (қисман) солишириш амалга оширилади. Мазкур операцияни үрганишнинг турли дидактикалық тавсиялари мавжуд. Улардан айримлари ҳақида қыйида фикр юритамиз. Үқувчиларнинг фаолияти үқув предметининг у ёки бу контексти қисмларида үтади, үқитувчи босқичма-босқич абстракт материалда мантиқий операцияни шакллантиради. Аниқ фан доирасида үқув масалалари бажариш вақтида үқитувчи томонидан солишириш усууллари алгоритми киритилади, үқувчилар үз мазкур алгоритмга мувофиқ үз ҳаракатларини құрадилар. Маълум материал ва солишириш усууллари алгоритмини параллел үрганиш. Бундай методик операция усууллари шаклланиси педагогик адабиётларда энг күп учрайди, сабаби ҳар қандай үқув фани дастурлар билан аниқ тартиблаштирилган.

Л.А. Бирюков солишириш усуулларининг үч босқичини үтказышни таклиф этади:

1. "Белгилар", "ўхшашлик белгилари", "фарқли белгилар" нима?

(Предмет ва ҳодисалар турли белгиларини аниқлаш малакасини шакллантириш, ўхшашлик ва фарқли белгиларни топиш).

2. Солишириш усууллари пропедевтикаси.

3. Солишириш усууллари структураси билан танишиш (тахминий ҳаракатлар).

Л.А. Бирюков [26, б. 26] құйидаги тарзда солишириш усууларини таклиф этган :

Солиширишнинг мантиқий усули структураси

1.	Солишириш обьектларини ажратиши;
2.	Солишириш мақсади;
3.	Солишириш обьектлари ҳақида назарий маълумотлар;
4.	Турли ўхшашлик ва фарқли белгиларни ажратиши;
5.	Олдинга қўйилган мақсад учун асосий ўхшашлик ва фарқли белгиларни ажратиши;
6.	Солишириш натижалари холосаси.

Педагогик адабиётлар таҳлили бир хил асосли элемент усуулари шаклланиси алгоритмлари кўриб чиқилиши: солишириш операцияларини таҳлил қилиш малакаси сиз үрганиш мүмкін эмаслигини күрсатди. Аслида, айнан мантиқий операциялар эвазига мұхым (ёки үнчалик мұхым бўлмаган, кўпинча биринчи қарашда кам аҳамиятли бўлиб туюладиган) обьектларнинг белгилари ўхшашлиги ва фарқини солишириш мүмкін бўлди.

Тадқиқотчи А.А. Прядехо томонидан солишириш учун қўйидаги операцияларни бажариш таклиф этилади:

1) солиширилган обьектлардаги бошқа хусусиятлар ва сифатларни долзарблаштириш ҳис-туйғулар, хотиралар, ғоялар орқали амалга оширилади;

- 2) солиширишда асосий белгиларни ажратиб кўрсатиш;
- 3) элементларни солишириш ва солиширишни ажратиб кўрсатиш;
- 4) солишириладиган объектлар ҳақида хуносалар [1].

Е.Н. Кабанова-Меллер Абстрактация (мавҳумлаштириш) – муҳим ва муҳим бўлмаганларни онгли равишда ажратиш ва уларни қарама-қарши қўйилувчи алоҳида (бўлинувчи) турларни ажратиб кўрсатди; Бундай абстрактацияни тушунчаларнинг шаклланишида муҳим белгиларнинг ажралишига нисбатан муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблади [9]. Олим икки босқични: усувларни ўқитиш ва уларнинг ўтиш усувларини ўргатишни ўз ичига олган қарама-қарши қўйилувчи мавҳумлаштириш усули шаклланиши методикасини таклиф этган.

Биринчи босқичнинг мақсади – тадбирлар рўйхати билан танишиш.

Иккинчи босқичнинг мақсади ўқувчиларни мураккаб муаммоларни ҳал этиш усувларидан бирини ўргатишдан иборат. Муаллиф буни геометрик масала мисолида ифодалаб берган [9].

Мавҳумлаштириш операциясини шакллантириш бўйича янада батафсил тавсиялар Л.А. Бирюков томонидан таклиф этилган, унинг тадқиқотида мазкур жараён уч босқичга бўлинган ва асосий физикавий тушунчаларни ўрганиш мисолида кўриб чиқилган.

Биринчи босқич: Шакллантирилган тушунчалар: муҳим белгилар.

Шакллантириладиган малакалар: муҳим белгиларнинг ажратилиши.

Иккинчи босқич: Шакллантирилган тушунчалар: муҳим бўлмаган белгилар. Шакллантириладиган малакалар: муҳим бўлмаган белгиларнинг ажратилиши; муҳим белгиларнинг муҳим бўлмаган белгилар билан қарама-қарши қўйилиши.

Учинчи босқич: Шакллантирилган тушунчалар: мавҳумлаш (абстрактлаштириш) усувлари; абстрактлаштириш усувлари структураси. Шакллантириладиган малакалар: тўла ҳажмда абстрактлаштириш усувларини бажариш; абстрактлаштириш усувларини илгари ўрганилган усувлар тизимига киритиш.

Бу борада Бирюков Л.А. шундай ёзганди: "... абстрактлаштириш усувларини ҳар қандай усувлар каби, яъни қатъий кетма-кетлиқда амалга ошириладиган қатор ҳаракатлар орасидан ўз структурасига эга" [26]. Олим қуидаги ҳаракатлар алгоритмини таклиф этган.

- 1) Объектни кузатиш (тадқиқ қилиш) ва унда иложи борича, кўплаб хусусиятларни таъкидлаш;
- 2) Олдинга қўйилган мақсадга мувофиқ хусусиятларни кузатиш (тадқиқ қилиш) ўзаро солишириш ва муҳим гуруҳларни ажратиш;
- 3) Олдинга қўйилган мақсадга мувофиқ воз кечиш зарур бўлган хусусиятларнинг муҳим гуруҳларини ажратиш;
- 4) Муҳим белгиларнинг муҳим бўлмаган белгилар билан танланган ҳақиқий обьект ёки ҳодисадан муҳим бўлмаган идеал обьект моделидан кейин олинган натижаларни солишириш;
- 5) Ҳақиқий обьект ёки ҳодисадан муҳим бўлмаган идеал обьектни ва аксинча солишириш мумкин бўлган шароитларни аниқлаш [26].

Унинг методикасининг муҳим жиҳати, таълимнинг биринчи босқичида ўқувчиларга расмий мантиқ элементларини (муҳим ва муҳим бўлмаган, тасодифий ва хусусий предмет белгиларини) ўргатиш бўлиб ҳисобланади. Сўзсиз, бу мазкур методикасининг натижавийлигини асослайди, сабаби юқорида кўрсатилган босқичда ўқувчилар билимисиз яхлит абстрактлаш операциясини шакллантиришнинг имконияти бўлмайди. Абстрактлаш операцияси структурасининг таҳлили қуидаги босқичларни ажратиб кўрсатиш имконини беради:

- 1) тадқиқ этиладиган обьектлар (мазкур обьект белгилари барча йиғиндисини ажратиб кўрсатиш) таҳлили;
- 2) солишириш (объектларнинг фарқли ва умумий белгиларини ажратиш);
- 3) амалга оширилган солишириш асосида муҳим бўлган белгиларни ажратиш ва муҳим бўлмаган белгиларни рад этиш.

Шу тариқа, юқорида санаб ўтилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, фикран абстрактлаш усувлари тўғридан-тўғри анализ, синтез ва солишириш усувларидан фойдаланишининг муваффақиятли амалга оширилишига боғлиқ бўлади. Бошқа томондан абстрактлашнинг асосий функцияси обьектларнинг муҳим ва муҳим бўлмаган белгиларини ажратиб кўрсатиш бўлиб ҳисобланади, бунда ўз-ўзидан солиширишни янада чуқурроқ ўтказиш учун имкони юзага келади.

Умумлаштириш усулларини амалга ошириш усулларининг таҳлили шундай хулоса чиқаришга имкон беради, мұхим белгиларни назарда тутиб, сақлаб туриб, мұхим бўлмаган белгилар вариантларини топиш зарур.

Умумлаштириш тушунчалар шаклланишининг ҳам индуктив, ҳам дедуктив йўллари сифатида келтирилиши мүмкин. Белгиларнинг фарқланишининг индуктив йўли берилган тушунчани аниқловчи мұхим белгиларнинг ажратиб кўрсатишга олиб келади. Умумлаштириш усулларини ўргатишнинг дедуктив йўли мазкур объект учун асосий белгилар тайёр ҳолда берилган. Шундан кейин объект вариантлари келтирилади. Тушунчанинг таърифини шакллантириш ва умумий белгиларни ажратиш таклиф этилади. Шу тариқа, умумлаштиришнинг исталган жараёни абстракцияга киради, сабаби зарур белгиларни ажратмай, предмет(фан)ларни бирлаштириб бўлмайди.

Юқорида санаб ўтилганлар асосида шундай хулосага келиш мүмкинки, умумлаштириш мантиқий тафаккур операцияси сифатида у мұхим-умумий белгилар ажралишига жавоб берадиган функцияни бажаради. Умумлаштириш анализ, синтез, солиштириш ва абстрактация каби тафаккур операциялари билан узвий алоқадор. Ўқувчилар орттирган билимлар маълум маънода тизимлаштирилган бўлиши шарт. Ўқувчилар аста-секин ягона билимлардан умумлаштирилган билимларга мустақил ўтишни таъминлай оладилар, кейин эса тизимлаштира ва туркумлаштира (классификациялаштира) биладилар.

Бу борада В.В. Давидов шундай таъкидлайди: "Таълимнинг марказий вазифаларидан бири айнан болаларга у ёки бу соҳага оид тушунчаларнинг мувофиқлигини ифодаловчи классификацион схемадаги билимларни беришдан иборат" [56;86]. Н.Н. Поспелов, Н.И. Поспеловлар ўқитувчи учун классификациялар операцияларини шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича қўйидаги режага мувофиқ амал қилишни таклиф этганлар:

- 1) расмий мантиқ элементлари билан танишиш;
- 2) классификация операциялари моҳиятини тушунтириш ва ўзлаштириш;
- 3) турли объектлар тайёр (тўғри ва нотўғри) классификацияларини кўрсатиш ва таҳлил қилиш;
- 4) Классификация тавсия ва қоидаларини (қоидалар, алгоритмларини) ишлаб чиқиш, қўллаш;
- 5) Турли объектлар классификациялари машқлари [21].

Г. Пиппиг, Д. Ломпшер классификация операцияларини бажариш бўйича йўналтирувчи асослар сифатида қўйидаги алгоритмларни таклиф этганлар;

- 1) Барча кўриб чиқаётган фаннинг умумий белгиларини бир-биридан фарқ қиласиган даражада ифодаланганлиги билан танлаш;
- 2) Мазкур белгига эга предмет(фан)ларни бир синфга бирлаштириш;
- 3) Ҳосил бўлган синфларга бўлинишни текшириш;
- а) Синфлар бир хил элементларга эгалигини текшириш (яъни барча фанлар бир синфга тегишлими; синфи белгилайдиган, туркумланган тушунчалар бўлиб ҳисобланадими);
- б) кўплаб дастлабки фанларни бирлаштирувчи барча синфларни ташкил этадими [168; 10] каби жиҳатларини текшириш.

А.А. Прядехо классификацияни қўйидагича белгилайди:

- 1) классификацияга тегишли предметларнинг турли белгиларини долзарблаштириш;
- 2) классификация учун асосларга ажратиш;
- 3) таклиф этилган объектлар классификацияси асосларининг пайдо бўлишини текшириш;
- 4) кўплаб объектларни гурухларга (синфларга) бўлиш[1].

Классификациялаш операцияси – бу солиштиришга нисбатан эркин ва шу сабабли анча мураккаб операциядир. Асосий ва иккинчи даражали белгиларнинг ўхшашлигини белгилаш учун предмет(фанлар)лар синф, тур, туркумларга бирлаштирилади. Мазкур тадқиқот учун математика воситасида ўсмир-ўқувчиларда мантиқий тафаккурни ривожлантириш босқичларини мантиқий усуллар воситалари билан аниқладик, ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилдик.

Солиштириш, анализ ва синтез, абстрактация, классификация ва умумлаштириш каби тафаккур операциялари кичик ўсмирлик ёшида комплекс ривожлантирилиши шарт.

Тадқиқотчи олим А.А. Прядехо ишлаб чиқкан мазкур тафаккур операциялари алгоритмларини, мантиқий тафаккур ривожланиши даражасида ажратиб кўрсатилди.

Биринчи босқичда ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигига идрок, хотира, тасаввурни фаоллаштириш ёрдамида махсус методик усууллар воситасида у ёки бу операцияни аниқ мисолларда мувофиқлаштиришлари шарт этиб белгиланди. Бошланғич мактабда солишириш каби операциялар шакллантирилади.

Шу сабабли мазкур босқичда ўқувчилар-кичик ёшдаги ўсмирлар солиширишнинг асосий белгиларини ажратиб кўрсата билишлари шарт. Шунингдек, ўсмир ёшида анализ-синтез фаолиятининг муҳимлигини ҳисобга олиб, мазкур босқичга ўқувчиларнинг обьектни охиригача таҳлил қилмай туриб, унинг яхлит манзарасини яратади олиш малакаларини ҳам киритамиз.

Кичик ёшдаги ўсмир-ўқувчилар мантиқий тафаккури ривожланишининг иккинчи босқичида уларнинг классификацияни асослаш, объектларни солишириш, таҳлил мезонлари, умумлаштириш обьектларининг асосларини ажратиб кўрсатиш малакасини тавсифлаймиз. Ўқувчилар охирига қадар солишириш каби тафаккур операцияларини билишлари шарт.

Учинчи босқичда ўқувчилар абстрактация, классификация, анализ-синтез фаолиятини тўлиқ амалга оширадилар. Н.Н. Поспелов ва Н.И. Поспелов хulosаларини эътиборда тутиб, ўқувчилар умумлаштиришни ўзлаштиришлари учун индукция ва дедукцияни билишлари шарт, яъни анализ-синтез фаолиятини амалга ошира билишлари, бунинг учун мазкур босқичда объектлар умумий ҳусусиятлари ва муносабатларини ажратиб кўрсатишни умумлаштиришлари шарт.

Тўртинчи босқич – юқори, ўқувчилар юқорида санаб ўтилган барча тафаккур операцияларини амалга оширишни билишлари шарт.

Кейинги йилларда анализ, синтез ва улардан келиб чиқадиган операциялар шаклланиш муаммолари қатор тадқиқотчилар: В.Ф. Паламарчук [19], СВ. Лазаревский [14], Н.А. Гарули [4], С. Какаев [10], СИ. Каландаров [11], В.И. Таточенко [24], Т.Ф. Холмуродов [28], Л.С. Хадарцева [27], И.А. Хрестина[29]ларнинг диссертация ишларида ўз аксини топди.

Уларда алоҳида мантиқий операцияларнинг структуралари, алгоритмлар ва уларни шаклланиш методикалари очиб берилган, дидактик вазифалар тизими таклиф этилган; алоҳида мантиқий операциялар шаклланиши бўйича маълум тавсиялар (йўллари, усууллари, умумлаштирилган схемалар, графиклар) таклиф этилган.

Бироқ яхлит жараён сифатида мантиқий операцияларнинг шаклланишидан мантиқий тафаккур ривожланишигача ўтиш муаммоси ҳозирги даврда ҳам долзарб бўлиб ҳисобланади. Мактабнинг кичик ёшдаги ўсмир-ўқувчилари учун риволанишининг турли жиҳатлари ҳисобга олинган мазкур жараён оралиқ босқичларини кўзда тутувчи самарали дидактик шартлар ажратиб кўрсатилмаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Актуальные проблемы диагностики задержки психического развития детей. / Под. ред. Лебединской К.С. - М.: Педагогика, 1982. - 178 с.
2. Балдин Н.П. Усвоение логических приемов при разных типах обучения: Автореферат дисс.... канд. психол. наук. - М. 1987. - 24 с.
3. Буданков Л.Ф. 200 логических и занимательных задач. - Тула: Приокское книжное издательство, 1972. - 84 с.
4. Гаруля Н.А. Формирование интеллектуальных умений у студентов педвуза - будущих учителей труда на основе их политехнической подготовки. Автореф.дис.... канд. пед. наук. -М. 1993. - 19 с.
5. Давыдов В.В. Теория развивающего обучения. - М.: ИНТОР, 1996. -544 с.
6. Зверева Н.М. Активизация мышления учащихся на уроках физики. -М.: Просвещение, 1980. - 112 с.
7. Зуев Д.Д. Школьный учебник. - М.: Педагогика, 1983. - 240 с.
8. Иванова Л.А. Активизация познавательной деятельности учащихся при изучении физики. - М.: Просвещение, 1983. - 160 с.
9. Кабанова-Меллер Е.Н. Формирование приемов умственной деятельности и умственное развитие учащихся. - М.: Просвещение, 1968. - 288 с.
10. Какаев С. Формирование интеллектуальных умений у слушателей подготовительного отделения медицинского института при изучении естественнонаучных дисциплин: Автореф. дис.... канд. пед. наук. -М., 1993. - 18 с.

11. Каландаров СИ. Формирование интеллектуальных умений и навыков у школьников 7-9 классов на занятиях по гуманитарным дисциплинам: Автореф. дис.... канд. пед. наук. -М., 1992. - 16 с.
12. Кудрина Т.С. Развитие логического мышления в диалоге: Автореф. дисс.... канд. психол. наук. - М., 1987. - 18 с.
13. Курбело Б.Ф. Соотношение логических и специфических приемов мышления в обучении: Автореф. дисс.... канд. психол. наук. - М., 1990 - 19 с.
14. Лебедева О.В., Ульянкова У.В. Организация и содержание специальной психологической помощи детям с проблемами в развитии. - М.: Академия, 2002.-С. 176.
15. Леонтьев А.Н. Избранные психологические произведения. Т.1. — М, 1983.-392 с.
16. Любинская А.А. Ранние формы мышления ребенка // Исследование мышления в советской психологии. - М.: Наука, 1966. - С.348.
17. Менчинская Н.А. Проблема учения и умственного развития школьника. - М.: Педагогика, 1989. - 223 с.
18. Общая психология/ Под ред. В.В. Богословского, А.Г. Ковалева, А.А. Степанова, С.Н. Шабалина. - М.: Просвещение, 1973. - 351 с.
19. Паламарчук В.Ф. Дидактические основы формирования мышления учащихся в процессе обучения: Автореф. дис. ... докт. пед. наук. - Киев, 1984. -47 с.
20. Подгорецкая Н.А. Изучение приемов логического мышления у взрослых. - М.: Изд-во МГУ, 1980. - 150 с.

УДК: 51:378:371.3

**AKADEMIK LITSEY MATEMATIKA DARSLARIDA RIVOJLANTIRUVCHI TA'LIM ASOSIDA
TALABALARING MATEMATIK TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISH**

Abduvaliyeva D. N. – Toshkent davlat pedagogika universiteti, doktorant

Annotatsiya. Talabalarda matematikani o`rganishga qiziqish orttiradigan, ularning matematik bilimlarini ongli ravishda o`zlashtirib olishlariga yordam beradigan, faolliklarini oshiradigan va olgan bilimlarini mustahkamlaydigan, mustaqil ishlash malakalarini tarbiyalovchi ta'lum uslublari yuqori darajada rivojlangan bo`lishi kerak. Ushbu maqolada akademik litsey matematika darslarida rivojlanuvchi ta'lum asosida talabalarning matematik tafakkurini rivojlanirishning ahamiyati bayon qilingan.

Kalit so`zlar: talaba, matematik bilim, akademik litsey, matematika darslari, rivojlanuvchi ta'lum, matematik tafakkur, rivojlanirish.

**РАЗВИТИЕ МАТЕМАТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ РАЗВИВАЮЩЕГО
ОБУЧЕНИЯ НА УРОКАХ МАТЕМАТИКИ АКАДЕМИЧЕСКОГО ЛИЦЕЯ**

Абдувалиева Д. - Ташкентский государственный педагогический университет, докторант

Аннотация. На высоком уровне должны быть развиты методы обучения, которые привлекают студентов к изучению математики, помогают им осознанно овладевать математическими знаниями, повышают их активность и укрепляют полученные знания, обучают навыкам самостоятельной работы. В данной статье описывается значение развития математического мышления студентов на основе развивающего обучения на уроках математики академического лицея.

Ключевые слова: студент, математические знания, академический лицей, уроки математики, развивающее образование, математическое мышление, развитие.

**THE DEVELOPMENT OF MATHEMATICAL THINKING OF STUDENTS ON THE BASIS OF
DEVELOPMENTAL EDUCATION IN MATHEMATICS LESSONS ACADEMIC LYCEUM**

Abduvalieva.D . – Tashkent State Pedagogical University, doctoral student

Annotation. Teaching methods should be developed at a high level that attract students to the study of mathematics, help them consciously master mathematical knowledge, increase their activity and strengthen their knowledge, teach skills of independent work. This article describes the importance of the

development of mathematical thinking of students on the basis of developing training in mathematics lessons of the Academic Lyceum.

Key words: student, mathematical knowledge, academic lyceum, mathematics lessons, developing education, mathematical thinking, development.

Zamonaviy pedagogikada ta'lif jarayonida shaxs rivojlanishining umumiylasalari tadqiq etiladi. Har tomonlama, barkamol rivojlanganlikning ko'rsatkichi - yuqori darajadagi fikrlash qobiliyatining mavjudligidir. Rivojlantiruvchi ta'lif umumiylasalari maxsus rivojlanishga olib keladigan shunday ta'lifki, unda o'qituvchi fikr yuritishning qonuniy rivojlanishini bilishga tayangan holda, maxsus pedagogik vositalar yordamida o'z o'quvchilarini fan asoslarini o'rganish jarayonida fikrlash qobiliyatini va bilish ehtiyojini shakllantirishga oid maqsadga yo'naltirilgan ish olib boradi [2,56].

Akademik litseylarda o'qitiladigan matematika fani o'zining tuzilishi va mazmuniga qarab, bir-biri bilan uzviy aloqadorlikda tarkib topadi va rivojlanadi. O'zaro aloqadorlik o'z tarkibiy qismiga bir tomonlama yoki ikki tomonlama bir fan tushunchasi, qonuniyatlari, formulasining ichki bog'lanishi yoki ikkinchi fan tushunchasi, qonuniyatlari, formulalariga olib o'tishni ta'minlashni olgan bo'lib, u o'zining qonun-qoidalariga ko'ra talabalarning bilish faoliyatini faollashtirish, chuqurlashtirish hamda tatbiqiylarini oshirishni maqsad qilib qo'yadi. Shu sababli akademik litseylarda matematika fanini o'qitishda ichki va tashqi fanlararo aloqadorlik yuz beradi.

Ichki aloqadorlik har bir fan o'zining tushunchalari, qonuniyatlari, formulalari orasidagi bir tomonlama yoki ikki tomonlama aloqadorlik bo'lsa, tashqi fanlararo aloqadorlik deganda, matematikaning tushunchalari, qonuniyatlari, formulalarini boshqa fan asoslarini - fizika, kimyo va hokazo fanlar orasidagi bir tomonlama yoki ikki tomonlama bog'lovchi yo'llar orqali rivojlanishini amalga oshirilishi tushuniladi. Akademik litseylarda matematika fanini o'qitishda mavzular bo'yicha umumlashtiruvchi darslarni tashkil etish va o'tkazish talabalar bilimini tizimlashtirishga yordam beradi.

Matematika moddiy dunyoning obektlarini o'rganadi, lekin boshqa fanlardan o'laroq, uning miqdoriy munosabatlari va fazoviy shakllari asosiy obyekt sifatida qaratildi. Matematika o'sib kelayotgan yosh avlodning kamol toptirishda o'quv fani sifatida keng imkoniyatlarga ega. U talabalar tafakkurini rivojlanirib, ularning aqlini peshlaydi, uni tartibga soladi. Talabalarda maqsadga yo'nalishlik, mantiqiy fikrlash, topqirlik hislatlarni shakllantiradi. Shu bilan bir qatorda teoremalarni isbotlash jarayoni va mulohazalarning to'g'ri tuzilganligi, matematik tushunchalarning shakllanishi bilan talabalarni didli, go'zallikka ehtiyojli qilib tarbiyalaydi.

Akademik liseylarda matematika kursining amaliy ahamiyati kundan-kunga ortib bormoqda. Matematik tayyorgarlik darajasi ilmiy va texnik tushunchalarni hamda g'oyalarni idrok qilishni belgilab beradi.

Matematika akademik litseylarda tayanch fanlardan biridir: u boshqa fanlarni o'rganishda muhim vosita bo'lib xizmat qiladi. U birinchi navbatda tabiiy yo'nalishdagi fanlarga taalluqlidir. Akademik litseylarda matematika o'qitish talabalarning matematik tafakkurini rivojlanirish ijtimoiy yo'nalishdagi fanlarni o'rganishga ijobiy ta'sir qiladi.

Matematika o'qitishda umumlashtirishlardan foydalanish litsey talabalarining induksiya va deduksiya, umumlashtirish va aniqlashtirish, analiz va sintez, abstraksiyalash savyasini kengaytiradi.

Talabalarning mantiqiy fikrlashlarini rivojlanirish matematika fanining muhim vazifasidir. Matematika kursi bo'yicha umumlashtiruvchi darslar talabalarning ilmiy-nazariy tafakkurini shakllantirishda hal qiluvchi o'rinni egallaydi. Matematikani o'rganish talabalarning fazoviy tasavvurlarini keskin boyitadi va rivojlaniradi.

O'quv jarayonining samaradorligini ta'minlashda mustahkamlash, takrorlash, umumlashtirish, matematika kursining navbatdagi bo'limlarini o'rganishda tayanch bilimlardan muntazam foydalanish muhimdir. Talabalarning matematikani o'rganishga qiziqishini rivojlanirish o'qituvchining muhim vazifasidir.

Umumlashtiruvchi darslarda talabalarni o'rganilgan matematika kursi bo'yicha bir-biriga bog'liq mavzular tizimidan iborat yaxlit bir bino sifatida tasavvur etishlariga erishish zarur. O'qituvchi umumlashtiruvchi darslarda matematika kursining boshqa fanlar bilan aloqadorligini, fanlar rivojiga ta'sirini, bu fanlar o'rganadigan hodisa va voqealar orasidagi bog'lanishlarni aniqroq, to'g'riroq, chuqurroq tasvirlash uchun o'rganilgan matematik apparatning zarurligini bir necha misollarda ko'rsatishi lozim.

Davlat ta'lif standarti bo'yicha akademik litseylarning matematika dasturida ko'rsatkichli, logarifmik funksiyalarni o'rGANISH ko'zda tutilgan. Biz ushbu mavzular bo'yicha litsey talabalarining bilimi, ko'nikma va malakalarini umumlashtirish va rivojlantirishda quyidagi yondashishni tavsiya etamiz:

$$a^{\sqrt{\log_a b}} = b^{\sqrt{\log_b a}}, (\log_a b > 0). \quad (1)$$

Bu tenglikni isbotlash uchun uning har ikki qismini a asos bo'yicha logarifmlaymiz, ya'ni

$$\log_a(a^{\sqrt{\log_a b}}) = \log_a(b^{\sqrt{\log_b a}})$$

yoki

$$\sqrt{\log_a b} = \sqrt{\log_b a} \cdot \log_a b,$$

$$\sqrt{\log_a b} = \sqrt{\log_a b},$$

(1) tenglikni quyidagi ko'rinishda isbotlasak ham bo'ladi.

$$\sqrt{\log_a b} = \sqrt{\log_a b},$$

$$\sqrt{\log_a b} = \log_b a \cdot \log_a b \sqrt{\log_a b} = \sqrt{\log_b a \cdot \log_a b},$$

$$\sqrt{\log_a b} = \log_a b^{\sqrt{\log_b a}},$$

$$a^{\sqrt{\log_a b}} = b^{\sqrt{\log_b a}}.$$

Misol. Ushbu $3^{\sqrt{\log_3 x}} + x^{\sqrt{\log_x 3}} = 6$ tenglamani eching.

Yuqoridagi formulaga ko'ra $x^{\sqrt{\log_x 3}} = 3^{\sqrt{\log_3 x}}$ bo'ladi.

Demak, berilgan tenglama $2 \cdot 3^{\sqrt{\log_3 x}} = 6$,

$$3^{\sqrt{\log_3 x}} = 3,$$

$$\sqrt{\log_3 x} = 1,$$

$$\log_3 x = 1, x = 3.$$

Tekshirish: $3^{\sqrt{\log_3 3}} + 3^{\sqrt{\log_3 3}} = 6$, $3+3=6$, 6=q6, 6=q6.

Javob: 3.

1) ni yana ham umumlashtirib yoza olamiz:

$$a^{\sqrt[n]{\log_a^{n-1} b}} = b^{\sqrt[n]{\log_b a}}. \quad (2)$$

nq2 bo'lganda (2) dan (1) kelib chiqadi.

Akademik litseylarda ko'rsatkichli va logarifmik tengsizliklarni echishda intervallar usulini kiritish maqsadga muvofiqdir.

Buni quyidagicha amalga oshirish mumkin.

1. $a^x - a^c > 0$ ko'rsatkichli tengsizlikni echish kerak bo'lsin.

$y = a^x$ ko'rsatkichli funksiya xossasini eslaylik.

$y = a^x$ ko'rsatkichli funksiya $a > 1$ da o'suvchi.

a) $a^x > a^c$ $a > 1, x > c \Rightarrow (a-1)(x-c) > 0$.

b) $a^x > a^c, 0 < a < 1, x < c \Rightarrow (a-1)(x-c) > 0$.

Bu erda $a-1$ ifoda ham, $x-c$ ifoda ham manfiy bo'lgani uchun ko'paytma musbat bo'ladi.

2. $a^x - a^c < 0$ ko'rsatkichli tengsizlikni echish kerak bo'lsin.

a) $a^x < a^c$ tengsizlikda $a > 1$ bo'lsa, $x < c$ bo'ladi. Bundan $(a-1)(x-c) < 0$ bo'ladi. Demak, $a > 1$ da $x < c$ bo'ladi.

b) $a^x < a^c$ da $0 < a < 1$ bo`lsa, $x > c$ bo`ladi. Bundan $(a-1)(x-c) < 0$ bo`ladi. Demak, $0 < a < 1$ da $x > c$ bo`ladi.

3. $\log_a x > 0$ tengsizlikni echish kerak bo`lsin.

a) $\log_a x > 0 \Leftrightarrow \log_a x > \log_a 1$ da $a > 1$ da $x > 1$ bo`ladi. Bundan $(a-1)(x-1) > 0$ bo`ladi.

b) $\log_a x > 0 \Leftrightarrow \log_a x > \log_a 1$ da $0 < a < 1$ da $0 < x < 1$ bo`ladi. Bundan $(a-1)(x-1) > 0$ bo`ladi.

4. $\log_a x < 0$ tengsizlikni echish kerak bo`lsin.

a) $\log_a x < 0 \Leftrightarrow \log_a x < \log_a 1$ da $a > 1$ da $0 < x < 1$ bo`ladi. Bundan $(a-1)(x-1) < 0$ bo`ladi.

b) $\log_a x < 0 \Leftrightarrow \log_a x < \log_a 1$ da $0 < a < 1$ da $x > 1$ bo`ladi. Bundan $(a-1)(x-1) < 0$ bo`ladi.

Bunday usul bilan misollarni echishda ko`rsatkichli, logarifmik funksiyalarning aniqlanish sohalarini, albatta, e'tiborga olish kerak.

Ko`rsatkichli, logarifmik funksiya xossalardan foydalanib (aniqlanish sohasini e'tiborga olib), quyidagi tengsizliklarni yozamiz:

$$a^x - a^c > 0 \Rightarrow (a-1)(x-c) > 0 \quad (3)$$

$$a^x - a^c < 0 \Rightarrow (a-1)(x-c) < 0 \quad (4)$$

$$\log_a x > 0 \Rightarrow (a-1)(x-1) > 0 \quad (5)$$

$$\log_a x < 0 \Rightarrow (a-1)(x-1) < 0 \quad (6)$$

Bu yerda a o`zgaruvchili ifoda hosil bo`lgan tengsizliklar esa intervallar usuli bilan oson echiladi. Tengsizliklarni bu usul bilan echish talaba vaqtini tejaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldaggi PF-4947-sonli "O`zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo`yicha Harakatlar strategiyasi to`g`risida"gi Farmoni. O`zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to`plami, 2017-y, 6-son, 70-modda.

2. Abdullayeva O'. Pedagogik texnologiya/5110901 - Pedagogika va psixologiya bakalavriat ta'lif yo`nalishi talabalari uchun o`quv qo`llanma. Toshkent.: 2015-y. 172 bet.

3. AbduhamedovA.U., NasimovH.A., NosirovU.M., HusanovJ.H. Algebra va matematik analiz asoslari. 2-qism. -T.: O`qituvchi, 2003,-367b.

4. Akademik litsey va kasb-hunarkollejlari uchun Matematika fanidan o`quv dastur. O`rta maxsus, kasb-hunar ta'limi markazi.- T.:2016.-11b.

5. Akademik litseylarda algebra va analiz asoslari fanining namunaviy o`quv dasturi. O`rta maxsus, kasb-hunar ta'limi markazi.- T.: 2016.-10 b.

6. Alixonov S. Matematika o`qitish metodikasi.-T.: Cho`lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2011.-302b.

7. Babanskiy Yu.K. Hozirgi zamon umum ta'lif mifik tablarda o`qitish metodlari. -Toshkent: O`qituvchi, 1990.-342b.

8. Saipnazarov Sh.A. Akademik litseylarda matematika kursida o`quvchilarning iqtisodiy ko`nikma va malakalarini rivojlantirish: Dis..... ped. fan nom:-Toshkent: TDPU, 1998. -141b.

9.Yunusova D. Ta'lif texnologiyalari asosida matematik ta'lifni tashkil etish. -T.: Universitet, 2005.-132b.

УДК: 371.035.3

АХБОРОТЛАШТИРИЛГАН МУҲИТДА КАСБ ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ АҲАМИЯТИ

Зарипова Д. А. – Тошкент ахборот технологиялари университети, тадқиқотчи

Аннотация. Ушбу мақолада касбий таълимда инновацион фаолият мазмуни, инновацион фаолиятга тайёрлаш босқичлари, бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда инновацион таълим технологияларинг ўрни ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Ахборотлаштирилган муҳит, мобил бумеранг, электрон таълим, инновация, инновацион фаолият.

РОЛЬ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ПРОЦЕССЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ИНФОРМАЦИОННОЙ СРЕДЕ

Зарипова Д.А.- Ташкентский университет информационных технологий, исследователь

Аннотация. В этой статье речь идет о содержании инновационной деятельности в профессиональном образовании, этапах подготовки к инновационной деятельности, роли инновационных образовательных технологий в подготовке будущих учителей профессионального образования к инновационной деятельности.

Ключевые слова: информационная среда, мобильный бумеранг, электронное образование, инновации, инновационная деятельность.

INNOVATIVE ACTIVITIES IN THE INFORMATION MISSION IN THE PROCESS OF TRAINING TRANSPARENCY

Zaripova D.Z. – Tashkent University of Information technologies, researcher

Annotation. This article deals with the content of innovation in vocational education, the stages of preparation for innovation, the role of innovative educational technologies in the preparation of future teachers of vocational education for innovation.

Key words: information environment, mobile boomerang, electronic education, innovations, innovative activity.

Ўзбекистон Республикасида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш ҳамда уни ривожланган давлатлар даражасига кўтаришга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида катта эътибор бериб келинмоқда. Ҳозирги кунда узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими ҳар қандай давлатни замон талабларига ҳамоҳанг равишда инновацион ривожланишида ҳал қилувчи ва муҳим омилга айланганлиги ҳаммага маълум. Ҳозирги кундаги илмий-техникавий тараққиёт нафақат ишлаб чиқаришнинг кўпсонли тармоқларига, балки маданий, ижтимоий-гуманитар билимлар, таълим соҳасига ҳам инновацион технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси тараққиётида ҳалқнинг бой маънавий салоҳияти ва умуминсоний қадриятларга ҳамда ҳозирги замон маданияти, иқтисодиёти, илм-фани, техникаси ва инновацион технологияларнинг сўнгги ютуқларига асосланган мукаммал таълим-тарбия тизимини, шунингдек, миллий педагогика ва инновацион педагогик технологияларнинг назарий ва методик асосларини яратиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш зарурияти миллий таълим тизимини ислоҳ қилиш, унинг салоҳиятини жаҳон миқёсига олиб чиқиш, таълим бозорини яратиш ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида: “Ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълиммуассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнинг ҳалқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиилар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш ...” таъкидланиб, ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси миллий ва маънавий-маърифий тараққиётининг муваффақиятларини белгилаб берувчи, бу туб вазифаларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи инновацион таълим технологияларни амалиётга татбиқ этишдан иборат. Бунда авторитар педагогикадан воз кечиб, инновацион таълим технологияларини педагогик жараёнга тадбиқ этишимиз керак бўлади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда таълим ва тарбиянинг бош мақсади ва мазмуни тубдан янгиланди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассасаларида инновацион таълим технологияларни самарали жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олий таълим муассасаларида касбий таълим жараёнида педагогик инновацияларни амалга ошириш мухим аҳамият касб этади. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлашни бакалаврнинг биринчи босқичиданоқ бошлаш керак. Талабаларда янгиликка интилиш ҳиссини уйғотиш, мустақил ишлаш қобилиягини ривожлантириш ўқишининг дастлабки йиллариданоқ бошланса 3-босқичга келиб педагогик-психологик туркум фанларини ўқитишида бўлажак касб таълими ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёни амалга оширилиши, 4-босқичга келиб эса уларга янгиликларни мустақил ҳолда излаб топиш, керакли ахборотни танлаб олиш ва амалга жорий этиш бўйича компетенцияларини шакллантириш лозим бўлади.

Ўтказилган илмий манбалар таҳлили, педагогик инновациялар – бу педагогик янгиликларни яратиш уларни педагогик ҳамжамият томонидан ўзлаштирилиши, амалда қўлланилиши, баҳоланиши ҳамда бошқариш жараёни ва натижасидир, деб таърифлашга имкон берди. Бунданхуносачиқаришмумкини, бўлажак касб таълими ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёни учун Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ҳамда дастурларни ишлаб чиқишида ўзаро узвийликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бунинг учун электрон ўқув услубий таъминотни яратишида таълим сифати ва самарадорлигини юқори босқичга чиқаришида ўқув-тарбия жараёнига инновацион технологияларни татбиқ этиш зарурияти келиб чиқмоқда.

Ўқув жараёнининг реал шароитлари ушбу жараённи қўллаб-қувватловчи тизимлар учун ўзига хос талабларни белгилайди. Ўз навбатида ахборот мұхити каби бир хил тизим, дастур майдонини тўлиқ аниқлайди. Олий таълим ўқув мұхитининг вазифалари таълим соҳасидаги вазифалари билан тўла мос тушиши ва маҳсус ва қўшимча касб таълими йўналиши билан ажralиб туради.

Бизнинг фикримизча, ахборот мұхити қўйидаги мухим ҳусусиятларга эга бўлиши керак:

- тизимли;
- дастурий таъминотнинг янги услубий ва методологик ҳусусиятлари ва методологик ёрдам;
- кўп функционаллик
- мослашувчанлик;
- технologik ҳаракатланиш.

Таърифланган ҳусусиятлар ва компонентлар атроф мұхитни таълим фаолиятни ташкил қилишнинг энг универсал воситаси сифатида тавсифлайди. У шунингдек, ҳаёт учун воситадир ва аслида ўзи дидактик маънога эга.

Ахборот мұхитнинг педагогик компоненти ахборот-коммуникация технологияларидан ўқув жараёнида фойдаланишнинг барча шаклларини ўз ичига олиши мумкин. Педагогик компонент ахборот, методик ва ахборот ресурсларини тақдим этиши ва ҳаётга йўналтирилган турли турдаги таълим тадбирлари, масалан, репродуктив ёки ташкилий, курс ёки лойиҳалар ёндашувига қараб тақдим қилиш мумкин.

Услуб ва шакллар қўйидаги тарзда тақдим этилиши мумкин:

- 1. Ўқув методлари.**
- 2. Материални тақдим этиш усуслари.**

Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг инновацион фаолиятини яратувчилик жараёни ва ижодий фаолият сифатида баҳолаш мумкин. Инновацион фаолиятга аксиологик ёндашув инсоннинг ўзини янгилик яратиш жараёнига баҳшида қилиши, у томонидан яратилган педагогик қадриятлар йиғиндинсини англатади. Аксиология инсонга олий қадрият ва ижтимоий тараққиётнинг бирдан-бир мақсади сифатида қарайди.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг инновацион фаолияти тузилмаси креативлик ва рефлексия компонентларидан иборат. Инновацион фаолият энг мухим тавсифи креативликдир.

Креативлик индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради. Инновацион фаолиятидаги креативликнинг бир неча босқичлари мавжуд: биринчи босқичда тайёр методик тавсиялар кўчирилади; иккинчи босқичда мавжуд тизимга айрим мосламалар (модификациялар), методик усуллар киритилади, учинчи босқичда ғояни амалга ошириш мазмуни, методлари, шакли тўла ишлаб чиқилади; тўртинчи босқичда ўқитиш ва тарбияланишнинг бетакрор концепцияси ва методикаси яратилади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчининг инновацион фаолияти тузилмасидаги энг муҳим компонент бу рефлексиядир. Рефлексия ўқитувчининг ўз онги ва фаолиятини белгилаш ҳамда таҳлил қила олишидир. Рефлексия (лотинча “Ret Ixio”- ортга қайтиш) субъектнинг ўз (ички) психик туйғу ва ҳолатларини билиш жараёнидир. Инновацион педагогик жараённи ифодалаб, нафақат унинг дидактик қурилмасига, балки ўқитувчининг ижтимоий моҳиятли натижалари ва руҳий қиёфасига ҳам тааллуқlidir. У очиқликни, бошқалар фикрининг тан олинишини билдиради. Инновацион фаолият турли хилдаги қарашларнинг тўқнашуви ва ўзаро бойитилиши динамикасида амалга ошишини кўзда тутади. Бўлажак ўқитувчининг инновацион фаолиятини самарали амалга ошириш бир қатор шартшароитларга боғлиқ. Унга ўқитувчининг тайнинли мулоқоти, акс фикрларга нисбатан беғараз муносабат, турли ҳолатларда рационал вазиятнинг тан олинишини ўқтиришга тайёрлиги киради. Бунинг натижасида ўқитувчи ўз билим ва илмий фаолиятини таъминлайдиган кенг қамровли мавзу (мотив)га эга бўлади. Янгилик киритишнинг муҳим шарти мулоқотнинг янги вазиятини туғдиришдир. Мулоқотнинг янги вазияти – бу ўқитувчининг ўз мустақиллик мавқеини, педагогика фанига, ўзига бўлган янги муносабатни яратса олиш қобилиятидир. Ўқитувчи ўз нуқтаи назарларига ўралшиб қолмайди, у педагогик тажрибаларнинг бой шакллари орқали очилиб, мукаммаллашиб боради. Бундай вазиятларда ўқитувчининг фикрлаш усуллари, ақлий маданияти ўзгариб боради, ҳиссий тўйғулари ривожланади. Кейинги шарти – бу ўқитувчининг маданият ва мулоқотга шайлиги. Ўқитувчининг инновацион фаолияти воқеликни ўзгартиришга, унинг муаммолари ва усулларини ечишни аниқлашга қаратилгандир.

Инновацион фаолиятга асосланган ўқув жараёнини инновацион янги илмий ғоялар ва концепциялар асосида таълим мазмунини янгилашга ва уни такомиллаштиришга хизмат қиласди. Бунда ўқитувчиларнинг касбий компетентлик даражалари юқори бўлиши талаб этилади, у эса ўз навбатида, талабаларнинг ўқув фаолиятига таъсир қиласди. Таълим-тарбияга инновацион ёндашув доимий ва мустақил равишда олиб борилади. Талаба борган сари кўпроқ янги илмий ғояларнинг тадқиқотчиси ва амалга оширувчиси бўлиб етишади ҳамда унда ҳаётга, меҳнатга, ўз касбига нисбатан инновацион ёндашуви шаклланади. Демак, таълим жараёнида инновацион технологияларни киритиш, педагогик янгиликларни яратиш, баҳолаш ва ўзлаштириш жараёнларни бошқариш масалаларини ижобий ҳал қилишда инновацион фаолият муҳим аҳамият касб этади.

Н.И.Лапин, Л.Я.Косалс, Э.Роджерс ва бошқа тадқиқотчиларнинг изидан жуда кўп олимлар инновациянинг ўзига хос мазмунини ўзгаришлар ташкил этади, инновацион фаолиятнинг бош вазифаси эса, ижобий ўзгартириш вазифаси ҳисобланади деган фикрларни илгари сурғанлар.

Юқорида олиб борилган таҳлилларни умумлаштиридиган бўлсак, инновацион фаолият - бу янги билимларни эгаллашга ва қўлланишга қаратилган фаолиятдир. У ўз ичига қўйидагиларни олади: янги билимларни олишга қаратилган фундаментал (назарий, тажриба-синов) илмий-тадқиқотчилик; амалий мақсадларга эришиш ва аниқ вазифаларни ҳал қилиш учун асосан янги билимларни қўлланишга йўналтирилган татбиқий новаторлик; амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида ёки янги лойиҳаларни, маҳсулотларни, жараёнларни, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш хизматларни, тизимларни ёки услубларни яратишга ҳамда уларни янада такомиллаштиришга қаратилган фаолиятдир.

Ҳулоса қилиб айтганда, бўлажак касб таълими ўқитувчилари учун таълим муассасаларида таълим олиш жараёни – бу инсонда меҳнат фаолиятини муваффақиятли амалга оширишда аҳамиятли саналган касбий билим, касбий сифат, компетентлик ва мезонлар асосида ривожлантириш ҳамда ўз-ўзини такомиллаштиришнинг энг мақбул давридир. Таълим олувчилар ушбу жараёнда инновацион фаолиятга тайёрланиб, билимларни жамлаш, сақлаш, узатиш, уларнинг мантиқий тузилмасини яратиш ва истиқболда касбий фаолиятини ташкил этишда улардан самарали фойдаланиш каби ҳолатларни ўзида мужассам эттиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуқодиров А. Таълимда инновацион технологиялар. – Тошкент: Истеъдод, 2008. – 180 б.
2. Алимов А.А. Узлуксиз таълим тизими ўқитувчиларининг инновацион фаолиятни шакллантириш усуллари // Халқ таълими. - Тошкент, 2015. – №6, – Б. 74-78.
3. Юнусова Д.И. Бўлажак математика ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлаш назарияси ва амалиёти: Пед.фан.докт. ... дисс. –Т., 2011.-270 б.
4. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Т.: Фан. 2006.-261 б.
5. Педагогика назарияси (Дидактика) / Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х.А. ва б.; Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2011. - 420 б.
6. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: Истеъдод, 2008.- 180 б.

УДК:51:371.3

**МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АХБОРОТЛАР БИЛАН ИШЛАШ
КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДИК ЖИҲАТЛАРИ**

Рузикулова Н.Ш. - Тошкент давлат педагогика университети, докторант

Аннотация. Мақолада математика дарсларида ахборотлар билан ишлаш таянч компетенциясини шакллантириш жараёни мустақил ҳәётий фаолият давомида ахборотлар билан ишлаш каби ёндашув асосида ташкил этиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ахборотлар билан ишлаш компетенцияси, ўқувчи, математика, ахборотлар мазмуни, ахборотларнинг кўринишлари, таянч компетенциялар, ҳәётий фаолият.

**МЕТОДИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПО РАЗВИТИИ КОМПЕТЕНЦИЙ УЧАЩИХСЯ ПО РАБОТЕ С
ИНФОРМАЦИЕЙ НА УРОКАХ МАТЕМАТИКИ**

Рузикулова Н.Ш. - Ташкентский государственный педагогический университет, докторант

Аннотация. В статье разработаны методические рекомендации по организации процесса формирования базовой компетенции по работе с информацией на уроках математики на основе такого подхода, как работа с информацией в процессе самостоятельной жизнедеятельности.

Ключевые слова: компетенция по работе с информацией, ученик, математика, содержание информации, виды информации, базовые компетенции, жизненная деятельность.

**METHODOLOGICAL ASPECTS OF THE DEVELOPMENT OF INFORMATION PROCESSING
COMPETENCE OF STUDENTS IN MATHEMATICS LESSONS**

Ruzikulova.N. – Tashkent State Pedagogical University, base doctoral student

Annotation. The article develops methodological recommendations on the organization of the process of formation of the base competency of working with information in mathematics lessons on the basis of such an approach as working with information in the process of independent life activity.

Key words: competency of work with information, reader, mathematics, content of information, views of information, base competences, vital activity.

Таълим жараёнида дарслар ахборотларни ўзлаштириш, қайта ишлаш, уларнинг имитацияларини яратиш, шу билан бирга янги ғоялар асосида ахборотларни ишлаб чиқишига, ўқувчиларни ўқув ва амалий фаолиятидан азарий билимлардан фойдаланиш компетентлигини оширишга хизмат қилиши, ўқитувчи ўқувчини зарур ахборотлар билан таъминлаб турувчи, таҳлил қилишга ўргатувчи бўлиши лозим. Қадимги Грек файласуфи Суқрот «ўқитувчининг ижодкорлиги, бу тайёр ахборотни ўқувчига етказишга эмас, балки, ўқувчиларни ҳақиқатга интилиш, мустақил фикрлашларини ривожлантиришга қаратилганлигидадир», деб таъкидлаган.

ЮНЕСКО хуносасига кўра, ахборотлаштириш – бу ахборотларни тўплаш, сақлаш ва узатиш воситаларининг кенг қўлланилишидир. У мавжуд билимларни тизимлаштириш ва янги билимларни шакллантириш ҳамда уларни жорий бошқариш, янада такомиллаштириш ва ривожлантириш учун қўллашни таъминлайди. Демак, ахборотлаштиришнинг стратегик вазифаси янги ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳисобига интеллектуал фаолиятни глобал рационаллаштириш, замон талабларига жавоб берадиган креатив фикрлайдиган мутахассислар тайёрлаш самарадорлиги ва сифатини кескин оширишдан иборат.

“Жаҳон цивилизациясининг ахборот майдонида, жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ўзининг кундалик фаолиятида, узлуксиз равишда ахборотлардан фойдаланади”. Хусусан, бошланғич синф ўқувчилари ҳам ўз ўқув фаолияти жараёнида зарур ахборотларни ўзлаштириб боради.

“Ахборот” (лот. information – таништириш, тушунтириш) – фалсафада қадим замонлардан бўён қўлланиб келинаётган, кибернетиканинг тараққиёти туфайли кейинги вақтда янги, кенгроқ маъно касб этган марказий категориялар сифатида майдонга чиқсан тушунча.

Ахборотлар борлиқдаги барча нарса, ҳодиса, жараёнларнинг моҳиятини очиб беради. Шунинг учун таълимда эришилган самарадорлик ўзлаштирилган ахборотлар ва ўзлаштирилган ахборотларни қўллай олиш билан белгиланади.

Таянч компетенциялар деганда таълим оловчи учун долзарб ҳисобланган муаммоларни ечишдаги ноаниқ вазиятларда мустақил ҳаракат қила олиш қобилияти тушунилади. **Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси** – медиа манбалардан зарур маълумотларни излаб топаолишни, саралашни, қайтаишлашни, сақлашни, улардан самарали фойдалана олишни, уларнинг хавфсизлигини таъминлашни, медиа маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутади.

Ўқувчиларда ахборотлар билан ишлаш таянч компетенциясини шакллантиришда математика фани устувор ҳисобланади. Чунки бошланғич синф математика фани алгебра, геометрия, физика, информатика каби фанлар учун пропедевтик материал ҳисобланади. Яъни, ушбу фанлар юзасидан қатъий алгоритм асосида, аниқ мақсад сари қуи босқичда ўрганиладиган ахборотлар ҳисобланади.

Бошланғич синф ўқувчилари математика дарсларида ахборотларни бир қўринишдан бошқа қўринишга ўтказиш, турли мазмундаги ахборотлар (илмий, мантиқий, фалсафий, ижтимоий) билан ишлаш муаммоларига дуч келишади. Ушбу муаммоларнинг ижобий ечими сифатида қуидагиларни кўрсатиш мумкин:

- бошланғич синф ўқувчиларининг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришда математика дарсларида ўқувчиларга тасвир, рақам, матн қўринишидаги ахборотларни интегратив ёндашув (масалан масалаларнинг ечимларини рақамлар қўринишидан диаграммалар қўринига ўтказишга ўргатиш) асосида ўргатиш;
- ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш жараёнини методик жиҳатдан тўғри ташкил этиш;
- ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан унумли фойдаланиш;
- ўқувчиларнинг фанга оид ахборотлар билан ишлашда: ижтимоий тармоқлардан олиш, қайта ишлаш, сақлаш ва юборишга ўргатиш.
- бошланғич синф математика дарсларида ўрганиладиган ахборотлар мазмуни: илмий, мантиқий, фалсафий, ижтимоий мазмундаги ахборотлар билан ишлашга ўргатиш мухим.

Анъанавий дарсларда дарснинг мақсадидан келиб чиқиб, ўқитувчилар ўқувчиларни ўқув фаолиятлари ёки ҳаётий фаолиятлари давомида зарур бўлган ахборотларни эслаб қолиш, тушуниш, уларни қўллаш, таҳлил қилиш, синтез қилиш, ахборотларни баҳолаш (ёки баҳолаш орқали қайта таҳлил қилиш) кетма-кетлигига олиб боради. Ўқувчилар ахборотларни тушуниш орқали билим тўплашади. Сўнг улар маълумотни тушунтуриб беришлари ва иложи бўлса буни амалда қўллашлари сўралади.

Яъни, ўқувчилар мустақил ишлашга кам жалб қилинади. Таҳлил, синтез ва баҳолаш учун вақтнинг чекланганлик муамосига дуч келинади. Анъанавий таълимда математика дарсларида янги мавзулар ўқувчиларга алгоритмик тарзда берилиб, сўнгра уни мустаҳкамлаш учун машқлар бериш орқали ўргатилади. Мустаҳкамловчи дарсларда эса ўтган мавзуларга оид билимлар тизимлаштирилиб чиқилади.

Лекин ўқувчилар тайёр ахборотларни ўзлаштиришмасдан ахборотларни ўзлари учун кашф қилиш имкони берилса (дарсларда математика фанига боғлиқ бирор муаммо, тарихий воқеа ёки мантиқий масалалалар билан ўқувчиларни ўйлашга ундаш ва шу асосида ахборотларни ўз ўқув фаолиятларида кашф қилиш), яъни, мустақил ҳаётий фаолиятларидаги каби дарслар давомида ҳам ахборотлар билан ишлаш дастлаб ахборотларни таҳлил қилиш, сўнгра уларни синтез қилиш, ахборотларга баҳо бериш, эслаб қолиш, ахбороларни тушуниш ва қўллашга ўргатилсачи?

Инсонлар ҳаёт фаолиятлари давомида ҳаётий муаммоларни тўғри таҳлил қилиш, ечимларни синовдан ўтказиш билан доимий шуғулланадилар. Бу жараённи қандай амалга оширишни ўрганиб чиқмайдилар, балки ҳаётий фаолиятларни бажариш давомида уларни ўрганиб боришади. Ҳаёт фаолиятлари давомида муаммоларни таҳлил қилиб боради.

Ахборотларнинг таҳлили ва натижаларининг синтези ахборотларни ўзлаштиришнинг мукаммал даражаси ҳисобланиб, ахборот компетенцияни шакллантиришга хизмат қиласди. Ўқувчилар ўзлари англаган дарсларда билимини эслаб қолишлари жуда кучли. “Ўқувчиларни ўйлашга ўргатиш” қоидаси пассив ўқувчиларни киришувчан ўқувчиларга айлантиради. Улар ўқитувчиларга қарамалиликни камайтириб, мустақил ўқувчиларни яратади. У катта ҳаётнинг қийинчилик ва мураккаблигини енга оладиган ўқувчиларни дунёга келтиради.

Бунинг учун:

- ўқувчиларни иложи борича мустақил ўйлашга жалб қилиниши: ўқувчилар тушунчани ўзлари топишларига қўйиб бериш. Чунки бу жараённи умрлари давомида яна ва яна бошдан кечиришади. Маълумотлар эсда қолиши учун, контекст билан бирга фактларни ҳам ўрганиш керак.

- узоқроқ эсда қоладиган мұхит яратиш: агар ўқитувчи биринчи ахборотлар билан таъминлаб, тушунтириб, тушунчани мустаҳкамлаш учун амалиётда қўллашга ўргатса, ўқувчилар тушунчаси “Билиш” ва “қўллаш” даражасида қолиб кетади. Улар баландроқ даражаларда умуман ўйлашмайди.

Баҳолашда баҳоларни меъёр билан боғлаш ўқувчиларда ўзига нисбатан ишончсизликни келтириб чиқармайди. Ўқувчилар билимининг тўғри баҳолаш академик муваффақият даражасини белгилашга хизмат қиласди. Баҳолаш кўнкимда даражасини кўрсатиши билан бирга рағбатлантириш вазифасини ҳам бажариши лозим. Баҳолашнинг аниқлилиги академик меъёрлар бажарилганлигини кўрсатса, базида муболаға тарзида қўлланилиши рағбатлантирувчи вазифасини бажаришга хизмат қиласди. Ўқувчиларни шахс сифатида ўргаш, уларга қаратилган индивидуал эътибор уларни фаоллаштиради. Шахсни баҳолаш орқали ҳурматлаш мұхим. Ҳар бир ўқувчининг ўзлаштириш қобилияти ва тезлиги бошқаларникидан тубдан фарқ қиласди. Ўқувчилар ўзларининг билим салоҳиятининг меъёрига асосланган ҳолда ўзини баҳолай оладиган дарс мұхитини яратиш лозим. Маълумки, инсон ҳаётий фаолиятлари давомида ўз хатти-ҳаракатлари, атрофдаги воқеа-ходисалар, ижтимоий мунобатлар, моддий борлиқдаги мавжуд предметлар тўғрисидаги ахборотларини доимий баҳолаб боради. Баҳолаш асосида эса улар тўғрисидаги ахборотлар эслаб қолинади, тушунилади ва қўлланилади. Ўқувчиларни билимларини ўзлари қуришлари учун ўзлари тушунишларига эришиш лозим. Ўрганилаётган ахборотнинг аҳамиятини тушуниш катта аҳамиятига эга. Бу ахборотларни ўзлаштиришга жалб қиласди, йўл йўриқлар беради, қизиқиш уйғотади. Кўп ўқув материаллари жорий мавзуни ўзлаштиришга, ёки дастурни ўзлаштирилганлигини аниқловчи тестлар учун хос, аммо кейинчалик тезда унтуилади. Ўқувчилар эса фаол қатнашишни ўз ичига олган билим, тушунган ва ихтиёрий идрок қилган билимларига кўпроқ таянишади. Математика дарсларида ахборотлар билан ишлаш таянч компетенциясини шакллантириш жараёнини мустақил ҳаётий фаолият давомида ахборотлар билан ишлаш каби ёндашув асосида ташкил этиш зарур ва аҳамиятли (илмий, амалий) ахборотларни эслаб қолиш (таҳлил қилиш, синтез қилиш, баҳо бериш асосида) га ва қўллаш (тушуниш асосида) га ўргатади.

Ушбу ёндашув асосида таълимни ташкил этишда ахборотлар устида ишлаш компетенцияларини шакллантирувчи энг мұхим жиҳатлар:

1. *Мослашувчанликни ривожлантириш.* Компетенцияларнинг мустаҳкам кўринишига эришмоқчи бўлинса, уларга ҳар бир муаммога бир нечта ечим ва шу ечимларга етишишнинг ўзига хос алгоритми мавжуд бўлишини ва айнан мувофиқ келувчи алгоритмни танлашга ўргатиш лозим. Яъни муаммонинг кўлами ва қаралаётган томонига асосан алгоритмлар танланади. Жараённинг

Йўналишига қараб ишнинг боришини таҳлил қилиш ва олиб бориш кутулмаган вазиятларда ҳам самарали натижани кафолатлади.

2. Ахборотларни излаш ва “кашф қилиш” га ўргатиш. Муаммоларнинг ечимини топишга хизмат қилувчи ахборотлар ва адабиётлар хилма-хил бўлиши мумкин. Аммо ишончли ахборотни қандай топиш кераклигини ўрганиш, унинг ишончли ёки ҳақиқатдан йироқ эканлигини баҳолашни кўпроқ ўргатиш лозим. Ахборотларни ўқувчиларга шунчаки тақдим этиш эмас, улар бу ахборотни ўзлари учун кашф қилишларига имкон бериши лозим. Масалан 2-синф математика фанидан “Метр” мавзусини тушунтиришда ўқувчилар синф хонасидаги жиҳозлар (узунлиги 1 метрдан кам бўлмаган) ни ўзлари ўлчаб чиқиб ва “1 метр 100 см га teng” эканлигини кашф этишсин, ҳамда ўзаро фикр алмасишин. Ўқувчилар мустақил қатнашадиган дарслар ўзлаштирилган ахборотларни таҳлил қилиш, уларни синтез қилиш, ахборотларга баҳо бериш, эслаб қолиш, тушуниш ва қўллашга ёрдам беради. Ахборотлар маъносини тадқиқот ўтказиш, кашф қилиш орқали англашда ўқувчилар ўзлари ўйлаб кўриб, тадқиқотлар ўтказиб, тушуниб этишади. Ўқувчилар изланиш, тадқиқ қилиш ва кашф қилиш, ва ушбу жараёнларни таҳлил қилиш йўлларини ўрганишлари жараён билан бирга амалга оширилади. Ахборотларни излаш ва “кашф қилиш” га ўргатиш жараёнини ташкил этишда ўзаро фаол ижобий муносабатлар (ўқитувчи-ўқувчи, ўқувчи-ўқувчи муносабатлари)га таянилади.

3. Доимий янги ахборотлар билан таъминлаш. Агар ўқув жараёни тадқиқот шаклида бўлса ўқитувчилар ўқувчилар излаётган тушунчага йўл кўрсатиш учун қўшимча ахборотлар билан таъминланишлари керак. Мураккаб материалларни ўзлаштиришга эришишнинг ягона йўли бу – содда маълумотларни ўзлаштиришнинг алгоритмик қурилишини ўзлаштириш асосила эрилишилади. Зеро мураккаблик бу – соддалик устига қурилган соддаликдир. Улар ўқувчиларни тўғри йўналишга солади. Ва натижани ўқувчининг ўзи бажаради. Энг яхши ва қониқарли наъмуналарни солиштириб таҳлил қилиш уларга керакли маълумотни беради. Улар иложи борича наъмуналардан ҳам яхшироқ натижалар кутилаётганини айтиш керак. Таълим жараёни ҳеч қачон пассив бўлиши керак эмас. Жонлантирувчи ахборотлар муаммо ечимининг янги йўлларини очиб беради. Улар янги ғояларнинг яратилишига замин бўлади.

4. Ўқувчиларнинг фундаментал ахборотлар захирасини яратиш.

Ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштиришиги ёрдам берувчи мұхим жиҳатлардан бири ўқувчининг фундаментал билимлар билан қуролланганлигидир. Ўқувчилар дарсга гоҳида оз бўлган билимлари билан баъзилари эса умуман зарур маълумотсиз бўлиб келишади, аммо бунинг этишмовчилиги кейинчалик катта муаммо туғдириши мумкин. Ахборотлар билан ишдаш компетентлигини ривожлантиришда таълимни ҳаётий фаолиятлар билан ўйғуноликда олиб бориш:

Дарс номи → мұхим ахборотлар → мұхим саволлар (ўқувчиларнинг қизиқишини фаоллаштириш ва кучайтириш) → меъзонлар → таҳлил қилиш → синтез қилиш → баҳо бериш → эслаб қолиш → ўрганиладиган материалнинг аҳамиятини тушуниш → тушунча (керакли ахборотлар заҳираларини тўплаш) → қўллаш (фаоллашиш, жалб қилиш)

Қайд қилинган вазифаларни бажариш учун тажриба-синов иши ташкил этилди. Тажриба Тошкент шаҳридаги 2 та умумтаълим мактабларида олиб борилди. Ўзлаштириш даражалари бир-бирига яқин бўлган параллел бошланғич синфлар танлаб олинди ва мос равишда улар тажриба ва назорат синфларига бўлинди. Назорад синфида дарсларда ахборотлар билан ишлаш анъянавий ёндашув асосида: эслаб қолиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил қилиш, синтез қилиш, баҳолаш (баҳолаш учун таҳлил қилиш) кетма-кетлигига олиб борилди. Тажриба синфида эса ахборотлар билан ишлаш тавсия этилаётган ёндашув асосида: ахборотларни таҳлил қилиш, ахборотларни синтез қилиш, ахборотларга баҳо бериш ва эслаб қолиш, ахбороларни тушуниш ва қўллаш тарзида олиб борилди.

Тажриба-синов Тошкент шаҳридаги 255-умумтаълим мактабида ўтказилди. Назорат ва тажриба синфларида олиб борилган дарсни баҳолаш мезони бир хил бўлиб қуядаги натижалар олинди:

Синф тури: назорат ва тажриба. Синф сони: 2 та..

1-жадвал

Натижалар (% да)	Синф сони	Ўқувчи-лар сони	56-70%	71-85%	86-100%
			“3” баҳо	“4” баҳо	“5” баҳо
Назорат синф	1	35	10	16	9
Тажриба синф	1	36	5	17	14

Назорат ва тажриба синфларида ўқувчиларнинг ахборотларни ўзлаштири юзасидан аникроқ тасаввурга эга бўлиш учун қуодаги диаграммани келтирамиз:

Ўзлаштириш ўқувчи эгаллаган билим, кўникма ва малакаларнинг тўлалиги, чукурлиги, онглилиги ҳамда мустаҳкамлиги даражасини англатишига кўра ўрганилди. Ўзлаштиришнинг даража ва кўрсаткичлари ўқувчига таълим давлат станлартлари ва ўқув дастурларида белгилаб қўйилган талаблардан келиб чиқиб беш балли баҳо тарзида белгиланди. Юқори ўзлаштиришга эришиш миллий педагогик амалиёт олдида турган энг муҳим вазифалардандир. Чунки ўқувчи ва талабаларнинг интеллектуал ривожланиши ҳамда касбий тайёргарлиги уларнинг ўзлаштириш даражаларига бевосита боғлиқ. Натижаларни баҳолашда ўзлаштиришнинг сифат ва самарадорлигига ҳам аҳамият қаратилди. Сифат даражасини аниқлашда “... ишининг яроқлилик даражаси, қўйилган талабларга қанчалик жавоб бера олишини белгиловчи хусусияти” га кўра натижалар баҳоланди. Самарадорликни аниқлашда (самара – натижка, хосила, фойда.) ўтказилган тадқиқот ишининг ижобий натижалилик даражасига асосан ёндашилди. Олинган натижаларнинг сифат ва самарадорлиги умумтаълим мактабларида қўлланиладиган қуодагича усолда аниқланди:

Ўқувчилар билимини ўзлаштиришнинг сифат даражасини аниқлашда, “5 баҳо” олган ўқувчилар сони ва “4 баҳо” олган ўқувчилар сонининг йиғиндиси умумий ўқувчилар сонига бўлинади. Натижка 100 га кўпайтирилиб яхлитланади.

Назорат гуруҳи: $16+9=25$ $25:35=0.714285714$ $0.714285714 \times 100 = 71.428571428$

Тажриба гуруҳи: $17+14=31$ $31:36=0.861111111$ $0.861111111 \times 100 = 86.1111111$

Самарадорлик “5 баҳо” олган ўқувчилар сони 5 га, “4 баҳо” олган ўқувчиларнинг сони 4 га ва “3 баҳо” олган ўқувчиларнинг сони 3 га кўпайтирилиб, натижалар йиғиндиси топилади ва умумий ўқувчилар сонига бўлинади. Натижка 20 га кўпайтирилиб, яхлитланади.

Назорат гуруҳи: $(10-3)+(16-4)+(9-5)=30+64+45=139$ $139:35=3.9714285714$ $3.9714285714 \times 20 = 79.428571428$

Тажриба гуруҳи: $(5-3)+(17-4)+(14-5)=15+68+70=153$ $153:36=4.25$ $4.25 \times 20 = 85$

Назорат синфидан қуодагича натижалар олинди: 10 та ўқувчи 56% дан 70% гача, 16 та ўқувчи 71% дан 85% гача, 9 та ўқувчи 86% дан 100% ўзлаштирилиши қайд қилинди. Тажриба синфидан қуодагича натижалар олинди: 5 та ўқувчи 56% дан 70% гача, 17 та ўқувчи 71% дан 85% гача, 14 та ўқувчи 86% дан 100% гача ўзлаштирилиши қайд қилинди.

Назорат ва тажриба синфлари солиштириб, қўйидаги натижалар олинди:

2-жадвал

Синфлар	Сифат	Самара
Назорат синф	71%	79%
Тажриба синф	86%	85%

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, тажриба синфларида назорат синflарига нисбатан сифат 15% га, самара 6% га ошган. Тажриба синфида олинган натижалар тажриба мақсадида қўйилган асосни тасдиқлаб, мақсадга эришганликга ишонч ҳосил қилишга ёрдам беради. Тажриба синф ўқувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини таққослаш асосида хulosалар чиқарилиб, тажриба натижаларида назорат синflарida ўқувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш компетентлиги бўйича фарқ аниқланди. Тажриба-синов математика дарсларида ахборотлар билан ишлаш таянч компетенциясини шакллантириш жараёнини мустақил ҳаётий фаолият давомида ахборотлар билан ишлаш каби ёндашув асосида ташкил этиш назорат синflарiga нисбatiан тажриба синflarida ўқувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш компетентлигининг ошгинлигини кўрсатди.

Ахборотлар билан ишлашда ўқувчилар мустақил ҳаётий фаолиятлари каби дастлаб ахборотларни таҳлил қилиш, уларни синтез қилиш, ахборотларга баҳо бериш асосида зарур ахборотларни эслаб қолиш, ахборотларни аҳамиятини тушуниш ва ахборотларин қўллаш орқали ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва якуний хulosani синтезлаш мумкин. Фақат шундагина билим асосли бўлади. Бу ёндашув асосида ўқувчилар худди фаётний фаолиятлар каби гипотезалар яратишади, тажрибалар ўтказишади, улардан хulosan чиқарishadi ва керак бўлса хulosalarni қайta kўrib чиқishadi.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълим мининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" Қарори/ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 230-модда / www.lexx.uz

2. Арипджанова А.Р. Таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим мұассасалари педагогларининг креатив салоҳиятини ривожлантириши. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2017. 12-бет.
3. Бегимқулов У. Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент. 2007 йил. 20-бет.
4. Джураев Р.Х ва бошқалар. Педагогик атамалар луғати. –Т.: “Фан нашриёти”, 2008 йил. – 94-бет.
5. Жефф Ҳалстед. Янги педагогикани бошқариш: Ўқитиш жараёнини тубдан ўзгартирувчи олти принцип. Роуман &Литтлефиелд Таълими томонидан нашр этилган. <http://www.ruwmaneducatoin.com>.
6. Жефф Ҳалстед. Янги педагогикани бошқариш: Ўқитиш жараёнини тубдан ўзгартирувчи олти принцип. Роуман &Литтлефиелд Таълими томонидан нашр этилган. <http://www.ruwmaneducatoin.com>.
7. Назаров Қ. Фарб фалсафаси. – Т.: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2004. – 719 б.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.Ш.Н-Тартибли/таҳрири ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедия” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 528-б.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.Ш.Н-Тартибли таҳрири ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедия” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 434-б.
- 10.Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10 – жилд. Шарқ – Қизилқум. Таҳрир ҳайъати А. Азизхўжаев, Б. Алимов, М. Аминов ва б. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005 й. 498-499-бетлар.
- 11.Фалсафа қомусий луғат. (тузуви ва масъул мұхарир Қ. Назаров). –Т.: Шарқ, 2004. 40-б.

УДК:372.31

БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШГА ТАЙЁРЛАШ

Абдураимова Г. - Тошкент давлат педагогика университети, эркин тадқиқотчи

Аннотация. Ушбу мақолада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ўқувчиларнинг лойиҳалаштириш фаолиятига раҳбарлик қилишга тайёрлаш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси, бошланғич синф ўқувчилари, лойиҳалаштириш, фаолият, раҳбарлик, “Технология” фани, дастур.

ПОДГОТОВКА БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ К РУКОВОДСТВУ ПРОЕКТНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ УЧАЩИХСЯ

Абдураимова Г. – Ташкентский государственный педагогический университет, исследователь

Аннотация. В данной статье освещены вопросы по подготовке будущих учителей начальных классов к руководству проектной деятельностью учащихся.

Ключевые слова: будущий учитель начальных классов, ученики начальных классов, проектирование, деятельность, руководство, наука “Технология”, программа.

TRAINING OF FUTURE TEACHERS OF INITIAL CLASSES TO GUIDE PROJECT ACTIVITIES OF STUDENTS

Abduraimova G. – Tashkent State Pedagogical University, independent researcher

Annotation. In this article methodical recommendations on preparation of future teachers of primary classes to the management of project activity of pupils are developed.

Key words: future primary school teacher, primary school students, design, activity, management, science “Technology”, program.

“Технология” фани дастурининг ўзига хос ҳусусиятларидан бири ҳар бир ўқувчи ижодий лойиҳаларни бажариш шартлиги ҳисобланади. Лойиҳа деганда ўқувчиларнинг ўш имкониятларига москеладиган ижодий, тугалланган иши ҳисобланади [1, 7-б]. В.Д.Симоненко ўқув ижодий лойиҳа деганда ғоядан то амалга оширилгунча объектив ёки субъектив янгиликка эга бўлган, ўқитувчининг назорати ва маслаҳатлари остида бажарилган, мустақил ишлаб чиқилган ва тайёрланган буюмни (хизматни) тушунишни таклиф қиласди [2]. Лойиҳа устида ишлаш бошланғич синф ўқувчиси қандай билимларни, малакаларни ва кўнилмаларни қай даражада эгаллаганлигини, уларни амалиётда ўзгартирилган шароитда қандай қўллай олишини кўрсатади. Лойиҳаларни бажариш бошланғич синф ўқувчиларига ижодкорлик қобилиятларини намоён қилиш ва шу билан бир вақтда ривожлантириш имконини беради.

Лойиҳалар методи янги ҳисобланмайди, у асримизнинг бошларида юзага келган. “Технология” дастурининг муаллифлари методнинг асосчилари қўйган вазифани қўйишади: ишлашни биладиган, ташаббускорликни намоён қилувчи, ўз олдига кенг амалий вазифаларни қўювчи ва уларни бажара оловчи инсонни тарбиялаш. Лойиҳалар методи бошланғич синф ўқувчиларининг руҳий ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш имконини беради: ўқув фаолияти малакаларини, ақлий фаолият усусларини шакллантириш, боланинг ҳис-туйғули соҳасини, билиш қобилиятини, иродасини ва бошқаларни ривожлантириш.

Бошланғич синф ўқувчиларини меҳнатга ўргатишда лойиҳалар методидан фойдаланиш амалда фаолиятли ёндашувни амалга бошланғич синф ўқувчиларини ўқитишда назария ва амалиёт ўртасидаги боғловчи бўғин ҳисобланади [3, 212-б.].

Ўқувчиларнинг лойиҳаларни бажариши жараёнида ижодий фаолиятини ташкил қилиб, ўқитувчи биринчидан, ўқувчиларнинг ижодий топшириқ устида ишлаши ўқув материалини чуқур эгаллаш жараёнининг мантиқий давоми бўлиши кераклигини; иккинчидан, ўқувчилар ўқув лойиҳасини бажаришда ўзлаштирадиган ахборот мактаб дастуридаги материалга асосланган ҳолдагина тушунарли бўлишини, учинчидан, ўқув лойиҳасининг мавзуси болаларга тушунарли бўлиши кераклигини, тўртинчидан, лойиҳаларнинг мавзулари яқол ифодаланган амалий йўналишга ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши ҳамда ўқувчиларда ижобий ҳис-туйғуларни уйғотиши кераклигини ҳисобга олиши лозим [4, 213-б.].

Ўқув лойиҳалаштириш методикаси бир неча жиҳатларни ўзичига олади: ўқитувчининг методик тайёргарлигини, ўқув лойиҳалаштириш жараёнини режалаштириш методикасини, болаларнинг ижод объектларини танлаш методикасини, ўқув лойиҳалаш дарсларини ўтказиш методикасини.

Ўқувчиларнинг ўқув лойиҳалаштиришини ташкил қилишда технология ўқитувчисининг методик тайёргарлиги болаларнинг ижодкорлик фаолияти психологияси масалаларини яхши тушунишини, ўқувчиларнинг ижодкорлигини фаоллаштириш методларини (ижодий ечимларни излашнинг ассоциатив методлари: ўхшашлик методи, инверсия, морфологик таҳдил) шаклнинг тузилишини таҳдил қилиш, эвристик мажмуа методи ва б.

Технология ўқитувчиси ҳис-туйғули вазиятларни яратиш, кичичк ёшдаги мактаб ўқувчиларининг билиш фаолиятини фаоллаштириш усусларини билиши керак. Масалан, аҳлоқий кечинмалар вазиятларини яратиш усули, дарсда қизиқарли вазиятларни яратиш усули, қизиқарли ўхшашликлар усули (самолёт қанотининг кўтариш кучини ўрганишда қушларнинг, ниначининг ва шу кабиларнинг қанотларининг шакли билан ўхшатиш ўтказилади), ажабланиш усули ва бошқалар. Ўқитувчи техник вазифаларнинг ечимини излаш усусларини билиши керак, масалан, деталларнинг жойлашувини ўзгартир, материални алмаштириш, рангини ўзгартир ва б.

Ўқув лойиҳалаштиришини ташкил қилишда ўқитувчи ўқувчиларга индивидуал ва табақалаштирилган ёндашувни амалга оширишни билиш шарт. Буни турли воситалар ёрдамида амалга ошириш мумкин:

- ўқув материалининг мазмуни орқали: (ўқувчиларнинг турли гуруҳларига қийинлик даражаси турлича бўлган ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш таклиф қилинади);
- ҳар хил фаолият турлари орқали;
- ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси ва қобилиятларига хос бўлган индивидуал суръатда ишлашлари орқали;

- ўқув лойиҳалаштириш жараёнида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини индивидуаллаштириш орқали:

- а) намунани идрок этишга оид репродуктив топшириқлар;
- б) маълумотларни, фактларни, обьектларни излаб топиш билан боғлиқ изланиш топшириқлари, масалан, табиатшунослик бўйича жонажон ўлканинг ҳайвонлари тўғрисида “китоб-экран” дидактик қўлланмасини тайёрлаш. Ўқувчилар топшириқни бажариш учун жонажон ўлканинг ҳайвонлари ҳақида адабиётларни танлашлари, уларнинг турлари ва ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари билан танишишлари, расмларни танлашлари, ҳайвонлар тўғрисидаги қизиқарли маълумотларни танлаб олишлари ва шундан сўнггина китоб-экранни лойиҳалаштиришлари, бунда расмларнинг ва ахборотларнинг ўлчамларини, уларнинг миқдорини ҳисобга олишлари керак бўлади;
- в) мантиқий-изланиш топшириқлари – бу, одатда, уларга маълум бўлган обьектларнинг лойиҳаларини такомиллаштиришга олиб келувчи топшириқлар, масалан, календарь ва авторучкани сақлашга мослаштирилган блокнотни тайёрлаш бўлиши мумкин;
- г) ижодий, ўзининг ғояси бўйича обьектларни тайёрлашни таклиф қилувчи, масалан, бадиий адабиётга иллюстрациялар аппликациясини бажариш бўлиши мумкин. Ўқитувчи болаларга лойиҳанинг мавзусини аниқлаштираётганида ўқувчи бажариши керак бўладиган элементар амалларнинг тўпламини ҳисобга олиши керак.

Ўқув лойиҳалаштиришнинг методик асосларини қараб чиқишда, бизнинг назаримизда, ижодни ва ижодий фаолиятни тушунишнинг психологияк асосларига таяниш зарур, ва шу асосда лойиҳалаш фаолиятининг йўналишларини ва уни амалга ошириш йўлларини аниқлаш зарур.

Шундай қилиб, ҳар бир инсон ижодкорлик имкониятларига эга ва ўқувчиларнинг ижодий лойиҳаларни бажаришлари руҳий заруратдир, деб хулоса чиқаришимиз мумкин.

Маълумки, мактаб ўқувчиларининг ижодий фаолияти билишга оид ёки амалий вазифа мавжуд бўлганда юзага келади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг ўқув-ложиҳалаштириш фаолиятига педагогик раҳбарлик қилишнинг асосини уларнинг олдига секин-аста мураккаблашиб борадиган техник ва технологик вазифаларнинг изчил қаторини қўйиш ёки уларни мустақил танлашга олиб келиш ва бу вазифаларни рационал ҳал қилиш усулларини ўргатиш ташкил қиласди. Ўқув лойиҳалаштириш жараёнида мувваффақиятга эришиш учун, аввало, болалар бажараётган ишнинг асосий мақсадини аниқ тушунишлари, уни бажариш учун ҳал қилиш керак бўладиган вазифаларни тасаввур қилишлари ва тушунишлари, вазифаларни ҳал қилиш йўлини топа олишлари, лойиҳалаш фаолиятини баҳолаш мезонларини аниқ билишлари зарур.

Ўқув лойиҳалашнинг бош мақсади – мактаб ўқувчиларини турли хил буюмларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашда ўқув машғулотларида эгалланган билим, малака ва кўникмалардан мақсадга йўналтирилган ҳолда фойдаланишни ўргатишдан, яъни мактаб ўқувчиларини амалий ва ҳайтиё вазифаларни тўғри ҳал қилишга ўргатишдан иборат. Мактаб ўқувчиларининг ижодий фаолиятининг зарур белгиси – тайёрланаётган буюмларнинг ижтимоий фойдали бўлишидир. Ўқувчилар лойиҳани бажараётганда материалларнинг механик, физик, технологик хоссалари тўғрисидаги ўз билимларидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Лойиҳалаштирилаётган обьект учун техник ҳужжатларни расмийлаштириш мактаб ўқувчиларидан графика асосларини билишни, расмларни, эскизларни ва чизмаларни бажаришнинг амалий кўникмаларига эга бўлишни талаб қиласди.

Лойиҳалар методи – бу ўқитишнинг шундай методики, бунда ўқувчининг ижодий лойиҳалаш-технологик фаолияти устунлик қиласди, ўқитувчининг фаолияти эса ўқувчиларнинг фаолиятини кузатишдан, таҳлил қилишдан, уларга маслаҳат беришдан иборат бўлади. Бундай лойиҳалар методи ўқувчиларда ўз интеллектуал ва жисмоний имкониятларига тўғри баҳо беришни шакллантиради. Ундан фойдаланиш шахснинг коммуникатив соҳасини ривожлантиришга ёрдам беради, унда ахборотни олиш ва қайта ишлашга, жамоавий ва индивидуал фаолиятга эҳтиёжни шакллантиради. Лойиҳаларни бажариш эркин индивидуал суръатда ишлаш, ихтиёрий лойиҳалаш имконияти ҳисобига баъзи болалар дарсда ҳис қиладиган босим ва ноқулайликларни олиб ташлаш имкониятини беради.

Лойиҳалаш фаолияти шунингдек интериоризация жараёнига ёрдам беради [4]. Интериоризация – бу хатти-ҳаракатларнинг ташки оламдан ичкип оламга ўтиши бўлиб, буюмлар билан (ёки уларнинг моделлари билан) қилинадиган амаллардан ташки нутқа, сўнгра ички, ва ниҳоят, фикрлашнинг чуқур ўралган жараёнларига ўтишни ўз ичига олувчи ақлий фаолиятлар занжири билан таъминланади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий лойиҳаларни бажаришидан аввал мақсадга йўналтирилган, тизимли тайёргарлик ишлари ўтказилиши керак.

Биз бошланғич синф ўқувчиларини лойиҳаларни бажаришга тайёрлашнинг қўйидаги компонентларини аниқладик:

- ўқувчиларда мустақил иш малака ва кўникмаларини шакллантириш;
- ўқитишига фаолиятли ёндашувни амалга ошириш;
- бошланғич синф ўқувчиларининг бутун ўқув йили давомида машқлар ва ижодий топшириқлар тизимини бажариши;
- ўқитувчи томонидан ижодий лойиҳалар банкини ишлаб чиқилиши.

Ўқувчилар мустақил ишлай олсалар ва мустақиллик ҳам амалий, ҳам интеллектуал фаолиятда намоён бўладиган ҳоллардагина лойиҳани бажариш мумкин бўлади. Юзага келган муаммо сабабли бажарилиши лозим бўлган ҳар қандай иш галдаги фаолиятни таҳлил қилишдан, ясаладиган буюмнинг (бажариладиган хизматнинг) вазифасини аниқлашдан, бутловчи деталлар, зарур материаллар ва ҳоказоларни таҳлил қилишдан бошланади. Ўқувчилар лойиҳани бажариш вафтiga келиб бажариладиган ишни мустақил (иккинчи синфда эсдалик кўрсатмалардан фойдаланиб) таҳлил қила олишлари, уни бажариш кетма-кетлигини аниқлай олишлари ва ўз-ўзларини назорат қила олишлари керак. Шундай қилиб, бошланғич синф ўқувчиларида мустақил иш малакаларини шакллантириш уларни буюмнинг намунасини таҳлил қилишга, бажариладиган ишни режалаштиришга ва ўз-ўзини якуний, жорий ва дастлабки назорат қилишни ўргатишни билдиради [4].

Ўқув жараёни фақатгина ўқувчиларнинг ўз фаолиятини юзага келтирганда ва ташкил қилганлагина ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириши ҳамда ақлий ривожлантиришига нисбатан самарали бўлишини педагоглар ва психологлар исбот қилиб беришган. Шунингдек, инсоннинг қобилияtlари фаолиятда намоён бўлишни, бироқ асосийси, улар фаолиятда яратилишини ҳам исбот қилинган [5; 2]. Шулардан келиб чиқиб, биз технология дарслари ўқитишига фаолиятли ёндашув асосида қурилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Технология дарслари бутунлигича бошланғич синф ўқувчисига ўзига хос ривожлантирувчи таъсир кўрсатувчи предметли фаолиятга асосланади. Ва бундай ривожланишнинг асосий йўли амалий ишнинг конкрет усулларини эгаллаш орқали ўтади. Бола атрофдаги оламни бевосита буюмларга ва материалларга қўлини теккизганда ҳис қиладиган турли ҳиссиятлар орқали идрок этади. У бу буюмларни кўради, тегинади ва уларнинг хоссалари тўғрисида маълум тушунчаларни олади. Олинган ҳиссиятлар болага атроф оламни тушунишга ёрдам беради [6, 81-б].

Лойиҳаларни муваффақиятли бажаришлари учун ўқувчиларда ижодий фикрлаш ривожланган бўлиши керак. Технология дарсларида ижодий лойиҳаларни бажаришда ижодий фикрлашнинг мавжуд бўлиши айниқса муҳим ва зарурлигига қарамасдан, бошланғич синф ўқитувчилари уларни бажаришга тайёргарлик ишлари бутун ўқув йили давомида ва ҳамма ўқув фанлари бўйича олиб борилиши кераклигини ҳисобга олишлари лозим. А.Э.Симановский аниқлаган болаларнинг ижодий фикрлашини ривожлантириш босқичига асосланиб [7], биз бошланғич синф ўқувчиларининг кўргазмали-амалий, сабабий ва эвристик фикрлаш элементларини ривожлантиришга йўналтирилган машқлар ва топшириқлар тизимини ишлаб чиқдик. Бу топшириқларнинг катта қисми “Технология” дастурининг мазмуни билан бевосита боғлиқ, бироқ мактабда ўқишининг дастлабки кунлариданоқ болаларнинг ҳам технология дарсларида, ҳам бошқа фанлар бўйича дарсларда уларни бажариши ўқувчиларнинг ижодий фикрлашини ривожлантиришга, ҳамда 2-4-синфларда ижодий лойиҳаларни самарали бажаришларига ёрдам беради.

Бошланғич синф ўқувчиларининг лойиҳалаш фаолиятининг натижаси кўп ҳолларда ўқитувчи ишлаб чиқсан ижодий лойиҳалар банкига боғлиқ бўлади. Уни ишлаб чиқишида ўқитувчи болаларнинг билими, малакалари ва кўникмаларини, уларнинг ва ўзининг қизиқишларини, таклиф қилинаётган лойиҳалаш обьектларининг ижтимоий ва шахсий аҳамиятини, ижодий йўналишларини, шунингдек жойлардаги шароитни, меҳнат хавфсизлиги шартларига риоя қилинишини ҳамда дизайн талабларини ҳисобга олиши керак [8]. Синfdagi ўқувчиларнинг иш суръатлари ва қобилияtlари турлича бўлганлиги сабабали лойиҳалар банки турли қийинлик даражасидаги лойиҳалар обьектларига эга бўлиши, шунингдек битта обьектни бажаришда фаолиятнинг ҳар хил турларини ташкил қилиш

имкониятларини (репродуктив, изланиш, мантикий-изланувчан, муаммоли) кўзда тутган бўлиши керак.

Бошланғич синф ўқувчилари лойиҳани индивидуал, гуруҳларда ва жамоа бўлиб бажаришлари мумкин. Иккинчи синфда болалар индивидуал ва жамоавий лойиҳаларни осонроқ бажарадилар, чунки ёш болалар гуруҳий ишни мустақил тақсимлашга қийналадилар. Уни 3-4-синфларда ташкил қилиш осонроқ, бунда бригадали-табақалаштириш ва индивидуал шаклларга кўпроқ эътибор қаратиб ишлашнинг тури шаклларидан фойдаланиш мумкин.

Лойиҳалаш объектини танлашда бошланғич синф ўқувчиларининг жинсий қизиқишларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Лойиҳалар банки бир вақтнинг ўзида ҳам ўғил болаларни, ҳам қиз болаларни жалб қилувчи ишларни ўз ичига олган бўлиши керак. Гуруҳ бўлиб ва жамоавий бажариладиган лойиҳалардан жинсий қизиқишларни ҳисобга олиш имкониятлари кўпроқ. Масалан, “Қўғирчоқ учун уй” номли гуруҳ бўлиб ишлаш лойиҳаси. Қизлар картондан ва қофоздан қўғирчоқни ва унинг учун гардеробни, болалар эса мебелларни ясайдилар.

Лойиҳалаш объектларини танлашга қўйиладиган юқорида айтиб ўтилган талабларни биз 2-4-синфлар учун лойиҳалар банкини ишлаб чиқишида ҳисобга олишга ҳаракат қилдик. Уларни бажаришга оид методик кўрсатмаларни тайёрлашда биз ижодий лойиҳаларни бажариш бошланғич мактаб учун янги иш эканлигини, бундай фаолият тажрибаси деярли йўқлигини, методик адабиётлар етарли эмаслигини ҳисобга олдик, шунинг учун ҳам методик тавсияномаларга лойиҳаларнинг қисқача тавсифидан ташқари бошланғич синф ўқувчилари ижодий лойиҳаларни бажаришлари учун зарур бўлган баъзи дидактик материалларни ҳам киритдик.

Ўқув лойиҳалаш дарсларини ташкил қилиш оддий технология дарсларини ташкил қилишдан жiddий фарқ қиласди. Бошланғич синф ўқитувчилари ва педагогика факультети талабалари учун тайёрланган методик тавсияномаларда биз ўқувчилар индивидуал, гуруҳ ва жамоавий лойиҳаларни бажаришларида лойиҳалаш дарсларини ташкил қилишни алоҳида қараб чиқамиз.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ўқувчиларнинг лойиҳалаш фаолиятига раҳбарлик қилишга тайёрлашни биз икки босқичда амалга оширидик. Биринчи босқичда талабалар ўқув лойиҳалаш ишларининг мазмунни ва уларни бажариш кетма-кетлиги билан танишдилар ва ўзлари ижодий лойиҳаларни бажардилар. Иккинчи босқичда талабалар бошланғич синф ўқувчиларининг лойиҳалаш фаолиятини ташкил қилиш билан танишдилар. Талабаларнинг лойиҳани бажаришига иккита амалий машҳулот ажратилди. Биринчисида ўқув ижодий лойиҳа тушунчасининг моҳияти, уни бажариш босқичлари муҳокама қилинди, муаммо қўйилди ва у муҳокама қилинди. Лойиҳани талабалар уйда, мустақил бажардилар. Иккинчи машғулотда лойиҳалар ҳимоя қилинди ва уларнинг бажарилиши таҳлил қилинди.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини “Технология” фанини бошланғич синф ўқувчиларини ўқитишига тайёрлашни “бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш” таълим йўналишининг ўқув режасига киритилган психологияк-педагогик, анатомо-физиологик, табиий, эстетик фанларни ва хусусий методикаларни ўрганиш жараёнида фанлароро боғланишдан фойдаланиб, мажмуулавий амалга ошириш зарур. Бу ўқув-тарбиявий жараённинг яхлитлиги, ўқув жараёнини алоҳида ўқув фанлари бўйича лойиҳалашга ёндашувнинг умумийлиги, педагог шахсига қўйиладиган талабларнинг умумийлиги билан белгиланади. “Технология” таълим соҳасининг ўқитувчиси бошланғич синф ўқитувчиси каби шахс сифатларига эга бўлиши керак.

Давлат таълим стандарти, малака талаблари мазмунини таҳлил қилиш, “бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш” таълим йўналишининг ўқув режасига киритилган ўқув фанларининг дастурларини бошланғич синф ўқитувчисининг модель-профессиограммасини ҳисобга олиб таҳлил қилиш асосида биз бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини “Технология” таълим соҳаси бошланғич синф ўқувчиларини ўқитишига тайёрлашнинг моделини ишлаб чиқдик, унда психолого-педагогик, табиий, эстетик фанлар ва хусусий методикаларнинг ўзаро алоқасини ҳамда уларнинг технология ўқитувчисини тайёрлашга кўрсатиши мумкин бўлган таъсиrlарини акс эттиридик.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган “Технология фанини бошланғич синф ўқувчиларига ўқитиши методикаси” маҳсус курсининг мазмуни бошланғич синф ўқитувчисини тайёрлашга мажмуулавий ёндашувни, “Технология” дастурининг мақсадларини, вазифаларини ва мазмунини ҳисобга олган ҳолда белгиланди. У бошланғич синф ўқитувчиси “Технология фанини бошланғич синф

ўқувчилариға ўқитиши тизимидағи ва уларни бозор мұносабатларыда кейинги ҳаётта тайёрлашдаги үрнини ва ролини аңглаб етишига ҳамда дастурни амалға оширишга тайёрлашга қаратылған. Бұлажак бошланғыч синф ўқитувчиларини “Технология” фанини ўқитишига тайёрлаш ўқитишининг ташкил қилишининг фаол методлари ва воситаларидан ҳамда ўқув лойиҳалаш методидан фойдаланған ҳолда таъминланади.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Выготский Л.С. Педагогическая психология /Под ред. В.В. Давыдова- М.: Педагогика, 1991 - 480с.
2. Климанова Л.Ф. Обучение через общение и культуру //Начальная школа- 1993.-№ 12.-С. 45-52.
3. Лукьяненко А.В. Концепция технологического образования учителя начальной школы. // Технология 2000: сборник трудов VI Международной конференции 16-18 мая 2000г., Самара.-М.,- 2000.-С. 195-196.
4. Мапохина М.В. Мотивация учения младших школьников - М., 1984 - 144с.
5. Методика обучения учащихся технологии. Книга для учителя / Под ред. Д. Симоненко - Издательство Ишимского педагогического института. НМЦ «Технология».- Брянск - Ишим, 1998 - 296с.
6. Программы средних общеобразовательных учреждений. Трудовое обучение. Технология 1-4 классы, 5-11 классы.
7. Методика обучения учащихся технологии. Книга для учителя / Под ред. Д. Симоненко - Издательство Ишимского педагогического института. НМЦ «Технология».- Брянск - Ишим, 1998 - 296с.
8. Симоненко В.Д. Метод проектов - инновационный метод обучения учащихся в образовательной области «Технология» // Технология образования и предпринимательство. Сборник научных статей - Брянск, 1997.-С. 19-27.
9. Шалимова О.Д. Формирование у младших школьников умений самостоятельной работы в процессе трудового обучения // Начальная школа.- 1989 - № 8.- С.69-74.
10. Штейнберг В.Э. Самоучитель по технологии проектирования образовательных систем и процессов // Школьные технологии.- 1998 - № 4.-С. 102-120.
11. Школьные технологии.- 1998 - № 4.-С. 102-120.

УДК 681:142.372:371.3

TEACHING FOREIGN LANGUAGE BASED ON INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGY

Akromov Sh.R. – Tashkent State Pedagogical University, Lecturer

Abstract. In this article was analyzed problem of teaching a foreign language based on information and communication technology. The context of informatization of the education system is actively and successfully used information and communication technologies in teaching foreign languages, which can significantly improve the effectiveness of this process.

Key words: foreign language, information communication technology (ICT), teaching, method, development, formation.

ОБУЧЕНИЕ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ НА ОСНОВЕ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Акромов Ш.Р.- Ташкентский государственный педагогический университет, преподаватель

Аннотация. В статье анализируется проблема обучения иностранному языку на основе информационно-коммуникационных технологий. В контексте информатизации системы образования активно и успешно используются информационно-коммуникационные технологии в обучении иностранным языкам, что позволяет существенно повысить эффективность данного процесса.

Ключевые слова: иностранный язык, информационно-коммуникационные технологии (ИКТ), обучение, метод, развитие, формирование.

AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI ASOSIDA CHET TILINI O`QITISH**Akromov Sh.R. – Toshkent davlat pedagogika universiteti, o`qituvchi**

Annotasiya. Maqolada axborot-kommunikatsiya texnologiyalari asosida chet tilini o`qitish muammosi tahlil qilinadi. Axborotlashtirish nuqtai nazaridan ta'lim tizimi chet tillarni o`qitishda axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan faol va muvaffaqiyatli foydalaniylmoqda, bu esa mazkur jarayonning samaradorligini sezilarli darajada oshirish imkonini beradi.

Kalit so`zlar: xorijiy til, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari(AKT), ta'lim, uslub, rivojlanish, shakllantirish.

At the end of the twentieth century humanity entered a stage of development, which was called a postindustrial or information society. But the proposition "We live in the age of information and communications" is not entirely true, because both information and communications have always been. Throughout the millennial history, human society has accumulated knowledge and improved ways of storing and processing information. First, the written language was distributed, then - the printing press, telephone, television. With the entry of society into the age of computer technology, it became possible to more efficiently process and present it. This made it possible to effectively store and process large information flows. But at the present stage of the development of the information culture of the society, knowledge is becoming obsolete very quickly, and a person is forced to "study all his life". The vast amount of knowledge accumulated by mankind makes us seek other approaches to the organization of the learning process.

Today, in the context of informatization of the education system in the teaching of a foreign language, information and communication technologies are actively and successfully used, which make it possible to significantly improve the effectiveness of this process. In particular, the use of information communication technology (ICT) provides the opportunity to create learning conditions for the formation and development of linguistic and communicative skills, taking into account their personal needs and characteristics, while successfully implementing the ideology of personality-oriented education.

Since the use of ICT in the process of teaching a foreign language significantly increases the effectiveness of the teaching and educational process and ensures the formation of foreign language linguistic and communicative competence of the learner due to the availability and communicative-linguistic direction of the process and the constant increase in the volume of communicative and linguistic knowledge and skills of trainees.

English language is a necessity for most people in today's world, while technology development always has a very high and also contributed towards the development of education, especially English. As English is one of difficult lessons, teacher must create interactive teaching and learning to make students interest. In the history of the development of education, information technology is part of the medium used to convey the message of science to many people, ranging from printing technology a few centuries ago, such as printed books, such as telecommunications to media, voice recorded on tape, video, television, and CD. The development of information technology, the Internet, directs the history of educational technology in the new groove. Online services in the education of both degree and non-degree are basically providing educational services to users using the Internet as a medium. Online services can be composed of various stages of the process of educational programs such as: registration, test entry, payment, learning, case assignments, case discussions, exams, assessments, discussions, and announcements. Nothing the positive impact of various studies on the use of ICT to support learning in the school, it is a must if the school is not excessive in this country also have the prospect of a future that allows for deploying ICT in supporting learning and they are:

Electronic Books

Electronic book or e-book is one that utilizes computer technology to deliver multimedia information in the form of a compact and dynamic. In an "e-book can be integrated impressions" sound, graphics, images, animations, and "movie" so that the information presented is richer than conventional books. Type e-book of the simplest is a mere transfer of conventional books into electronic form displayed by the computer. With this technology, hundreds of books can be stored in a single piece of solid disc / CD" or" compact disk (capacity of about 700MB), DVD or digital versatile disc"" (capacity 4.7 to 8.5 GB) and 'flash' (currently

available capacity up to 16 GB). A more complex and require more rigorous designs such as the Encyclopedia Britannica and Microsoft Encarta encyclopaedia which is in multimedia format. Multimedia format allows e-book provides not only written information but also sound, images, movies and other multimedia elements. A description of the type of music, for example, can be accompanied by footage of the sound of music so that the user can clearly understand what is meant by the renderer.

E-learning

Various definitions can be found for the "e-learning". Victoria L. Tinio, for example, states that "e-learning" includes learning at all levels, formal and informal, which uses a computer network (intranet and extranet) for the delivery of teaching materials, interaction, and / or facilitation. For most of the process of learning that takes place with the help of the Internet is often referred to as online learning.

Interactive multimedia

Interactive media is the integration of digital media including combinations of electronic text, graphics, moving images, and sound, into a structured digital computerized environment that allows people to interact with the data for appropriate purposes. The digital environment can include the Internet, telecoms and interactive digital television. (Finney, 2011:2)

Computer

Computer can be utilized with other multimedia learning devices or it can stand alone (a standard PC) and still serves its basic purpose as an electronic medium of language learning. (Hartoyo, 2012:29).

Computer is an electronic device which is capable of receiving information (data) and performing a sequence of logical operations in accordance with a predetermined but variable set of procedural instruction (program) to produce results in the form of information or signals based on Oxford dictionary. It is consist of CPU, monitor, keyboard and some other apparatus.

Audio devices

Audio devices can be used with other media to form an interactive multimedia. However, it can also be utilized separately as independent tool. Audio devices include speaker, earphone, CD, and etc.

Internet

Internet can be used as a medium of language learning through email, www (world wide web), text, audio and video conferencing.

Television

According to Oxford dictionary, television is a system for converting visual images (with sound) into electrical signals, transmitting them by radio or other means, and displaying them electronically on a screen.

Mobile gadget

Mobile gadgets such as cell phone and smart phone which are equipped with programs like computer, which enable it to perform as mini personal computer. By using this gadget and its internet connection, everybody could enjoy chatting, browsing, and discuss each other with the wider range. The advancement of science and technology makes the size and price of those gadgets are getting cheaper and reachable.

Social interface

This media provides facility or example that enables an interaction between human and computer. People set up more interaction with computer in a more intuitive way with less effort-through writing, voice, touch, eye movements, and other gestures. (Hartoyo, 2012:34) This technology serves as the milestone of the recent development of interactive multimedia, audio-graphic computer teleconference, and interactive television via satellite (National Broadband of Employment, Education and Training, 1993:5).

Interactive whiteboard

An interactive whiteboard or IWB, is a large interactive display (such as a touch screen monitor) which is connected to a computer and projector. A projector projects the computers' desktop onto the board's surface, where users control the computer using a pen, finger or other devices.

Current application of ICT in English language teaching and learning

ICT defined as technology which the function is to support the process of conveying information and communication. The ways of conveying information don't have to be carried out directly between the communicator and the communicant. The development of ICT makes the process of communication between the communicator and the communicant can be conveying in easy ways. They can communicate through telephone, internet, e-mail, satellite, television, video conference and so on. The process of those

communications applies in language learning. In language learning, there is a communication between teacher and student. The process of learning is not always carried out by subjecting teacher and students in the certain room or a certain place directly. As the example, teacher can use internet as the medium to give lessons, assignments, or other information to their students.

In context of language learning, ICT has an important role as the “media” bridging and enabling the learning process, or direct communication between students and teacher although they are not present in the same room or place in certain time. Language learning program can be created to enable students to learn the lessons with guidance, instruction, information or further explanation. ICT in language learning used as a reference-book. Computer can store unlimited lessons or references, which can be accessed anytime, anywhere and accurately. Fitzpatrick and Davies (2002) in Hartoyo (2012) sets out the seven ways in which ICT used in language learning:

a) Presentation

Some material of language learning such as text-based materials, audio-video needs to present to the learners. Presentation helps learners in understanding the learning material well.

b) Practice

Some of different exercises types are possible to be provided with ICT, incorporating the presentation stimuli in varying combinations of text, audio and video format. ICT also offers the possibility of the analyzing learners' responses with appropriate feedback. (Hartoyo, 2012:40)

c) Authoring

In applying ICT in language learning, teacher can either purchase ready-made materials or create their own exercise materials using a variety of authoring tools based on Hartoyo (2012:40).

d) Computer-Aided Assessment (CAA)

Computer-Aided Assessment (CAA) is playing an increasingly important role in foreign language teaching and learning. This media used to test and assessing students understanding after learning some courses.

e) Publishing

ICT tools exist to help teachers and learners or students to publishing or linked in their work in a local area network. ICT may use by the teacher and learners to help them publish their work in these ways:

Word – processors and Desk Top Publishing (DTP) software

Doing audio recording and editing tools to record interview, discussions, learning material and etc.

Using digital camera and camcorder to record presentations, drama, role play, and so on

Power point can be used as the medium to publish presentations

Web pages using web authoring tools

f) Communications

Technology can help learners and teachers to communicate with another. Some ICT tools which can use as the medium of information are: 1) Email, which allows language learners to communicate with ‘web pals’ in other countries; 2) Tandem learning; 3) computer mediated discussion; 4) web-based learning environment; 5) audio conferencing; 6) Video Conferencing.

g) Simulations

The computer can act as a stimulus which generates analysis, critical thinking, discussion and writing. Program which include simulations are especially effective as stimuli. Examples of language learning tasks which ‘simulate’ real world tasks are: 1) Web Quest; 2) Action Mazes; 3) Adventure games; 4) Sunpower; 5) Expodisc; 6) “Real-life” simulations; 7) video conference.

Since the key figure in the integration of information technologies in the teaching process a teacher who has the desire to use computer technologies in the educational process and, of course, the necessary qualifications.

The requirements for a language teacher in the use of computer technology are much higher than the requirements for teachers of other subject subjects, since language training software includes a very wide range of software tools and educational materials, oriented at different levels, stages, aspects and training profiles. The content of the teacher's own professional training in the field of the use of computer technology in teaching has not been so long ago the subject of discussions. In the late 80-ies of the last century it was believed that the teacher should have programming skills to create their own computer training materials.

Already in the early 90's as the main requirement for a modern teacher of a foreign language in the field of computer training, put forward the following: to be able to use computer technology in all their diversity at the modern methodical level. That's why we can talk about a correlation of skills that would determine the professional competence of a foreign language teacher in this field [1].

The first level, which can be called the base level, serves as an indicator of the general professional culture of every foreign language teacher. At this level, the teacher should be able to use a limited number of applied computer programs: text editor, computer dictionaries, e-mail, web browser, search engines.

The second level, which can be considered the main one, presupposes the availability of theoretical training in the field of computer linguodidactics and the ability to work with a set of tools used in teaching the language. It will include all kinds of training programs, an expanded block of applied programs and tools. The teacher of a foreign language should also possess the necessary terminology apparatus for using a set of software in the language of study.

The third level - in-depth training - is focused on teaching methodologists in the field of computer linguodidactics. Such a teacher should not only have the fullest possible idea of computer language training facilities and resources for teachers, but also act as the organizer and coordinator of the process of using information technology in language teaching.

Taking into account the fact that a significant number of teachers, who currently work in educational institutions of various levels, did not have the opportunity to receive the necessary training in the field of computer technology while studying at the university, and the fact that the development of computer technology is very fast , it is necessary to organize a system of retraining and subsequent informational and methodological support of teachers in the field of computer linguodidactics. One of the traditional forms of advanced training are courses and seminars in the system of additional education [2]. At present, a sufficient number of institutes and faculties for upgrading teachers, linguistic centers, Internet education centers offer general computer literacy courses and seminars on the use of computer technology in language teaching. All information about the courses of advanced training, including in the field of computer linguodidactics posted on the relevant sites and, as practice shows, this method of obtaining information is the most optimal. For the effective use of information technology in teaching the language, an intelligent system of organization of the educational process and measures to stimulate teachers are equally important [3]. The forms of incentives can be various: from including the time spent on training and developing author's computer materials in the training load, paying for training, providing the necessary equipment, literature, software, access to the Internet, taking into account the level of qualifications in this field when attending, etc.

Information culture requires, first of all, from the teacher and the student new knowledge and skills, a special style of thinking, provides them with the necessary social adaptation to change, and guarantees a worthy place in the information society and performs the following functions [4]:

1. Regulatory because it has a decisive impact on all activities, including information;
2. cognitive, tk. is directly connected with the research activity of the subject and his training;
3. communicative, since the information culture is an integral part of the interconnection of people;
4. educational, because the information culture actively participates in the mastering of the whole culture by man, in the mastery of all the wealth accumulated by mankind, in the formation of its behavior.

Thus, the creation and development of the information society presupposes a wide application of information and communication technologies in teaching a foreign language, which is determined by a number of factors.

First, the introduction of information and communication technologies in education significantly speeds up the transfer of knowledge and accumulated technological and social experience of mankind not only from generation to generation, but also from one person to another.

Secondly, modern information and communication technologies, improving the quality of education and education, allow a person to adapt more quickly and quickly to the environment and the ongoing social changes. This gives each person the opportunity to receive the necessary knowledge both today and in the future post-industrial society.

Thirdly, the active and effective implementation of these technologies in education is an important factor in creating an education system that meets the requirements of the information society and the

process of reforming the traditional education system in the light of the requirements of a modern industrial society.

REFERENCES

1. Ковалевская Е.В. Проблемность в преподавании иностранных языков [Текст] / Е.В. Ковалевская . - М.: «МНПИ», 1999. - 118 с.
2. Использование проблемного метода при обучении иностранному языку на примере работы над иноязычным текстом [Электронный ресурс] /Круглянова Н.Н. – Беларусь. – Режим доступа: <http://www.rushauka.com>.
3. Конышева А.В. Современные методы обучения английскому языку [Текст] / А.В.Конышева. – Минск: Тетра система, 2007. – 352 с.
4. Пассов Е.И. Упражнения как средства обучения [Текст]: Е.И.Пассов, Е.С.Кузнецова. – Воронеж: НОУ «Интерлинга», 2002. – 40 с.
5. <https://prinzessinnadie.wordpress.com>

УДК 378.0

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАРБИЯВИЙ ЖАРАЁННИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИСЛОҲОТЛАР

Алижонова Н.Р. – Тошкент давлат педагогика университети, тадқиқотчи

Аннотация. Олий таълим тизимида мамлакат ва халқ манфаатларини рўёбга чиқаришга қодир бўлган ёш авлод шакллантирилади. Бу даврда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир ёшларни тарбиялашда олий таълим соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилади. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасидаги ислоҳотлар ва бу соҳадаги тарбиянинг асоси бўлган ҳужжатларнинг аҳамияти қисқа баён қилинган.

Калит сўзлар: таълим, таълим тизими, тарбия, қарор, фармон.

РЕФОРМЫ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ВОСПИТАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

Алижонова Н.Р. –Ташкентский государственный педагогический университет, исследователь

Аннотация. В системе высшего образования формируется молодое поколение, способное реализовать интересы страны и народа. В этот период реализуется единая государственная политика в сфере высшего образования в воспитании молодежи, способной внести достойный вклад в развитие общества. В данной статье кратко изложено значение реформ в сфере образования в Республике Узбекистан и документов, являющихся основой воспитания в этой области.

Ключевые слова: образование, система образования, воспитание, постановление, указ.

REFORMS TO IMPROVE THE EDUCATIONAL PROCESS IN HIGHER EDUCATION

Alijonova N.R. – Tashkent State Pedagogical University, researcher

Annotation. In the system of higher education, young generation is formed that is able to realize the interests of the country and people. During this period, unified state policy in the field of higher education is implemented in the education of young people who can make a worthy contribution to the development of society. This article briefly describes the importance of reforms in the field of education in the Republic of Uzbekistan and the documents that are the basis of education in this area.

Key words: education, education system, education, decree, decree.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши биланоқ ёшлар тарбияси, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда бу серқирра жараённинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга устувор вазифалардан бири сифатида қарала бошланди. Бунинг сабаби шундаки, айнан ёшлар туфайли авлодлар ворисийлиги таъминланади, халқ келажагининг тамал тошлари қўйилади.

Албатта, ёш авлод муқаррар равишда улғаяди, ҳаётда ўз ўрнини эгаллайди, рўй бераётган жараёнларга муайян таъсирини ўтказади ва шу тариқа, жамиятни ривожлантириш ва уни янгилашнинг муҳим таянчи ҳамда зарур ижтимоий омилларидан бири бўлиб вояга етади. Бугунги кунда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига ушбу соҳада амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ҳам мазкур жабҳадаги эзгу интилишларнинг мантиқий давоми бўлмоқда, дейиш мумкин. Давлатимиз раҳбари томонидан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралда имзоланган Фармон ва у билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясида акс этган ва бевосита ёшлар тарбиясига бағишлиланган ғояларининг мазмун-моҳияти ва асосий йўналишлари ҳам буни яққол исботлайди.

Бу жиҳатдан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида бутун жаҳондаги икки миллиарддан ортиқ ёш авлод вакилларинин гинсоният тараққиётида муҳим ўринга эга бўлаётгани ва ёшлар омилининг алоҳида эътиборни талаб қиласетидаги, “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онг-у тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир” деган фикри БМТ га аъзо давлатлар вакилларининг диққатини ўзига қаратгани асло бежиз эмас. Президентимиз томонидан Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 2018 йил 10 июндаги мажлисида илгари сурилган “БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тўғрисидаги таклиф ҳам бу жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг кейинги 2 йилда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси ёшлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарорлари, “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”, “Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш “Истеъод” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”, “Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари каби муҳим ҳужжатлар мавзунинг назарий ва методологик асосларини белгилайди, унинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Маълумки, мамлакатимиз ёш авлодининг катта қисми таълим тизими билан қамраб олинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрда қабул қилинган “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ва “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарорлари ушбу йўналишдаги ҳуқуқий асослар доирасини янада кенгайтиради, албатта. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 26 январда қабул қилган Фармони тўғрисида ҳам анашундай дейиш мумкин.

Ушбу тизимда олий таълим босқичи ниҳоятда муҳим давр ҳисобланади. Бу даврда жамият тараққиётига муносаб ҳисса қўшишга қодир ёшларни тарбиялашда олий таълим соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилади, пировард натижада, мамлакат ва халқ манфаатларини рӯёбга чиқаришга қодир бўлган ёш авлод шакллантирилади. Кейинги йилларда ушбу соҳани ҳар томонлама ривожлантириш, олий таълим тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахassisлар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарори, 2017 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3290-сонли Қарори каби муҳим ҳужжатлар қабул қилингани бу соҳада муҳим янгиланишлар рўй бераётганининг яққол мисолидир.

Ана шу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августда қабул қилинган “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини

ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу соҳа учун мухим аҳамият касб этган мазкур ҳужжатда, жумладан олий таълим тизимидағи тарбия жараёнига ҳам алоқадор бўлган баъзи муаммоларни бартараф этиш, ёш авлодни тарбиялаш борасидаги ишларни янада такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилган. Мазкур Қарор билан “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури” тасдиқлангани эса 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ тарзда, таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қиласди.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида бусоҳада ҳам чуқур мазмундаги ислоҳотлар олиб борилмоқда, олий таълим тизими ва ундаги тарбиявий жараёнлар янги босқичга кўтарилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июнданги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори бунинг яққол мисолидир.

Ана шу соҳадаги долзарб вазифаларни тўғри идрок қилиш ва ўз вақтида бажариш учун мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашга қаратилган туб ўзгаришларни амалга оширишда айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг Қарорлари ва Фармонлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2018 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 26 йиллиги муносабати билан ўтказилган мажлисдаги нутқи билан бирга Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг маънавий-маърифий масалалар бўйича қабул қилган ҳужжатларини талабаларга ўз вақтида етказиш ва уларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаши алоҳида аҳамият касб этади, албатта.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги мураккаб даврда тарбия жараёнини оптималлаштириш ва унинг самарасини янада ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этмасдан, ушбу йўналишдаги тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланмасдан туриб бу борадаги долзарб вазифаларни амалга ошириб бўлмайди, албатта. Айни пайтда, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш жараёнига катта таъсир кўрсатадиган талим, маънавий-маърифий жабҳа билан бирга, ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масалалари ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолаверади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республигаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // <http://uz24.uz/uz/politics/shavkat-mirziyoyev-bmt-bosh-assambleyasining-72-sessiyasida-nutqi>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай Ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашидаги нутқи // Халқ сўзи, 2018. – 12 июнь, № 119 (7077).

3. “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. - Ўзбекистон Президентининг расмий веб-сайти, 10-09-2017, <http://www.president.uz/>

4. “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, 2017 йил 3 октябрь, <http://www.president.uz/uz/lists/view/>

5. “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Президентининг Қарори. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, 2018 йил 15 - август, <http://www.president.uz/uz/lists/view/>

6. “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, 6 сентябрь 2018, <http://www.president.uz/uz/lists/view/>

7. "Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Президентининг Фармони. - Ўзбекистон Президентининг расмий веб-сайти, 26 январь 2018, <http://www.president.uz/uz/lists/view/>

8. "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. - www.xs.uz. 2017 йил 21 апрель, №79 (6773)

УДК 378.0

PEDAGOGICAL CONDITIONS OF THE FORMATION OF THE COMMUNICATIVE CULTURE OF STUDENTS IN THE PROCESS OF PROFESSIONAL TRAINING IN HIGH SCHOOL

Usmanova S.U. – Namangan State University, teacher

Kholmatova G.I. – Namangan State University, teacher

Annotation. The article deals with the problem of the communicative culture of person, which is manifested in his behavior and actions. The components of the culture of speech behavior are studied; the dependence of the formation of students' communicative culture on the teacher's communicative culture is analyzed.

Key words: culture of speech, culture of speech etiquette, culture of thinking, culture of language, characteristics of the personality, Facial expression, practical development, individual, pedagogical environment, communicative skills.

TALABALARINI KASBIY TAYYORGARLIK JARAYONIDA KOMMUNIKATIV MADANIYATINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI

Usmanova S.U. – Namangan davlat universiteti, o'qituvchi

Kholmatova G.I. - Namangan davlat universiteti, o'qituvchi

Annotatsiya. Maqolada shaxsning kommunikativ madaniyati muammosi muhokama qilinadi, nutq madaniyatining tarkibiy qismi o'rganiladi; Talabalarning kommunikativ madaniyatini shakllantirish o'qituvchining kommunikativ madaniyatiga bog'liqligi tahlil qilinadi.

Kalit so'zlar: nutq madaniyati, til madaniyati, shaxsning xususiyatlari, amaliy rivojlanish, shaxsiy, pedagogik muhit, kommunikativ ko'nikmalar.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ ФОРМИРОВАНИЯ КОММУНИКАТИВНОЙ КУЛЬТУРЫ СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ПОДГОТОВКА В ВЫСШЕЙ ШКОЛЕ

Усманова С.У. – Наманганский государственный университет, преподаватель

Холматова Г.И. - Наманганский государственный университет, преподаватель

Аннотация. В статье рассматривается проблема коммуникативной культуры человека, которая проявляется в его поведении и действиях. Изучаются компоненты культуры речевого поведения; анализируется зависимость формирования коммуникативной культуры студентов от коммуникативной культуры учителя.

Ключевые слова: культура речи, культура речевого этикета, культура мышления, культура языка, особенности личности, выражение лица, практическое развитие, индивидуальность, педагогическая среда, коммуникативные навыки.

A lawyer as a bearer of rights does not have the right to make mistakes. So he himself creates this right. And the present and the future of the state depend on this right. Therefore, a lawyer must be competent and concise. When entering the legal profession, that they pay attention to the student's proficiency in native and foreign languages. The development of the foreign language learning is associated primarily with communication and interaction with people. In his work, a lawyer faces many problems, mainly related to conflict management, processing procedural documents, making comments and speeches in court proceedings, in drafting laws, etc.

Thus, it can be said that the law specialist uses both oral and written speech in his activities. Both are very much appreciated in their professional activities. The speech of a lawyer acts as a means of influencing a person, a group or an audience. And therefore, the work of a lawyer involves the unmistakable use of terminology, the basics of competent presentation and submission of a question, clarification of unclear points. Foreign specialists (Ch. Veda R., Ch. Robert P., A. Enquest, K. Kunch) also pointed out the importance of formalizing a legal document, noting that one of the goals of legal education is to teach students to think and write legal rules, letters and documents.

Modern legal practice also places considerable emphasis on writing. When writing any legal document, it is impossible to do without legal terminology.

As we know, writing is a specific type of speech activity: coding information with regard to a graphic communication channel or the generation of speech in a graphic design. As means of learning, writing play different roles at different stages of learning. So, at the initial stage of training, the main task is learning to write.

Also, it is a necessary condition for the formation of speech activities as reading and writing. At the same time, written speech develops as a means of promoting the formation of oral skills. Finally, the previously acquired written skills are improved along with a similar improvement in oral speech. In addition, written language acquires another important role - it becomes an auxiliary tool in the independent work of students on the language.

"Effective writing involves conveying a message in such a way as to affect the audience as the writer intends.

"... any piece of writing is an attempt to communicate something: that the writer has a goal or purpose in mind; that he has to establish and maintain contact with his reader; that he has to organize his material and that he does this through the use of certain logical and grammatical devices."

"Writing is a communicative ability to combine words in writing to express one's thoughts in accordance with the needs of communication". "Writing is a type of speech activity, which has the purpose of transmitting information in writing in accordance with the situation of communication".

Learning productive writing as a goal of learning is present in programs for all types of educational institutions, at all stages of learning a foreign language.

The tasks of teaching writing in a law university include the ability to write juridical documents, arguing their point of view, and conduct diligent correspondence in English.

As L. G. Kuzmin argues (after Schultz), "as its known, we always expect pleasure from reading, but the letter is most likely associated with great diligence and effort". In order to motivate students to make these efforts and to bring them the joy of creativity in the process of writing, you can use the potential of creative writing. The culture of foreign language written communication is defined as the highly developed ability to communicate according to the laws of a given language society; it is a combination of linguistic, communicative and rhetorical competencies. The development of foreign language writing, included in the general context of communicative activity serving to make professional contacts, is a multifaceted process of foreign language written business communication. The development of skills and abilities of foreign language writing implies the organization of this process as a complete non-contradictory system aimed at the implementation of foreign language communication. An employee of the legal sphere is issued a huge number of different documents, ranging from certificates, receipts and ending with complaints to the relevant authorities. The written speech of a lawyer must be grammatically correct. For document management, the correct application of terminology and phrases is very important. A lawyer should be fluent in various styles of the language. Illiterate paperwork threatens the collapse of the judicial process, the invalidity of the contract, the failure of an important law, etc. Thus, we can make the following conclusions. Firstly, a lawyer is a public profession, and therefore great attention is paid to competent communication with people. Secondly, it is impossible to note the important role of the foreign language in the formation of the future legal specialist, as the base on which all his work is built. Also, besides knowledge and proficiency in language and law, an employee of law needs a high moral and mental culture.

REFERENCES:

1. Rudenko A.P. Discursive competence as a basis for learning a foreign language at the university. // Bulletin of Novgorod State University, Series of Pedagogy and Philology, 2007 -№ 41-S 81-854.
2. Sedov K.F. Discourse and personality: the evolution of communicative competence. - M., Labyrinth, 2004.
3. Lawyer // Dictionary of the Russian language: In 4 t. / RAS, In-t linguistic. research; Ed. A.P. Evgenieva. – 4th ed., Sr. - Volume IV. - M.: Russian; Polygraphs, 1999.
4. Parrott M. Tasks for Language Teachers. – CUP, 1993.
5. Methods of teaching Russian as a foreign language / ed. A.N. Schukina - M., 1990.
6. Kuzmina L.G. New challenges in writing: Handbook for the development of a culture of writing. – M. "Euro school", 1998.

УДК: 615.825.1

МАХСУС МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДАГИ 5-6 ЁШЛИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРДА УЧРАЙДИГАН ЯССИ ТОВОН НУҚСОНИ БОР БОЛАЛАР УЧУН МҮЛЖАЛЛАНГАН КОМПЛЕКС МАХСУС МАШҚЛАР

Акбарова Д. Р. – Тошкент давлат педагогика университети

Аннотация. Мақолада махсус мактабгача таълим муассасидаги тарбияланувчиларда таянч ҳаракат тизимида учрайдиган нуқсонларидан бири ясситован учун мүлжалланган комплексли машқлар машғулот тарзида келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Қадди-қомат, ясситован, жисмоний машқлар, нуқсон, гимнастик деворча, уқаловчи шолчалар, шаклланиш, олдини олиш, даволовчи.

КОМПЛЕКСНЫЕ СПЕЦИАЛЬНЫЕ УПРАЖНЕНИЯ ДЛЯ ДЕТЕЙ С ПЛОСКОСТОПИЕ- ДЕФЕКТОМ РАЗВИТИЯ В 5-6 ЛЕТ В СПЕЦИАЛЬНЫХ ДОШКОЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ.

Акбарова Д. Р. – Ташкентский государственный педагогический университет

Аннотация. В статье на основе специальных дошкольных образовательных учреждений является одним из недостатков, которые происходят в системе предназначена для плоскостопия формы комплексного физического упражнением.

Ключевые слова: Осанка, плоскостопия, физический упражнения, дефект, гимнастический лестница, массажный дорожка, формирование, профилактика, лечебный

COMPLEX SPECIAL EXERCISES FOR CHILDREN WITH FLATFOOT DEFECTS IN 5-6 YEARS OF SPECIAL PRESCHOOLS

Akbarova D.R.- Tashkent State Pedagogical University

Annotation. In the article, one of the drawbacks encountered in the system of basic movement in educators in a special pre-school educational institution is the development of a complex of exercises.

Key words: bearing, flatfoot, physical exercise, defect, gymnastic stairs, massage paths, formation, prevention, medical

Дунё мамлакатлари ичидаги жуда кўплаб замонавий ахборот технология билан таъминланган давлатлар беҳисобдир. Ҳозирги кунда Европа мамлакатлари, шунингдек, Германия, Англия, Италия, Франция, Исландия давлатларида болаларда учрайдиган қадди-қоматдаги барча нуқсонларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича тиббиёт салоҳияти жуда юқори ўринда туради. Ушбу ривожланиб бораётган давлатлarda нуқсони бор болалар учун қўлланилаётган маҳсус жисмоний машқлар андоза сифатида қўлланилиб келинмоқда.

Жаҳон мамлакатларининг ичидаги қадди-қоматдаги нуқсонларни бартараф этиш мақсадида мактабгача таълим муассасасидаги ўсиб келаётган ёш авлод учун мўлжалланган маҳсус жисмоний машқлар хилма-хиллиги Россия давлатида кенг қўлланилган.

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирилиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ҳамда “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонлар қабул қилинган.

2017-2021-йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув-методик мажмуналарнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, мактабгача таълим муассасаларининг қулагайлигини таъминлаш, мактабгача таълим сифатини яхшилаш мухим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда қадди-қомат нуқсонларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш долзарб муаммолардан биридир. Шунинг учун ҳам тўғри танланган маҳсус жисмоний машқлар боланинг қомати тўғри шаклланишига, чиройли ва соғлом ўсишига хизмат қиласиди.

Таянч ҳаракат аппарати тизимидағи барча нуқсонларни олдини олишда, боланинг нормал ўсишида маҳсус жисмоний машқлар мухим аҳамиятга эга.

И.Д. Ловейко, М.И. Фонарев (1998) таъкидлашади, ҳар қандай яхши бажарилган машқлар тўғри қадди-қоматни шаклланишига ёрдам беради. А.А. Потапчук, С.В. Матвеев, М.Д. Дибур (2007) тўғри умуртқа шаклланиши учун машқларни тизимлаштиришади, шунингдек машқлар ўз навбатида умумий ва маҳсус машқларга бўлинади.

I – гурӯҳ машқларига бу машқлар ҳаракат аппаратини гармоник ривожланишга, мушаклар гурухининг кучини ривожлантиришига ёрдам беради.

II – гурух машқларига мушак-бўғим сезгирилигини тўғри умуртқа шаклланишига ва шунингдек харҳил анализаторларни ривожлантириш машғулотларини ўтказиш, тўғри умуртқани ушлаш, яссиоёқ ва ясситованнинг олдини олиш ёки бартараф этиш мақсадида фойдаланиладиган машқлардан иборат.

Биз Тошкент шахри Чилонзор туманинага 24-сонли маҳсус МТМда тадқиқот ишларини олиб бордик ва уларга самарали маҳсус жисмоний машқлар тавсия қилинди.

Ясситован - кафт юзасининг (гумбаз қисми) кенгайиб, ўйиқ (чукур) қисмининг сатҳи камаяди. баъзида эса оёқ юзасининг бутун сатҳининг гумбаз қисми эгилиб текис бўлиб қолади. Натижада товон-кафтнинг рессорлик вазифаси бузилади.

Бундай одам узоқ вақт тик турганда, кўп юрганда, юрганда, оғир юқ кўтарганда оёғининг товон-панжа ва болдири мускуларида оғриқ пайдо бўлади. Ясситованлик умуртқа поғонаси ва чаноқ суякларининг эгриланишига ва қад-қоматнинг бузилишига ҳам сабаб бўлади. Чунки бундай одам танасини тик ва тўғри тута олмайди. Яссиоёқ одамлар юрганида оёқларини кенг ташлаб, қадамларини ён томонларга силкитиб, лапанглаб юради, чунки юрган вақтда танасининг оғирлиги оёқ юзасига баравар тақсимланмаслиги натижасида товон-кафт мускулари тез чарчайди ва уларда оғриқ сезилади. Бундай одамлар кўпроқ тик турганида ва юрганида оёғининг кафт юзаси яна кенгаяди ва пойабзал куннинг иккинчи ярмида оёқни қиса бошлайди.

Оёқ панжалари кафтлариниг шакллари: Мўътадил, ясси товон ва тури даражадаги ясситованлик мавжуд. Ясси оёқликда, тананинг массаси кўпроқ товон-кафтнинг ички томонига тушади. Шунинг учун бундай одамларнинг пойабзали ички томонга қийшайиб, у тезда яроқсиз ҳолга келиб қолади. Ясситованлик туғма ва ҳаётда ортирилган бўлади. Туғма бўлиши бу наслдан наслга берилиши ёки боланинг эмбрион ривожланиши даврида она организмига ташқи муҳитнинг бирон ноқулай таъсири натижасида содир бўлиши мумкин.

Ясситованни даволашда жисмоний машқлар жуда муҳим аҳамиятга эга. Машқ бажартиришда албатта оёқларда оёқ кийимсиз бажартирилади. Ясситованни бартараф этиш учун албатта 4-6 ой ҳар куни машғулот ўтиш керак бўлади. Яссиоёқни бартараф этиш ёки уни олдини олиш мақсадида комплекс машқларни тадбиқ этсак:

1. Mashq. Ясситован учун мўлжалланган бўлиб, стулда ўтирган ҳолатда бажарилади. Д.ҳ. Оёқлар елка кенглида қўйилган. Қўллар орқада стулни ушлаб турган ҳолатда. Бир чизиқ бўйлаб оёқларни аста-секинлик билан ердан узилмаган ҳолатда бирлаштириш. Аввал товонни сўнг оёқ учини бирлаштирилади. (10 марта такрорланади).

2. Mashq. Стулда ўтирган ҳолатда бажарилади. Д.ҳ. Оёқнинг кафт юзаси ва ички қисмини алмаштириб турган ҳолатда айлантириш. (10 марта)

3. Mashq. Оёқнинг кафти айлантирилади. Д.ҳ. стулда қулай ўтирган ҳолатда, қўллар орқада, оёқ товони елка кенглида полга қўйилган бўлиб, оёқ юзасини полдан узмаган ҳолатда, ўнг ва чап томонга кетма-кетлика алмаштириб айлантирилади. (10 марта)

4. Mashq. Оёқнинг учки ва товон қисмини кўтариш. Д.ҳ. оёқлар елка кенглигига. Товон қисми бир-бирига қарама-қарши параллел ҳолатда, аста-секинлик билан товон кўтарилади, сўнг оёқ учини кўтарамиз. (10 марта).

5. Mashq. "Балетчининг қадами". Турган жойда юриш ҳолати. Mashq тез темпда бажарилади. Оёқ учини ердан узилмаган ҳолатда, тизза бўғими бироз букилган. Қоматни текис ростлаган ҳолатда ушлаб турган ҳолатда 20-30 сония ушлаб туриш.


6. Mashq. Оёқни кўтариш машқи. Д.ҳ. стулга ўтирган ҳолатда. Ҳар бир оёқ навбат билан аста-секин юқорига кўтарилади, товон қисми ёки оёқнинг учки қисмини чўзиб кўтариш. (10 марта)

7. Mashq. Бир вақтнинг ўзида оёқларни биргаликда кўтариш машқи. Д.ҳ. оёқлар ерда, бир вақтнинг ўзида оёқни биргаликда тезлик билан кўтариш, яна қайта ерга тушуриш машқи.(10 марта)

8. Mashq. Юриш машқи бўлиб, оёқнинг товонида, учки қисмида, ички ва ташқи қисмида юриш. (30-50 қадам).

9. Mashq. "Foz юриш" машқи. Яримўтириш ҳолатида юриш. (20-25 қадам).

- 10-Mashq. Тўғри нафас олиш ва чиқариш машқи.



Шунингдек ясситовон учун жиҳозлар орқали махсус жисмоний машқларни ҳам тавсия этсак мақсадга мувофиқдир.

Ушбу машқни бажаришда бизга диаметри 3 смли, узунлиги 1,5 метрли таёқча керак бўлади.

1-машқ. Оёқ орқали таёқчани айлантириш машқи. Стулга ўтирган ёки турган ҳолатда таёқчани полда айлантириш, биринчи ҳар бир оёқ алоҳида айлантириб бажарилади. Сўнг икки оёқ бир вақтнинг ўзида таёқчани айлантиради. (5-10 дақика)

2-машқ. Таёқчанинг энига устида юриш машқи. Таёқчани устида юрганда оёқ кафтининг ўрта қисмига тўғри келиши керак.

3-машқ. Таёқчанинг узунлигига қараб устида юриш машқи. Биринчи қадамлар билан юрилади, сўнг оёқнинг учки қисмида юриш, қайтишда эса тескари юриб қайтиш.

4-машқ. Икки оёқ орасида коптоқни ушлаган ҳолатда юқорига ва пастга кўтариб, тушириш машқи.

5-машқ. Оёқ бармоқларини силжитиш орқали оёқ кафтини суриш машқи.(олдинга, ортга).

6-машқ. Оёқ бармоқлари орқали кичик қирқилган газламларни йиғиб-букиш ва ёзиб-очиш машқи.

7-машқ. Оёқ учига таянган ҳолатда ярим ўтириш ва ўтириб туриш машқи.

8-машқ. Дўнгли тахтада юриш машқи.(20-25 қадам).

9-машқ. Уқаловчи гилам устида юриш олдинга ва ортга (20-25 қадам).

10-машқ. Гимнастик деворчага чиқиш, осилиш ва тушиш машқи.

Кузатишлар натижасида болаларнинг ясситовонидаги нуқсонлари бирмунча бартараф этилганлигига гувоҳ бўлдик. Натижа товон-кафтнинг рессорлик вазифаси яхшиланишига олиб келади ва қўйидаги белгилар юзага келади: бундай одам узоқ вақт тик турганда, кўпроқ юрганда, оғир юқ кўтарганда оёғининг товон-панжа ва болдири мускулларида оғриқ анча камайганлигидан далолат беради. Бундай болаларда нафас олиши яхшилангани, юрак уриши бир текисдалиги, қоматнинг текислаганлигига гувоҳ бўлдик. Айрим болаларда серҳаракатлилик, кайфияти кўтарилиганинига иштаҳасининг яхшиланганини ҳам яққол мисол бўла олади.

Шуни эслатиб ўтамизки, ҳар бир боланинг ётоқхонасида ваннахонада уқаловчи гиламча ёки майдо тошчалардан ясалган гиламча бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади, чунки бола ўрнидан туриши билан оёқяланг ушбу маҳсус гиламча орқали юрса ясситованни олдини олган ва ясситованни бартараф этишига ёрдам беради. Кунига камида икки маҳал юз-тишини ювишга ваннахонага киргандга ҳам ушбу гиламча устидан юрса товоң учун жуда аҳамиятли маҳсус даволовчи машқ ўрнини босади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.
2. Артемов Д.Н. Диагностика и коррекция нарушений осанки у детей и подростков: Автореф. Дис... канд.мед.наук.- Москва, 2004. -29 с.
3. Бондаренко Е.Г., Совершаева С.Л., ишекова Н.И. Реабилитация больных с нарушением осанки и сколиозом // “В помошь практическому врачу”: Метод. Рекомендации.- Архангельск, 1999.-31с.
4. Власов И.С. Оздоровительная физкультура как средство профилактики и коррекция сколиотических нарушений у допризывной и призывной молодежи: Автореф. Дис... канд. Мед. Наук.- Санкт-Петербург, 2003.-36 с.
5. Милюкова И.В., Евдокимова Т.А. Лечебная гимнастика при нарушениях осанки у детей. Санкт-Петербург, 2003.-128 с.
6. 75. Нарскин Г.И. Система профилактики и коррекции отклонений опорно-двигательного аппарата у детей дошкольного и школьного возраста средствами физического воспитания: Автореф.дисс...доктора пед.наук.-Москва,2003.-26 с.
7. 76. Потапчук А.А., Матвеев С.В., Дидур М.Д. Лечебная физическая культура в детском возрасте. – Санкт- Петербург: Речь, 2007.-464 с.

УДК: 371.93

ДИЗАРТРИК БОЛАЛАРДА ТОВУШЛАР ТАЛАФФУЗИДАГИ КАМЧИЛИКЛАРНИ ЎЙИНЛАР АСОСИДА БАРТАРАФ ЭТИШ

**Аюпова М.Ю. – Тошкент давлат педагогика университети, профессор
Игамбердиева Х.Р. - Тошкент давлат педагогика университети, талаба**

Аннотация. Ушбу мақолада дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болалар билан олиб бориладиган машғулотларда товуш устида ишлашнинг асосий усуллари ҳамда логопедик ўйинлардан фойдаланиш йўллари кўрсатилган.

Калит сўзлар: нутқ, товуш, талаффуз, тамойил, артикуляция, ўйин, усул, дизартрия, логопед.

УСТРАНЕНИЕ НАРУШЕНИЯ ЗВУКОПРОИЗНОШЕНИЯ У ДЕТЕЙ ДИЗАРТРИКОВ В ПРОЦЕССЕ ИГОРОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

**Аюпова М.Ю. –Ташкентский государственный педагогический университет, профессор
Игамбердиева Х.Р. –Ташкентский государственный педагогический университет, студентка**

Аннотация. В данной статье раскрыты, основные методы работы над звукопроизношением, а также как использовать логопедические игры во время логопедических занятий с детьми имеющие нарушения при дизартрии.

Ключевые слова: речь, звук, произношение, принцип, артикуляция, игра, метод, дизартрия, логопед.

ELIMINATION OF DISTURBANCES IN CHILDREN'S SOUND DYSARTHRIA IN THE PROCESS OF PLAYING ACTIVITY

**Ayupova M.Yu.-Tashkent State Pedagogical University, professor
Igamberdieva Kh.R.- Tashkent State Pedagogical University, student**

Annotation. This article reveals the basic methods of working on sound pronunciation, as well as how to use speech therapy games during speech therapy sessions with children who have dysarthria disorders.

Key words: speech, sound, pronunciation, principle, articulation, game, method, speech therapy teacher (logoped), dysarthria..

Товушларни нотўғри талаффуз этиш она тилида ҳамма товушларда учраши мумкин. Товушлар талаффузининг бузилиши асосан артикуляцион жиҳатдан талаффуз қилиш қийин бўлган товушларда учрайди.

Товушлар талаффузини тўғрилашда асосан индивидуал ёндашиш тамойилидан фойдаланилади. Товушларни тўғрилаш ва нутққа қўйиш индивидуал танланади. Бир нечта товушлар устида ишлаш изчилликни талаб этади. Тузатиш ишида биринчи навбатда артикуляцион жиҳатдан осон талаффуз этиладиган товушлар ёки тузатиш осон бўлган товушлар танлаб олинади. Бу товушлар; а, п, у, м, к, н, х, б, о, т, с, л. Ушбу товушлар устида ишлаш жараёнида уларни талаффуз нормасигача келтириш мумкин. Юқорида кўрсатилган товушлар устида ишлаш билан бир вақтда фонематик эшитувни ривожлантириш ва товушлар анализи малакаларини шакллантириш устида ҳам иш олиб борилади.

Артикуляцион бузилишларнинг оғир ҳолларида товушларни нутқга қўйиш маҳсус ёрдамни талаб этади. Бунда логопед кўриш, тактил-вibrasiyon сезишдан фойдаланган ҳолда у ёки бу товушнинг талаффузи учун зарур бўлган ҳаракатни бажаришни болага тушуниради ва ёрдам беради.

Товушларни нутққа қўйиш устида ишлагандаги логопед аниқ бўлмаса ҳам товушни тўғри талаффуз даражасига яқинлаштириши лозим. Дастребки вақтларда нормал талаффузга эришиш қийин. Бу вақтда боланинг ўхшаш товушларни ўзлаштириши, уларни фарқлаши жуда муҳимдир. Товушларни нормал талаффузга яқинлаштириш даражаси артикуляцион аппаратнинг жароҳатланиш даражаси билан аниқланади. Ҳар бир янги товуш устида ишлашда унинг артикуляцион хусусиятларини ўрганиш зарур, яъни артикуляциянинг асосий ҳаракетларни белгилари, унинг бошқа товушлардан фарқли томони, артикуляцияни бошқалари билан солишириш.

Мунтазам машқлар олиб борилиши товушни керакли артикуляцион тартибга яқинлаштиради ва тўлиқ товуш талаффузига ўтилади. Логопед секин-аста ўрганилаётган товушни аниқ ва тўғри талаффуз этишини талаб этиб боради. Логопедик машғулотларнинг янада муваффақиятли бўлиши учун логопедик ўйинлардан ҳам фойдаланиш тавсия этилади. Қўйида биз артикуляцион нутқ аппаратининг ҳолати ва фаоллигини оширишда фойдаланиладиган ўйинлардан намуналар келтирамиз:

Ширин мураббо ўйини. Мақсад: Тил ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болаларга мураббони ялаётган қизнинг расми кўрсатилади. Қизнинг юқориги ва пастги лабига мураббо ёпишиб қолди. Қиз мураббони тили билан ялади. (Тил ҳаракати билан мураббони ялаш кўрсатилади). Сўнгра болалар ҳам ушбу машқни қайтарадилар. Логопед ҳар бир бола машқни қандай бажараётганини кузатиб боради.

Тишларимизни тозалаймиз ўйини. Мақсад: Тил ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар логопедга қараган ҳолда бир қатор бўлиб ўтирадилар. Болаларга расм кўрсатилади. Қаранглар болалар, бола қандай қилиб тишларини тозалаяпти. Биз ҳам ҳозир сизлар билан тишларимизни тозалаймиз. Фақат чўтка билан эмас, балки тилимиз билан. Аввал логопед тил билан тишларини тозалашни болаларга ўзи кўрсатиб беради. Сўнгра ҳар бир болани олдига чақириб, машқни бажаришини кузатиб боради. Машқ бир неча марта бажартирилади.

Ким яхши кулади, ўйини. Мақсад: Лаб ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар ярим доира ҳолда ўтирадилар. Логопед болаларга шундай дейди:

-Биз хурсанд бўлганимизда куламиз, мана бундай...” (ўзи кулиб кўрсатади). Биз жуда хурсанд бўлиб кулганимизда тишларимиз кўринади. Ҳозир бизга бўғирсоқ билан қўғирчоқ меҳмонга келади. Ҳаммамиз ҳурсанд ва кулиб уларни кутиб оламиз. Болалар тишларини кўрсатиб куладилар. Энди меҳмонларимиз кетди. Биз хафа бўлдик. Тишларимизни бекитамиз. Меҳмонларимиз яна келди. Куламиз. Шу тариқа машқлар бир неча марта тақорланади. Лаб ҳаракатларининг аниқ бажарилиши кузатиб борилади.

Юқорида келтирилган логопедик ўйинлар артикуляцион нутқ аппаратини ҳаракатини фаоллаштириш учун тавсия этилади. Товушлардаги камчиликларни бартараф этишини болалар учун қизиқарли бўлган ўйинлар билан боғлаб ўтиш коррекциялаш ишининг самарадорлигини янада оширади.

Биз қўйида ўзбек тилимизнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, болаларни тўғри талаффузга ўргатишда фойдаланилдиган логопедик ўйинлардан намуналар келтирамиз.

Насос ўйини. Мақсад: Болаларга "С" товушини тўғри талаффуз этишга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулчаларда ўтиришади. Тарбиячи болаларга шундай дейди:

- Ҳозир биз велосипедда сайд қиламиз. Велосипедда сайд қилишдан аввал унинг камерасига ҳаво дамланганми ёки йўқми шуни текширамиз. Велосипед узоқ вақтгача минилмаганлиги сабабли камераси бир оз бўшаб қолибди. Унга дам бериш керак. Насос билан камерага ҳаво юборамиз. Насосдан чиқаётган ҳаво С-С-С, деб овоз чиқаради. Болалар аввал бирма-бир, сўнгра биргаликда насос ҳаракатига тақлид қилиб, камерага дам урадилар. Камерага дам бериш вақтида С-С-С товушини чўзиброқ айтадилар.

Методик кўрасатма: Болалар С товушини тўғри талаффуз қилишлари учун лаб, тил ҳолати ва оқимининг тил ўртасидан ишга зътибор бериб бориш зарур.

Шарча тешилди ўйини. Мақсад: "С" товушини нутқа киритиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга шарчалар тарқатиб чиқади ва айтади:

"Болалар, яқинда биз янги йил байрамини нишонлаймиз. Шунинг учун хонамизни чиройли қилиб безатишимиш керак. Келинглар, ҳозир сизлар билан биргаликда шарларимизни шиширамиз. Логопед атайлаб 3-4 нафар болага тешик шарчаларни бериб қўяди. Сўнгра логопед болалар диққатини тешилган шарчадан чиқаётган овозга қаратади ва болалардан сўрайди:

-Болалар қандай овоз эшитяпсизлар?

Болалар пс-сс-с-с" деб талаффуз этадилар.

Дўкон ўйини. Мақсад: "С" товушини сўзларда тўғри талаффуз этиш.

Ўйиннинг бориши: Болаларга ўйин қоидаларини тушунтириш:

-Болалар тасаввур қилинглар мана бу стол – дўкон: стол устидаги расмлар, ўйинчоқлар дўконда сотиладиган нарсалар.

Ҳозир сизлар билан шу ўйинни биргаликда ўйнаймиз. Ҳозир битта-битта гапираман ва келган бола дўкондан нарса сотиб олиши керак.

Ўйинчоқларнинг расмларни харид қилган бола чиройли, баланд овоз билан номлаб беради.

-соат-совун-сандик; -доска-стол-сават; -голос-автобус-сочиқ.

Логопедик машғулотларда ўйинлардан ўринли ва унумли фойдаланилса товушларни тўғри талаффуз қилиш малакалари шакллантирилади, артикуляцион нутқ аппарати ҳаракатлари фаоллаштирилади; бўғинлар мураккаблигига кўра турлича сўзларни тўғри талаффуз қилиш малакалари ривожлантирилади ҳамда эгалланган мустақил нутқ малакаларидан эркин фойдаланишга ўргатилади.

Юқорида келтирилган ўйинлар мактабгача ёшдаги дизартрия – нутқ камчилигига эга бўлган болалар билан олиб бориладиган логопедик машғулотларнинг қизиқарли бўлишини таъминласа, иккинчи томондан логопедик коррекцион ишнинг самарадорлигини оширади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.Аҳмедова З., Аюпова М., Ҳамирова М.П. Логопедик ўйин. Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти. Тошкент – 2013
- 2.Колобашкина Л.В Основы теории игр. М:"Лабаратория знаний"-2014.
- 3.Миронова С.А. Обучение и воспитание дошкольников с нарушениями речи. М.: 2003.
- 4.Муминова Л.Р. Логопедия «Тошкент- фан технология» 2014.
- 5.Филичёва Т.Б., Чиркина Г.В.Коррекционного обучение и воспитание детей 5-летнего возраста с общим недоразвитием речи. М.1991.
6. Развивающие занятия с детьми. Москва:"Медиа-Групп" -2014.

УДК: 970

ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛА: МОҲИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Ишкуватов В. – Тошкент давлат педагогика университети, доцент

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда ўзини-ўзи бошқариш тизимининг ўзига хос тузилмаси, яъни маҳалланинг моҳияти, унинг ўзига хослиги хусусида сўз юритилган. Унда ўзбекларга хос қўни-қўшничилик муносабатларининг анъанавий ва замонавий жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлар: маҳалла, маҳаллий ўзини –ўзи бошқариш органи, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, қонун, қарор, фармон, ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-сиёсий, молиявий, низом, кенгаш, комиссия.

МАҲАЛЛЯ В УЗБЕКИСТАНЕ: СУЩНОСТЬ И СВОЕОБРАЗИЕ

Ишкуватов В.- Ташкентский государственный педагогический университет, доцент

Аннотация. В статье изложено сущность своеобразной инфраструктуры системы органов самоуправления махалли в Узбекистане и его своеобразные черты. В нем раскрываются традиционные и современные аспекты добрососедских отношений узбеков.

Ключевые слова: махалля, местные органы самоуправления, нормативно-правовые документы, закон, указ, постановление, правовой, организационный, социально-политический, финансовый, устав, совет, комиссия.

МАХАЛЛЯ IN UZBEKISTAN: SUCCESS AND PERSONALITY

Ishkuvatov V. – Tashkent State Pedagogical University, dotsent

Annotation. The article describes the essence of a kind of infrastructure of the system of self-governing bodies of the mahalla in Uzbekistan and its specific features. It reveals the traditional and modern aspects of the Uzbeks' territorial-territorial relations.

Key words: mahalla, local self-governing body, normative-legal document, law, decision, decree, legal, organizational, social-political, financial, charter, council, commission.

Ўзбекистонда ўзини-ўзи бошқаришнинг алоҳида, ўзига хос уюшмаси “маҳалла” номи билан юритилади. Ушбу тузилма ўз моҳияти, мазмуни ва функцияларига кўра дунёнинг бошқа мамлакатларида учрамайдиган тизим ҳисобланади. Маҳалланинг шаклланиши тарихнинг узоқ даврларига бориб тақалади.

Аслида «маҳалла» сўзи арабча, жой маъносини англатувчи «маҳаллун» сўзидан олинган бўлиб, шаҳарларда аҳоли яшайдиган маъмурӣ-ҳудудий бирлиқдир. XX асрнинг 20-йилларига қадар маҳалла ўртача 50-60 хонадондан ташкил топган бўлиб, шаҳарларда даҳа таркибиға кирган².

Маълумки, VII аср охирлари -VIII аср бошларига келиб Ўрта Осиёда ислом динининг кенг тарқалиши билан шаҳарлар ва қишлоқларнинг ўтроқ аҳолиси яшайдиган қисмига нисбатан «маҳалла» термини ишлатила бошланган. Агар тарихий манбаларга мурожаат этилса, у ҳақдаги дастлабки маълумотлар ўрта асрларда яшаган айrim мутафаккирлар асарларида учрайди. Манбаларда қайд этилишича, маҳалла атамаси илк бор ўрта аср муаллифларидан бири Абу Бакр Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида VIII аср бошларидағи Бухоронинг ички кварталларини белгилаш учун қўлланилган. Бухорода бундан 1100 йил илгари 19 та катта-катта маҳаллалар мавжуд бўлганлиги, бу маҳаллалар ўзини-ўзи идора қилиб, ўз ваколатларига эга бўлганлиги, бу қадимги Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган илк давлатлар ва уларнинг бошқарув фаолиятида ҳам ёрқин ифодасини топганлигини таъкидлаб ўтган. Муаллиф шаҳарнинг марказий шаҳристон қисми ҳақида ёзар экан, бундай жойлар алоҳида деворлар билан ўралган бўлиб, 3-4 маҳалладан иборат бўлганлигини қайд этади³.

²Чориев З. Тарих атамаларининг кисқача изоҳли лугати. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 73.

³Абу Бакр Мухаммад Ибн Жаъфар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. – Т., 1993. – Б. 52. Яна маълумот олиш учун қаранг: Наршахи Абу Бакр Мухаммад. История Бухары / Перевод с персидского Н. Лыкошина. - Т., 1897. – С. 69-72.

“Маҳалла” атамасига Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Юсуф Ҳос Ҳожибининг “Қутадғу билиг”, Ризоуддин Фахуриддиннинг «Оила» асарлари ҳамда яна бир қатор манбаларда ҳам изоҳ берилган⁴.

XIV-XV асрларда соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида маҳалла янада ривожланган. «Темур тузуклари»да «Ҳар эл ва ҳар улуснинг улуғларини, бошлиқ, оқсоқолларини қадрладим, уларга совға-саломлар бериб, хизматларидан фойдаландим» дега таъкидланган⁵. Бу даврда маҳалла оқсоқоли – «қадхудо» деб аталган ҳамда маҳаллий аҳоли томонидан сайланган, унга эътибор, ишонч катта бўлган ҳамда зиммасига жавобгарлик, масъулият юкланиб, уларга бошқарув масалаларида катта ваколатлар берилган.

Жумладан, «Темур тузуклари»да: «Қадхудолар дехқонлар ва экин майдонларига ишлов берувчилар кўнглигини хушнуд этиб, ўзларига қаратсинлар. Фақиру мискин, бирон касб қилишга ожиз – кўрларга нафақа белгиласинлар, дейилган⁶. Бундан кўриниб турибдики, бу вақтда маҳалла оқсоқолларига нафақат маъмурӣ, маънавӣ, балки ижтимоӣ, иқтисодий масалаларга аралашиш ҳуқуқи ҳам берилган. Маҳаллалар фуқароларнинг касб-кори асосида ташкил этилган бўлиб, этикдўзлар, пичоқчилар, темирчилар бир жойда яшаб меҳнат қилганлар. Бу ҳақда Соҳибқирон ўзи барпо этган салтанатни бошқаришда маҳалланинг мутасадди шахсларига таянган. Улар билан яқин мулоқотда, доимий машваратда бўлган, кези келганда уларнинг фаолиятини бевосита қўллаб – қувватлаган.

Маҳалла ҳақида ўзбек халқининг буюк мутафаккир шоири Алишер Навоий ўзининг «Ҳайрат-ул-аброр» асарида «Маҳалла — шаҳар ичидаги шаҳарча» деган таърифни келтирган. Унда қўйидаги таъкидланади: “Шаҳарлар отини маҳаллот этиб, бўлди чу юз шаҳар Ҳири от этиб”. Маҳалланинг “шаҳар ичидаги шаҳарча” эканлигини муаллифнинг юқоридаги фикрларидан англаш мумкин. Ўрта асрларда “Ҳири” деб аталган Ҳирот шаҳри юзта катта-кичик “шаҳарча”лар, яъни маҳаллалардан ташкил топган⁷. У ушбу асарида Ҳирот шаҳрини 100 та шаҳарчадан – маҳаллалардан ташкил топган гўзал жой деб талқин қиласди. Маҳаллаларнинг ҳудудлари, ҳар бир маҳаллаларда фуқароларнинг ҳаёт кечириши, фаолияти билан боғлиқ бинолар: масжид, бозор, чойхона, дўкон, ҳаммом, сартарошхоналар ва бошқалар ҳақида баён қиласди⁸.

Ўзбек тилида маҳалла атамасидан ташқари, «қўшни», «қўшничилик», «қўни-қўшни” атамалари ҳам кенг қўлланилади. Қўни-қўшничилик ёки қўшни аслида маҳалланинг типик кўринишидир. Унинг моҳияти ўзбек тилидаги «қўнмоқ» феълидан олинган бўлиб, уй, ҳовли-жойлари ёнма-ён ёки яқин бўлган кишилар, оиласлар, хонадонлар ҳамда «ёнма-ён турган, бир-бирига яқин, чегарадош» маъноларида қўлланилади. «Қўшничилик» бу, «қўни-қўшнилар ўртасидаги борди-келди муносабатлари» тарзида изоҳланади⁹. Умуман, қўни-қўшничилик деганда, бир жойда муқим қўним боғлаган қўшнилар ўртасидаги маънавӣ, ахлоқӣ, ижтимоӣ-иқтисодий муносабатлар асосида бириккан кишилар ўюшмаси тушунилади¹⁰.

Қўни-қўшничилик хусусида Ҳадисда ҳам маҳсус қайд этилади: Унга кўра “Ҳовлининг олд томонидан қирқ ҳовли, орқа томонидан қирқ ҳовли, ўнг томондан қирқ ва чап томонидан қирқ ҳовли, ҳаммаси қўшни ҳисобланади”- дейилади¹¹.

Ўтмишда маҳаллалар одатда оқсоқол (раис)лар томонидан бошқарилган. У бошқа мансабдорлар каби подшо хазинасидан, сўнги ўрта асрларда беклик, хонлик хазинасидан маош олган. Уларнинг иш вақти чегараланмаган. Ҳар бир оқсоқол маълум бир ҳудуддаги жамоани бошқарган ҳолда, унинг ўз маъмурӣ бошқарув тизими бўлган. Ўрта Осиё Чор Россияси томонидан босиб олингач, XX асрнинг 20 йилларигача қишлоқ жамоалари волостлар ва улар орқали уезд

⁴ Қаранг: Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадғу билиг. – Т., 1990. – Б. 12-137; Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. – Т., 1992. – Б. 89; Абу Райхон Беруний. Хиндистон. – Т., 1965. Т. II. – Б. 409-410; Ахмад Яссавий. Девони Ҳикмат. – Т., 1994. – Б. 8-9; Кайковус. Қобуснома. – Т., 1992. – Б.83 - 88. Маҳмуд Кошғарий. Девони луғотит турк. – Т., 1960. Т. III; Ризоуддин Ибн Фаҳруддин. «Оила» / Масъул муххаррир Ирисов А. – Т., 1991. – Б. 28-44.

⁵ Амир Темур. Темур тузуклари. - Т.2015 46. б

⁶ Амир Темур. Темур тузуклари. - Т.2015 46-47. б

⁷ Алишер Навоий . Ҳайратул аброр. – Т., 1989. – Б. 89.

⁸ Алишер Навоий . Ҳайратул аброр. – Т., 1989. – Б. 90.

⁹ Қўни-қўшничилик / Ўзбек тилининг изоҳи лугати. Икки томлик. - М.: Изд-во «Русский язык», 1981. Т. 2. – Б. 644.

¹⁰ Голипов Ф. Нурота воҳаси аҳолиси оиласи турмуш тарзида жамоа анъаналари” (XIX аср охири - XX аср бошлари) мазуидаги номзодлик диссертацияси. Т., 2006. 54-бет.

¹¹ Абу Абдуллоҳ Имом Ал-Бухорий. Ҳадис. – Т.: Ўзбекистон, 1992. II-жилд. – 179 -180 б.

бошқарувчилари тасаруфида бўлганлар. Жамоа оқсоқоллари волост бошқарувчиси ва улар орқали уезд бошқарувчиларига бир йилда бир марта ҳисоб бериб турганлар¹². Бундай катта-кичик бир неча қишлоқ оқсоқолликларни оқсоқол ёки амин, ярим кўчманчи овул жамоаларини эса элбеги бошқарган.

Ўзбеклар жамоавий турмуш тарзи моҳияти ва эволюциясига назар ташласак, бундай уюшма кишиларнинг ҳаётий зарурати туфайли ўзаро доимий бирлашуви бўлиб, унга нисбатан узоқ тарихий босқичлардан ўтиб келган, маълум бир жойга хос бўлган кишилар гуруҳи сифатида тушуниш мумкин. Чунки унинг аъзолари маълум ҳудуд доирасида яшаганлар¹³. Демак, маҳалла бу, умумий тарзда кишиларнинг ҳаётий зарурати туфайли ўзаро доимий бирлашувга асосланган ижтимоий бирлигидир.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, маҳалла дастлаб шаҳарларда, кейинчалик каттароқ қишлоқларда аҳоли яшайдиган маъмурӣ-ҳудудий бирлик, маълум ҳудудда яшовчи кишилар, қўни-қўшнилар уюшмаси сифатида шаклланган¹⁴. Шу боисдан азалдан ўзбек халқи миллий менталитетига кўра, маҳалла аъзоларининг барча табақа ва қатламларини бирлаштирувчи жамоатчилик фикрини шакллантириш ва сақлаб қолишга алоҳида аҳамият қаратиб келинган. Қўни-қўшниларнинг ижобий муносабатини мақсадга мувофиқ шакллантириш, доимий назорат қилиш ва ҳисобга олиш маҳалла оқсоқолларининг асосий вазифаси, қолаверса бурчи ҳисобланган.

Азалдан маҳалла катта-кичик оиласардан, қариндош-урӯғлар, қўни-қўшнилардан ташкил топган. Уларнинг ўзаро бирлашуви турмушда барча ижтимоий, моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондирган. Қўни-қўшничилик муносабатлари жамият тараққиётининг барча босқичларида у ёки бу тарзда ўзгариб, ривожланиб келган ва инсоннинг ахлоқий, маънавий ривожланишида мухим рол ўйнаган. Демак, маҳалла Ўзбекистонда оила каби жамиятнинг кичик бир бўғини сифатида, узоқ тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган ва ривожланган. Азалдан ўзбек халқи миллий менталитетига кўра аҳоли турмуш тарзида маҳалла-кўй, қўни-қўшниларнинг ўрни катта бўлган. Ўзаро муносабатларнинг бундай шакли оила ва маҳалланинг мустаҳкам алоқасини, хўжалик, маданий бирлигини қарор топтирган.

Одатда шаҳарлардаги бир қанча маҳаллалар ўзаро бирлашиб, “даҳа” таркибиға кирган. Демак, “даҳа”, бу маҳалладан каттароқ маъмурӣ тузилма бўлиб, битта даҳа таркибида бир нечта маҳаллалар бўлган¹⁵. Даҳа сўзи қадимги сўғд тилида «деҳа», яъни қишлоқ маъносини билдириб, шаҳарнинг маълум қисми, маъмурӣ бўлинishi каби маъноларда қўлланилган¹⁶. Бундай даҳалар Ўрта Осиёнинг Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Бухоро, Термиз, Хўжанд, Фарғона, Кармана, Нурота каби шаҳарларида мавжуд бўлган. Масалан, Тошкент шаҳрида узоқ тарихий тараққиёт жараёнида шаҳар аҳолисининг ортиши, унинг ҳудуди кегайиши натижасида даҳалар ҳам кенгайиб борган. Биргина XIX асрнинг ўрталарида шаҳарда Бешёғоч (Зангиота), Себзор (Қаффол Шоший), Кўкча (Шайх Зайниддин) ва Шайхонтоҳур даҳалари бўлган¹⁷.

Даҳалар маҳалла йиғинлари оқсоқоллари ва кенгаш аъзоларининг қурултойида сайланган даҳа оқсоқоллари томонидан бошқарилган. Туркистон ўлкаси Россия иперияси томонидан забт этилгач, шаҳар кенгashi ва туманларнинг оқсоқоллари эса Туркистон Ҳарбий Губернатори томонидан тайинланадиган бosh оқсоқолга бўйсунгандар. Бosh оқсоқолга қуий полиция хизматчилари – миршаблар, шаҳар суғориш тизимининг бошлиқлари, яъни мироблар ҳамда судялар – қозилар ва бийлар ҳам тобе бўлганлар. Уларнинг барчасига алоҳида тўпланган маблағ ҳисобидан маош тўланган. Шаҳарларнинг европалик аҳолиси яшайдиган қисмларида маҳаллий маъмурият ҳарбий губернаторлар томонидан тайинланган¹⁸. Маҳалла ҳамда қишлоқ жамоаси таркиби ва вазифалари бир-бирига ўхшаш бўлиб, унда кишиларнинг маълум ҳудудий ҳамда этник принцплар асосидаги ўзаро

¹²Арандаренко Г.А Значение власти аксакалов в отдалённых кишлаках // Туркестанские ведомости. 1872, № 25.

¹³ Толипов Ф. Нурота воҳаси аҳолиси оиласи турмуш тарзида жамоа анъаналари (XIX аср охири - XX аср бошлари) мазуидаги номзодлик диссертацияси. Т., 2006., Ўша муаллиф: Общинные традиции в семейной жизни населения Нуратинского оазиса. Автореферат диссертации на соискание учёной степени канд. ист. наук. Т., 2006.

¹⁴Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳи лугати. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 73., Ишкуватов В, Толипов Ф. Маҳалла: ўтмишда ва бутун. Т., 2014. 24-бет.

¹⁵ Маев Н. Азиатский Ташкент//Туркестанский сборник.-Спб.: Типография В.С.Балашева. 1876. Т. 123- С. 269

¹⁶ Мухамаджонов А. Қадимги Тошкент. Т., 2002.

¹⁷ Маев Н. Азиатский Ташкент//Туркестанский сборник.-Спб.: Типография В.С.Балашева. 1876. Т. 123 с. 260-271. Яна қаранг: Маллицик Н.Г. Махалля и мауза города Ташкента. –Т., 1927.

¹⁸ Пален К.К. Отчёт по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению Сенаторомъ Гофмейстеромъ К.К Паленомъ. Сельское управление: Русское и туземное. - Спб., 1910. – С. 4-5.

яқин алоқалари алоҳида аҳамият касб этган.

Азалдан ўзбек маҳаллаларида инсонпарварлик, меҳр-оқибат, саховатпешалик каби фазилатлар халқ миллий менталитетининг ажралмас қисми бўлиб келган. Ўзбекларда фарзанд дастлаб оиласда, сўнгра маҳаллада улғаяди, яъни қўни-қўшнилар орасида униб-ўсади. Бу ўз навбатида кишилар онгида уюшқоқлик, бир-бирини қўллаб қувватлаш, атрофдагиларга қараб иш тутиш, каттага ҳурмат, кичикка иззатда бўлиш фазилатларини таркиб топтирган.

Маҳаллада оиласий маросимлар маҳалла аҳли, яъни қўни –қўшнилар, қариндош-урӯғлар кўмагида ўтказиб келинган. Халқ томонидан “Узоқдаги қариндошдан, яқиндаги қўшни афзал” мақоли бежиз айтилмаган. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи маросимларининг ўзига хос хусусиятлари шундаки, у қариндош - урӯғлар, қўни-қўшнилар, умуман, кенг жамоатчилик иштироқида ўтказилиши билан ажralиб туради. Ўзбек халқида «Маслаҳатли тўй тарқамас», деган мақолнинг мавжуд¹⁹ лиги бунинг яққол исботидир. Демак, ўзбек халқи оиласий маросимлари ташкил этилиши, моҳияти, мақсади ва вазифаларига кўра ижтимоий аҳамият касб этади, яъни у кўпчиликнинг иштироқи билан ўтказилади.

XXI асрга келиб, дунёда содир бўлаётган глобаллашув, модернизация жараёнларига қарамасдан маҳалла Ўзбекистонда ўзига хос тарбия ўчоғи, фуқароларни ғоявий, мафкуравий жиҳатдан бирлаштирадиган ўзига хос масканга айланиб бормоқда. Ҳозирги турли мафкуравий таҳдидлар шароитида маҳалла халқимизни турли мафкуравий хуружлардан асраш, жамиятда мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш учун ёшларни аввало, соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш масаласига алоҳида аҳамият бериб келмоқда.

Хулоса шуки, дунёнинг ҳеч бир жойида учрамайдиган, фақат Ўзбекистон учун хос бўлган ўзини-ўзи бошқариш тузилмаси, яъни маҳалланинг маҳаллий шарт шароитлар билан боғлиқ ўзига хос моҳияти ва вазифалари мавжудлиги аён бўлади. Уни бошқариш жамоатчилик асосида бўлиб, у ўзининг ёзилмаган ички тартиб қоидаларига эга бўлган. Мазкур қонун-қоидалар барча учун бирдек ҳисобланган. Ушбу ўзига хос тузилма маъмурӣ-ҳудудий бирлик бўлиши билан бирга, аҳолининг турмуш тарзи, урф-одат ва маросимлари асосида бирлашган кишилар жамоаси эканлиги билан изоҳланади. Ўзбекларга хос бундай ўзаро уюшқоқлик кишиларни моддий, маънавий, ижтимоий томондан ўзаро биргаликда ҳаёт кечиришларини таъминлаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. T., 2017. 105- modda. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami. T.. 2004. 25-son. 285-modda.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Mahalla institutini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida» gi Farmoni. «Xalq so'zi». 2017-yil 4-fevral.
3. Fuqarolik jamiyatni rivojlantirish – amalga oshirilayotgan keng ko'lamlı islohotlar samarasidir. // Toshkent oqshomi.2014-yil 26-fevral
4. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami. T.. 1999. Yana qarang: O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami. T.. 2004. 25-son. 285-modda.
5. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarorlari. T., 2018. Yana qarang: Fuqarolar yig'inlari qoshidagi jamoatchilik tuzilmalari faoliyati takomillashtiriladi. // "Mahalla gazetasi". T., 2018. №21 son, 20 fevral.
6. Fuqarolar yig'inlarining diniy ma'rifat va ma'naviy-axloqiy tarbiya masalalari buyicha maslahatchisi faoliyati to'g'risidagi Namunaviy Nizom. T., 2005. 3-bet.
7. Fayzullaev T, Kenjaev E.Demokratiyaning amaldagi ifodasi//“Jamiyat va boshqaruv”, 2006, №4. – 35-37-b.
8. Fuqarolik jamiyatni institutlarini rivojlantirish – amalga oshirilayotgan keng ko'lamlı islohotlar samarasidir. // Toshkent oqshomi.2014-yil 26-fevral
9. Muammo va kamchiliklarni o'z vaqtida bartaraf etish kelgusidagi yutuqlarga asos bo'ladi. // "Mahalla" gazetasi. 2018. 17-aprel.
10. Fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari faoliyatiga oid normativ-huquqiy hujjatlар to'plami. T., 2015.

¹⁹ Ўзбек халқ мақоллари. – Т., 1994. – 314 бет.

11. Boboev A. Fuqarolar yig'inlariga saylov – mas'uliyatli jarayon. // Fuqarolar yig'ini raisi (oqsoqoli) va uning maslahatchilari saylovi. T., 2008. 49-bet.
12. Umarova G. O'zbekistonda o'zini o'zi boshqarish organlarining shakllanishi va takomillashtirish tarixi. (1991-2001 y). Tarix fan nomz. diss. avtoreferati. T., 2002. 12-bet.
13. Fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari tarkibidagi "Voyaga etmaganlar, yoshlari va sport masalalari bo'yicha komissiyasi" faoliyatini tashkil etish bo'yicha uslubiy qo'llanma. T., 2014. 8-bet.
14. Fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari faoliyatiga oid normativ-huquqiy hujjatlar to'plami. T., 2015.
15. Ishquvatov V, Tolipov F. Mahalla: o'tmishda va bugun. T., 2014. 135-bet.
16. Jalilov Sh. Mahalla yangilanish davrida. T., 1995. 15 bet.
17. Mahalla fuqarolar yig'ini tizimining namunaviy tuzilmasi va ish yuritish uslublari. T., 2007.
18. Umarova G. O'zbekistonda o'zini-o'zi boshqarish organlarining shakllanishi va takomillashtirish tarixi. (1991-2001 y). Tarixfannomz. diss. avtoreferati. T., 2002. 23-bet.

УДК: 970

ПО ВЕЛИКОМУ ШЕЛКОВОМУ ПУТИ: НОВЫЙ ЭТАП В РАЗВИТИИ СВЯЗЕЙ МЕЖДУ УЗБЕКИСТАНОМ И КИТАЕМ

**Мансуров У.Н. – Ташкентский государственный педагогический университет, к.и.н
Исматуллаев Ф.О. - Ташкентский государственный педагогический университет, доцент**

Аннотация. В данной статье предпринята попытка анализа этапов развития сотруднических связей Узбекистана и Китая, достижения в политической, экономической, общественно-гуманитарной и культурной сферах. Также ведется речь о перспективных взаимовыгодных направлениях.

Ключевые слова. Культурное сотрудничество, музыка, танцы, театр, кино, музей, художественные выставки, восточные мелодии, искусство, гуманитарный, фермерский, транспорт, фестиваль, литература, культурное наследие

БЮОК ИПАК ЙЎЛИДА: ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНИШИННИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Мансуров У.Н. - Тошкент давлат педагогика университети, тарих фанлари номзоди
Исматуллаев Ф.О. - Тошкент давлат педагогика университети, доцент**

Аннотация. Мақолада Ўзбекистоннинг Хитой билан ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиш босқичлари, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-гуманитар ва маданий соҳаларда эришилган ютуқлар таҳлил этилган. Икки томон учун манбаатли бўлган янги истиқболли йўналишлар хақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Маданий ҳамкорлик, мусиқа, рақс, театр, кино, музей, бадиий кўргазмалар, шарқ тароналари, санъат, гуманитар, фермер, транспорт, фестивал, адабиёт, маданий мерос.

ON THE GREAT SILK WAY: A NEW STAGE IN THE DEVELOPMENT OF TIES BETWEEN UZBEKISTAN AND CHINA

**Mansurov U.N. – Tashkent State Pedagogical University, candidate of historical sciences
Ismatullaev F.O. - Tashkent State Pedagogical University, dotsent**

Annotation. In this article was analyzed the stages of Uzbek-Chinese cooperation, achievements in political, economic, social - humanitarian and cultural spheres. Also focusing on new promising areas for both sides.

Key words:Cultural relations, music, dance, theater, cinema, museum, art exhibitions, oriental melodies, art, humanitarian, farming, transport, festival,literature, cultural heritage.

Связи Республики Узбекистан и Китайской Народной Республикой имеют давнюю историю. Эти связи начали развиваться во II веке до н.э. с открытием Великого Шелкового Пути. Во времена

Тюркского каганата (551-715), государства Хорезмшахов (1097-1221), в период правления Амира Темура и темуридов (1370-1506) они достигли своей вершины[1].

В короткий период после обретения Узбекистаном государственной независимости между Узбекистаном и Китаем было подписано более 100 межгосударственных и иных соглашений, регулирующих двусторонние отношения во всех сферах. Совершено множество визитов руководства стран-партнеров, и они имеют систематическое продолжение.

Первый Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов посещал Китайскую Народную Республику в 1992, 1994, 1999, 2001, 2005, 2012, 2014 годах[2]. С китайской стороны совершали визиты в Республику Узбекистан Председатель Государственного Совета Ли Пен в 1994 году[2], Заместитель Председателя Государственного Совета Ли Ланцинв 2001 году, член Государственного Совета И.Аймат в 2002 году, министр иностранных дел Ли Чжао син в 2003 году, Председатель Китайской Народной Республики Ху Цзинтао в 2004 году[3].

В ходе официальных визитов в Узбекистан подписано более 10 важнейших актов, в тои числе, Совместная Декларация о развитии, укреплении партнерских отношений, дружбы и сотрудничества; соглашения о совместной борьбе с незаконным оборотом и употреблением наркотических средств, психотропных веществ.

В ходе визитов министров иностранных дел подписаны соглашения о борьбе с терроризмом, сепаратизмом и экстремизмом, сотрудничества и консультациях между внешнеполитическими ведомствами двух дружеских стран[4].

Основной правовой базой двусторонних отношений является Договор о партнерских отношениях дружбы и сотрудничества, подписанный в 2005 году, Совместная Декларация об углублении и развитии дружбы, сотруднических и партнерских отношений, подписанный в 2010 году.

Немаловажную роль в развитии партнерства двух стран сыграла Совместная декларация об установлении отношений стратегического партнерства, подписанная в ходе государственного визита Президента Республики Узбекистан в Китайскую Народную Республику в июне 2012 года[5].

В ходе визита Председателя Китайской Народной Республики Си Цзиньпина в Республику Узбекистан 8-10 сентября 2013 года была отмечена необходимость в развитии и укреплении стратегического сотрудничества, обеспечения преемственности взаимоотношений, укрепления взаимодоверия и дружбы на высшем уровне[6].

Экономическая сфера занимает особое место в двусторонних отношениях, ярким свидетельством тому является деятельность комитета по сотрудничеству Узбекистан-Китай, учрежденного в 2011 году. Комитет обеспечивает своевременную реализацию двусторонних соглашений на высшем уровне по укреплению и развитию взаимоотношений в торговой, транспортной, сельскохозяйственной, культурной, научно-технической, энергетической и других сферах.

В соответствии с торгово-экономическим соглашением между государствами с каждым днем все более развивается экономическое сотрудничество.

Согласно данным Государственного статистического комитета Республики Узбекистан, в 2004 году взаимный товарооборот двух стран составил 367,1 млн. долларов США, из них 101,5 млн. долларов – это экспорт из Узбекистана в КНР, 265,6 млн. долларов – импорт в Узбекистан. На май 2014 года в Узбекистане осуществляло деятельность 77 предприятий с китайским капиталом. 71 китайская компания открыла свои представительства в Республике Узбекистан[5].

За последние пять лет взаимный товарооборот вырос примерно в четыре раза, в 2012 году он составил 3,4 миллиарда долларов США, за первое полугодие 2013 года он более интенсифицировался и вырос на 59%, составив 2,3 миллиарда долларов США.

Стабильное развитие торговли между двумя странами несмотря на продолжающийся глобальный финансово-экономический кризис свидетельствовал о тщательно продуманной на перспективу стратегии реформирования.

На состоянию на 2013 год 455 совместных предприятий с участием китайских инвестиций успешно осуществляли деятельность во всех регионах нашей страны, внося достойный вклад в развитие промышленности, экспортного потенциала республики[5].

Инвесторы из Китая принимают активное участие в организации новых, модернизации действующих предприятий в нефтегазовой, химической, электротехнической, кожгалантерейной и фармацевтической отраслях, производстве современной строительной и отделочной продукции.

В специальной индустриальной зоне “Джизак” с привлечением прямых инвестиций из Китая было запланировано создание новых предприятий, которые осуществляют деятельность в перечисленных и других сферах. С июня 2013 года на территории данной индустриальной зоны было наложено производство мобильных телефонов, строительных материалов и другой продукции.

Последовательно развивается сотрудничество с КНР и в топливно-энергетическом комплексе. Все четыре ветви газопровода Центральная Азия – КНР проходят через Узбекистан, что свидетельствует о высоком уровне взаимного доверия и тесного сотрудничества в нефтегазовой отрасли. Китайская национальная нефтегазовая корпорация принимает активное участие в разработке и усвоении перспективных месторождений углеводородов, а также реализации проекта глубокой переработки природного газа в Мубаракском газохимическом комплексе.

Актуальным стратегическим направлением взаимного экономического сотрудничества является возведение кратчайшей железнодорожной линии между Узбекистаном и Китаем, что обеспечит выход Китая на Центральную Азию, затем и в страны Южной Азии. Данное направление включает в себя проект строительства железной дороги “Ангрен - Поп”. Между Государственной акционерной компанией “Узбекистон темир йуллари” и китайской компанией “China Railway Tunnel Group” подписано соглашение на строительство данной железной дороги общей стоимостью в 455 миллионов долларов США. Строительство, начатое в 2013 году, было полностью завершено в июне 2016 года[2]. Данная дорога есть практическое воплощение идеи правительства Китая “Одна дорога – одно пространство”.

Государственный визит Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева в КНР в мае 2017 года дал новый импульс для дальнейшего расширения всестороннего стратегического партнерства между Республикой Узбекистан и Китайской Народной Республикой.

За последнее время значительно активизировались темпы Узбекско-Китайского сотрудничества в торгово-экономической, инвестиционной, энергетической, транспортной, научно-технической, культурно-гуманитарной, сельскохозяйственной областях. Это служит прочной основой для стимулирования экономического роста двух стран и повышения благосостояния наших народов. Так, только в области энергетики в настоящее время в рамках государственной инвестиционной программы на 2017 год с привлечением китайских инвестиций в нашей стране предусмотрена реализация инвестиционных проектов на 878 миллионов долларов.

Было подписано Совместное заявление между Республикой Узбекистан и Китайской Народной Республикой.

Также, в присутствии глав государств был подписан ряд документов, включая межправительственные соглашения о техническом сотрудничестве и международном автомобильном сообщении.

Состоялся обмен межправительственными нотами о финансировании проектов по повышению качества образования в общеобразовательных школах, оснащению сферы здравоохранения современным оборудованием.

Подписаны меморандумы о взаимопонимании в сфере ветеринарии и карантина инспекции растений, по стимулированию сотрудничества между субъектами малого бизнеса и частного предпринимательства, а также план сотрудничества в межведомственном обмене в сфере сельского хозяйства на 2018-2020 годы.

Всего было подписано более 100 межгосударственных, межправительственных и межведомственных документов. Достигнутые договоренности предусматривают реализацию инвестиционных проектов общей стоимостью свыше 23 млрд долларов США.

Сотрудничество в культурной и гуманитарной сфере между двумя государствами также имеют давние традиции. Активно развивается сотрудничество в области культуры, образования, науки и техники. В традиционном фестивале “Шарқ тароналари”, проходящем в городе Самарканде постоянно принимают участие представители Китая, фольклорные ансамбли из Узбекистана – постоянные

участники Пекинского фестиваля культуры и туризма. С 2001 года осуществляет свою деятельность Культурный центр КНР в Ташкенте.

Заслуживает внимания и сотрудничество в социально-гуманитарной сфере. В 1995, 1997, 1999 и 2000 годах правительством КНР были выделены безвозмездные гранты для покупки лекарств, медицинского оборудования Министерству здравоохранения и фонду "Соглом авлод учун" общей стоимостью 12 миллионов юаней[6].

15 мая 2013 года в городе Шанхае впервые в Китае на базе научно-исследовательского института общественной дипломатии ШОС при Шанхайской университете был открыт центр исследований Узбекистана и образовательных обменов.

Города Ташкент и Шанхай, Самарканд и Сиан, Навои ва Чжучожу, Ташкентская область и провинция Хунан, Самаркандская область и провинция Шэнси подписали договора о побратимских отношениях. В 2017 году данный список пополнили города Бухара и Лоян.

В декабре прошлого года в рамках визита военной делегации во главе с министром обороны КНР Чаном Ваньцюанем в Ташкент было подписано Соглашение между Академией Вооруженных сил Узбекистана и Университетом национальной обороны Народно-освободительной армии Китая.

Словом, отношения между Узбекистаном и Китаем охватывают все сферы жизни общества и государства. Развитие данных отношений служат более тесному знакомству двух народов историей, культурой, искусством, традициями и обычаями друг друга, что способствует дальнейшему взаимопониманию и процветанию двух древних народов.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. – Т.: Фан. 2007. – С.171.
2. Бабаходжаев М. Суверенный Узбекистан. Вопросы внутренней и внешнеэкономической политики.–Ташкент: ТГИВ,2005.– 190 с.
3. Ўзбекистон ва Хитой ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамламоқда //Халқ сўзи.– 2014. – 21 май.
4. Давлатлар ва халқаро ташкилотлар. –Т.: Академия, 2005. –С. 278.
5. Ўзбекистон – Хитой Дўстлик муносабатлари ва стратегик ҳамкорликни янада ривожлантиришга құдратли асос бўладиган тарихий ташриф // Халқ сўзи.– 2013.– 18 сентябрь.
6. Ўзбекистон ва Хитой ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамламоқда //Халқ сўзи.– 2014. – 21 май.
7. Кирғизбоев А. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. – Тошкент: Фан, 2004. –128 б.
8. Хидиров Х. Ўзбекистон ташқи сиёсати: сиёсий модернизация ва интеграция // Фалсафа ва Ҳуқуқ. – 2007. – № 1. – Б. 21–22;
9. Касымова Н. А., Жўраев С. А. Актуальные вопросы современных международных отношений. – Ташкент: Академия, 2008. –С. 233;
- 10.Давлатлар ва халқаро ташкилотлар. (Маъсул мұхаррир ф.ф.д. Қ.Н. Назаров). Тошкент, "Академия", 2005. – Б. 163.

УДК: 970

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИНИНГ ХАЙРИЯ ВА ҲОМИЙЛИК ИШЛАРИ (БУХОРО АМИРЛИГИ ВА ХИВА ХОНЛИГИ МИСОЛИДА)

Абдуллаев Д.Н. - Тошкент давлат педагогика университети, докторант

Аннотация. Мазкур мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлиги ҳамда Хива хонлиги ҳуқмдорларининг хайрия ва ҳомийлик фаолияти архив ҳужжатлари ҳамда бирламчи манбалар асосида баён этилган.

Калит сўзлар: хайрия, ҳомийлик, Бухоро амири, Хива хони, "Мөхрибонлик уйи", "Таржимон" газетаси, хайрия жамияти.

БЛАГОТВОРИТЕЛЬНАЯ И СПОНСОРСКАЯ РАБОТА ХАНСТВ СРЕДНЕЙ АЗИИ В КОНЦЕ XIX-НАЧАЛЕ XX ВЕКОВ (НА ПРИМЕРЕ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА И ХИВИНСКОГО ХАНСТВА)

Абдуллаев Д.Н. - Ташкентский государственный педагогический университет, докторант

Аннотация. В данной статье описана благотворительная и спонсорская деятельность правителей Бухарского эмирата и Хивинского ханства в конце XIX – начале XX веков на основе архивных документов и первичных источников.

Ключевые слова: благотворительность, спонсорство, эмир Бухары, Хивинское ханство, Дом милосердия, газета «Переводчик», благотворительная общественность.

CHARITY AND SPONSORSHIP WORK KHANATES OF CENTRAL ASIA IN THE LATE XIX-EARLY XX CENTURIES (ON THE EXAMPLE OF BUKHARA EMIRATE AND KHIVA KHANATE)

Абдуллаев Д.Н. – Tashkent State Pedagogical University, doctoral student

Annotation. In this article was described the charitable and sponsorship activities of the rulers of the Bukhara Emirate and Khiva khanate in the late XIX – early XX centuries on the basis of archival documents and primary sources.

Key words: charity, sponsorship, Emir of Bukhara, Khiva's khanate, Mercy Home, Translator newspaper, charity community.

Маълумки, мамлакат аҳолисининг эҳтиёжини қондириш, уни моддий қўллаб-қувватлаш ижтимоий ҳимоялаш тизимида акс этади. Мехр-муруват, саҳоватпешалик, ғамхўрлик кўрсатишнинг асоси бўлган миллий қадриятлар, яъни хайрия ва ҳомийлик масалалари тарихимизнинг турли даврларида мунозарали қарашлар, янгича ёндашувлар асосида ривожланиб келган. Россия империяси Туркистон ўлкасини босиб олгунгача бўлган даврда тарихимизда хайрия, саҳийлик ва ҳомийлик масалалари шарқона тарзда намоён бўлган. Бундан кейинги тарихий босқичда Ўрта Осиё Россия империясига мустамлака бўлган даврда қийинчилик билан бўлса-да, миллий қадриятлар ривожланиб борган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон ўлкаси ижтимоий ҳаётида хайрия кўринишининг барча турлари мавжуд бўлиб, улар Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига мавжуд бўлган. Бир қатор архив ҳужжатларини ўрганиш жараёнида Бухоро амирлари ва Хива хонларининг қилган хайрли ва ҳомийлик ишларини таҳлил қилдик. Мисол учун, 1884 йил 11 январда Туркистон Генерал Губернаторлигининг Қурилиш ишлари бўйича Комитетига келиб тушган мурожаатномалардан бирида Бухоро амирлиги шаҳзодаси Тошкент шаҳридаги Абдулқосим эшон, Бароқхон, Кўкалдош ва Хўжа Аҳрор масжид ва мадрасалари қайта таъмирланишига 12000 рубль маблағ ажратиб ҳомийлик қилган [14] бўлса, Бухоро амири Музаффар амирлиқдаги мадрасалардан бирига 1000 танга сарф қилган [1, 47-б.]. Ёки 1892 йилда Бухоро амири Абдулаҳадон Россиядаги ночорлар қўмитасига юз минг рублни хайрия йўлида сарфлаган [1, 74-б.]. Туркистон ўлкасида хайрия ва ҳомийлик фаолияти Бухоро амирлари ва Хива хонлари томонидан ҳам кенг кўламда амалга оширилганлигига оид бир қатор манбаларни таҳлил этар эканмиз, уларда ҳукмдорларнинг амалга оширган хайрли ишлари нафақат маҳаллий аҳоли учун, балки ҳукмрон мустамлакачи Россия империяси фуқаролари фойдаси учун ҳам амалга оширилган. Бухоро амири Сайд Абдулаҳад ҳам ҳукмронлик қилган йилларида (1885-1910) бир қатор хайрли ишларга қўл урган. Масалан, 1898 йилда Петербургдаги Аёллар тиббиёт институтига 4000 рубль хайрия қилган [15]. Шунингдек, 1900 йил 10000 рублни император соғайланлиги муносабати билан Термиизда император номи билан аталувчи ўқув муассасасига хайрия сифатида сарфлаган [12]. 1904 йилда Тошкентда мусулмонлар учун Шукурхон мадрасаси ўрнида “Мехрибонлик уйи”ни таъмирлашга 10000 рублдан ортиқ маблағ ишлатилиб, вақф мулкидан, аҳолидан хайрия сифатида олинган [1, 147-б.]. 1904 йили амир ўз ҳисобидан 30000, ўғли ҳисобидан 10000 рублни Кавказдаги қозоқлар ижтимоий ҳаётини яхшилиш учун хайрия қилган [13]. Шу йили Хива хони ва хивалик савдогарлар ҳам “Қизил Хоч” жамияти учун 300 шинел хайрия қилган [1, 150-б.]. 1906 йили Хива хони Туркистон генерал губернаторининг аёлига хайрия ишлари учун 1000 рубл юборган [1, 160-б.]. 1908 йилгача “Таржимон” газетасига Бухоро амири томонидан 25 йил давомида 4300 рубл хайрия қилинган [1, 170-б.]. Амир Олимхон 1911 йил февралда Қизил хоч жамиятияга 100000 рубль, Еттисувда содир бўлган зилзила сабабли талофат кўрган оиласарга 25 минг рубль, шунингдек, Тошкент аёллар гимназияси ҳамда шаҳарда таълим олаётган кам таъминланган болаларга 3000 рублдан [9], март ойида амир рус-тузем касалхонасига 4000 рубль, Қизил хоч жамиятияга 100 минг рубль, чигирткага қарши кураш ишларига 64000 рубль миқдорида

хайрия маблағларини ажратган [10]. 1912 йилда Хива хонлиги бош вазири Сайид Исломхўжа шаҳардаги хайрия ташкилотларининг фойдаси учун 100000 рубль сарф этгани сабаб хон томонидан “вазири акбар” унвонини олган [1, 192-192-б.]. Туркистон мусулмонларининг мурожаати билан Бухоро амирлиги ҳуқумати 1912 йилда Қарши, Шахрисабз ва Ҳисорда касалхона очилишига 450 минг рубль сарфлаган. Шу йил Бухоро амири Олимхон Бухородаги 37 нафар татар талабалари учун 1000 рубл хайрия қилган [1, 198-б.]. Эски Бухоро полиция бошлиғи Вильман 1914 йил 14 июнда сиёсий агентликка йўллаган мактубга кўра “...жорий июнь ойининг дастлабки кунларида маҳаллий эшон Шояхсий 63 ёшга тўлиши муносабати билан анъанавий зиёфат берганда, бу тўй учун Бухоро амири ўн беш минг тангани эҳсон қилган [11, 37-б.]. Шунингдек, рус-япон уруши вақтида Россия империяси армиясидаги муҳтоҷларга Бухоро амири Абдулаҳад 1,5 млн рублдан ортиқ ҳайр-эҳсон қилган [4]. 1914 йил Қўйкон аҳолиси ҳам уруш учун 9000 рубл тўплаганлар. 1914 йил Олимхон ҳам ўз отасидан орқада қолмаган ҳолда биринчи жаҳон урушида у ярадор рус аскарлари фойдасига 1 миллион рубль хайр-эҳсон қилган [2]. Ҳатто империя олдида у шу хизматлари учун рус армияси генерал-лейтенанти унвонига сазовор бўлган ва императорнинг генерал-адъютанти деб тасдиқланган[5]. Бундан ташқари, Абдулаҳад Тошкент, Бухоро ҳамда Россиянинг бা�ъзи минтақалари муҳтоҷ аҳолисига рус мактаблари очилиши учун катта миқдорда ҳайр-эҳсон қилган [6]. “Россия муҳтоҷликлари учун” амир томонидан қилинган ҳайр-эҳсонлар Бухоро ва Россия ўртасида “дўйстона муносабатларни мустаҳкамлаш” деб баҳоланган [16]. Ҳатто, Исмоил Гаспринский Абдулаҳадни қоралаб, шу ҳайр-эҳсонларнинг кичик қисмига керакли йўналишда давлат ишларини ривожлантира олиши мумкин бўлган бир қанча саводли одамларни тайёрлаш мумкинligини ёзган [7]. Шунга қарамай, Гаспринский, “Berlin Tagblat” хабарига асосланиб, Абдулаҳад турк сultonни билан қурилган Хижоз темир йўли учун 160000 рубль ҳайр-эҳсон қилганлигини таъкидлайди [3]. Абдулаҳаднинг бу қилган ишини турлича баҳолаш мумкин. Биринчидан, у турк сultonни каби ўзини мусулмонларнинг ҳомийиси деб кўрсатишга ҳаракат қилган. Иккинчидан, у эҳтимол, руслар олдида ўзининг камситилган ҳолати учун ўзини оқлаган. Хива хонлари ҳам русларга нисбатан сахийликда ўз қўшнисига қараганда камтаринроқ бўлган. Шунга қарамай, улар ҳам турли вақтда рус армияси аскарлари фойдасига пул ва нарсалар билан ҳайр-эҳсонлар қилиб туришган [8].

Демак, Бухоро амирлари ҳамда Хива хонлари томонидан амалга оширилган ҳайрли ишлар ва ҳомийлик фаолияти нафақат Туркистон ўлкаси маҳаллий аҳолиси, балки Россия империяси ва у босиб олган ҳудудлар манфаатлари учун ҳам хизмат қилган. Ҳатто, улар амалга оширган ишларни қўллаб-қувватловчи ва танқид қилувчи тарафдорлар ҳам учраган. Танқид қилувчилар ҳуқмдорлар амалга оширган ҳайр-эҳсон, хайрия ва ҳомийлик ишларини хонликларни ривожлантириш, аҳолини саводли қилишга йўналтиргани маъқул эди,- деган фикрни илгари сурғанлар. Бу Россия империясининг хонликларга бўлган муносабатини, Ўрта Осиё хонликларининг империяга бўлган тобелигининг мустаҳкам бўлганлигини англатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдирашидов З. Анnotated biography of Turkestan materials in the gazette “Tarjuman” (1883-1917). Япония., Department of Islamic Area Studies, 2011. - С. 192.
2. Бухарә амиринингионаси // Таржимон. 1914. № 230.
3. Бухоро амири. // Таржимон. 1901. № 9.
4. Бухоро амирининг ҳадяси // Таржимон. 1904. № 13.
5. Жаноби Олий Бухоро амири Сайид Мир Олимхон ҳазратлари номига содир олинмиш фармони императори // Таржимон. 1916. №7.
6. Ионаи Абдулаҳадхон // Таржимон. 1892. № 4; Тошканд // Таржимон. 1893. № 20.
7. Исмоил. Бухоро // Таржимон. 1896. № 49.
8. Хива хони... // Таржимон. 1904. № 57; Бухоро ва Хива хонлари // Таржимон. 1904. № 70; Ташкент (рус.) // Таржимон. 1904. № 89; [Хива хони...] // Таржимон. 1906. №84; Хива // Таржимон. 1913. № 160.
9. “Правительственный вестник”. (Санкт-Петербург), 2,5,8 февраля 1911 г.
10. “Туркестанские ведомости”. (Ташкент), 27 февраля, 1 марта 1911 г.
- 11.Шарипов Р. Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан (Маъсул муҳаррир; Ҳ.Б.Бобоев) – Т;”Ўқитувчи”, 2002. - Б. 37.

12. ЎзР МДА., Фонд И – 2. Рўйхат 1. Йиғ. Жилд. 92. –В. 1,6.
13. ЎзР МДА., Фонд И – 2. Рўйхат 1. Йиғ. Жилд. 182. –В. 4,5.
14. ЎзР МДА., Фонд И – 1. Рўйхат 24. Йиғ. Жилд. 177. –В. 1.
15. ЎзР МДА., Фонд И – 2. Рўйхат 1. Йиғ. Жилд. 43. –В. 3.
16. ЎзР МДА., Фонд И – 2. Рўйхат 31. Йиғ. Жилд. 251. – В. 18.

УДК: 970

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ГЕРМАНИЯНИГ МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИГИ ТАРИХИ

Умаров С.Я. - Самарқанд давлат университети, ўқитувчи

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон ва Германиянинг маданий соҳадаги ҳамкорлиги икки давлатда ўтказилган маданият кунлари, санъат ва театр кунлари, фестиваль ва театрлар ҳамда мусиқа санъатидаги ўзаро алоқалар мисолида очиб берилган. Икки давлат халқининг тарихий алоқалари ёритилган.

Калит сўзлар: маданият кунлари, санъат ва театр кунлари, фестиваль, маданий марказ, театр, мусиқа санъати.

ИСТОРИЯ КУЛЬТУРНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И ГЕРМАНИИ

Умаров С.Я. – Самаркандский государственный университет, преподаватель

Аннотация. В этой статье обсуждается культурное сотрудничество между Узбекистаном и Германией в контексте дней культуры, дней искусства и театра, фестивалей и театров, а также музыкального искусства. В то же время упоминались исторические связи между двумя народами.

Ключевые слова: Дни культуры, дни искусства и театра, фестивали, культурные центры, театр, музыка.

FROM THE HISTORY OF CULTURAL COOPERATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND GERMANY

Umarov S.Y. – Samarkand State University, teacher

Abstract. This article discusses cultural cooperation between Uzbekistan and Germany in the context of days of culture, days of art and theater, festivals and theaters, as well as musical art. At the same time, historical links between the two peoples were mentioned.

Key words: days of culture, arts and theater days, festivals, cultural centers, theaters, musical art.

Икки минтақада жойлашган давлатлар – Ўзбекистон ва Германия маданияти ва тили жиҳатидан фарқ қиласда, икки мамлакат ҳалқлари ўртасидаги азалдан мавжуд бўлган ҳамкорлик 1993 йил 28 апрелда Ўзбекистон Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ҳукуматлари ўртасида “Маданий ҳамкорлик тўғрисида” битим имзоланиши билан қайтадан жонланди [1, 14].

Таъкидлаш жоизки, ҳалқларимиз ўртасидаги маданий алоқалари ўрта асрлар даврига бориб тақалади. Тарихий ва илмий адабиётларда турк-руний битиги ҳақида кўплаб ўқиганмиз. Айнан турк-руний деб номолиниши бир хил ёзувдаги битикларнинг турклар Ватани Энасой (Енисей) дарёси ҳамда ҳозирги Германия ҳудудидан оқиб ўтган Рейн дарёси ҳавзасидан топилиши билан боғлиқ. Бу эса, ўзбек ва немис ҳалқининг аждодлари ўртасидаги маданий алоқалар йўлга қўйилганигининг бир тасдиғи ҳисобланади. Ушбу ҳамкорлик Амир Темур даврида янада жадаллашди. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида ҳам ҳалқ дипломатияси кўринишида ҳалқларимиз орасидаги алоқалар тўхтаб қолгани йўқ. Мустақилликнинг ilk йилларида бу жараён янги босқичга кўтарилди.

Маданий ҳамкорликнинг ривожланишида Германияда Ўзбекистон маданияти кунларини ўтказиш ўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “ГФРда Ўзбекистон маданияти кунларини ўтказиш ҳақида”ги Қарори қабул қилиниши ўзига хос қадам бўлди. Унга кўра 1997 йил 10-27 апрел кунлари Германияда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди [2, 8].

Германияда бўлиб ўтган “Ўзбекистон маданияти кунлари”нинг очилиш маросимида катта концерт бўлиб, концерт дастурида Ўзбекистондан 4 та хонанда, 5 та созанда ва 12 та раққоса иштирок этди [3, 1-2].

Маданият кунлари доирасидаги тадбирларда иштирок этиш учун Фарғона вилояти давлат қўғирчоқ театри жамоаси ГФРга юборилди [3, 43]. 1997 йил 20 март куни 8 кунлик ташриф билан қўғирчоқ театри жамоаси Бонн шаҳрига келди [3, 89]. Театр ўзининг репертуаридаги янги, шарқ әртаклари асосида яратилган “Минг бир кечা” спектаклини намойиш қилди [3, 45].

Шунингдек, маданият кунлари доирасида иштирок этган “Томоша” болалар театр студияси томонидан концерт дастури амалга оширилди. Студиянинг “Шарқ бозори” деб номланган дастуридан ўзбек халқ ўйинлари, урф-одатлари акс этган фольклор саҳналар жой олган эди. Ўзбек халқ қўшиқлари билан бирга жаҳон халқлари қўшиқларидан ҳам намуналар “Томоша” болалар театр студияси томонидан ижро қилинди [3, 58].

“Ўзбекистон тасвирий санъати ва ҳайкалтарошлиги XXI аср бўсағасида” номли кўргазма Германияда 1997 йил апрел ойида бўлди. Кўргазмада ўзбек ижодкорларининг 50 та асари намойиш қилинди. Жумладан, 40 та тасвирий санъат асари ва 10 та ҳайкалтарошлиқ асарлари намойиши бўлди [3, 13-14].

Германияда бўлган Ўзбекистон маданияти кунларининг иккинчи ярми доирасида “Ўзбек адабиёти ва шеърияти кечаси” [2, 27], “Ўзбекистон халқ амалий санъати” кўргазмаси ва “Ўзбек халқ мусиқа ва рақс кечаси” ташкил қилинди [2, 128].

1997 йил 4-10 ноябрь кунлари Берлин шаҳрида “Ўзбек адабиёти ва шеърияти кунлари” бўлиб ўтди. Ушбу тадбирларда ўзбек адабиёти ва шеъриятининг йирик вакилларидан З киши иштирок этди [4, 9]. Маданият кунлари доирасида 1997 йил 10-17 ноябрь кунлари Берлин шаҳрида Ўзбекистон киноси кунлари бўлиб, унда “Тошкент – нон шаҳри”, “Самар билан учрашув” каби 6 та ўзбек бадиий фильмни ва 5 та қисқа метражли фильм намойиш қилинди [3, 65].

1997 йил 10-16 ноябрь кунлари Берлин шаҳрида маданият кунлари давом эттирилиб, “Берлин шаҳрида Тошкент шаҳри маданияти кунлари” ҳам бўлиб ўтди. Маҳкур маданият кунлари доирасида “Тошкент-Берлин: шерик шаҳарлар тасвирий ва амалий безак санъати асарлари комплекс кўргазмаси” [4, 9] ва “Ўзбекистон ислоҳот йўлида” фотокўргазмаси намойиш этилди [4, 34].

Ўзбекистон тарихи ва маданиятини Германияда кенг тарғиб қилиш, немис халқига таништириш мақсадида 2000 йилнинг сентябрида Бонн шаҳрида “Бухоро маданияти кунлари”, К.Аденауэр фонди кўмагида Сант-Аугустин шаҳрида “Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни” мавзусида илмий конференция [5, 2], “Орол экологик фожиасининг миллий ва халқаро аспектлари” симпозиуми каби маданий ҳамда илмий тадбирлар ўtkazilganligi [6] маданий ҳамкорликнинг изчил ривожланиб борганлигидан далолат беради.

2008 йил сентябрь-октябрь ойларида ГФРнинг маданияти, таълими ва фанини ҳамда немис халқининг анъаналари ва фольклорини Ўзбекистон аҳлига кенг намойиш қилиш мақсадида “Ўзбекистонда Германия маданияти кунлари” доирасида 27 номдаги турли маданий тадбирлар ташкиллаштирилди [7, 7]. Бу бир муддатли танаффусдан кейинги алоқаларнинг қайтадан жонланиши самараси эди. Маданият кунлари давомида 23-25 октябр кунлари хаваскор театрлар фестивалини ташкил этилди. Театр фестивалида Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятларидағи немис маданий марказлари қошидаги хаваскор театрлар иштирок этди [7, 2-5]. Шу йилдан бошлаб юқорида номлари тилга олинган театр жамоалари ҳар йили октябр ойида анъанавий тарзда театр фестивалини ўтказа бошлади.

Икки мамлакатнинг маданий соҳадаги ҳамкорлик алоқалари ривожланишида давлатларда бўлиб ўтган санъат ва театр кунларининг ўрни алоҳида бўлди. Хусусан, 1996 йил октябрда Тошкентда “Ўзбекистонда Германия санъати кунлари ҳафталиги”, 1997 йил март ойида Берлинда “Германияда Ўзбекистон санъати кунлари”, шу йилнинг апрел ойида Берлинда “Германияда ўзбек театри кунлари”, июнь ойида Тошкент шаҳрида “Ўзбекистонда Германия театри кунлари” бўлиб ўтди [8].

2000 йилнинг 15-24-октябрь кунлари “Ипак йўли-театр саёҳати” лойиҳаси доирасида Марказий Осиё мамлакатлари театр жамоаларининг фестивали бўлди. Машҳур “Ан дер Рур” театри саҳнасида ўtkazilgan anjumananda Ўзбекистондан Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театри “Бош масхарабоз” ва Қарши шаҳридаги “Эски масжид” театр-студияси “Қобил ва Ҳобил” спектакллари билан иштирок этишди [6]. Маданий ҳамкорлик алоқаларида театр соҳасидаги ҳамкорлик, шунингдек, немис маданий марказлари ва Ўзбекистон Ёшлар театри ҳамкорлик алоқалари мунтазам амалга оширилиб келинаётганлиги билан ажralиб туради.

2013 йил сентябр ойида Германия элчихонаси бир қанча маданий тадбирларни режалаштириди. Жумладан, 14-15 сентябр кунлари “Видергебурт” немис маданий марказининг Тошкент, Бухоро, Фарғона ва Самарқанд филиаллари қошидаги ҳаваскор актёрлар театр жамоалари Ўзбекистон Ёшлари театри билан ҳамкорликда театр фестивалини ташкиллаштириди. Бунга қадар Гейдельберг университети театр педагоги Й. Бюркерт томонидан ҳаваскор актёрлар учун амалий семинар ташкил этилди [9, 164]. Бу жараён 2008 йилда бошланган бўлиб, кейинги ўтган йилларда ҳам сақланиб қолинди ва ҳар йили театр фестивалини ўтказиш анъанага айланди [11, 244]. Й. Бюркерт томонидан шунингдек, республикамизнинг бир неча таълим муассасаларида ҳам талаба-ўқувчилар учун амалий семинар ўтилди [9, 163]. Бу каби амалий семинар машғулотлари кейинги театр фестиваллари давомида ҳам сақлаб қолинди ва анъанага айланди [11, 239]. Буни Республика ёшлар театрида 2017 йил ноябрь ойида Ўзбекистондаги немис тилидаги ҳаваскор театр труппалари ўртасида Х анъанавий театр фестивали бўлганлигида кўришимиз мумкин. Тадбирда немис тилини яхши билувчи мактаб, лицей, институт ва университет талabalari ҳам иштирок этдилар. Икки кун давомида республикамизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона шаҳарларида жойлашган Ўзбекистондаги немисларнинг “Wiedergeburt” маданий марказларининг ҳаваскор театр труппалари томонидан тўртта спектакл немис тилида намойиш этилди [12]. Юбилей фестивалини Бухоро театрининг ака-ука Гримм эртаклари асосида яратилган “Золушка” асари бошлаб берди. Самарқанд немис маданий маркази томонидан намойиш этилган “Бахт-бу...” пьесасида ҳаётда муҳими пул эмас, балки, ақл ва билим эканлиги кўрсатиб берилди. Фарғона маданий маркази томонидан “Квадрат дунё”, Тошкент маркази томонидан “Катта шаҳарнинг кичик тарихи” номли спектаклари намойиш этилди [12].

Германиянинг Дармштадт шаҳридаги “Хамелеон” театри 2004 йилдан бўён Хоразм вилояти Давлат қўғирчоқ театри билан ижодий ҳамкорликни яхши йўлга қўйган. “Хамелеон” театри 2008 ва 2011 йилларда Хивада бўлиб, “Минг бир кечада тушларига саёҳат” ва “Тушдаги қуён уяси” спектакларини саҳналаштириши ижодий ҳамкорликнинг яққол намунаси бўлди [9, 175]. Бундан ташқари 2013 йил 13-22 сентябр кунлари Хоразм вилояти қўғирчоқ театри жамоасининг Германияга ташрифи алоқаларни мустаҳкамлаб берди [9, 180].

1993 йилдаги Маданий ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг 2-моддасига асосан ГФРнинг Хайдельберг шаҳри Ёшлари театри ва Ўзбекистон Ёшлар театри ўртасида ҳамкорлик ўрнатилди [13, 118]. Икки театр жамоаси томонидан 2014-2016 йилларда биргаликда амалга ошириладиган лойиҳаларнинг режаси ишлаб чиқилди [13, 122]. Бу эса икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиш учун кенг имкониятлар берди. Жумладан, 2014 йилда Ўзбекистон вакиллари Германияга борган бўлса, 2015 йилда немис вакиллари юртимизда бўлди [13, 134].

Дунёда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги ўта мураккаб замонда миллати, тили ва дини турлича бўлган миллионлаб одамларни ҳеч қандай таржимонсиз дўст қиласиган, улар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлайдиган мусиқа санъатининг ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда [14].

Германия ва Ўзбекистон ўртасида бу йўналишда ҳам фаол ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Жумладан, Ўзбек-герман маданий ҳамкорлиги ҳамда Ўзбекистон, Германия ва Франция мусиқий ҳамкорлик дастурига биноан 1995 йил 4-19 декабрь кунлари Лейпциг шаҳрида бўлган немис, француз ва ўзбек ёшлари иштирокидаги фестивалда Ўзбекистондан 10 нафар санъаткор иштирок этди [15, 27]. 1995 йил “Сўғдиёна” оркестрининг созандалари 10 кун давомида Лейпцигда бўлдилар [15, 63]. Уч мамлакатнинг мусиқий ҳамкорлик дастури асосида навбатдаги концерт 1996 йил 26 ноябрдан – 4 декабрга қадар Тошкентда ўтказилди. Тадбирга 19 киши [15, 51], жумладан Франциядан 11 киши, Германиядан 8 киши ташриф буюрди [15, 63]. 1998 йил 23 октябрда Германиянинг “Георг Глазл квартет” мусиқий ансамбли Тошкентда чиқиш қилди [16, 19].

Мусиқа санъати соҳаси орқали маданий ҳамкорликни ривожлантиришда “Wiedergeburt” марказ томонидан Ўзбекистон ва Германиянинг буюк санъат намояндаларига бағишлиланган кечалар алоҳида аҳамият касб этди. Жаҳон мусиқасининг буюк композиторлари Иоганн Себастян Бах, Людвиг ван Бетховен, Франс Шуберт, Рихард Вагнер, Волфганг Амадей Моцарт асарларининг “Сўғдиёна” ўзбек миллий чолғу оркестри томонидан анъанавий ижро этилиши кенг жамоатчилик томонидан доимо юқори баҳоланиб келинган [17].

“Шарқ тароналари” мусиқа фестивали Шарқ ва Ғарб халқарини боғловчи риштага айланганлигини унда Германия вакилларининг иштирок этганлигида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, 1999 йилда бўлиб ўтган мусиқа фестивалида Германиядан 4 нафар вакил иштирок этди. Булар, Ульф Бухульт, Жиахи Саравани Годратилах, Б.Кристиана, Стефан Виона эди [16, 1].

Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасида 2000 йил октябрь ойида “Ўзбекистон-Бавария мулоқоти” деб номланган мусиқий компакт-диск тақдимоти бўлиб ўтди. Германияда чиқарилган ушбу дискда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги “Сўғдиёна” халқ ҷолғу асбоблари камер оркестри билан Мюнхенning Георг Глазл квартети ижросидаги ўн олтита мусиқий асар жамланган. Ўзбек мусиқа жамоаси бир неча бор Германияда ижодий сафарда бўлган. Мазкур компакт-диск сўнгги сафар ҷоғида бавариялик халқ мусиқаси ижрочилари билан намойиш этилган қўшма концерт асосида яратилган эди [18].

2017 йил ноябрь ойида Германияда жойлашган Дунё халқлари маданияти үйи томонидан Берлин, Бохум ва Вуппертал немис шаҳарларида Ўзбекистон мусиқа санъатининг тақдимоти ташкиллаштирилди. [19, 4].

Умуман олганда, халқларимиз орасидаги маданий алоқалар бугунги кунда ҳам жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Айниқса, 2019 йил январ ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Германияга ташрифи давлатлараро муносабатларни янги босқичга кўтариб, келгусидаги ҳамкорлик истиқболларини белгилаб берди.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги маданий ҳамкорлик, икки давлатнинг навбатдаги ўн йилликдаги алоқаларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. ЎзР МДА М-7-фонд, 1-рўйхат, 719-йиғма жилд.
2. ЎзР МДА М-7-фонд, 1-рўйхат, 589-йиғма жилд.
3. ЎзР МДА М-7-фонд, 1-рўйхат, 486-йиғма жилд.
4. ЎзР МДА М-7-фонд, 1-рўйхат, 588-йиғма жилд.
5. Деловой партнёр. Май, 1997. № 19.
6. Халқ сўзи. 2000 йил, 26 октябрь.
7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилиги жорий архиви (Кейинги ўринларда ЎзР МВЖА). 1-рўйхат, 1247-йиғма жилд.
8. ЎзР МДА М-7-фонд, 1-рўйхат, 481-йиғма жилд.
9. ЎзР МВЖА. 1-рўйхат, 1898-йиғма жилд.
10. ЎзР МВЖА. 1-рўйхат, 2267-йиғма жилд.
11. ЎзР МВЖА. 1-рўйхат, 2455-йиғма жилд.
12. Правда Востока. 21 ноября 2017 года.
13. ЎзРМВЖА. 1-рўйхат, 2079-йиғма жилд.
14. Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Шарқ тароналари” XI халқаро мусиқа фестивалининг очилишига бағишлиланган тантанали маросимдаги табрик сўзи // Самарқанд, № 71, 2017 йил, 30 август.
15. ЎзР МДА М-7-фонд, 1-рўйхат, 484-йиғма жилд.
16. ЎзР МДА М-7-фонд, 1-рўйхат, 332-йиғма жилд.
17. “Wiedergeburt” Ўзбекистон немислар маданий маркази // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси расмий сайти // <http://kmods.uz/mita-a-ida/millij-madanij-markazlar/wijedergeburt-zbekiston-nemislars-madanij-markazi/?lang=oz> Сайтга 18.04.2018. да мурожаат қилинди.
18. Халқ сўзи. 2000 йил, 20 октябрь.
19. Uzbekistan today // When the East meets the West. No 46. November 17, 2017.

УДК: 32

**ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ШАРОИТИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ
ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ МАСАЛАЛАРИ**

**Мирзаев F.P. - Тошкент давлат педагогика университети, тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)**

Аннотация. Мазкур мақолада Марказий Осиё давлатларининг интеграциялашув масалалари берилган. Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий майдонда муҳим ўрин тувиши таҳлил этилган. Мустақиллик шароитида Марказий Осиё давлатлари интеграциялашувига таъсир кўрсатувчи омиллар изоҳлаб берилган. Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлиги жуғрофий, тарихий-этник ва ижтимоий-иқтисодий эҳтиёж эканлиги баён этилган.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, минтақа, интеграция, геосиёсий майдон, Трансоксония, минтақавий муаммолар, таҳдид, этник сиёsat, географик омил.

**ИНТЕГРАЦИЯ СТРАН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В УСЛОВИЯХ СОВРЕМЕННЫХ МЕЖДУНАРОДНЫХ
ОТНОШЕНИЙ**

**Мирзаев Г.Р. – Ташкентский государственный педагогический университет, кандидат
исторических наук(PhD)**

Аннотация. В данной статье освещены вопросы взаимодействия центральноазиатских стран. Проанализировано важное место центральноазиатского региона в geopolitической сфере. Объясняются факторы, влияющие на интеграцию государств Центральной Азии в условиях независимости. Анализируется географическая, историко-этническая и социально-экономическая необходимость сотрудничества государств Центральной Азии.

Ключевые слова: Центральная Азия, регион, интеграция, geopolитическое поле, Трансоксония, региональные проблемы, угроза, этническая политика, географический фактор.

**INTEGRATION OF CENTRAL ASIA COUNTRIES IN THE CONDITIONS OF MODERN INTERNATIONAL
RELATIONS**

Mirzaev G.R. – Tashkent State Pedagogical University, doctor of philosophy in history (PhD)

Annotation. This article highlights the issues of interaction of Central Asian countries. The important place of the Central Asian region in the geopolitical sphere is analyzed. The factors influencing the integration of the Central Asian States in the conditions of independence are explained. The factors influencing the integration of the Central Asian States in the conditions of independence are explained. The geographical, historical, ethnic and socio-economic necessity of cooperation of the Central Asian States is analyzed.

Key words: Central Asia, region, intergation, geopolitical field, Transoxonia, regional problems, threat, ethnic policy, geographical factor.

Марказий Осиё – Осиёнинг ички қисмидаги табиий ҳудуд ҳисобланиб, майдони 6 млн². Километрни ташкил этади. Шимолий ва ғарбий чеккаси Мўғулестон, Хитой Халқ Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги давлат чегарасигача бўлиб, шарқ Катта Хинган, жануби эса Тибет ҳудудидаги Цангпо (Брахмапутра) дарёси ва Ҳинд дарёсининг юқори қисми билан ўралган.

«Марказий Осиё» атамаси биринчи марта таникли немис олим, географ Александр фон Гумбольдт томонидан 1843 йили Парижда нашр этилган уч жилдли «Марказий Осиё. Тоғ тизмаларини тадқиқ қилиш ва иқлиmlарни таққослаш» асарида қўлланилган эди. Унда олим ички суғориш системасини ва тоғ тизмаларини ўрганиб, Марказий Осиёни алоҳида, ўзига хос минтақа сифатида ажратди.

Шундан сўнг «Марказий Осиё» тушунчаси узоқ вақт мобайнида, то яқин давргача геосиёсий тушунча сифатида эмас, тарихий ёки географик атама сифатида қўлланилиб келинди. Боз устига, минтақанинг чегаралари ҳам, унинг таркиби ҳам аниқ бўлмасдан, турли тарихий даврларда ва халқларда ҳар хил аталган. Тарихан олганда, географик омиллар асосий мезон бўлиб хизмат қилган.

Юнонлар ва римликлар уни «Трансоксония» - Oxus дарёси ортидаги ер, хитойликлар «Фарбий ўлка», араблар - «Мовароуннахр» ёки икки дарё оралиғи деб атаганлар. Эрон «Турон»дан ажратилған. Баъзан миңтақа этнолингвистик асосда «Түркистон» деб аталған бўлса, баъзи ҳолларда у «Ички Осиё» (InnerAsia) деб кенгайтирилған тарзда талқин қилинганд. Аммо Марказий Осиё чегаралари ҳар хил номлар билан аталғанлигига қарамай, барча тадқиқотчилар бир нарсада яқдил эдилар – миңтақа жаҳон тараққиётида жуда муҳим рол ўйнаб келган [3, 11-12].

XX асрнинг охирида жаҳонда оламшумул воқеалар рўй берди. Дунёning сиёсий харитасида рўй берган ўзгаришлар, шубҳасиз, Марказий Осиё миңтақасида ҳам ўз аксини топди. Миңтақанинг геосиёсий майдонда муҳим ўрин тутишининг моҳияти шундаки, қўшни миңтақа ва давлатлардаги тинчлик ва осойишталик кўп жиҳатдан ушбу ҳудуднинг иқтисодий тараққиёти ва ижтимоий-сиёсий барқарорлигига боғлиқдир. Бу ҳолат, биринчидан, Марказий Осиё давлатлари тарихий ривожланишининг ўзига хослиги, чунончи, бунга нисбатан муносабатда кескин ёндашувларни қабул қилмаслиги халқаро терроризм, экстремизм ва сепаратизмнинг нафақат миңтақада, балки қўшни давлатлар ҳудудида тарқалишига тўсқинлик қиласидан муҳим омил сифатида хизмат қилади.

Иккинчидан, миңтақада наркотрафикка қарши кураш, ядро хавфсизлигини (миңтақани ядродан ҳоли ҳудуд деб эълон қилиш ташаббуси орқали) таъминлашда биргалиқда ҳаракат қилиш зарурати англаб етилган.

Миңтақа хавфсизлигини таъминлашга қаратилган интеграцион жараёнлар келгусида глобал хавфсизлик тизимиға ижобий таъсир этиши шубҳасиздир. Чунки миңтақа жиддий ҳарбий-сиёсий омил бўлиш билан бир қаторда Россия ва Хитой сингари йирик давлатлар билан ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий соҳада яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Учинчидан, энергетика заҳираларининг глобал инқирози кутилаётган бир пайтда, миңтақа ушбу заҳиралар нуқтаи назаридан катта имкониятларга эга.

Тўртинчидан, миңтақадаги қатор давлатларнинг иқтисодиёти жадал ривожланиб, улар ўртасидаги интеграцион жараёнларнинг мустаҳкамланиб бораётгани келгусида бу ҳудудда глобаллашув таҳдидларига дош бера оладиган ёки унинг имкониятларидан самарали фойдалана оладиган иқтисодий жиҳатдан ўта ривожланган марказ вужудга келиши мумкинлигидан далолат беради.

Бешинчидан, миңтақа давлатларида демократия тамойилларининг миллий-маданий хусусиятлар билан ўйғуллаштирилган сиёсий тараққиётнинг ўзига хос моделлари шакллантирилмоқда. Марказий Осиёда барқарор сиёсий тизимнинг вужудга келтирилиши эса миңтақа манбаатларини глобал халқаро муносабатлар даражасида эътироф этилишига шарт-шароит яратади [4, 180].

Шу билан бирга, Марказий Осиё давлатларини бирлаштирадиган умумий хусусиятлар ҳам мавжуд. Булар сирасига а) яхлит маънавий- маданий тарихий мерос, эътиқод, тил ва менталитетнинг муштараклиги; б) сув артериялари, коммуникация ва энергетика заҳираларининг умумийлиги; в) иқтисодий-ижтимоий тараққиёт даражаси ва аҳоли турмуш шароитларининг нисбатан бир-бирига яқинлиги; г) жамиятни демократлаштириш, ҳуқуқий давлатни шакллантириш, бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ муаммоларнинг ўхшашлиги; д) миңтақавий муаммолар – Оролдаги экологик инқироз, сув ва ёқилғи-энергетика заҳираларидан оқилона фойдаланиш, коммуникация тизимларига интеграциялашув масалалари каби хусусиятларни киритиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё (ўша пайтда Ўрта Осиё ва Қозоғистон) давлатларининг 1990 йил июндаги Алмати учрашувида ўзаро дўйстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ниҳоятда муҳим эканлиги таъкидланди. Мазкур йиғилиш Совет Иттифоқи ҳукмронлигининг сўнгги давларидан бўлиб, иқтисодий инқироздан қутулиш учун беш давлатнинг иқтисодий имкониятлари таҳлил этилди ва ушбу давлатларнинг ҳар йили учрашиши тўғрисида келишиб олинди [6].

Навбатдаги учрашув 1991 йил 13-15 августда Тошкентда бўлиб, унда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалараро Маслаҳат Кенгашини тузиш тўғрисида битим имзоланди. Унинг вазифаси этиб бешта мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорлик қилиш учун шароит яратиш, миңтақа манбаатларидан келиб чиқиб сиёсат юритиш деб кўрсатилди[7, 348]. Ушбу масалага доир Марказий Осиё давлатлари Президентларининг навбатдаги йиғилиши 1991 йил декабрда Ашхободда бўлиб ўтди ва йиғилиш

кузатувчилар ва тадқиқотчилар томонидан «мintaқавий умумийликнинг тузилиши ва англаниши», – деб баҳоланди [8, 70].

1993 йилнинг январида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкент учрашуви ташкил этилди. Олий даражадаги ушбу учрашувда Марказий Осиё Ҳамдўстлигига асос солинди. Беш давлат – Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон раҳбарлари Ҳамдўстлик ҳақидаги битимни имзолашди [9].

Марказий Осиё давлатларининг бирлашишга туртки бўлган зарурий шароит бу - уларнинг географик жойлашуви, келиб чиқишиниг умумийлиги, маданияти ва тарихи бўлди. Сиёсатчи, Ф.Усарованинг фикрича, бу жараён бир қатор муҳим босқичларни босиб ўтди.

Биринчи босқич ўз ичига 1990 йил июл ойидан 1993 йилгача бўлган даврни қамраб олди. Ушбу давр оралиғида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари интеграцион моделни ишлаб чиқишига интилдилар. Бу марказий иттифоқдан катта автономияни қўлга киришишга бўлган биринчи уринишлар эди. Нихоят 1993 йил январ ойида, Тошкентда бўлиб ўтган саммитда ушбу моделни – Марказий Осиё республикалари ҳамдўстлигини эълон қилишди. Бу зиддиятли давр эди. Сабаби янги мустақил давлатлар иқтисодий жиҳатдан ҳали ҳам марказга қарам эди.

Иккинчи босқич - 1993 йил июлдан 1995 йил декабргача бўлган даврда Марказий Осиё республикаларининг иқтисоди анча мустаҳкамланди. 1994 йил 10 январда Қозоғистон Республикаси Президенти Н.Назарбоев Ўзбекистонга ташриф буюрди ва улар ўртасида умумий иқтисодий ҳудуд тўғрисидаги битим имзоланди. Тез орада унга Қирғизистон ҳам қўшилди. 1994 йил июл ойида Олмаотада Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон Республикаси Президентлари иштирокида бўлган учрашувда давлатлараро тузилмалар умумий иқтисодий ҳудудларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида тузилганлиги эълон қилинди. Ушбу давр мобайнидаги энг муҳим воеалардан бири – Марказий Осиёда мintaқавий хавфсизлик борасида Тошкентда 1995 йил 15-16 сентябрдаги ҳалқаро семинарнинг ўтказилганлиги бўлди [11].

Мintaқавий интеграциянинг учинчи босқичи 1995 йил 15 декабрда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон президентларининг Жамбул (Қозоғистон)даги учрашуви билан бошланди. Мазкур учрашувда мintaқа давлатлари иқтисодий ҳамкорлиги ва инвестициявий сиёсатни мустаҳкамлаш, Марказий Осиё тикланиш ва тараққиёт банкини тузиш, БМТ иштирокида Марказий Осиё тинчликпарвар ҳарбий мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш каби масалалар кўриб чиқилган [8, 70].

Тўртинчи босқич маълум даражада зиддиятли ҳолатлар 1999, 2000, 2001 йиллар оқибатида вужудга келди [8, 70-71]. Бу йилларда мазкур мintaқа ва умуман глобал тузум ҳалқаро терроризм объектига айланиб қолди. 2001 йил декабрь ойида Марказий Осиё бирлашмаси янги ном, Марказий Осиё ҳамдўстлиги ташкилоти номини олди. Лекин, Туркманистон давлати мintaқавий интеграцион жараёнларда фаол иштирок этмади. Ушбу ҳолат мintaқа давлатлари интеграция жараёни сустлашишига олиб келди. Бу жараёнга ҳалқаро эксперталар томонидан турлича баҳо берила бошланди.

Айни пайтда Марказий Осиё мintaқасида жойлашган давлатларда ўзига хос табиий ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд. Собиқ СССР даврида қазиб олинган кўмирнинг қарийб 20 фоизи, газнинг 18 фоизи, олтиннинг 33 фоизи, ўсимлик ёғининг 26 фоизи, пахтанинг 92 фоизи ана шу мintaқа ҳисобига тўғри келарди. Шу масаланинг ўзиданоқ бой, дехқончилиги тараққий топган, маъдан хазиналари беҳисоб бўлган мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш қанчалик самарали эканлиги яқъол кўзга ташланади [8, 68-69].

Марказий Осиё давлатлари манбаатлари кўп жиҳатдан муштарак бўлса-да, баъзи умуммintaқавий муаммоларни ҳал қилиш учун муайян вақт, қандайдир жиддий ечимини топмаган масалаларни ҳал қилиш учун эса кенгайтирилган мулоқот майдонининг кераклиги тақозо этилмоқда.

Б.И. Саримсаков в сборнике «Узбекские народные пословицы» в отношении узбекских пословиц пишет, что “их национальное своеобразие и общечеловеческий характер проявляется в тематическом диапазоне, в манере отображения действительности, в художественной форме и, наконец, в языке.

Присмотревшись внимательно, нетрудно заметить, что узбекские пословицы делятся по отмеченным выше признакам на две большие группы:

1. Пословицы, встречающиеся как в узбекском фольклоре, так и в фольклоре других народов. Такие пословицы, отражающие общечеловеческие категории и качества, могут быть заимствованы у других народов; а также создаваться самостоятельно у каждого народа на основе общих закономерностей развития.

2. Пословицы, отражающие жизнь, мировоззрение, этические и эстетические нормы, обычаи и традиции именно узбекского народа” (Узбекские народные пословицы, 1983, с.12-13).

Проявление национального своеобразия в пословицах Узбекского языка, как и в пословицах русского языка, отмечается в следующих случаях:

- а) в непосредственном отражении общественно-политической, культурно-экономической жизни, быта и исторической действительности узбекского народа;
- б) в отражении характерных для узбекского народа территориальной топонимики, растительного и животного мира;
- в) в наличии характерных для узбекского народа этнографических особенностей;
- г) в языке (Узбекские народные пословицы, 1983, с.13).

Наиболее ярко национальное своеобразие пословиц узбекского и русского языков проявляется при их сравнительном анализе. Как пишет Я.И. Калонтаров, “Сравнительное рассмотрение пословиц и поговорок народов, тесно связанных многовековым соседством, общими линиями этнической и политической истории, общностью исторически сложившихся типов хозяйства, быта и культуры, освещает многие стороны взаимодействия и взаимовлияния национальных культур” (Калонтаров, 1989, с.4). При этом национальное своеобразие пословиц отражается не только в их структуре, но и в составе образов, например:

Ўзб.: **Тайёр ошга баковул, етим кизга ясовул** (Повар на готовый плов, есаул над сироткой) (говорится отех, кто сам не трудился, а распоряжается). **Чигирткалар экин ер, экмай-тикмай текин ер** (Саранча не сеет, не жнет, а даром ест).

Рус.: **Жнет, не сеял, ест, не веял. К готовому костру щепочки пригребает. Легко за готовым хлебом на полатях спать.**

Ўзб.: **Шариатда шарм йўқ** (Шариат стыда не знает). **Шариатнинг йўли кўп** (У шариата много дорог).

Рус.: **В бога верить – на ощупь мерить. В монастыре, что в омуте: сверху гладко, внутри гадко. Грешнее попов не бывает. За обильное приношение и грехам прощение. Монахи бога в монастыре**

предадут. На устах имя божье, а в душе – мысли о грабеже. Поп по карману молебен служит. Поп и поросенка окрестит, лишь бы водка да закуска была. Правой рукой крестит, а левой в чужой карман лезет.

Пословицы узбекского языка могут иметь сходства и различия с пословицами русского языка по их лексическому составу, структуре (построению), составу образов и т.п. Так, встречаются полные соответствия. Например:

Отнинг тўрт оёғи булса-да, қоқинади. - Лошадь на четырех ногах и та спотыкается. Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама. – На зеркало нечего пенять, коли рожа крива. Эгилган бошни қилич кесмас. - Повинную голову меч не сечет. Ҳеч бўлмаганидан кеч бўлган яхши. - Лучше поздно, чем никогда. Оз бўлса хам, соз бўлсин. - Лучше меньше, да лучше.

Некоторые пословицы узбекского и русского языков имеют совпадения по форме. Например:

Ўзб.: **Яхши гўштдан яхши шўрва** (Из хорошего мяса хороший суп).

Рус.: **От хорошего дерева и плод хороший.**

Ўзб.: **Ақл ёшда эмас, бошда** (Ум не в летах, а в голове).

Рус.: **Мудрость в голове, а не в бороде. Ум не в бороде, а в голове.**

Ўзб.: **Аҳмоқнинг ақли тушдан кейин киради**(У глупца ум после полудня).

Рус.: **Дурак торгует, когда базар кончится.**

Однако в большинстве случаев пословицы узбекского и русского языков имеют только смысловое сходство. Сравните:

Ўзб.: **Қўрқоқ от ўз соясидан ҳуркар** (Пугливая лошадь от своей тени шарахается).

Рус.: **На трусливого и уж змея.**

Ўзб.: **Аҳмоқ дўст ёвдан ёмон** (глупый друг хуже врага).

Рус.: **Не бойся врага умного, бойся друга глупого.**

Ўзб.: **Вақт кетига қайтмас, сув кетига оқмас** (Время не вернется назад, река не потечет вспять).

Рус.: **Времени не повернешь.**

Таким образом, можно сказать, что примеры, которые мы приводили выше, свидетельствуют о национальном характере пословиц. А особенно это замечается в антропоцентрических пословицах, потому что антропоцентрические пословицы в центре своего происхождения показывают суть человеческого поведения, мышления, характера, кругозора и нрава.

Все фразеологические единицы имеют и универсальную, и национальную специфику. А особенно это отражается в пословицах каждого народа.

Пословицы узбекского и русского языков обладают свойством универсальности, с одной стороны, и национальным своеобразием – с другой. Национальное своеобразие пословиц мотивируется их лексическим составом, структурой и образным строем. Отражаемые в пословицах реалии способствуют передаче особенностей национального мировоззрения и быта узбекского и русского народов.

Литература:

1. Аникин В.П. Русские пословицы и поговорки.-М., 1988.
2. Жуков В.П. Словарь русских пословиц и поговорок.-М., 2002.
3. Калонтаров Я.И. Мудрость трех народов.-Душанбе, 1989.
4. Пермяков Г.Л. Пословицы и поговорки народов Востока.-М., 1979.
5. Роль человеческого фактора в языке: язык и картина мира.-М., 1988.
6. Узбекские народные пословицы / Сост. Б.И.Саримсаков, А.К.Мусакулов.- Ташкент,1983.
7. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент, 2003.
8. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маннолар махзани. Тошкент, 2001.
9. Шомақсудов Ш, Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. Тошкент, 1990.

**ҲАРБИЙ ПЕДАГОГЛАРНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИ БҮЙИЧА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Маматқулов X.А. - Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, мустақил изланувчи

Аннотация. Мақолада ҳарбий педагогларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда хорижий тил бўйича касбий компетентлигини ошириш муаммолари ва ахборот-таълим мұхитини яратиш шарт-шароитлари ёритилган.

Калит сўзлар: инновация, интернет-ресурс, интеграция, компетенция, компетентлик, касбий компетентлик, коммуникация, масофавий таълим.

**ОСОБЕННОСТИ НЕЗАВИСИМОГО ОБУЧЕНИЯ В РАЗВИТИИ КОМПЕТЕНТНОСТИ ВОЕННЫХ
ПЕДАГОГОВ ПО АНГЛИСКОМУ ЯЗЫКУ**

Маматқулов X.А. - Узбекский государственный университет мировых языков, исследователь

Аннотация. В статье рассматриваются проблемы повышение уровня профессиональной компетентности военных педагогов по иностранному языку с применением информационно-коммуникационных технологий и условия создания информационно-образовательной среды.

Ключевые слова: инновация, интернет-ресурс, интеграция, компетенция, компетентность, профессиональная компетентность, коммуникация, дистанционное обучение.

**FEATURES OF SELF-STUDY LEARNING IN THE DEVELOPMENT OF THE COMPETENCE OF
MILITARY TEACHERS IN ENGLISH LANGUAGE**

Маматқулов X.А. - Uzbek State World Languages University, researcher

Annotation. The article discusses the content of normative model of military teacher's competency, displaying scientifically based composition of professional knowledge and skills and here we can see pedagogical condition and developing level of professional competence of foreign languages teachers.

Key words: innovation, online resource, integration, competence, professional competence, creativity, linguistics, distance learning, pragmatics sociolinguistics.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, таълим ва фан соҳасидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари ва вазифалари хусусида тўхталиб ўтар экан, мазкур йўналишларда мавжуд имкониятлар, салоҳиятдан унумли фойдаланиш, ёшлар билим даражасини юксалтириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш стратегик мақсадларимизнинг асосини ташкил этишини таъкидлаб келмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сон «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларида шунингдек, мазкур соҳага тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда таълим сифатини таъминлашга доир белгиланган вазифаларни амалга ошириш бугунги қуннинг долзарб вазифалари ҳисобланади²⁰.

Жаҳон ҳамжамиятияга интеграциялашиш ва ижтимоий жараёнларнинг глобаллашуви шароитида ахборот-коммуникация технологияларини жадал суръатлар билан ривожланиши ўзаро мулоқот воситаси сифатида чет тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Дунё тажрибасига кўра, ахборот-коммуникация технологиялари²¹ мұхитида ўқитишнинг илғор усууларини жорий этган ҳолда ҳарбий хизматчиларнинг хорижий тиллар бўйича билим, малака ва кўникмаларини ошириш

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

ҳамда фан-технологияларнинг сўнгги ютуқларини таълим жараёнига татбиқ этиш мухим аҳамиятга эга²².

Мустақиллик йилларида ҳарбий хизматчиларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантириш учун зарур моддий-техник шарт-шароитлар яратилди. Натижада, ҳарбий хизматчиларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи ахборот-методик таъминотни яратиш ҳамда ундан таълим жараёни самарадорлигини оширишда фойдаланишга эришилди. Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш» ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш устувор вазифалардан бири сифатида кўрсатиб ўти²³.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда ҳарбий хизматчиларни хорижий тиллар бўйича компетентлигини ривожлантиришнинг мухим йўналишларидан бири ахборот-коммуникация технологиялари воситасида таълим жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмунини интерфаол воситалар асосида тубдан янгилаш долзарб масала сифатида намоён бўлмоқда.

Ҳарбий хизматчилар учун “Хорижий тил” йўналиши бўйича машғулотларга ажратилган вақт давомида инглиз тилини ўрганиш бўйича умумий йўналишлар берилади. Шу сабабли, ушбу машғулотни ўзлаштириш учун ҳарбий хизматчи ўз устида мустақил равишда етарлича вақт мобайнида ишлаши талаб этилади ва бу ҳарбий хизматчилардан хорижий тилни ўрганиш мақсадида кўплаб адабиётлар, электрон маълумотлар ва бошқа манбалардан фойдаланишини тақазо этади. Ушбу жараённи мумкин қадар енгиллаштириш мақсадида off-line тизими асосида ҳарбий таълим муассасаси учун яратилган электрон ахборот-методик таъминот тизимидан фойдаланиш самарали натижалар беради деб ҳисоблаймиз²⁴.

Таълимда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этилиши шароитида ахборот-методик таъминот платформасининг ишлаб чиқилиши замонавий ахборот ва таълим ресурсларини тўплаш ҳамда тарқатиш воситаси сифатида инглиз тилида мустақил таълим олиш имкониятларини яратади.

Замонавий инновацион технологияларни таълим жараёнига қўллаш, ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро ҳамда педагог билан алоқасини таъминлаш, мустақил таълимини педагогик ресурслар билан таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш мақсадида хорижий тиллар кафедрасининг электрон ахборот методик тузилмаси таркибида ҳарбий хизматчиларни хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи ахборот-методик таъминот платформаси яратилди [9]. Ушбу ахборот-методик таъминот платформасининг таркиби қўйидаги ахборот-таълим ресурсларидан ташкил топган (1-расм).

Мазкур ахборот-методик таъминот ресурсларини назарий ва амалий жиҳатдан асослаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида яратилган тизим ҳарбий хизматчиларни билимини ва уларнинг малакасини ошириш жараёнида таълим сифатини, хусусан мустақил таълим сифатини оширишдаги ўрни ҳамда уни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаб беради. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларни инглиз тили бўйича компетентлигини ошириш жараёнини самарали ривожланишини таъминлаш учун ахборот-методик таъминот платформаси таълим ресурсларини шакллантиришга нисбатан талаблар, унинг вазифалари ҳамда йўналишлари аниқлаб олинди.

²² Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишининг илмий-назарий асослари. Монография. – Тошкент: Фан, 2007. – 160 б.

²³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли қарори.


²⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 200-сонли қарори.



1-расм. Ахборот-методик таъминот тизими таркибий тузилмаси²⁵

Ахборот-методик таъминот платформасида мазкур тизимдан фойдаланиш ҳақида маълумотлар саҳифасида тизимдан фойдаланиш бўйича тушунтиришлар йўриқнома тарзида берилган (2-расм).

Бунда, ҳарбий хизматчи ушбу тушунтиришлар билан танишиб чиққандан сўнг, ахборот-методик таъминот платформаси ресурсларидан қандай фойдаланиш керак эканлигини ва улар қандай босқичларда амалга оширишилиши ҳақидаги маълумотларни билиб олади. Шунингдек, ҳарбий хизматчи чет тилини ўрганиш ва ўқитиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар, умумевропа стандартларини ҳамда тил ўқитишдаги турли ёндашувлар (коммуникатив ёндашув, ҳаракатли ўйинлар орқали ёндашув)ни билиши зарур эканлиги тўғрисида тушунчаларга эга бўладилар.



2-расм. Ахборот-методик таъминотнинг тизимдан фойдаланиш ҳақида маълумотлар саҳифаси²⁶

Шунингдек, ахборот методик таъминотда ҳарбий хизматчиларнинг инглиз тили фани асосларини чуқур ўрганишларини ташкил этиш мақсадида зарур бўлган ўқув-меъёрий ҳужжатлар, электрон шаклдаги инглиз тили ва тил ўқитиш методикасидан дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув услубий мажмуалар ва бошқа турдаги материаллар, Давлат таълим стандарти ва унга мос равища яратилган намунавий дастур, маъруза, семинар ва амалий машғулотларнинг мазмуни ва фаннинг ўқув-

²⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

²⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

услубий таъминоти ҳамда бошқа ўқув материаллари Электрон кутубхона шаклида тизимлаштирилган (3-расм).

Level	Description	Modular
Starter, Beginner & Elementary	A1 - Umumevropa xalqaro standart bo'yicha Tashkil etilgan sana: 2015-01-10 A'zo bo'lingan vaqt: 2015-01-15 11:17:28	10 ta A'zolar: 2 nafar
Pre Intermediate	B1+ - Umumevropa xalqaro standart bo'yicha Tashkil etilgan sana: 2015-01-10 A'zo bo'lingan vaqt: 2015-01-21 18:33:45	2 ta A'zolar: 2 nafar
Intermediate	B1+ - Umumevropa xalqaro standart bo'yicha Tashkil etilgan sana: 2015-01-10 A'zo bo'lingan vaqt: 2015-01-21 18:33:50	2 ta A'zolar: 2 nafar
Upper Intermediate	B2 - Umumevropa xalqaro standart bo'yicha Tashkil etilgan sana: 2015-01-10 A'zo bo'lingan vaqt: 2015-01-21 18:01:08	2 ta A'zolar: 2 nafar
Advanced	C1 - Umumevropa xalqaro standart bo'yicha	1 ta A'zolar: 2 nafar

3-расм. Ахборот-методик таъминотнинг Электрон кутубхона саҳифаси²⁷

Кутубхонанинг ахборот-таълим ресурсларидан педагогика соҳаси фанлари бўйича электрон мълумотлар базасини яратишида хорижий тиллар бўйича ҳарбий хизматчиларнинг мустақил таълим мининг ўқув-методик таъминоти сифатида фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Ахборот методик таъминотнинг амалий ва ижодий ишлар саҳифасида ҳарбий хизматчилар учун мустақил таълим олишнинг илғор шаклларини ўзида мужассамлаштирган амалий ва ижодий ишлар топшириқлари ўрин олган (4-расм).

Level	Description	Modular
Starter, Beginner & Elementary	A1 - Umumevropa xalqaro standart bo'yicha Tashkil etilgan sana: 2015-01-10 A'zo bo'lingan vaqt: 2015-01-15 11:28:28	10 ta A'zolar: 2 nafar
Pre Intermediate	B1+ - Umumevropa xalqaro standart bo'yicha Tashkil etilgan sana: 2015-01-10 A'zo bo'lingan vaqt: 2015-01-21 18:33:45	2 ta A'zolar: 2 nafar
Intermediate	B1+ - Umumevropa xalqaro standart bo'yicha Tashkil etilgan sana: 2015-01-10 A'zo bo'lingan vaqt: 2015-01-21 18:33:50	2 ta A'zolar: 2 nafar
Upper Intermediate	B2 - Umumevropa xalqaro standart bo'yicha Tashkil etilgan sana: 2015-01-10 A'zo bo'lingan vaqt: 2015-01-21 18:01:08	2 ta A'zolar: 2 nafar
Advanced	C1 - Umumevropa xalqaro standart bo'yicha	1 ta A'zolar: 2 nafar


4-расм. Ахборот-методик таъминотнинг амалий ва ижодий ишлар саҳифаси²⁸

Инглиз тилини мустақил ўрганувчилар учун аудио-видео материаллардан иборат алоҳида маълумотлар саҳифаси мавжуд бўлиб, унда нарса, воқеа ва ходисларнинг оддий тафсилотларидан бошлиб, нисбатан мураккаброқ бўлган маълумотларни инглиз тилида талқин этувчи қизиқарли вазиятларни эшитиш, ўқиб ўрганиш машқлари жой эгаллаган [10,12]. Шунингдек, ушбу саҳифада мавжуд материаллар тингловчиларнинг мавзуга оид турли коммуникатив топшириқлар воситасида тил кўнилмаларини ахборот қабул қилиш ва етказиш учун қўллаш, тил ўқитишдаги турли ёндашувлар (коммуникатив ёндашув, ҳаракатли ўйинлар орқали ёндашув) ҳақида билимларга эга бўлиш, хорижий тилда тинглаб тушуниш, ўқиш, гапириш ва ёзув, тил амалиёти аспекти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралиғида), чет тилидаги соҳага оид ва оммабоп матнларни таҳлил қилиш ҳамда мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, яъни суҳбатдошига ўз фикрини чет

²⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

²⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

тилида баён эта олиш, диалогик ва монологик нутқ ёрдамида сўзлашиш ҳам ёзма муроқотга киришиш каби билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилади (5-расм).



5-расм. Ахборот-методик таъминотнинг аудио-видео материаллар саҳифаси²⁹

Ахборот-методик таъминотнинг фойдаланиладиган адабиётлар саҳифасида инглиз тилини ҳарбий хизматчилар учун инглиз тилида ёзилган хорижий адабиётлар, инглиз тилини ўқитиш методикасига оид рисолалар, инглиз ва бошқа тилларда сўзлашгичлар, инглизча-русча, русча-инглизча, ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча луғатлар ва бошқа материаллар номлари, муаллифлари, нашр этилган санаси ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топган.

Ҳарбий хизматчилар учун тақдим этилаётган адабиётлар уларнинг чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириш ва ундан ўз касб маҳорати, ва илмий фаолиятини муттасил ошириб бориша фойдаланиш ҳамда чет тилида тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзиш бўйича билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш, ривожлантириш орқали умумевропа стандартининг талаб этиладиган (B1-B2) даражасига етказиш жараёнларида самарали восита сифатида хизмат қилиши кўзда тутилган [2, 3].

Тизимдан фойдаланувчилар учун инглиз тили бўйича мустақил таълим олиш ва унда ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда замонавий таълим технологияларининг ўрни ва аҳамиятини эътиборга олган ҳолда ушбу жараёнлар мазмунини ўзида ифодаловчи қисқа тушунтиришлар ахборот-методик таъминотнинг глоссарий саҳифасида берилган.

Мавжуд электрон ресурслар фойдаланувчилар учун тайёрлаш мазмунига қўйиладиган талабларга жавоб бериши, ахборотлилиги ва кўргазмалилиги таъминланганлиги билан ҳарбий хизматчилар мустақил таълимнинг самарадорлигини, касбий тайёргарлик даражасини оширишга, билимларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Электрон ресурсларда тасаввурни кенгайтиришга, жараёнларни моделлаштиришга қаратилган анимацияли ҳаракатларнинг берилиши, курслардаги тушунчаларни ёритишида гипермурожаатларнинг қўлланиши асосий тушунчаларни мустаҳкам шакллантириш имкониятини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-117-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.

²⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июнданги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 200-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли қарори.

8. Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. Монография. – Тошкент: Фан, 2007. – 160 б.

9. Зимняя И.А. Психология обучения неродному языку. – М.: Русский язык, 1989. – 220 с.

10. Полат Е.С. Теория и практика дистанционного обучения: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2004. – 416 с.

11. Хуторский А.В. Деятельность как содержание образования // Ж. Народное образование. – Москва, 2003. – № 8. – С. 107-114.

12. Щадриков В.Д. Деятельность и способности. – Москва: Педагогика, 1994. – 320 с.

ЁШЛАР МАЊНАВИЙ КАМОЛОТИГА ЭРИШИШДА БАДИЙ АДАБИЁТНИНГ ЎРНИ

**Элов М.Р. – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, ўқитувчи
Холсаидов Ф.Б. – Тошкент давлат педагогика университети, тадқиқотчи**

Аннотация. Ушбу мақолада ўқувчи ёшлар ва талабаларни мањнавий баркамол шахс этиб тарбиялашда ўзбек адабиётининг тарбиявий характерга эга бўлган бой ва сермазмун дурдона асарлари тўғрисида сўз юритилган. Адабий-бадиий жиҳатдан етук асарлардан бир нечтаси тавсия этилган.

Калит сўзлар: тарихийлик, проза, наср, романчилик, адабий-эстетик тамойил, тарихий мұхит, сюжет, прототип, реал ҳаёт, образ.

РОЛЬ ЛИТЕРАТУРЫ В ДУХОВНОМ ВОСПИТАНИЕ УЧАЩЕГОСЯ

**Элов М.Р. - Государственный институт искусств и культуры Узбекистана, преподаватель
Холсаидов Ф.Б. – Ташкентский государственный педагогический университет, исследователь**

Аннотация. В данной статье рассматриваются богатые и продуктивные произведения узбекской литературы, которые носят образовательный характер в плане воспитания молодежи и студентов как духовных личностей. Некоторые из литературных и художественных произведений рекомендуются.

Ключевые слова: история, проза, новизна, литературно-эстетический принцип, историческая среда, сюжет, прототип, реальная жизнь, изображение ткани, интерпретация, научный и художественный образ.

THE ROLE OF LITERATURE IN THE SPIRITUAL EDUCATION OF THE STUDENT

**Elov M.R. - State Institute of Arts and Culture of Uzbekistan, teacher
Kholsaidov F.B. - Tashkent State Pegical University Nizami, researcher**

Annotation. This article discusses the rich and productive works of Uzbek literature, which are educational in terms of educating young people and students as spiritual personalities. Some of the literary and artistic works are recommended.

Key words: history, prose, novelty, literary and aesthetic principle, historical environment, plot, prototype, real life, tissue image, interpretation, scientific and artistic image.

Китоб – инсоннинг энг яқин ва беминнат маслаҳатчиси, ақл қайроғи ва билим манбаидир. Китоб фикрлаш қуроли, хазиналар калити, тафаккур манбаи бўлгани учун ҳам халқимиз уни мўътабар ҳисоблайдилар. Шунинг учун китобга муҳаббат, уни қадрлаш, ўқишига иштиёқ, халқимизнинг қонқонига сингиб кетган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши³⁰ китоб, китобхонлик маданиятининг жамият маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролини яна бир янги босқичга кўтарилишига замин яратди. Китоб инсонни ердан кўкка кўтарувчи, унинг маънавий қувватини оширувчи буюк куч, инсониятнинг тарихий хотираси, инсонларнинг ўз маънавий-маърифий, илмий тафаккурини мұстаҳкамловчи маёқdir.

Шунинг учун ҳам бизнинг юртимизда илм олиш, китоб ёзиш, ижод қилиш ҳар доим ҳам миллатнинг мавжудлиги ва у нимага қодир эканлигини кўрсатувчи муқаддас тушунчалар ҳисобланади. Арасту ҳакимдан Абу Али Ибн Синога, Афлотундан-Абу Райҳон Берунийгача, Жалолиддин Румийдан Алишер Навоийгача, Соҳибқирон Амир Темурдан Муҳаммадшариф Гулханийгача юзлаб, минглаб мутафаккирларнинг шаклланиши, дунёга танилиши, замонлар ошсада аҳамияти йўқолмайдиган тадқиқоту кашфиётлари фақат ва фақат китоб орқали юз берди. Уларнинг бугунги авлод томонидан чуқур ўрганилиши, улар илмий-маърифий бисотига бот-бот мурожаат қилишнинг сабаби ҳам мутафаккирларимиз томонидан яратилган китоблар туфайлидир³¹.

Тарихда подшоҳ Ҳусайн Бойқаро Ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳар бир янги асарини муштоқлик билан кутиб, ўзи учун байрамдай ўқиб мутолаа қиласди. Подшоҳ бўлишига қарамай, ўқиш унинг юксак маънавий эҳтиёжига айланган. У шу эҳтиёжсиз яшолмайди. Ўқишдан у қўйидаги мақсадларни кўзлади: биринчидан, бундан беҳад завқланади; иккинчидан, илҳомланади, Навоийнинг ҳар бир сўзи илҳомбахш; учинчидан, ақлий қобилияtlари ва ҳиссиётлари бойийди; тўртинчидан, Навоий билан сўза нафис ижод устида узоқ сухбатлашиш имконияти туғилади: бу сухбатларда у Навоийга янги асар ҳақидаги ўз фикрларини айтади, ҳатто Навоий саҳифаларини таҳrir қиласди, тузатишлар киритади. Янги ёзилган варақларни китобат қилишга ундейди, шоҳона машваратлар ва кенгашларда Навоийнинг янги асарини тўлиб-тошиб мақтайди, Навоийдан мисоллар келтиради, Навоийга янги асарлар учун ғоялар беради³².

Ўқувчи ёшлар ва талабаларга адабиётимиздаги бой ва сермазмун, адабий-бадиий жиҳатдан етук асарларни тақдим этиш уларни маънавий баркамол авлод этиб тарбиялашнинг муҳим омилларидан биридир. Адабиёт ҳамма замонларда ҳам инсонни етукликка, комилликка ундангани каби бугунги кун ёшлари ҳам ўзбек адабиётининг мумтоз ва замонавий жанрларидағи асарлари билан танишиш орқали ҳаёт, ижтимоий муҳит, одоб, тарбия борасида чуқур тушунчаларга эга бўлиши, ўз идеалларини топа олади, бадиий сўз қудрати билан ўзларининг маънавий дунёқарашини оширади.

Рӯҳшуносларнинг таъкидлашича, балоғат давридаги ўсмир ёшлар жамиятда ўз ўрнини топишига интиладилар, кўпроқ ўз “мен”ига эга бўлишни истайдилар. Инсоннинг жамиятда ўз ўрнини топиши, кишилар орасида маълум мавқега эга бўлиши унданги инсоний фазилатларнинг қай тарзда ташкил топганлиги билан боғлиқ. Бу борада ёшларнинг ўз тентқурлари ҳикоя қаҳрамонлари бўлган бадиий асарларни тўғри танлай билиш ва тақдим этиш ўқитувчи-тарбиячидан адабиёт фани борасида ҳам юксак дид ҳамда билим ва маҳоратни талаб этади. Адабиёт табиийки, ўз тарихига эга, ўзбек

³⁰ <http://lex.uz/docs/3338600> 2017 йил 12 январь

³¹ А. Маврулов. “Шахс камолоти ва китобхонлик маданияти”. <https://kun.uz/25212978>

³² Иброҳим Гафуров. “Китоб инсониятни қутқаради”. <http://kh-davron.uz/kutubxonasi/uzbek/kitob-ibrohim-gafurov.html>

адабиётининг мероси тарбия жараёнида кўплаб саволларга жавоб топиб бера олади. Тарих, ижтимоий ҳаёт ва бошқа кўплаб мавзуларда сўз юритади. Алишер Навоийнинг “Ҳайрату-л-аброр” (“Яхши кишиларнинг ҳайратланиши”) достонида ҳам кун тартибига қўйилган масалалар бевосита комил инсонга хос одоб, қаноат, карам ва саховат, футувват, ростлик, вафо каби хислатларни шакллантиришга қаратилган. “Хамса”нинг “Фарҳод ва Ширин”, “Сабъаи сайёр” “Садди Искандарий” достонларида ҳам инсонни комилликка элтувчи ҳикоятлар ўзига хос тарзда талқин этилган. Бу борада атоқли адид Ойбек 1936 йили ёзилган “Навоий ҳақида” тадқиқотида шоир қаҳрамонлари хусусида сўз юритар экан, уларнинг фаол шахсиятига дикқат қаратади: “Фарҳод актив шахсият. У тинч, шоҳона ҳаёт кечиришдан ўзини минг балога уриб муаммони ҳал этишини афзал кўради. Аждаҳо ва девлар билан курашиб, тилсимни очишига ҳаракат қиласи ва бунга муваффақ бўлади”³³. Навоий асарларида фалсафий ва бадиий тафаккур тарзининг бир бутунлигини кўра олган Ойбек: “Навоий жаҳон адабиётида асарлари чуқур фалсафий мазмунга эга бўлган оз миқдордаги буюк ва нодир ижодкорлардандирки, уларнинг асарларида фалсафа билан поэзия органик равишда бирлашади, ягона бир тилга эга бўлади”, - деб таъкидлайди. Алишер Навоийнинг “Хамса” асари қаҳрамонларининг тарбия борасида ибрат бўла олишига ишора қиласи. Ўзбек адабиётида ўзининг буюк асарлари билан из қолдирган адид Пиримқул Қодиров ижодига мурожаат қилиш орқали ҳам тарбия борасидаги юқоридаги масалаларнинг ечимини топиш мумкин. Пиримқул Қодировнинг дастлабки ҳикояси “Студентлар” деб номланади. Мазкур асарда талабаларнинг қайноқ ва сермазмун ҳаёти тўғрисида сўз юритилган. Кейинчалик бу мавзуга яна мурожаат қилиб, ўзининг “Уч илдиз” романини яратди.

-Талабалик йиллари университет мен учун катта адабиёт эшигини очиб берган. Ўша дамлардан илҳомланиб ёзган “Уч илдиз” романида азиз устозларим ва тенгдошларим ҳаётини, уларнинг орзу-умидлари ва руҳий оламини тасвирлашга интилганман. Асар ҳақида адабиётшунослар, кўпсонли китобхонларимиз билдиришган илиқ фикрлар ҳам аслида мана шу ўқув даргоҳимизга эҳтиром рамзи дегим келади!, - деган эди адид сұхбатлардан бирида. Адиднинг мазкур “Уч илдиз” романи талабалар ҳаётига бағишилаб ёзилган биринчи ўзбек романи бўлиб, асарда ўша даврда илдиз отган тарафкашлик, мансабпараматлик, сохталиқ, дабдабабозлиқ, ҳакикатдан кўз юмиб, ростгуй инсонларни қадрламаслик каби иллатлар фош этилган, асарда ҳақиқий истеъододли зиёлиларнинг барибир камол топиши ҳаётий мисоллар орқали ифодаланган. Романдаги воқеалар Маҳкам, Очил, Замира, Зокир, Гавхар, Ҳакимов, Эшонбоев, Акбаров, Тошев, Умаров каби образлар орқали ёритилади. Асар давомида самимилик, эътиқодга садоқат, вафодорлик ва ростгуйлик, кийинчиликлардан қўрқмаслик ва уларни енгишга дадил интилиш каби фазилатлар инсонийликнинг олий даражаларини тақдим этишига гувоҳ бўламиз.

Адиднинг “Қадрим”, “Эрк”, “Мерос”, “Акрамнинг саргузаштлари”, “Яира институтга кирмоқчи” номли кейинги асарлари, шунингдек, “Нажот”, “Қора кўзлар”, “Олмос камар”, “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони”, “Она лочинnidоси” каби романлари ҳам китобхонлар томонидан севиб ўқиласи. Ёшларга маънавий-ахлоқий, тарихий ва бошқа турли долзарб мавзуларда кенг билим бериш билан бирга уларни қизиқтирган жуда кўплаб саволларга ечим топиб бера олади. Инсоний фазилатлар, қадр-қиммат, меҳр-оқибат, ўзаро дўйста наимий муносабатлар каби мавзуларда ёшларнинг дунёқарашини оширишга хизмат қиласи. Мазкур асарлар орасида, айниқса, тарихий асарлар ўзбек адабиётининг энг сара тарихий романлари қаторига киритилган бўлиб, уларда улкан тарихий салтанатнинг парчаланиб кетиши, Темурийлар сулоласининг инқизози, ҳокимиятга эришиш учун таҳт талашиб, бир-бирларига қилич кўтарган оға-ини, тоға-жиянларнинг қисматлари ҳақида ҳикоя қилинади. Роман воқеалари орқали ўқувчи уюшқоқликдан бехабар гуруҳни душман қанчалар осон маҳв этиши мумкинлигини билиб олади. “Юлдузли тунлар” романида асарнинг бош қаҳрамони Мирзо Бобур одамлардаги бемеҳрлик, бир-бирини кўролмаслик, худбинлик, хиёнат сингари жирканч иллатлар билан ғоят эрта, ўн икки ёшида таҳтга ўтирганида рўбарў бўлиши, тақдирнинг аянчли зарбаларидан зада бўлган шоҳнинг кўйган юраги – шоир қалби қаландарликни ихтиёр этгани ҳақида сўз юритилади. Асар мутолааси давомида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бутун умр Ватан ишқида ёниб, соғинч билан ўртангандиги, «Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим...» деб Ватан соғинчини

³³ Vohidov R., Eshonqulov H. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. – T.: O'zYU Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2006.

бошдан ўтказганлиги китобхон қалбини ларзага солади³⁴. Ушбу асар орқали Ватанни севиш ва ватанпарвар бўлиш, халқ хизматига камарбаста бўлиш, эл-юрт дардида ёниш лозимлиги каби фазилатларни шакллантириш мумкин. Асар фалсафий мушоҳадаларга бойлиги ва теран миллий руҳ билан суғорилганлиги, буюк сиймоларнинг шонли ва мураккаб ҳаёт йўли, тарихдаги буюк хизматларини тарих ҳақиқатига содик ҳолда холис талқин этганлиги билан ҳам қадрлидир. Адиднинг тарихий асарларининг ҳаммасида темурйлар сулоласига мансуб аёлларнинг ҳам тарихий сиймолари катта эҳтиром билан ёритилган. Асаддаги Хонзодабегим, Ҳамидабону каби образлар ўзбек адабиётидаги илм-маърифатга ошно қалбли аёллар образини янада бойитган.

Адабиёт воситасида баркамол шахсни тарбиялаш масаласи тўғрисида сўз юритилар экан, ўзбек адабиётининг шеърият жанри тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Бунда Ўзбекистон Қаҳрамонлари - Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқа кўплаб шоирларнинг бой ва сермазмун ижодий меросидан фойдаланиш мумкин.

Хусусан, Эркин Воҳидовнинг «Қўшиқларим сизга», «Юрак ва ақл», «Менинг юлдузим», «Мұхабbat», «Келажакка мактуб»), икки жилди сайланма («Мұхаббатнома» ва «Садоқатнома»), «Куй авжида узилмасин тор», «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» каби китобларига киритилган достон ва шеърларининг аҳамияти катта.

Эркин Воҳидов шеъриятида инсон шуниси билан қимматлики, у ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатларидан, қарама-қаршиликларидан, ҳаёт диалектикасидан асло кўз юммайди, юз ўғирмайди, балки шу тинимсиз ҳаракатдаги диалектика ичida ҳаёт оқимиға, атроф муҳитга, ўзини қуршаган борлиққа дадил, матонат билан фаол таъсир кўрсатишга интилади. Шоирнинг шеъриятида даврнинг безовта, изловчан руҳи ўзига хос, такрорланмас образларда акс этади. Изтиробли ўйлар, ўтқир публицистик руҳ, кескин кинояли оҳанг билан тўлиқ етук асарларида ўз даврининг адолатсиз тузумидан норозилик, ижтимоий түргунлик, эгасизлик, құлчилық, машъум якка ҳукмронлик ва маккорона кўринишдаги истибдод найрангларига қарши исёнкор ва туғёнли сўзини айтади. Миллатнинг ўйғониши, ўзини таниши, маърифатли оламда бошқа илғор ҳалқлар қаторидан ўз тарихий ўрнини топиши учун қайғуради. Озодлик, зиёлиллик ва ҳақиқат Эркин Воҳидов ижодининг етакчи ғоялариdir³⁵.

Шунингдек, Абдулла Ориповнинг «Митти юлдуз», «Қўзларим йўлингда», «Онајон», «Рұхим», «Ўзбекистон», «Хотирот», «Юртим шамоли», «Юзма-юз», «Ҳайрат», «Нажот қалъаси», «Йиллар армони», «Муножот», «Сайланма», «Дунё», «Шоир юраги» каби шеърий китобларидан жой олган Ватанга садоқат, инсонпарварлик тўйғусини улуғлаш, тарихга муҳаббат мавзусидаги шеърлар ҳам тавсия этилади.

Китоб ўқишига ва ундан маънавий озуқа олишга инсон хоҳласа вақт топади. Китоб ўқиши зарурат ва эҳтиёж эканлиги ёш авлод қалбига, онгига, шурига сингдирилса, китобнинг фойдасини ҳис қилиш шакллантирилса, инсон ҳамиша китоб ўқииди. Бадий адабиётлардаги ижобий қаҳрамонлардан ўрнак олади. “Эҳтиёжи бор одам бу — Наполеон. Эҳтиёжи бўлганки, вақти ниҳоятда зиқ бўлишига қарамай немис ёзувчиси Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” романини жуда катта қизиқиш ва қунт билан ўқиб чиққан ва Германияга келганида адабни ҳузурига чорлаб үнга асар ҳақидаги таассуротлари ҳамда фикр-мулоҳазаларини жўшқинлик билан билдирган”³⁶.

Хулоса шуки, энг олий даража, юксак поғоналарга чиқа оладиган бадий адабиёт намуналари инсониятни тўлқинлантирадиган, ҳаяжонга соладиган ўй-фикрлар, кечинмалар, орзу-умидларни ифодалайди. Дунёда инсонлар бир – бирларига ўхшамаганларида, уларнинг қалб кечинмалари ҳам тақрорланмасдир. Ўзбек адабиёти тарихи инсон руҳий ҳолатларини маҳорат билан акс эттирган дурдоналарга бой. Улар ҳозирги авлод руҳиятида, қалбida ҳам ҳаяжон ўйғота олади, уларнинг маънавий бойишларига тегишли ҳисса қўша олади. Мұхими, улар фақат маърифий билимни ошириш билан чекланмай, бадий дид такомилига, маънавий камолотига хизмат қиласди.

³⁴ https://kitobxon.com/uz/kitob/yulduzli_tunlar

³⁵ Раҳматулла Иногомов, Иброҳим Ғафуров. <https://ziyouz.uz/ozbek-ziyolilari/erkin-vohidov-1936/>

³⁶ Иброҳим Ғафуров. “Китоб инсониятни қутқаради”. <http://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/kitob-ibrohim-gafurov.html>

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Самарқандий Давлатшоҳ. Шоирлар бўстони (“Тазкират уш-шуаро”дан) – Т.: Адабиёт ва санъат, 1967.
2. . Навоий замондошлари хотирасида. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1985.
3. Сирожиддинов Шуҳрат. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типовологик, текстологик таҳлили. – Т.: Akademnashr, 2011.
4. Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти (халқаро илмий-назарий анжуман материаллари). – Т.: O’zbekiston, 2011.
5. Vohidov R., Eshonqulov H. O’zbek mumtoz adabiyoti tarixi. – Т.: O’zYU Adabiyot jamg’armasi nashriyoti, 2006.
6. <http://www.e-adabiyot.uz/uzbek/mumoz/navoiy/1295-maqola.html> Эргашали Шодиев
7. <http://www.e-adabiyot.uz/uzbek/mumoz/navoiy/1294-maqola.html> Акмалхон Абдуллахонов
- 8..<http://www.e-adabiyot.uz/uzbek/mumoz/navoiy/1045-maqola.html> Дилнавоз Юсупова

MUNDARIJA

PEDAGOGIKA		
Abdullayeva B.S. BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHISINING KASBIY-PEDAGOGIK FAOLIYATIDA AXBOROT KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH	2	
Muminova L.R., Maksudova N.A. O'QITUVChI ShAXSINI ShAKLLANTIRISH MUAMMOLARI	7	
Marasulova Z.A. UZLUKSIZ TA'LIM TIZIMIDA «INFORMATIKA VA AXBOROT TEXNOLOGIYaLARI» FANI UZVIYILIGI VA UZLUKSIZLIKNI TA'MINLASH MUAMMOLARI	10	
Sodiqov X. BO'LAJAK O'QITUVCHINING "KOMMUNIKATIV-NUTQ MADANIYATI" TUSHUNCHASINING MOHIYATI VA UNING NAZARIY MODELI	13	
Zarmasov Sh. PEDAGOGIK FAOLIYATDA BO'LAJAK O'QITUVCHINING KASBIY REFLEKSIYASINI RIVOJLANTIRISH	17	
G'ofurova M.S. MASALALAR USTIDA IJODIY ISHLASH	20	
Abdunazarov L.M. MILLIY TA'LIM TIZIMIDA EKOLOGIK MA'NAVIYATLI SHAXSNI TARBIYALASH	24	
Botirova N.J. MATEMATIKA FANINI O'QITISH JARAYONIDA TALABALARNING TADQIQOT QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISHDA INTERAKTIV VOSITALARDAN FOYDALANISH	27	
Akramova X. MAXSUS MAKTABLarda MEHNAT DARSALARINI O'QITISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYaLARINI RIVOJLANTIRISH YO'LLARI	30	
Saidova M.J. BOSHLANG'ICH SINFLarda MASALA YECHISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI TATBIQ ETISHNING METODIK ASOSLARI	33	
Xudoberganova M., Xudoberganov G. ESP LEANER DASTURI ASOSIDA NUTQIY KO'NIKMALARINI OSHIRISH FAOLIYATI	37	
Turakulova F., Isomitdinov S., Yuldasheva M., Tolipova O. PEDAGOGIKDA IJTIMOIY GUMANIZM TARIXI	40	
Israilova D. NOFILOLOGIK OTMLARDA INGLIZ TILINI O'QITISH	44	
Zaripova D., Kholikova S. AXBOROT TEXNOLOGIYALARI O'QITISH USLUBLARI	47	
Meliev K.N. BOSHQARUV TIZIMI TERMINLARI	49	
Isakulova B. O'QITISHDA NOTIQLIK SAN'ATINING O'RNI	53	
Hakimov S.U. OLIY TA'LIM MUASSALARI TALABALARIDA KASBIY KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH	56	
Aliyarov A.D. TALABALARDA MA'NAVIY QADRIYATLARNI RIVOJLANTIRISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	59	
Elmuratova D. BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHISINING INNOVATSION FAOLIYATGA KASBIY TAYYORGARLIGINING ASOSIY KO'RSATKICHLARI	63	
To'xtasinov D.F. MAKTAB O'QUVCHILARIDA MANTIQIY TAFAKKUR USULLARINI RIVOJLANTIRISHNING DIDAKTIK ASOSLARI	68	
Abduvaliyeva D.N. AKADEMİK LITSEY MATEMATIKA DARSLARIDA RIVOJLANTIRUVCHI TA'LIM ASOSIDA TALABALAR MATEMATIK TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISH	74	
Zaripova D.A. AXBOROTLASHTIRILGAN MUHITDA KASB TA'LIMI JARAYONDA INNOVATSION FAOLIYATNING AHAMIYATI	78	
Ruzikulova N.Sh. MATEMATIKA DARSALARIDA O'QUVCHILARNING AXBOROTLAR BILAN ISHLASH KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHNING METODIK JIHATLARI	81	
Abduraimova G. BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHILARINI O'QUVCHILARINING LOYIHALASHTIRISH FAOLIYATIGA RAHBARLIK QILISHGA TAYYORLASH	86	
Akromov Sh.R. AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI ASOSIDA CHET TILINI O'QITISH	91	
Alijonova N.R. OLIY TA'LIM TIZIMIDA TARBIYAVIY JARAYONNI TAKOMILLASHTIRISHDA ISLOHOTLAR	96	
Usmonova S., Xolmatova G. TALABALARNING KOMMUNIKATSIYA MADANIYATINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI	99	
Baxtiyorova F.X. CHET TILLARINI O'RGANISHDA TAHLILYI FIKRLASHNING AHAMIYATI	101	
Delov T.E. IQTIDORLI BOLALAR BILAN ISHLASH USULLARI	103	
Yunusova D.M. TIBBIY MUASSASALARDA TERMINOLOGIYA TA'LIMINI O'QITISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI (AKT)	107	
Zoyirova D.A. CHET ELLIK TALABALARGA DARS BERISHNI DAVOM ETTIRISH HUQUQINI OLİSH	109	
Akbarova D.R. MAXSUS MAKTABGACHA TA'LIM MUASSASASIDAGI 5-6 YOSHLI TARBIYALANUVCHILARDA UCHRAYDIGAN YASSITOYON NUQSONI BOR BOLALAR UCHUN MO'LJALLANGAN KOMPLEKS MAXSUS MASHQLAR	112	
Ayupova M.Yu., Igamberdieva X.R. DIZARTRIYADA TOVUSHLAR TALAFFUZIDAGI KAMCHILIKLARNI O'YINLAR ASOSIDA BARTARAF ETISH	116	

IJTIMOIY FANLAR. TARIX	
Ishkuvatov V. O'ZBEKISTONDA MAHALLA: MOHIYATI VA O'ZIGA XOSLIGI	119
Mansurov U.N., Ismatullaev F.O. BUYUK IPAQ YO'LI YO'LIDA: O'ZBEKISTON VA XITOY O'RTASIDAGI ALOQALAR RIVOJLANISHINING YANGI BOSQICHI	123
Abdullayev D.N. XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA O'RTA OSIYO XONLIKlarINING XAYRIYA VA HOMIYLIK ISHLARI (BUXORO AMIRLIGI VA XIVA XONLIGI MISOLIDA)	126
Umarov S.Ya. O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA GERMANIYANING MADANIY HAMKORLIGI TARIXI	129
Mirzayev G.R. ZAMONAVIY XALQARO MUNOSABATLAR SHAROITIDA MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI INTEGRATSİYALASHUVI MASALALARI	133
Usarov S.R. O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA OSIYO – TINCH OKEANI MINTAQASI DAVLATLARI HAMKORLIGINING HUQUQIY ASOSLARI	136
Mejevnikova O., Vedyaykin V. DUNYOQARASH TUSHUNCHASINING MOHIYATI, UNING FALSAFAGACHA BO'LGAN SHAKLLARI	139
FILOLOGIYA	
Madjidova R.U. ANTROPOTSENTRIK MAQOLLarda DUNYO MANZARASINING IFODALANISHI	146
Mamatqulov X.A. HARBIY PEDAGOGLARNING INGLIZ TILI BO'YICHA KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHDA MUSTAQIL TA'LIMNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	149
Elov M.R., Kolsaidov F.B. YOSHLAR MA'NAVIY KAMOLOTIGA ERISHISHDA BADIY ADABIYOTNING O'RNI	154